

616-7
Б-274



А. Н. ВЕЛИКОРЕЦКИЙ

МЕДИЦИНА
ТЕХНИКАСИ

7

ЎРТА
МЕДИЦИНА
ХОДИМИ
КУТУБХОНАСИ

A. Н. ВЕЛИКОРЕЦКИЙ

K
616-7
B-274

МЕДИЦИНА ТЕХНИКАСИ

Мәденина фанлари кандидати
А. ШОМАҲМОДОВ
таржимаси

046321



ЎзССР • МЕДИЦИНА • НАШРИЁТИ • 1975 • ТОШКЕНТ

УДК 615.471
610:6
В 40

РЕФЕРАТ

Бу китоб диагностика ва даволашнинг техник усууллари ҳамда тегишли аппаратларни ишлатиш тўғрисидаги амалий қўллашадир.

I бобда касалнинг умумий ахволини кузатиб боришининг асосий методлари: термометрия, артериал босимни ўлчаш, электрокардиография баён қилинган. II боб текшириш учун қон бадгам, аклат массалари олиш усууллари ва диагностик пункциялар билан ўқувиларни таништиради. III бобда дори моддалари ва эритмаларни организма юбориш техникаси, яъни тери остига, мускуллар орасига ва веналарга инъекция қилиш ҳамда кўйиш усууллари, бу усуулларниң қайси ҳолларда қўлланилиши, ишлатиладиган аппаратлар, учраши мумкин бўлган хато ва асоратлар. IV бобда кислород билан даволаш, кислород алмашинувининг бузилиши, кислород юборишининг ингаляцион усууллари, көвездлар, кислород палаткалари, тери остига кислород юбориб даволаш усууллари, мебда ва ичакка кислород юбориш методикаси тасвир этилган. V боб китобхонларни терминал ҳолатларда бериладиган ёрдамининг техник чоралари, юракни билосита массаж қилиш, электр дэ-фибрилляция, сунъий нафас олдириш ўйлари билан таништиради. VI бобда зондлар ёрдами билан, фистула орқали ва парентерал йўл билан касални озиқлантириш тасвирланган бўлса, VII бобда стерилизация ва операция хоналарининг аппаратлари, асбобларни обработка қилиш, автоклавлаш, бактерицид лампалар, аспираторларни ишлагиш, диатермокоагуляция тасвирланган. VIII бобда механик чок солиши учун ишлатиладиган ҳар хил аппаратлар. IX бобда эндоскопиянинг хилмазил турлари ва уларга аталган аппаратлар, баён қилинган.

Сўнгра, кўкрак бўшлиги органлари (X боб), қорин бўшлиги органлари (XI боб) ва сайдик органлари (XII боб) касалликларининг диагностикаси ҳамда давоси учун қўлланиладиган техник усууллар баён қилиб берилади. Жумладан, X бобда спирометрия, ангиокардиография, плеврадан ҳавони чиқариш ва суюклини сўриб олиш, XI бобда мебдага зонд солиш ва уни ювиш, мебда ширасини олиш ва цитологик жиҳатдан текшириш, дуодепал зонд солиш, радионизотоплар билан скенирлаш, клизма қилиш ва бошқалар, XII бобда катетеризация, цистоскопия пиелурография, Зимницкий усулига мувофиқ қилинадиган синамалар тасвирлаб берилган.

Китоб ўрта маълумотли медицина ходими, ўрта ва олий медицина ўқув юртларининг студентларига мўлжалланган.

Великорецкий А. Н.

Медицина техникаси. А. Шомаҳмудов таржимаси. Т., «Медицина», 1975.

275 б., расм. (Ўрта медицина ходими кутубхонаси).

Великорецкий А. Н. Медицинская техника.

610:6

30310—
В М354(06)—74 46—75



ЎзССР «МЕДИЦИНА» нашриёти, 1975
Ўзбекчага таржима

СҮЗ БОШИ

Диагностика ва даволаш методлари такомиллашиб, янгидан-янги аппаратлар күнайиб бораётгани муносабати билан ҳамма медицина ходимлари учун ва хусусан процедура, диагностика кабинетлари ҳамда хирургия бўлимларида ишлайдиган медицина ҳамширалари (операцияхоналари, боғлаш хоналари ва палата ҳамширалари) учун медицина техникаси билан танишиш зарур бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, мазкур масалага бағишланган маҳсус қўлланма йўқ.

Ушбу қўлланманинг асосий вазифаси — хирургия клиникасида қўлланиладиган энг муҳим даволаш ва диагностика процедуralарини тайёрлаш ва ўтказиш ҳақидаги, буларни бекам-кўст қилиб бажаришни таъминлаб берадиган техник усувлар тўгрисидаги тарқоқ маълумотларни умумлаштириш, шунингдек замонавий медицина ускуналари ва асбобларининг иш принципини ҳамда уларни тўғри ишлатиш йўлларини баён қилиб беришdir.

Китоб ўрта маълумотли медицина ходимига мўлжаллаб ёзилган бўлгани учун фельдшер, акушерка ва медицина ҳамшираси бажарадиган чора-тадбирларни тасвирлашга, шунингдек ўрта маълумотли медицина ходими қўлида бўладиган медицина ускуналарини ишлатиш қондаларини баён қилишга асосий аҳамият берилди. Ўрта маълумотли медицина ходимининг роли қўшимча аҳамиятга эга бўлиб қоладиган ҳоллар тўгрисида умумий маълумотлар бериб үтиладики, булар врач томонидан ўтказилаётган текширишда онгли равишда иштирок этиш учун ёрдам беради.

Диагностика ва даволашнинг янги методлари тўғрисидаги маълумотлар имкони борича кенгроқ ва тушунарлироқ бўлиши керак, чунки замонавий клиник медицинанинг тараққиёти кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Материални баёни қилишда ВНИИХАИ, «Красногвардеец» заводи ва аппаратлар ишлаб чиқарадиган бошқа корхоналар томонидан ишлаб чиқилган проспект ва инструкциялардан фойдаланилди, лекин уларнинг тексти урта маълумотли медицина ходимишинг тайёргарлигига яраша анича қисқартиб ва соддалаштириб олинди.

Бу қўлланма парваришнинг умумий техникаси, қоп қўйиш каби баъзи масалаларни ва Е. Г. Дехтарь ва Л. К. Титов (1968), А. Н. Великорёцкий (1964) китобларида баён қилинган бошқа бир қанча масалаларни ўз ичига олмайди.

Мана шу хилдаги бирничи нашр, шак-шубҳасиз, бир қанча камчилик ва ноанцқликлардан холи эмас. Китоб баёнидаги камчиликлар кўрсатиб берилса, муаллифлар миннатдор бўладилар.

Муаллиф

ТЕРМОМЕТРИЯ

Организмнинг хаёт-фаолияти нормал кечинши учун тана температураси доимо бир хилда бўлиши шарт. Иссиклик хосил қилиш ва уин ташқарига чиқариш процессларини марказий нерв системаси идора этиб турадиган бўлгани учун тана температураси 36,5—37° атрофида сакланиб туради. Температурани бир кеча-кундуз давомида тез-тез ўлчаб кўриш натижасида соглом одамларда 0,5—1° атрофида арзимас даражада суткали ўзгаришлар бўлиб туриши маълум бўлди, айни вақтда температура соат 15—17 га келиб кўтарилса, эрталаб соат 4—6 га келиб пасаяди. Тана температуранинг шу тариқа физиологик тарзда ўзгариб туриши қон айланishi, нафас ва организмнинг энг муҳим бошқа системаларида келиб чиқадиган функционал ўзгаришларга bogлиқdir. Температуранинг шу тариқа ўзгариб туриши овқатланиш, асабларга зўр келиши ёки мускуллар иши муносабати билан организмда моддалар алманинуви процесслари шиддатининг ўзгариб бориши туфайли келиб чиқади (организмда иссиқлик энергияси овқат масаллиқларининг тарқибига кирадиган ёғлар, оксииллар ва углеводларининг оксидланиши процессларида хосил бўлади).

Организмда ўткир ёки сурупкали яллигланиш процесси бўлса, температура ўзгаришлари айниқса рўй-росг маълум беради, чунки кўнича микроблардан чиқадиган қандай бўлмасин заҳарларининг таъсири организм реакциясига сабаб бўлиб, ҳамма функцияларини жумладаи иссиқликин идора этиш функцияларини ҳам ўзгартириб кўяди.

Иссиқлик идора этилиши бузилиб, температуранинг күтарилиб кетиши (иситма чиқиши деб шундай ҳолаттарга айтилади) одатда касалликнинг энг илк белгиларидан бири, күпинча эса, бирдан-бир, шунинг учун ҳам амалий жиҳатдан жуда қимматли аломати бўлади. Температуранинг нечоғлик юқори күтарилиши, ўзгаришларининг даврийлиги ва муддати, шунингдек қай тариқа пасайиб бориши дифференциал-диагностик ҳамда прогностик жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир, чунки кўпгина касалликларга хос бўлган муайян қонуниятлар бор.

Температурани аксари бир хил соатларда кунига икки маҳал: эрталаб наҳорга (соат 6—7 да) ва кечқурун кёчки овқат олдидан (соат 16—17 да) улчашади. Бироқ, температура күтариладиган пайтни ёки қисқа күтарилиб турадиган вақти қанча давом этишини аниқлаш керак бўлган бир қанча ҳолларда температурани ҳар 2 соатда улчаб туришга тўғри келади.

Температуранинг күтарилгани яллиғланиш процессига боғлиқми ёки иссиқликни идора этишининг издан чиққанига боғлиқми, буни аниқлаш учун пирамидон синамаси ўтказилади. Беморнинг температураси 3 кун мобайнида эрталаб соат 6 дан кечқурун соат 21 гача ҳар соатда улчаб борилади. Ўлчаш адогига етгунча бемор ўринда ётиб турадиган бўлса, яна яхши. Текширишнинг иккинчи куни касалга амидопирин (пирамидон) нинг 0,5% ли эритмаси ичирилади; соат 6 да 60 мл берилади, кейин эса ҳар соатда 20 мл дан бериб турилади. Температура ўлчашнинг биринчи ва учинчи кунлари контрол кунлар деб ҳисобланади.

Амидопирин ичилган куни температура пасайиши организмда яллиғланиш процесси борлигини кўрсатади.

Температура одатдаги симобли термометр билан ўлчанади. Температурани ўлчашдан олдин термометрни спирт билан артиш ва симоб устунчаси 35° дан паст тушишлиги учун силкитиш керак. Қоида ўлароқ, температура қўлтиқ ости чуқурчаларидан, камдан-кам ҳолларда чов бурмасидан ўлчанади. Текшириш олдидан тананинг шу қисмларини қуруқ қилиб артиш керак, чунки буғланиш ҳодисаси рўй бериб, температурани пасайтириб қўйиши мумкин.

Касални уйғотмасдан туриб температурасини ўлчаш ярамайди: ухлаб ётган одам термометрни маҳкам ушлаб туролмайди, шунга кўра термометр ҳақиқатдагидан

кура пастроқ температурани күрсатади. Бундан ташқа-ри, термометр сирғалиб тушиб синиши ёки уни одам синдириб қўйиши мумкин. Бемор беҳуш бўлиб ётган бўлса (наркоздан кейин ёки кома ҳолатида), ҳамшира унинг тўшаги ёнида бўлиб, қўлини ушлаб туриши керак. Термометр қўйилар экан, ён-верида грелка ёки музли халта қолмаганига ишонч ҳосил қилиш керак, булар температура курсаткичларини айнитиб қўйиши мумкин. Қўлтиқ ости чуқурчаси ёки чов бурмасида қизарган ёки шишиб чиққан жой бор-йўқлигига ҳам эътибор бериш керак, чунки маҳаллий яллигланишга алоқадор ўзгаришлар ҳам тананинг ҳақиқий температурасини бузиб кўрсатади.

Ёш болаларнинг температураси оёгини чаноқ-сон бўғимидан букиб туриб, чов бурмасидан ўлчанади. Бунда боланинг оёгини ушлаб туриш керак. Баъзи ҳолларда катта ёшли одамларнинг температураси оғзидан ўлчанади, шу билан бирга термометр тил билан оғиз туви ўртасига қўйилиб, юмилган лаблар билан тутиб турилади. Температурани тўғри ичакдан ўлчаш усули ҳам қўлланилади, тўғри ичакда температура қўлтиқ ости чуқурчасидагидан кўра $0,2-0,4^{\circ}$ баландроқ бўлади ($37,5^{\circ}$ гача нормал температура ҳисобланади). Температурани тўғри ичакдан ўлчаш учун олдин касалнинг ичини тозалайдиган клизма қилиб, ёнбошига ётқизиш ва яхшилаб вазелин сурилган термометри rectum-га киритиб қўйиш керак.


Қўлтиқ ости чуқурчаси, чов бурмасидан температурани ўлчаш 10 минут, тўғри ичакдан ўлчаш эса 5 минут давом этиши керак. Температурани ўлчаб бўлгандан кейин термометр ювилиб, дезинфекция қилинади ва ярим қилиб дезинфекцияловчи эритма (карбол кислотанинг 2% ли эритмаси, 1% ли сулема эритмаси) билан тўлдирилган оғзи кенг идишда (банка, стаканда) сақланади. Термометр шикастланмаслиги учун идиш тубига бир қават пахта солинган бўлиши керак. Юқори учига резина қалпоқча кийгизиб қўйилади, бу қалпоқча ҳўл термометр силкитилганда сирғалиб тушиб кетишига йўл қўймайди. Температурани ўлчаш натижалари температура варагига ёки касаллик тарихига мунтазам ёзиб борилади.

ЭЛЕКТРОТЕРМОМЕТРИЯ

Тананинг қандай бўлмасин бирор қисмидағи температура, асосан, уша жойга оқиб кела-диган қон миқдорига, яъни қон томирлар йўлининг кенг-лигига боғлиқ. Шу сабабли тери температурасига қараб, артерияларининг шикастлашганинг ёки махаллий яллиг-ланши процесси натижасида тўқималарининг қон билан таъминланиши қандай узгариб қолганинги түғрисидан фикр юритса бўлади. Терининг турли қисмларидағи температурани ўлчаш учун симболи термометрларга қа-раганда анча сезгир бўладиган ва тананинг ҳар қандай қисмидағи температурани ўлчашга мослаштирилган ме-дицина электр термометрларидан фойдаланилади. Облитерацияланадиган артериосклероз, облитерацияла-надиган эндартериит сипгари касалликларда электротер-

мометрия диагнозни аниқ-лаш ва қилинаётган даво-нинг нечоглик наф бер-ётганини кузатиб бориш учун қўлланилади. Темпе-ратура оёқ-қўлларнинг симметрик қисмларидаи ўлчанади.

Совет Иттилоғида ТЭМП-60 маркали меди-цина электр термометри ишлаб чиқарилади (1-рас-м). Унинг ишлаш прин-ципи температура ҳар хил бўлганида металл ярим ўтказгич (термистр) электр қаршилигининг ўз-гаришига асосланган бў-либ, температура ўзга-ришларини даражаларга



1-расм. Электротермометр.

1 — стрелка; 2 — корректори; 3 — переключатели; 4 — потенциометри-нинг лимби; 5 — шкаласи.


бўлнинг махсус шкалали сезгир микроамперметр ёрдами билан қайд қилиб борилади. Электр термометр «Сатурн» типидаги қуруқ батареялардан ток олиб иш-лайди. Бу асбобининг қўлтиқ ости чуқурчасидан тем-пературани ўлчашдада тутиладиган датчиклари, тем-пературани тўғри ишакдан ўлчашда ишлатиладиган

ректал датчиги ва тананинг ҳар кандай қисмидаги температурани тез ўлчаш учун мулжалланган стерженсимио датчиклари бўлади (2-расм)..

ТЭМП-60 ёрдами билан температура қўйидаги тартибда ўлчанади. 1. Қайси тана қисмининг температураси ўлчанадиган бўлса, ўша жойга датчик зич қилиб тақалади ва датчик асбобга уланади. 2. Кўрсаткич стрелкасининг ҳолати текширилади (1-расм, 1). Стрелка «виключено» ҳолатида 16° даражасига тўгри келиб туриши керак. Стрелка шу рақамга тўгри келмайдиган бўлса, корректор ёрдами билан 16° га тўгриланади. 3. Переключатель (3) «виключено» ҳолатидан «контроль» ҳолатига ўтказилади ва потенциометр лимби (4) ии бураб, ўлчагич стрелкаси 42° га қўйлади (ҳар бир датчик учун алоҳида-алоҳида). Переключатель «виключено» ҳолатига қўйлади, шунда кўрсаткич стрелкаси шкалада ўлчайётган жой температурасига тўгри келадиган бўлиб туриб қолади. 5. Ишдан кейин переключателни «виключено» ҳолатига келтириб қўйинин упутмаслик керак.

Электродлар спирт билан артилади; уларни кейин яна ўлчаш учун ишлатса бўлади.

Тана температурасини узлуксиз ёзиб бориш учун термографлар деган маҳсус асбоблар ишлатилади. Суткалик термограмма кундузи кўтарилиб, кечаси паст тушадиган, овқат ейилғанидан кейин ва одам уйғонганида кўтарилиб турадиган тўлқинсимон эгри чизиқ шаклида бўлади. Сурункали яллигланиш процесслари ва неврозларда ҳаммадан катта ўзгаришлар пайдо бўлади.



2-расм. Датчиклар.

1 — қўлтиқ остига; 2 — терига; 3 — тўғри ичакка қўйиладигани; 4 — стерженни хили.

АРТЕРИАЛ ВА ВЕНоз БОСИМНИ ҮЛЧАШ


Артериал босим миқдорини аниқлаш касалнинг умумий аҳволини билиш ва айниқса ундағи қон айланишига баҳо бериш учун медицина амалиётида содда ва объектив метод сифатида жуда күп қўлланиладиган бўлиб қолди.

Замонавий фикрларга мувофиқ, артериал босим дейилганда томирлар системасининг артериал бўлимида турган қоннинг босими тушунилади. Бу босим доим бир хилда турмайди ва қоннинг томирларда бир текис ҳаракатланишини таъминлаб беришга хизмат қиласидиган бир қанча омиллар таъсирини акс эттириб беради. Организмда қон томирлар ўзанининг турли бўлимларида босимлар фарқи мавжуд бўлгани туфайли ҳаракатлануб туради. Юрак систоласи вактида чап қоринчада максимал босим юзага келади, шунинг натижасида қон қоринча бўшлиғидан аортага итариб чиқарилади ва артериал томирлар қаршилигини енгиди, уларни тўлдирди ҳамда чўзиб, ростлайди. Артериялар деворининг чўзилиши қондан томир деворига тушадиган босим билан томир деворининг қонга кўрсатадиган тенг миқдордаги, аммо қарама-қарши йўналган босими бир-бирига тенглашмагунча давом этади. Томирлар деворининг кейинги қисқариши натижасида томирларда қон оқими юрак диастолага утиб, чап қоринчадаги босим амалда нулга қадар тушиб қолган пайтда ҳам, узлуксиз давом этиб туради. Гемодинамика тўғрисида ҳозир айтиб ўтилган қисқа маълумотларга асосан, систолик (ёки максимал) ва диастолик (ёки минимал) артериал босимни фарқ қилиш расм бўлган.

Шундай қилиб, артериал босимни үлчаш юрак чап қоринчасининг иши ва артериал тонуснинг ҳолати тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Соғлом одамларда нормал артериал босим миқдори бир қанча сабабларга, хусусан ёшга қараб, (систолик босими) симоб устуни миллиметрлари билан ҳисоблаганда максимали 100 дан 150 гача ва минимали (диастолик босими) 60 дан 90 гача ўзгариб туради. Артериал босимнинг нисбатан бир хилда туриши ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эгадир, чунки турли органлар ва биринчи галда бош миянинг қон билан таъминланиши шу босим миқдорига

боғлиқ. Шу муносабат билан аксари, масалан, наркоз ва операция вақтида артериал босим мұайян вақт орлатып мунтазам үлчаб борилади ва график тарзидә тасвирланади.

Артериал босим тонометрлар деган алоқида асбоблар ёрдами билан аниқланади, бу асбоблар артериядан қон оқиб үтішини тұхтатиб қўйиш учун зарур босим кучини (максимал босимни) ва артерияга қон оқиб кирабошлашига йўл берадиган артериялар босим кучини (минимал артериал босимни) қайд қиласади. Артериал босимни симобли ёки пружинали манометри бўладиган Рива-Роччи аппарати билан үлчаш ҳаммадан кўп расм бўлган. Симоб манометрли аппаратнинг елкага кийга-



3-расм. Рива-Роччи аппарати.

зиладиган манжетка күришидиаги ҳаво баллони бор (3-расм). Манжетка бўшлиғи миллиметрларга бўлинган (0 дан 300 гача) шкаласи бор симобли манометр билан туташтирилган. Манометр ва манжетка бўшлиғи резина найчалар билан қўшқават резина баллонга туташтирилган, шу баллон босилганида манжеткага ҳаво ки-

ради. Манжеткадаги босим манометрдаги симоб устун-
чинининг кутарилишинга қараб аниқланади. Манжетка-
дан ҳаво махсус винт (клапан) ёрдамида чиқариб юбо-
рилади. Замонавий аппаратларда симболи манометр ўр-
инга циферблати бор пружинали манометр қўйилган
бўлиб, стрелкасининг циферблатдан юрини босимни
симоб устуни миллиметрлари ҳисобида кўрсатиб бе-
ради.

Артериал босимни ўлчаш найтида симоб манометрли
аппарат шундай қўйилади, манометрининг нуль дара-
жаси ўлчанаётган артерия дами билан юрак дамида
турадиган булсин. Кон босимни ўлчаш учун кўпинча
елка артериясидан фойдаланилади. Бирок, бир қанча
касалликларда артериал босимни оёқлардан ҳам ўлчаш
зарур бўлади.

Аппарат манжеткаси кир бўлмаслиги учун уни кўй-
лак енги ёки юпқа газлама булаги устидан кўйган маъ-
кул. Манжетка елканинг ўрга қисмига имкони борича
маҳкам қилиб ўралади, кейин учи бояглаб қўйилади-
да, дам бериб, ичига ҳаво кириллади, бунинг натижака-
сида манжетка қон оқими тамом тўхтагуича елкани қи-
сиб қуяди (bosim симоб устуни ҳисоби билан 200 мм,
баъзан бундан ортиқ бўлгунча). Винт ёрдами билан
босим аста-секин насайтириб борилади ва шу билан
бир вақтда фонендоскои билан тирсак буқими соҳаси-
дан артерияга қулоқ солиб турилади (Коротков мето-
ди). Дастребки товушлар — босилиб қолган артерия-
даги тебрашишларга аллокадор тои ва шовқишилар пайдо
бўлиши билан шкалага қараб максимал босим белгилаб
олинади. Қаттиқ тоилар тамомила босилиб қолган пайт
минимал босим деб белгиланади.


Текшириш хатолари, хусусай минимал босимни аниқ-
лаш вақтида учраши мумкини, бупда босим пулга қадар
насайиб, пульс частотаси катта бўлганида ҳам тоилар
сақланиб қолади. Текширишини ҳаддан ташқари тез ёки
ҳаддан ташқари секин ўтказиш ҳам диастолик босимининг
асл миқдорини бузиб кўрсатиши мумкини. Кўн учрайдиган
хатоларнинг яна биро максимал босимни ўлчашда ман-
жеткага етарлича дам бермай, ҳавони кам киритишдири.

Артериал босимни ўлчаш юрак ўнг бўлимлари ва
веноз қон айланишининг ҳолати тўғрисида маълумот
бермайди, шу муносабат билан бир қанча касалликлар-
да веноз қон босими текшириб кўриладики, бу — ўнг

юрак иши ва ўпка доирасида қон айланиши түгрисида фикр юритишга имкон беради. Ўпка доирасида қон айланиши қийнилашиб қолганида, ўнг юрак заинфлешганида, умумий веналар ўзани яхши тұлишмай турғанда ва қорин органларининг майды томирлари кеңгайнбет ганида веноз қон босимини аниқлаш керак бўлади.

Веноз қон босими венани пункция қилиб, Вальдман флеботонометри ёрдамида түгридан-түгри венанинг ўзидан ўлчанади. Бу тонометр ишлатилганида (4-расм) игна (а) билан вена пункция қилиниб, резина найча ёрдамида шиша капилляр билан туташтириб қўйилади, капиллярга қоннинг ивиб қолишига йўл қўймайдиган эритма тўлдирилган бўлади. Капилляр миллиметрли даражаларга бўлинган штативда туради. Бу штатив манометр ўрнини босади (4-расм, б). Шиша найни тўлдириш учун эритмали резервуар бор. Манометрда нуль босим даражасини белгилаш учун ватерпасли чизгич (4-расм, в) бўлади.

Бутун асбоб шкаласи ва чизгичи билан биргаликда қайнатиб, стерилизланади. Система натрий цитрат ёки оксалатнинг стерилизланган 1% ли эритмаси билан резервуардан тўлдирилади. Шиша за резина найларнинг тўлиши қисқич (г) ёрдамида тўғриланади. Текшириш вақтида касал ҳеч бир қимирламасдан ётади, чунки мускулларнинг ҳар қандай ҳаракати ва тараангланиши веноз қон босимининг кўтарилишига сабаб бўлади. Қўллари юрагининг дамига келтириб қўйилади ва асбоб шкаласининг нуль босими ҳам ватерпас ёрдамида худди



4-расм. Веноз босими ўлчаш учун ишлатиладиган Вальдман флеботонометри.

а — игаси венада; б — манометри; в — ватерпасли чизгичи; г — сув устинини тўғрилаш қисқич и.

шу сатҳга тӯғриланади. Асептиканинг ҳамма қоидаларини бажо келтириб, венепункция қилинганидан кейин игна эритма тўлдирилган канюла ва аппарат найлари билан туташтирилади. Қон канюолага ўтади ва туташ идишларга тааллуқли физика қонунига мувофиқ, венадаги босим билан асбобдаги суюқлиқ устунининг босими ўртасида мувозанат юзага келади: шкаланинг кўрсатган босими касал веноз қонининг босимига тӯғри келади. Веноз қон босими текширилар экан, нафас олиш вақтида пасайиб, нафас чиқариш вақтида кўтарилиши ва нормада сув устунлари миллиметрлари ҳисобида 50 билан 100 атрофида ўзгариб туриши маълум бўладики, бу симоб устуни ҳисобида 3,7—7,5 миллиметрга teng келади. Текшириш тамом бўлганидан кейин игна венадан чиқариб олинади ва пункция қилинган жой дока ёки пахта шарча билан сиқиб боғлаб қўйилади. Ишлатилиб бўлганидан кейин найларнинг ҳаммаси ювилиб, қуритилади; навбатдаги текшириш олдидан аппарат яна стерилланади ва янгидан эритма билан тўлдирилади.

Қандай бўлмасин бирор суюқлиқ (81-бетга қаралсин) ёки қон томчи усулида венага қўйилар экан, флегбтонометр бўлмаса ҳам веноз қон босимини осон аниқлаш мумкин. Бунинг учун қўйидагича қилинади: ампула штативдан олиниб, капельницага томчи томмай қолгунча, аста-секин паст туширилади. Юрак дами билан суюқлиқ дами ўртасида вертикал бўйлаб чизгич билан миллиметрлар ҳисобида ўлчанадиган масофа симоб устуни миллиметрлари ҳисобидаги веноз қон босимига тӯғри келади.

ОПЕРАЦИЯ ХОНАСИДА ВА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ КЎРСАТИШДА ҚУЛЛАНИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИЯ

Электрокардиография деб юрак систоласи вақтида унда келиб чиқадиган электр потенциалининг ўзгаришларини қайд қилишга имкон берадиган методга айтилади. Мускул толасида қўзғалиш пайдо бўлиши (ва шунга яраша қайд қилувчи системада электр токи пайдо бўлиши) ҳужайра мемранасининг физик-кимёвий хоссалари ва ҳужайра ичи ҳамда ҳужайраро суюқлиқдаги ион таркибининг ўзгаришига боғлиқ. Мускул қўзғалар экан, унда электр потенциаллари фарқи вужудга келади, чунки мускул тўқимасининг қўз-

ғалган қисми тинч турган қисмiga нисбатан электр ман-
фий бўлиб қолади. Юракни қўзғатиб, қисқаришига маж-
бур этадиган импульслар миокардан жой олган юрак
ўтказувчи системасида ишланиб чиқади. Ўтказувчи сис-
тема тўқимаси ҳам, худди қисқарувчи миокард тўқима-
си сингари, мускулли тўқимадир, лекин у, ҳам мускул
толаси, ҳам нерв толаси хоссаларига эга бўлади. Қис-
қарувчи миокард тўқимасидагидан кўра унда фибрил-
лалар кам ва гликоген анча кўпdir. Юрак фаолияти
унинг ўтказувчи системаси туфайли автоматик тарзда
давом этиб туради, яъни юрак шу система ёрдами билан
ўз-ўзидан ишлайверади.

Синус тугуни (Кис-Флак тугуни) ҳаммадан кўп ав-
томатизмга эга, яъни у вақт бирлиги ичida ҳаммадан
кўра кўпроқ импульс ишлаб чиқара олади. Бу тугун
ўнг бўлманинг юқори қисмida, кавак веналарнинг оғиз-
лари орасида жойлашган бўлиб, физиологик шароитлар-
да минутига 60 дан 80 тагача частота билан импульс-
лар ишлаб чиқаради. Синус тугунида пайдо бўлган қўз-
ғалиш тўлқини юрак бўлимлари мускулатураси бўйлаб
тарқалади ва ўтказувчи системанинг кейинги тугуни —
атриовентрикуляр (Ашоф — Тавар) тугунга этиб ке-
лади. Бу тугун юрак бўлмалари орасидаги тусиқда, уч
тавақали клапан асосида жойлашган бўлиб, юракнинг
қўзғалишига ва қисқаришига сабаб бўладиган импульс-
ларни минутига 40 дан 60 тагача частота билан ишлаб
чиқаради. Атриовентрикуляр тугуннинг қоринчалар
орасидаги тусиқдан жой олган пастки қисми ингичкала-
шиб, 2—3 см узунликдаги тизимчага айланади. Гис
тутами деб шуни айтилади. Гис тутами қисқарувчи мио-
кард тўқимаси билан ҳеч бир қопланган эмас, шу му-
носабат билан ўтказувчи системанинг энг қалтис жойи
хисобланади.

Гис тутами иккита оёқчага — ўнг ва чап оёқчага
булинади, шунга яраша ўнг оёқчаси миокардда ўнг қо-
ринчада ва чап оёқчаси чап қоринчада тармоқланади.
Қўзғалиш тўлқини атриовентрикуляр система орқали
қоринчалар миокарди бўйлаб тарқалади ва Гис тутами
оёқчаларидан ўтиб, ўтказувчи системанинг охирги тар-
моқларнiga, яъни қоринчалар мускулатурасининг субэн-
докардиал қатламида тўр кўринишида тармоқ ёёдиган
Пуркинъе толаларига этиб боради. Юрак ўтказувчи
системасининг ҳар қандай қисми автоматизм хусусия-

тига эга, лекин физиологик шаронтларда ўтказувчи система пастда ётган бўлимларининг активлигини синус тугунида мунтазам тартиб билан келиб чиқадиган импульслар сусайтириб туради. Мана шунинг учун нормал ритм синус ритми деб ҳам аталади.

Импульсларни ҳосил қилиш ва ўтказиш процессларини нормал шаронтларда вегетатив нерв системаси идора этиб туради, вегетатив нерв системаси эса, ўз навбатида марказий нерв системаси ва унинг олий бўлими -- бош мия пўстлогига тобе булади. Чунончи, симпатик нервнинг қўзгалиши синус тугунида импульслар ишланиб чиқишини тезлаштиrsa, адашган перв тонусининг кучайниши бу процесснинг тормозланишига сабаб бўлади. Юрак ритми шу йўл билан рефлектор идора этилиб боради, турли физиологик омиллар таъсири остида тезлашади ёки секинлашади.

Юрак мускулига ритмни бошқарувчи тузилма — синус тугунидан импульс келгапида бу мускул қўзгалган ҳолатга ўтади. Юракда электр юритувчи куч (ЭЮК) вужудга келади. Биотоклар атрофдаги тўқималар орқали ўтиб, терига қадар етиб боради. Бу — юрак потенциалларини тана сиртидаги ҳар хил нуқталардан қайд қилишга имкон беради. Электрокардиограмма, яъни ЭКГ ни ёзиб олиш учун потенциалларининг фарқи имкони борича кўпроқ бўладиган нуқталарни танлаб олиш зарур. Одамнинг иккала қўли билан чап оёғи шу шартни ҳаммадан кўра кўпроқ қондирадики, улашининг учта стандарт (классик) йўли шулардан ташкил топади. Улаш йўли деб электродлар қўйиладиган икки нуқтани фикран туташтирадиган тўғри чизиқ-қа айтилади. Улашнинг I стандарт йўли — ўнг қўл билан чап қўл потенциаллари фарқини, II йўли — ўнг қўл билан чап оёқ потенциаллари фарқини, III йўли — чап оёқ билан ўнг оёқ потенциаллари фарқини қайд қиласи. Айни вақтда оёқ-қўлнинг қайси жойига электродлар қўйишнинг моҳият эътибори билан аҳамияти йўқ (елкага, билакка, сонга, болдирга қўйиладими, бари бири). Бироқ, қулайлик учун электродларни ўнг ва чап елканинг пастки учдан бир қисмига, чап ва ўнг болдир пастки учдан бир қисмининг ички юзасига қўйиш расм бўлган (текширилаётган одамнинг ўнг оёғидан уни «ерга улаш» учун фойдаланилади).


246321
Күкрак қафасида қилинадиган операцияларда электрокардиографик кузатиш учун күкракка улаш йулларидан фойдаланиш имконига эга бўлмаганимиз учун бу ўринда улашнинг шу йўлларини, шунингдек кундаклик турмушда қўлланиладиган бир қанча бошқа улаш йўлларини ҳам тилга олиб ўтирамаймиз. Операция вақтида электрокардиографик кузатув олиб бориш учун кўпдан-кўп улаш йўлларини қўллангандаи кўра битта улаш йўли билан ҳам юрак-томирлар фаолияти тўғрисида бетўхтов маълумот олиб туриш муҳимроқ, чунки улаш йўлларининг ҳаммаси ҳам аслида бир турдаги ахборотни беради. Бунга шуни ҳам қўшиб айтиб кетса бўладики, баъзан юрак ритмининг бир неча секунд давом этадиган қисқа муддатли ўзгаришлари кўрилади, улашнинг бир йўлини қўйиб, бошқасига ўтилавериладиган бўлса, булар билинмасдан қолиши мумкин.

Нормал ЭКГ элементлари. ЭКГ юрак қўзғалишин электр майдони динамикасининг график ёзувиdir.


Нормал ЭКГ тишчалар, интерваллар (оралиқлар) ва сегментлардан иборат (5-расм). Тишчалар лотин алифбоси ҳарфлари билан: P, Q, R, S, T ва U (бу тишча доим бўлавермайди) деб белгиланади, Q, R ва S тишчалар битта QRS комплекси деб белгиланади.

ЭКГ элементлари юрак систоласи даврида рўй берадиган электробиологик процессларни акс эттиради. «Юракнинг электр диастоласи» даври ЭКГ да T—P сегментига мос келади (аввалги комплексдаги T тишчанинг охиридан кейинги комплексдаги P тишчанинг бозигача бўлган масофага). T—P интервал изоэлектрик чизиқ сатҳи деб қабул қилинади. Тишча изочизиқдан юқори томонга қараб йўналган бўлса, мусбат деб, шу чизиқдан пастга қараб йўналган бўлса, манфий деб белгиланади. P тишча ҳамиша мусбат, P, T, U тишчалар улаш йўлларининг кўпчилигига мусбат, Q ва S тишчалар ҳамиша манфий бўлиб чиқади. P—Q интервал P тишчанинг охири билан Q тишчанинг боши ўртасида, RST сегмент S тишча билан T тишча ўртасида жойлашган бўлади. Q—T интервал Q тишчанинг боши билан T тишчанинг охири ўртасидан жой олади.

ЭКГ тишчалари ва интервалларининг қанча вақт давом этганлиги вақтни қайд қилиб борадиган мосламанинг кўрсатишларига қараб аниқланади, бу мослама



белгиларининг частотаси электрокардиографнинг лента ўтказувчи механизми конструкцияси ва тезлигига боғлиқ. Ҳар 0,02, 0,04, 0,05 секунд оралатиб вақтни қайд қилиб борадиган электрокардиографлар ҳаммадан кўп ишлатилади. Тишча ёки интервалнинг кенглигини (қан-



5-расм. Нормал электрокардиограмма схемаси.

ча давом этганини) аниқлаш учун тищча ёки интервалнинг бошидан охиригача бўлган масофа ўлчагич билан ўлчаб чиқилади. Сўнгра олинган кесманинг қанча давом этганлиги вақт белгилари орасидаги интерваллар сонига қараб аниқлаб олинади. Тищчалар амплитудасини миллиметрлар билан ўлчаш расм бўлан.

Р тищча ўнг ва чап бўлмалардаги қўзғалиш процессларини акс эттиради. QRS комплекси олдида Р тищчаси борлиги юрак ритмининг манбай синус тугуни эканлигини кўрсатади (синус ритми). Синус ритми айнимаган бўлса, соғлом одамда юрак қисқаришларининг частотаси минутига 60 дан 80 гача боради. II стандарт улаш йўли билан олинган Р тищчанинг баландлиги нормада кўпи билан 2,5 мм, кенглиги эса (узоқлиги) 0,08 дан 0,10 секундгacha ўзгариб туради. I ва II улаш йўли билан олинганда Р тищчаси мусбат, III улаш йўлида эса икки фазали ёки манфий бўлиши мумкин. Р—Q интервал импульснинг атриовентрикуляр ўтказувчи системаси бўйлаб ўтиш вақтини акс эттиради. PQ кесмасининг узунлиги катта ёшли соғлом одамларда 0,12—0,20 секунд атрофида бўлади. Қоринчалар QRS комплекси қўзғалиш тўлқинининг иккала қоринча бўйлаб тарқа-

лиш процессини акс эттиради. R тишка қоринчалар комплексининг ҳаммадан баланд мусбат тищасидир. У тик юқори кўтарилган тирсак қисми, ўткир учи ва пастга қараб камроқ тик бўлиб тушадиган тирсак қисмидан ташкил топгандир. R инг баландлиги 5 дан 20 мм гача, узунлиги эса 0,05 дан 0,08 секундгacha ўзгариб туради. Нормада I йўл билан олинган R тишка II йўл билан олинган R тищага қараганда кичикроқ, аммо III йўл билан олинган R тищага қараганда каттароқ бўлади. Q тишка изочизиқдан ҳамиша пастга йўналган бўлиб чиқади. Нормада унинг амплитудаси R баландлигининг тўртдан бир қисмидан кўра камроқ, кенглиги эса кути билан 0,03 секунд бўлиши керак. S тищчанинг паст тушадиган тирсаги бор, у R тищчанинг давомидир. Юқори кўтариладиган тирсаги тепага чиқиб, RST сегментига айланади. S тищчанинг узунлиги 0,03—0,04 секунд, чуқурлиги эса 6 мм ни ташкил этади. RST сегменти қоринчалар қўзғалиши сўна бошлаган даврни акс эттиради. У одатда изоэлектрик чизиқ дамида жойлашган бўлади, аммо баъзан сал юқорига (кути билан 1 мм) ёки пастга (кути билан 0,5 мм) сурилган бўлиши мумкин. Т тишка аста-секин кўтарилиб бора-диган тирсак, думалоқ тортган уч қисми ва бирумунча тик пастга тушадиган тирсакдан ташкил топгандир. Т тишка I, II ва III улаш йўллари билан олинганда нор-мал шароитларда мусбат бўлиб чиқади. Баландлиги урта ҳисобда 4—5 мм, кенглиги эса 0,20 секунд атрофида бўлади. У кичкина бўлиб, ҳамма ЭКГ да ҳам кўринавермайди. 6-расмда операция бошланишидан олдин операция хонасида ВЭКС-4 аппарати билан ёзиб олинган ЭКГ келтирилган (I, II, III улаш йўллари билан олинган). ЭКГ га қараб юрак қисқаришларининг частотасини (сонини) аниқлаш мумкин.


Буниг учун вақтни қайд қилувчи мосламанинг ишни юрак цикллари ўртасида туширган интерваллари уйчинади. Масалан, масофа вақтни қайд қилувчи мосламанинг ҳар бирни 0,05 секунддан қилиб туширган 15 та интервалига баравар ($15 \times 0,05 = 0,75$ секунд). 1 қисқариш 0,75 секундга тенг; X қисқариш 60 секундга тенг, деган пропорциядан 1 минутдаги қисқаришлар сонини билиб оламиз: $X = \frac{60 \times 1}{0,75} = 1$ минутига 80 қисқариш

Ритм частотасини жадвалга қараб аниқлаш осонроқ бўлади, бу жадвалда вақтни қайд қилувчи мослама туширган интерваллар сонига тўғри келадиган қисқаришлар сони ҳисоблаб кўрсатиб қўйилган бўлади.

Аппаратура. Операция вақтида ёки реанимацион чора-тадбирларни амалга оширайтган пайтда юрак-томирлар системасининг фаолиятини бетўхтов кузатиб бориш учун ўз-ўзича ёзиб борадиган асбоблари ҳар хил бўладиган кучайтиргичли тармоқ электрокардиографлари: сиёҳ билан ёзадиган электрокардиографлар («Красногвардеец»-0,47 ва 0,60), иссиқлик (ЭКГ-2) ва оқим билан ёзадиган (ЭКГ-2-01 ва ЭКГ-4—01 «Биофизприбор») электрокардиографлар ишлатилиши мумкин. Булар ЭКГ ни кейин яна ишлаб ўтирасдан тўғридан тўғри қоғозга ёзиб олишга имкон беради. ЭКГ тез ёрдам машинасида ёзиладиган бўлса, ток қўшимча иккита автомобиль аккумуляторидан олинади, бу аккумуляторлар машина генераторидан зарядлаб турилади. Ўзгармас электр токини кучланиши 220 в бўлган ўзгарувчан электр токига айлантириш учун машинага преобразователь ўрнатилади. ЭМА заводи ишлаб чиқараётган осциллографларда олинадиган электрокардиограмма ёзуви яхши чиқади (ВЭКС-01, 3, 4). Бу аппаратлар жуда сезгир электрон осциллоскоплардир.

6-расм. Операция хонасида касални операция столига ётқизилгандан кейин ВЭКС-4 аппаратида уч стандарт усул билан ёзиб олинган электрокардиограмма.

ВЭКС-4 дан фойдаланишининг яхши томони шуки, электрокардиографик эгри чизиқни электрон нур трубкасининг экранида узоқ вақт кузатиб бориш мумкин. Зарурият туғилиб қоладиган ҳолларда эса (бундай ҳоллар доим бўлавермайди), экранда кузатиб борилаётган процессларни фотографик усу碌да ёзадиган асбоб



6-расм. Операция хонасида касални операция столига ётқизилгандан кейин ВЭКС-4 аппаратида уч стандарт усул билан ёзиб олинган электрокардиограмма ёзуви яхши чиқади (ВЭКС-01, 3, 4). Бу аппаратлар жуда сезгир электрон осциллоскоплардир.

ВЭКС-4 дан фойдаланишининг яхши томони шуки, электрокардиографик эгри чизиқни электрон нур трубкасининг экранида узоқ вақт кузатиб бориш мумкин. Зарурият туғилиб қоладиган ҳолларда эса (бундай ҳоллар доим бўлавермайди), экранда кузатиб борилаётган процессларни фотографик усу碌да ёзадиган асбоб

(приставка) ёрдами билан қайд қилиб бориш мүмкін. Аппарат күчләніши 127 ва 220 в бұлған 50 гц саноат частотали үзгарувчан ток тармоғидан ишлайди. Аппараттинг умумий күрениши 7-расмда тасвирланған. Осциллоскоп күчма столга жойлаштирилған. Бошқарыш панелининг олдинги томонида экран остида таблица бор, унда улаш йүлларини алмаштириб құшиш ҳолатлари ва электрокардиографик улаш йүллары күздан кекирилиб турадиган канал күрсатыб құйилған. І улаш йүлиға алмаштириб құйилғанида стандарт йүллар тушиади.

Аппарат инструкцияга бекам-құст амал қилингандын холда ишлатылыш керак.

ВЭКС-4 операция хонасида ишлатыладын бұлса, чет токлар таъсир қилиб туриши натижасыда келиб чиқадын шовқынлардан сақлаш масаласы ҳаммадан кескин булып, туриб қолади. Таъсир қилиб турадын шундай токлар, миқдори жиҳатидан катта бұлмаса ҳам, электрокардиографда неча-нече баравар зўрайди ва электрокардиограмма ёзувини айнитиб қояды. Ана шундай шовқынга сабаб бұладын манбаларнинг энг күп учрайдиган электр энергиясы манбаига улантан да атрофида электр майдони булып турадын асбоблардир. Электр майдонида металл буюмлар бұлса, улар иккіламчи электр майдони манбаи булып хизмат қилади.

Замонавий операция хонасида одатда шундай шовқынларни келтириб чиқарадын ёки үтказадын бир талай асбоб-ускуна техникасы бұлади. Операция вақтінде электр сүргич, электр пичноқ, оксигемометр да бошқа асбобларни ишга тушириш натижасыда таъсир қиладын токлар пайдо бұлады. Шу муносабат билан операция хонасида шовқынларни бартараф этиш мақсадыда барча асбоб-ускуналар корпусларини, штативлар да хусусан операция столини олдиндан яхшилаб ерга улаб құйинш зарур.

Касални операция столига ётқизища уни маҳсус рецинадан тайёрланған түшак ёрдамида столнинг металл қисмларидан изоляция қилиш зарур.

Электрга уланған аппараттарғина эмас, балки электродларнинг касал терисига, шнурларга яхши уланмаганлығы, құл-оёқнинг манжета билан мағкам қисириб қолданылған, скелет мускулларнинг электр актив булиши да бир қаңча омиллар ҳам шовқынлар келиб чиқишига


сабаб булишини назардан қочирмаслик керак. Шунинг учун электродлар қўйиладиган жойлардаги тери ҳаддан ташқари сержун бўлса, жунини қириб олиш, терининг ўша жойларини эса спирт билан артиш керак. Электродлар терига яхши тақалиб турадиган бўлиши учун махсус электрод пасталаридан фойдаланиш керак, булар физиологик эритма ёки кальций бикарбонат эритмасига ҳўлланган прокладкалардан кўра узоқроқ ва яхшироқ таъсир қиласди. Электродларни яхшилаб жойлаштириб қўйиш, тери қаршилигини камайтирадиган пасталардан фойдаланиш, электродларни симларга яхшилаб улаш, барча металл буюмларни ерга улаш — мана шуларнинг ҳаммаси ноқулаш шароитларда ҳам ёзувни бекам-кўст қилиб тушириб олишга ва узоқ кузатув олиб боришга имкон беради.

Аппарат операция хонаси ёки реанимация кабинетининг қоронгириқ жойига ўрнатилганидан кейин уни ерга уловчи контур билан туташтириш керак, бу контур кардиоскопнинг қора шчитогида жойлашган клеммага уланади. Асбобни ток тармогига улашдан олдин ток берадиган тармоқ кучланишининг аппарат улаб қўйилган кучланишга тўғри келиш-келмаслигини билиш керак (аппаратнинг қандай кучланишга улаб қўйилганлиги предохранителининг колодкасидаги ёзувга қараб аниқланади).

Аппарат тумблер (2) ни «Вкл». деган юқори ҳолатга ўтказиш йўли билан ишга туширилади (7-расм). Бунда сигнал лампаси (1) ёнади. Аппарат электр тармогига қўшилганда улаш йўлларини алмашгириб қўшиш дастаси (11) «О» ҳолатида, «коммутация»ни алмаштириб қўшиш дастаси (9) — «Т» (трехканальный — уч каналли) ҳолатида туриши керак. Аппарат 10 минут давомида қиздирилиши лозим. Фотографик усулда ёзадиган приставканинг цинин текшириш учун заслонка (15) ни олиш керак.

Кассетага қофоз қоронгидан жойланади. Қофознинг зарядланадиган кассета тирқишидан чиқиб турган 100—150 мм узунликдаги учи йўналтирувчи фазаларга жойланишиб, роликлар орасига солиб қўйилади. Устки томондаги роликни айлантириб, қофозни кабул қилувчи кассетадаги тирқишига йўналтирилади. Қофоз жойланадиган вақтда фотографик усулда ёзадиган приставка пичоғининг дастаси олдинга қараб тортилган бўлиши, қофоз

харакати тезлигини ўзгартыриш учун заслонка тағига жойлаштирилган переключатель (14) эса «О» да туриши керак; қофоз қабул қылувчи кассетага бемалол үтиб туришига ишонч ҳосил қилиш учун фотоқоғоз ҳаракати



7-расм. В ЭКС-4 аппаратининг умумий күрниши.

1 — сигнал лампаси; 2 — аппаратни ишга түширадиган тумблери; 3 — ВКГ ни ростлаш кнопкаси; 4 — ёзиш кнопкаси; 5 — моторни улаш кнопкаси; 6 — учала канал кучайтиргичларини бошқариш дастлари; 7 — кучайтириш дастлари; 8 — частоталар полосасини ўзгартыриш дастаси; 9 — коммутацияни алмаштириб қўшиш дастаси; 10 — калибрловчи милливольтни улаш кнопкаси; 11 — турли усулда уланадиган электродларни алмаштириб қўшиш дастаси; 12 — кириш конденсаторларини алмаштириб қўшиш кнопкаси; 13 — пациент шланги уланадиган фишса; 14 — тезлик переключателининг қопқоғи; 15 — фотографик йў билан ёзадиган приставкасининг заслонкаси; 16 — электрон-пур трубкалари равшанигини ростлаш дастаси.

Тезлигини ўзгартырувчи переключатель 50 мм/сек қўйилади ва «пуск мотора» кнопкаси (5) босилади. Қабул қылувчи кассетага қофоз бир текис утадиган бўлиши керак. Бу кассетага 5 м ча когоз сифади, шунинг учун ёзиш вақтида кассетани вакт-бавақт бўшатиб туриши зарур. Лента тортувчи механизмининг тузуклигига ишонч ҳосил қилинганидан кейин заслонка (15) ни яхшилаб маҳкамалаб қўйиш керак, шундан кейин аппарат ишга таҳт бўлади.

Текшириладиган одамни улаш учун пластинкасизмон электродлар иккала елқа билан иккала болдиринг пастки учдан бир қисмиининг ички юзасига жойлаштирилади (терига олдин электрод пастасидан суртиб қўйилади). Электродлар резина бинтлар билан маҳкамланади (қаттиқ сиқмасдан) ва пациент шланги симларига уланади. Фишка (13) га киритиб қўйилган пациент шлангида наконечникли 7 та ранго-ранг сим булади. Қизил шнур ўиг қўл электродига, сариги — чап қўл, яшили — чап оёқ, қораси — ўнг оёқ электродига уланади.

Аппарат қизиб олганидан кейин «яркость» деган дастаси (16) билан ёруғ доғ уртача равшанликда турадиган қилиб қўйилади, I, II ва III қаналларга тұгри келадиган «установка луча» деган дастаси (6) билан эса экрандаги нурлар бир-биридан тенг масофада турадиган қилиб туширилади. «Усиление» деган дастаси (7) билан ҳамма каналларнинг сезгирилиги бир хил қилиб олинади. «МВ» (милливольт, 10) кнопкасини босиб, учала улаш йули учун милливольтлар бир хил миқдорда қилиб тұғриланади. Нихоят, улаш йўлларини алмаштириб қўшадиган переключатель (11) I ҳолатга келтириб қўйилади, шундан кейин осциллоскоп экраныда З стандарт улаш йўллари ёзуви пайдо булади. I каналда экран юқори қисмидан 50—55 мм масофада I стандарт улаш йўли, экран марказида туриши керак бўлган II каналда — II стандарт улаш йўли, экран пастки қисмидан 50—55 мм масофадаги III каналда — III стандарт улаш йўли кўрилади. ЭКГ ни ёзиб олиш учун «запись» (4) ва «Пуск мотора» (5) кнопкаларини бир йўла босиш керак.

Операция вақтида электрокардиографик эгри чизиқни бегўхтов кузатиб турадиган киши анестезиолог ва хирург билан доим маҳкам алоқада бўлиши ва юрак-кон томирлар системасининг ЭКГ да акс этган қандай бўлмасин бирор ўзгариши кўрилганида буни уларга ўша заҳоти маълум қилиши керак. Иккинчи томондан, кузатиб турган кишини хирург операция босқичлари тўғрисида, хусусан асорат бериши мумкин бўлган босқичлари тўғрисида хабардор қилиб туриши керак (хирургик пневмоторакс, рефлексоген зоналарни таъсирлаш сингарилар тўғрисида). Реанимация кабинетларидаги юрак-қон томирлари системасининг фаолияти тикланиши процессларини текшириб бориш мақсадида элект-

рокардиографик ёзувни күз билан (визуал) күзатыб бориш керак бўлади.

Травматик ёки операцион шок. ЭКГ да энг кўп кўриладиган ўзгаришлар синус тахикардияси, юрак электр систоласининг катталашуви (QT кесмасининг узайиб кетиши), Т тишчанинг бошқача булиб қолишидир. Шокнинг эректил фазасида ётган касалларда бироз синус тахикардияси кўрилиб (юрак қисқаришларининг сони 110 тагача бўлади), QT интервал узайиб кетади, Т тишчалар яссиланди ёки билинмай қолади. Шокнинг торпири фазаси миокард қисқарувчанлик хусусиятининг анча сезиларли дараражада издан чиқиши билан таърифланади, бу — ЭКГ да ҳам анча барадла сезиладиган сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Чунончи, шокнинг торпири фазасини бошдан кечираётган касалларда синус тахикардияси минутига 140 зарбга етиши мумкин. QT интервал эректил фазадагидан кўра кўпроқ узаяди. Пароксизмал тахикардия ҳолатлари учрайди. RST сегментининг изочизиқдан нормада йўл қўйиладиган дараражадан кўра пастроқ тушиб кетиши кўрилади. Манфий Т тишчалар эректил фазадагидан кўра кўпроқ учрайди.


Миокард гипоксияси шокда, хусусан шок қоп кетиши билан бирга давом этаётган бўлса, травматик операциялар вақтида ва бир қанча бошқа ҳолатларда кўрилиши мумкин. ЭКГ ни бетўхтов күзатыб бориши ана шу оғир ўзгаришни жуда қисқа муддат ичидаги аниқлаб олишга имкон беради. Миокард диффуз гипоксиясининг бошлангич белгилари ЭКГ да Т тишчаларининг бир қадар яссиланиб қолиши, баъзан эса RST сегментларининг расо горизонтал бўлиб, изоэлектр чизиқда тушиб қолиши тариқасида акс этади. Баъзи ҳолларда ЭКГ даги ҳамма тишчалар вольтажининг бироз насайиши кўрилади. RST сегментларининг изочизиқдан анча пастга сурилиб қолиши, мусбат бўладиган Т тишчаларининг манфий тишчаларга айланиши миокард гипоксияси каттагина дараражага етганини кўрсатади. Жуда вақтидан ўтиб кетган босқичларда Т тишча кескин кўтариладиган бўлиши мумкин; бундан ташқари, юрак ритми ва ўтказувчанлигида оғир ўзгаришлар келиб чиқиши мумкин.

Қоринчалар фибрillationяси — уларнинг липиллаши ва титраши — қўзгалувчанлик ва ўтказув-

чанлик функциясининг жуда оғир даражада аралаш издан чиқишидир. Бу ҳодиса юрак-қон томирлар кол-лапсининг натижаси үлароқ юзага келиши ёки юрак мускулиниң узоқ давом этган ишемиясидан кейин авж олиши мумкин. Құкрак ичидә қилинадиган операциялар вақтида қоринчалар фибрилляциясининг энг күп учрай-диган сабаби юракнинг механик тарзда таъсирланиши-дир. Қоринчалар липиллашга тушишдан олдин одатда бир гурух ёки политоп экстрасистолия бўлиб ўтади. ЭКГ да экстрасистола бутун юрак комплекси ёки қисм-ларининг вақтидан олдин пайдо бўлиши ва кейин компенсатор пауза бошланиши билан ифодаланади. Бўлма экстрасистоласи учун Р тишчаниң вақтидан олдин пайдо бўлиб, кейин қоринча комплекси бошланиши ха-рактерлидир. Экстрасистоланиң Р тишчаси шакли бир қадар ўзгариб қолганлиги билан ажralиб туради. QRS комплекси, қоида үлароқ ўзгармаган бўлади. Қоринча экстрасистолалари QRS комплекси олдидан Р тишчаси бўлмаслиги ва қоринча комплексининг ўзгариб қолган-лиги билан фарқ қиласи. Экстрасистолалар кетма-кет келиб чиқаверадиган бўлса, буни бир гурух экстрасис-толалар дейилади, агар улар турли жойлардан бошла-надиган бўлса, политоп экстрасистолалар дейилади. Қо-ринчалар липиллашида (фибрилляциясида) ЭКГ да шакли айнаб, кенгайган QRS комплекслари минутига 250 ва бундан кўра ортиқроқ частота билан номунтазам равишда кетма-кет тушаверади. Қоринча комплекслари амплитудаси кичик бўлиб, хилма-хил, кўпинча ғалати шаклга киради. Қоринчалар липиллаши кўпчилик ҳол-ларда юракнинг бадар тўхтаб қолиши билан тугайди.

Терминал ҳолатлар. Преагонал ва агонал ҳолатларда юракнинг ҳамма асосий функциялари издан чиқади. Синус тугуни автоматизмининг бузилиши синус тахикардияси авж олиши билан ифодаланадики, бу — клиник ўлим бошланишидан сал олдин синус брадикар-диясига айланиб кетади. Синус брадикардияси кўпинча вагус рефлексидан дарак берадиган белги ҳисобланади, шу сабабдан ҳам ритмнинг андек бўлса-да секинлашиб қолаётганини курсатадиган алломатларга алоҳида эъти-бор билан қарашиб керак бўлади. ЭКГ ни бетўхтов кузатиб борилган тақдирдагина брадикардияни ўз вақтида билиб қолиш мумкин. Экстрасистолия пайдо бўлиши миокарднинг қўзғалувчанлик функцияси бузилганидан

далолат беради. Бундай ҳолатларда ўтказувчанликнинг бузилганлиги қоринча ичи ўтказувчанлигининг сусайиб қолиши, Гис тутами оёқчаларида блокада авж олиши, бўлма-қоринча ўтказувчанлиги сусайиб, юракда росмана кўндаланг блокада авж олишигача етиб бориши билан ифодаланади. Клиник ўлим бошланиши билан синус тугунида импульслар ишланиб чиқиши сусайиб қолганлиги маълум булади. Бу ҳол аввало юрак қисқаришларининг тобора сийракланиб бориши билан ифодаланади. Синус тугунида импульслар ишланиб чиқиши тамомила сўниб қолганидан кейин юрак ритмини атрио-вентрикуляр тугун бошқарадиган бўлиб қолади. Кейинчалик бу тугун автоматизми ҳам йўқолиб кетади. Чап ёки ўнг қоринча марказлари ритм манбани бўлиб қолади (идиовентрикуляр ритм). Бу ўзгаришлар одатда юрак тўхтаб қолиши билан тугалланади.



8-расм. Қоринчалар фибрилляциясидан кейин юракнинг тўхтаб қолиши.

Юракнинг тўхтаб қолиши операция вақтида кўриладиган энг оғир асоратдир. Юрак тўхтаб қолишининг асосий сабаблари миокарднинг оғир гипоксияси ва рефлексоген зоналарнинг механик тарзда таъсирланишидир. Ана шу оғир асорат бошланиб келаётганидан дарак берадиган аломатлар сезиларли синус брадикардияси, тугун ритми, политоп экстрасистолия, Гис тутами оёқчаларининг блокадаси, бўлма-қоринча блокадаси, қоринчалар фибрилляциясидир. Реанимания чоратадбирлари кор қилмайдиган бўлса, юқорида айтиб утилган ўзгаришларнинг ҳаммаси асистолия даври (юракнинг тўхтаб қолиши) билан тугалланади. Асистолия юрак биоэлектрик активлингининг тамомила йўқолиб кетиши билан таърифланади (8-расм). ЭКГда тўғри горизонтал чизиқ ёзилади.

Юракни массаж қилиш вақтида ЭКГни кузатиб бориш массажнинг нечоғлик наф бераётганини текширишга имкон беради. Шакли бузилган, частотаси массаж ритмига боғлиқ бўлган полиг-

морф ЭКГ комплексларининг пайдо бўлиши юрак ёки бўлимларининг зўр келганидан қисқаришга тушганини кўрсатади. Юрак биоэлектрик активлиги тикланганида ЭКГ да одатда юрак тўхтаб қолишидан бевосита олдин бўлиб ўтган ритм бузилишлари ва морфологик элементларининг ўзгаришлари ёзилиб боради. Биринчи босқичда паст вольтли потенциаллар, иккинчи босқичда эса юқори вольтли потенциаллар пайдо бўлади ва шундан кейингина синус ритми аслига келади. Миокард гипоксиясининг RST сегментининг пастга сурилиб қолиши ва манфий Т тишчалар бўлиши сингари белгилари ЭКГ да одатда узоқ сақланиб қолади.

ТЕКШИРИШГА ҚОН ОЛИШ
ВЕНАДАН ҚОН ОЛИШ

Нафас газлари, моддалар алмашинуви маҳсулотлари, фермент ва гормонларнинг ташилишини, организм ҳимоя кучларининг ташкил топишида қон элементларининг актив иштирок этишини таъминлаб берадиган түқима системаси бўлмиш қон катта аҳамиятга эга бўлганидан қон таркибини текшириш амалий жиҳатдан қимматлидир. Конни текшириш касалликларни вақтида аниқлаб олишга (диагностикага) ёрдам беради, қилинаётган давонинг нечоғлик наф берадиганини кузатиб боришни енгиллаштиради ва кўпинча касалнинг соғайган-соғаймаганигини аниқлаш учун объектив мезон хисобланади.

Фельдшер ва медицина ҳамишираси лаборатория анализлари учун қонни йиға билиши ва материални лабораторияга жўнатишини тўғри ҳужжатлаштира олиши керак. Махсус бланкда касалнинг фамилияси ва исми-шарифи, палатаси, бўлимининг номери, материалнинг қачон ва нима мақсадда юборилаётганилиги кўрсатиб қўйилган бўлиши лозим. Қон нима мақсадда текширишига қараб, 0,5 дан 4—5 мл гача ва бундан кўра кўпроқ миқдорда керак бўлиши мумкин.


Бармоқдан қон олиш. Кам миқдорда қон олишнинг энг содда ва осон усули бармоқдан қон олиши. Қоннинг умумий анализи учун, геморрагик синдромни (қон ивучанлигини, қон кетиш вақтини, тромбоцитлар сонини), ретикулоцитлар, гистиоцитлар, қон спишиқоқлиги, гематокритни, эритроцитлар резистенслигини, қондаги қанд, амилаза, протромбин миқдорини текшириш учун, Торн синамасини, банка синамасини, Бухштаб — Ясиновский синамасини қилиб кўриш учун қон шу тариқа бармоқдан олинади.

Химиявий антисептик моддалар таъсирида ҳалок бўлмайдиган вируслар туфайли келиб чиқадиган инфекцион гепатитнинг касалга юқиб қолиши ҳавфи борлиги бармоқقا санчиш учун стерилланмайдиган асбоблар, жумладан Франк иғнасини ҳам ишлатишдан воз кечишга мажбур этади. Қон олиш учун қайнатиб стерилланган Женнер перосидан фойдаланган маъқул.

Қон олинадиган жой териси спирт ёки эфирга ҳўлланган стерил пахта билан артилади. Игна санчиладиган шу жой артилганидан кейин унга бармоқ текказиш ярамайди, шунингдек перонинг санчиладиган қисмига ҳам қўл



9-расм. Женнер перосини бармоқка санчиш.



10-расм. Пипеткани қон билан тўлғазиш.


уриш керак эмас. Чап қўл билан касал бармоғи охирги фалангасидан ушланиб, тутиб турилади, ўнг қўл билан перо керакли чуқурликка ботирилади — 2—3 мм санчилади (9-расм). Биринчи қон томчиси стерил пахта билан артиб олинади ва қон олиш учун ишлатиладиган пипетка қия қилиб тутилади (10-расм). Пипетка йўли ингичка бўлганидан капиллярлик хусусияти туфайли у қон билан тўлиб боради. Қон яхши ўтмайдиган бўлса, бармоқ оҳиста босилади. Қаттиқ босиб қон тушириладиган бўлса, пипеткага жароҳатдан лимфа тушади, натижада қон таркиби бошқача бўлиб чиқади. Шу муносабат билан касалдан етарли миқдорда қон олиб бўлмаган ҳолларда бармоқни қон олишдан олдин бир неча минут давомида уқалаш ёки қон айланишини кучайтириш учун қўлни грелка билан иситиш мақсадга мувофиқдир. Бир қанча ҳолларда қулоқ солинчоғидан қон олиш мақсадга мувофиқ бўлади; периферик қон айланиши оғир даражада издан чиққанида, шок, коллапсда, қўл-оёқ куйганида ва бошқа ҳолларда

ана шу усул құлланилади. Қулоқ солинчоидан қон олиш техникаси моҳият эътибори билан бармоқдан қон олишдан фарқ қылмайды.

Баъзын текширишлар учун (эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини санаш учун) махсус аралаштиргичлардан фойдаланилади ёки пипеткага иаконечникили резина най кийгазилиб, иаконечниги оғизга олинади-да, зарур миқдордаги қон пипеткага сүриб олинади. Қон унинг ивиб қолишига йўл қўймайдиган эритма солиб тайёрлаб қўйилган пробиркаларга туширилади.

Суртмалар ҳосил қилиш учун (лейкоцитар формулани ҳисоблаш ва бошқа текширишлар учун) буюм ойналарига бир томчи қон олинади. Суртма олиш учун қон томчисининг четига буюм ойнаси текказилади (11-расм), сўнгра ойнадаги қон томчисига ўткир бурчак остида қилиб қўйилган иккинчи буюм ойнасининг калта учи ёрдамида қон томчиси ойнанинг бутун юзасига бир текис суртилади ва текшириш учун суртма ҳосил қилинади. Суртма қуриганидан кейин ойнага ёзиладиган махсус қалам билан касалнинг фамилияси унга ёзиб қўйилади. Тромбоцитлар сонини санаш учун суртма олинаётган бўлса, аввал бармоқ терисига 14% ли магнезий сульфат эритмасидан бир томчи томнишиб, кейин перо санчилади ва ана шу эритма билан аралашган қондан суртма тайёрланади. «Қалин томчи» дан суртма тайёрлаш учун буюм ойнасига учта йирик қон томчиси олинади, иккинчи ойна билан суркатилиб, катталиги 1 см^2 атрофида келадиган доф ҳосил қилинади ва қуритилади. «Қалин томчи» усулидан асосан қондан безгак плазмодийлари ва қайталама тиф спирохеталарини топиш учун фойдаланилади.

Қон олиб бўлгандан кейин игна санчилган жойга под настойкаси суртилади ва кейин ўша жойга бир бў-



11-расм. Қоп суртмаси тайёрлаш.

1 — буюм ойнасига қон томчиси олиш; 2 — қоплағич ойна қирраси билан суртиш.

лак стерил пахта босиб туриш йўли билан чиқаётган қон тұхтатилади.

Қон ивучанлигини аниқлашиңг содалаштирилган усуллари. Қон ивучанлигининг сусайиб қолиши натижасида бир талай қоң кетиши оғир касалликларнинг биридир. Шошилинч ёрдам күрсатилаётгандың ёки навбатчилик вақтида ана шундай ҳоллар рўй берадики, бунда батафсил лаборатория текшируви ўтказиш қийин бўлади ёки бутунлай мумкун бўлмайди. Навбатчи медицина ходими ана шундай ҳолларда қон ивучанлигини текширишин билиши керак. Бунда ҳам қон худди юқорида айтиб ўтилган эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда олинади.

Стерил Женнер пероси ёки стерил шприц иғнаси санчилганидан кейин оқиб чиқкан биринчи қон томчиси артиб олингач, эфир билан артилиб ёғи кетказилган илиқ соат ойнаси ёки буюм ойнасига 8—10 томчи қон туширилади ва вақт қайд қилиб қўйилади. Ҳар 30 секундда шу қондан ингичка шиша таёқча ёки игна ўтказилиб, оҳиста кутариб кўрилади. Бунда фибрин иплари пайдо бўлиши қоннинг ивишга бошлаганини кўрсатади, фибриннинг бутунлай чўкиб тушиши қоннинг тўла-тўқис ивиши деб хисобланади. Қоннинг қанча вақтда ивиганлиги ёзиб қўйилади, нормада бу—5—6 минутни ташкил этади.

Қон ивучанлиги ва лахтасининг ретракциясини энг оддий йўл билан текшириш учун қуруқ игна билан венадан қуруқ пробиркага 5—6 мл қоң олиш мумкин (пастроққа, ЗЗ-бетга қаралсин). Шприц ишлатиш ярамайди. 10 минутдан кейин қон лахта бўлиб қолади, лахта ретракцияси бир суткадан сўнг рўй бериб, тиниқ зардоби ажralиб чиқади. Қон ивучанлигини аниқлашнинг экспресс-методларига Ли-Уайт методи киради. Пробиркага 1 мл қон олиниб, унинг қанча вақтда ивиб қолиши (пробиркани тўнкарса бўладиган вақт) қайд қилинади. Бу методга кўра норма 5—10 минутdir.

Гепарин ишлатиладиган бўлса, дозасини ошириб юбормаслик учун протамин-сульфат билан қилинадиган тест қўлланилади. 1 мл ивимаган қонга 0,2 мл протамин-сульфат қўшилади. Гепарин дозаси ошиб кетган бўлса, қон дарров ивиб қолади.

Қондаги фибриногеннинг критик концентрациясини аниқлаш учун Федорова таклиф этган тромбин-тест

қўлланилади. Ампулага жойлаб чиқариладиган қуруқ стандарт тромбин-тест 1 мл физиологик эритмада эритилади ва шу эритманинг 0,2 миллилитрига 1 мл гача текширилаётган қон қўшилади. Нормал қон 7—12 секунддан кейин ивиб қолади. Қон бир минут давомида ҳам ивимайдиган бўлса, бу фибриноген концентрациясининг 100 мг% дан кам эканини, яъни ўз-ўзидан қон кетиши мумкин бўлган даражага тушиб қолганини кўрсатади.

Биохимиявий текширишларнинг бир қанчасини ўtkазиш учун бир қадар кўп миқдор қон керак бўлади. Бундай ҳолларда веноz қон олинади. Қоннинг турли таркибий қисмларини аниқлаш учун янги қон, плазмаси ва зардоби текширилади (12-расм). Плазма қоннинг шаклли элементлари бўлмаган, яъни лейкоцитлари, тромбоцитлари ва эритроцитлари қолмаган суюқ қисми бўлиб, ҳар хил тузлар (электролитлар), оқсиллар, жумладан ферментлар ва углеводлар, ёғлар, оралиқ моддалар алмашинуви маҳсулотлари, витаминалар, гормонлар ва қонда эриган ҳар хил газларни тутади.

Томирлардан ташқарида қон тез ивиб қолади, чунки плазмасида эриган фибриноген деган оқсил фибринга айланиб қолади. Ҳосил бўладиган зич қон лахтаси шаклли элементларни ушлаб қолиб, сариқ туслигиниқ суюқлиқни ажратиб чиқаради — қон зардоби деб шуни айтилади. Шунинг учун қон плазмаси текшириладиган бўлса (масалан, фибриногенни аниқлаш учун) қоннинг ивиб қолишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун қуруқ тоза пробиркага бир томчи гепарин ёки оксалат эритмаси қўшилади. Қон центрифугаланиб, плазмаси пипетка билан оҳиста сўриб олинади.

Зардоб олиш учун пробиркага қон олиниб, пробирка оғзи пахта тиқин билан беркитилади ва қон лахтаси ҳосил бўлиб, пробирка деворидан ажралиб қолмагунча



12-расм. Қон асосий таркибий қисмларининг схемаси.

пробиркага түкиллатыб урилади. Зардоби батамом аж-
ралиб чиқиши учун пробирка уй температурасыда 1—2
саатта штативга қойылади. Зардоб ажралиб бұлгани-
дан кейин тоза қуруқ пипетка билан ундан текшириш
учун олинади. Зардоб холодильникка қойыб қойылса,
2—3 сутка сақланиши мүмкін. Зардоб 56—68° темпе-
ратурада сув ҳаммолига 30 минут давомида қойып,
илитилган (инактивлаштирилган) ҳолда ёки илитилма-
ган (актив) ҳолда текширилади. Умумий оқсил миқдори,
оқсил фракциялари, билирубин, электролитлар, қолдик
азотни аниқлаш сингари биохимиявий анализлар ёки
серологик реакцияларин (Вассерман реакциясы ва бош-
қаларни) қилиб қүриш учун қон күпинча венадан оли-
нади.

Веноз қон олиш учун зарур асбоблар: автоклавда
стерилланган 5—20 граммлы шприцлар, игналар, пин-
цет ва пробиркалардир. Асбоблар марказлаштирилган
усулда стерилланадиган бұлса, пакетта жойланган
шприц ва игналар ҳам олиб ишлатылади (157-бет).
Шприцлар күпинча дистилланган сувда 30—40 минут
давомида стерилланади. Шприцларга караб бориш
усуллари 51-бетда тасвирланган. Шприцлар стериллан-
ганидан кейингина уларни спиртда ёки уч қисмдан ибо-
рат эртмада сақлаш мүмкін. Антисептик әригмалар
билан совуқ ҳолда стериллаш деган усулдан ва шприц-
ни алиштирмасдан, игнасиңнің үзини алиштириб ишла-
таверишдан воз кечиши керак.

Тери пункция қилинишидан олдин үша жойи ёғсиз-
лантириш учун эфир ёки бензин билан ювилади ва
спиртли стерил пахта ёки дока шарча билан артилади
ёки йод настойкаси суртилади. Құллар, одатда, хирург-
ик операцияга тайёрланғандек қилиб маҳсус обработка
қилинмайды, шприц билан игна эса стерил пинцет билан
слинади. Игнани шприц канюласига кийгазиши учун
ҳам пинцетдан фойдаланилади. Пункция қилиш пайти-
да игнаниң стерилланмаган бирор нарсага, жумладан
құлға тегиб кетмаслигига эхтиёт бўлиш керак. Пункция
қилишига мұлжалланган жойдан юқоригоқقا резина
жгут солинади. Пункция қилинадиган жой тегишлича
обработка қилинганидан кейин мұлжалланган венага
игна санчилади (венепункция техникаси 46-бетда тас-
вирланган).

Текшириш характерига қараб қон олиш техникаси шаклан үзгартырылыш мүмкін. Қонни игнадан үз ҳолица оқызыб құйиб олиш ёки игна орқалы шприц билан тортиб олиш мүмкін. Қон зардобининг таркибий қисмларини текшириш учун қуруқ игна ва қуруқ шприц билан лабораториядан көлтирилган қуруқ пробиркага қон олинади. Игна ва ширица сув бұлыши эритроциттарнинг эриб кетишінга олиб келиши ва текшириш натижаларыга таъсир қылнин мүмкін. Ширицдан қон пропиранка девори бүйлаб охиста құйиб олинади, уннинг күпикланмаслигига ва шаклли элементларининг шикастланмаслигига әхтиёт бұлыш керак, чунки бу гемолизга сабаб бұлади.

Венепункция қылнинганда венага игна санчилганидан кейин игнадан оқиб чиқадиган қонни йиғишиң учун пропиранка тутилади. Қон шириц билан олинадиган бұлса, шириц үнг құлнинг бош ва ўрта бармоқлари орасига олинниб, күрсаткыч бармоқ билан канюласи тутиб турилади ва игна венага тушіганидан кейин поршенини охиста юргазиб, керакли миқдорда қон сұриб олинади. Пункция қылнин ва қон олиш вақтіда игнанинг вена йүйидан ногаюн чиқиб кетмаслигига дикқат билан қараб бориши керак.

Етарлы миқдорда қон олиб бұлғандан кейин жгут ешиб олинниб, игна тез чиқарып олинади ва укол қылнинган жойға спиртли пахта босылади. Құл тирсак бұгимидаи букилиб, юқори күтарилади (касалнинг күкрагига қўйилади).

Олинадиган қон миқдори қандай ва қанча текшириш қылниншига боғлиқдир. Ҳар бир текшириш учун 0,5—2 мл қон зардоби ва бундан уч баравар қон керак бұлади, чунки зардоб қоннинг $\frac{1}{3}$ қисмнин ташкил этади. Биргаликда бир неча текшириш үтказиладиган бұлса, 7—10 мл миқдорида қон олинади. Фибриноген, фибринолитик активликни текшириш учун, формол синтамаси, мочевинани текшириш учун қонни алоҳида алоҳида пробиркаларга олиш керак. Протромбинни, гепаринга чидамлиликни ва рекальцификация вақтнини текшириш учун 0,3 мл цитрат құшиб, 3 мл дан қон олинади, оқсиллар ва оқсил фракцияларини нефелометр билан текшириш учун 0,3 мл цитрат құшиб, 3 мл қон олинади. Фибриноген, фибринолитик активликни текшириш изо коагулограмма учун 0,5 мл цитрат құшиб,

4,5 мл (пробирка музга қўйиб қўйилади), формол синамаси учун 0,3 мл цитрат қўшиб, 3 мл, қондаги мочевина микдорини аниқлаш учун 0,5 мл цитрат қўшиб, 4,5 мл қон олинади.

Қон ҳадеганда лахта ҳосил қиласкермайдиган бўлса, центрифугалаб, қон шаклни элементларини ажратиб олиш учун, яхшиси, центрифуга пробиркаси ишлатиш керак. Текшириш учун ўзгармаган, янги қон талаб қилинадиган бўлса, қон олиш олдидан пробиркага 10% ли натрий ёки калий оксалат эритмасидан ҳар 5 мл қонга 0,1 мл ёки қуруғидан 0,01 г ҳисобидан қўшилади, ё бўлмаса, натрий цитрат эритмаси (цитрат) дан 0,3 мл қўйилади. Натрий оксалат эритмаси ишлатиладиган бўлса, қон олгунча у пробиркада қуриб бўлниши керак. Қон олинаётган вақтда уни 1—2 минут давомида оксалат тузи билан аралаштириб турни ва бунда ҳам кўпик пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак (оксалатли қон). Цитратли қонни бармоққа тўнтириш йўли билан аралаштириш, аммо чайқатмаслик керак. Бъзи текширишларда, масалан, гематокритни аниқлашда қон ивиб қолмаслиги учун 25 мл қонга 1 мл ҳисобидан 1—2% ли гепарин эритмаси ишлатилади. Қон гепарин билан аралашиб кетиши учун пробирка 1—2 минут давомида чайқатилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН БАЛҒАМ ОЛИШ

Одатда одам йўталганида ўпкаси, бронхлари, трахеяси, хикилдоғидан чиқадиган балғам текшириб кўрилади. Ўпка силига гумон туғилганида микробиологик текшириш учун, ўпка ўсмасига гумон туғилганда цитологик текшириш учун ва ўпка яллиғланганида (зотилжамда), бронхоэктазларда ҳамда ўпка абсцессларида флорани ва унинг антибиотикларга нечоғлик чидамлилигини аниқлаш учун балгам йифилади.

Балғамда овқат қолдиқлари, сўлак ва бошқалар аралашмаси бўлмаслиги керак. Уни йиғиш учун ишлатиладиган идиш тоза, стерилланган, қопқоқ билан бекитиладиган бўлмоғи лозим. Одатда алоҳида даражаларга бўлинган идиш ишлатилади. Ё эрталаб ташланган балғам олинади ёки бир кеча-кундуз давомида чиқарилган ҳамма балгам йифилади. 0,5% ли карбол кислота эритмаси ёки 1—2 та тимол кристали қўшиб қўйил-

са, балғам күпи билан бир сутка сақланиши мүмкін.

Бир қанча ҳолларда нафас йұлларидан чиққан аж-ралма (балғам) тұғридан-тұғри озуқа мұхити солинган Петри косачасига йығылади. Балғамда юқумли материал, масалан, сил микобактериялари бўлиши мүмкинлигини, шу муносабат билан унинг тарқалишига (сач-ралишига) ҳар қандай қилиб бўлса ҳам йўл қўймаслик кераклигини эсда тутиш лозим. Идишни содали эритмада 1 соат давомида қайнатиш ёки 5% ли карбол кислота эритмаси, ё бўлмаса, 10% хлорли оҳак эритмасига бир кеча-кундуз солиб қўйиш йўли билан стериллаш зарур.

ТЕКШИРИШ УЧУН СИЙДИК ОЛИШ

Сийдикни текшириш буйракларининг функцияси ва аҳволинигина эмас (сийдикни умумий клиник анализ қилиш), балки бошқа органларнинг касаллклари, масалан, жигар касаллклари бор-йўқлигиги, билирубин, уробилин, қанд миқдорини аниқлаш ва бошқалар йўли билан моддалар алмашинуви издан чиққан-чиқмаганлигини билиб олишга ҳам имкон беради. Текшириш учун анча концентрланган ҳолда бўладиган эрталабки сийдик порциясидан фойдаланилади, бу сийдик касал стационарга келганидан кейин биринчи куни эрталаб ва стационарда ётган вақти давомида камида ҳар 10 кунда бир марта олинади. Антикоагулянтлар билан даволаш процессида, операциядан кейин ва қон қуишидан олдин ҳамда ундан кейин сийдикни клиникада такрор анализ қилиб туриш зарур бўлади ва ҳоказо.

Сийдик аёл кишидан олинадиган бўлса, олдин аёл тагини ювиб олиши керак, ҳайз вақтида эса сийдикни фақат катетер билан олиш лозим. Атайлаб буюрнлган бўлса, сийдик эркакларда ҳам катетер билан олинади. Умумий анализ учун яхшилаб ювилган утка ёки тувакка олишиб, тоза идишга солиб қўйилган 100—200 мл сийдик кифоя. Сийдик йиғиши ва сақлаш учун тутилаган идиш кислота ёки ишқор эритмалари билан ювилмай, балки механик йўл билан тозаланади ва сув билан қайта-қайта ювилади.

Бактерия ва замбуруугларни текшириш учун (экиш учун) ёки биологик йўл билан текширишга сийдик олиш учун жинсий органларни дезинфекцияловчи эритмалар

(фурацилин, симоб оксицианидинг 1:5000 нисбатдаги эритмаси) билан ювиш ва стерил катетер билан стерил махсус идишга 15—25 мл сийдик олиб, идишни ўша захоти беркитиб қўйиш керак. Антисептик моддалар кўшилмайди.

Оқсил, кетостероидлар, эритроцитлар ва лейкоцитларни сутка давомида текшириш учун суткалик сийдик сигимли ва даражаланган махсус идишга йигилади. Шаклли элементлар (лейкоцитлар, эритроцитлар)ни Киковский — Аддис методи билан санаш учун сийдик 10—12 соат давомида йифилади. Тунги порцияни олган маъқул (соат 22 дан соат 8 гача). Имкони бўлса, касал сийдигини 10—12 соат тутиб туради ва эрталаб қовугини бушатади. 10—12 соат мобайнида чиқарилган ҳамма сийдикни 4—5 томчи формальдегид қўйиб қўйилган битта идишга йигиши мумкин. Аёлларда сийдикни, яхшиси, катетер билан олиш керак.

12 соат мобайнида чиқарилган тийдик аралаштирилади ва бир оз миқдори (10 мл) центрифугадан ўтказилиб, текширилади ва суткалик сийдикдаги шаклли элементларнинг умумий сони санаб чиқилади. Норманинг юқори чегараси лейкоцитлар учун 4 000 000, эритроцитлар учун 1 000 000 ва цилиндрсизмон эпителий учун 2000 дир. 1 мл сийдикдаги шаклли элементларни Нечипоренко усулида аниқлаш анча оддий усуладир.

Суткалик сийдик миқдорини аниқлаш учун сийдик йигилганда хоссалари ўзгариб қолмаслиги учун сийдик +3 дан +6° гача совуқда сақланади ёки 100 мл сийдик ҳисобига 0,1 г тимол, 2—3 томчи формальдегид, ё бул маса, 0,5 мл хлороформ, ёхуд 0,1 г толуол қўшилади. Суткалик сийдик миқдори ўлчанади, сийдик аралаштирилиб, ундан 100—150 мл ўлчаб олиниади ва лабораторияга жўнатилади.

Диастазани текширишда лабораторияга бир неча миллилитр янги сийдик етказиб бериш керак. Купгина ҳолларда, масалан, операциядан кейинги даврда, суткалик диурез кузатиб борилади, яъни суткалик сийдик, уни лабораторияга жўнатмай, миқдори ўлчаб борилади.

Зимницкий синамаси. Буйрак функциясини текшириш методларидан Зимницкий синамаси ҳаммадан кўра кўпроқ қўлланилади. Касал эрталаб соат 6 да қовуғини бушатиб олганидан кейин эрталаб соат 9 дан эртасига тонгги соат 6 гача, яъни бир кеча-кундуз да-

всмида сийдиги йифилади. Сийдик ҳар 3 соатда тағерлаб қўйилган 8 идишдан бирига йигиб борилади. Идишда умумий маълумотлардан ташқари (касалнинг фамилияси, исми, палатасининг номери), сийдик порциясининг номери кўрсатиб қўйилади. Анализ вақтида ҳар бир порциядаги сийдикнинг миқдори ва солиштирма оғирлиги аниқланади, бу — сийдик ажратиш функциясининг қандай ахволда эканлиги тўғрисида тахминан фикр юритишга имкон беради. Нормада ичилган суюқлиқнинг 75% кундузги сийдик билан чиқади. Буйракларнинг концентрацион функцияси бузилган бўлса, қон айланиши етишмовчилиги бўлса, кундузи ажralадиган сийдик тунда ажralадиган сийдик миқдорига тенг бўлиб қолади ёки ундан камайиб ҳам кетади. Бундан ташқари, тунги ва кундузги сийдик солиштирма оғирлигининг ўзгариб туриши ҳам аҳамиятга эгаки, бу — буйраклар концентрацион функцияси бузилганини кўрсагади.

Квик — Питель синамаси. Жигарнинг функционал ҳолатини аниқлаш учун сийдикда гиппурат кислота текширилади. Синама сариёғ сурилган 100 г нон ва 1 стакан қандли чойдан иборат ношуشتадан кейин бошланади. Бир соатдан кейин касал сийиши, 30 мл сувда эритилган 6 г натрий бензоат ичиши ва устидан сув ($\frac{1}{2}$ стакан) ичиб юбориши керак. У кейин 4 соат мобайнида ҳеч нарса емайди ва ҳеч нарса ичмайди, сийдигини бир идишга йигиб, лабораторияга жўнатилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН АХЛАТ МАССАЛАРИНИ ОЛИШ

Ахлатни текшириш ичак касалликлари, унинг функционал ҳолати ва унда паразитлар борйўқлиги тўғрисида тушунча беради. Касалхонада ётган беморларнинг ҳаммаси гижжа тухумлари бор-йўқлигини аниқлаш учун текшириб кўрилади. Текшириш учун фақат bemor ўз ҳолича чиқарган янги ахлат олинади, унга сийдик, ҳайз қои ва бошқалар аралашмаган бўлиши керак. Ахлат тувакдан олинадиган бўлса, касалта аввал қовуғини бўшатиб олиш таклиф этилади. Ҳайз вақтида ва аёлнинг қинидан суюқлиқ чиқиб турган найтда қини тампон билан бекитиб қўйилади. Ахлат иамунаси лабораторияга имкони борича тезроқ етказиб берилади. Амёбиазга текширилаётган бўлса, ахлат со-

вимасдан туриб уни етказиб бериш керак. Баъзан муайян парҳездан кейин ахлат текширилади; чунончи, яширин қонга текшириш учун ахлат уч кун гўштсиз овқат ейилгандан кейингина олинади.

Ахлат тоза, қуруқ тувакка олинади; ич жуда қотиб кетган бўлсагина, клизма ёрдами билан ахлат олишга тўғри келади. Дизентерияга гумон тугилганда бактериологик текшириш учун ахлат шиша таёқча ёки шиша помазок билан олиниб, озуқа муҳити солинган пробиркага туширилади. Ахлатни сақлаб қўйиш зарур бўлса, микроблар ва ферментлар таъсири остида ўзгариб қолмаслиги учун совуқ жойда сақлаш керак, шунда ҳам уни кўпи билан 12 соат сақлаш мумкин. Ахлат тоза қуруқ идишга (банкачага) йиғилиб, оғзига қофоз ёпнлади, шу қофозга ёки банкага ёпиштирилган қофозга касалнинг фамилияси, намуна олинган кун, ой ёзиб қўйилади.

Кўпинча ахлатни кўздан кечириб чиқишига тўғри келади, шу сабабли унда янги қон, ҳазм бўлган қон (қорамойсимон ахлат), шилимшиқ бор-йўқлигини аниқлай билиш, консистенцияси (қаттиқ, юмшоқ, яrim суюқ, суюқ), шакли (одатдагича шаклга кирган, «қўумалоқ» ахлат, лентасимон ахлат ва хоказо), ранги (одатдагича жигарранг, кўкимтир ёки оч тусли, гунгурт-кул ранг—ичакка ўт тушмай қолганида шундай бўлади) ва ҳидини ажратса олиш керак. Ахлатни сақлаб қўйиш зарур бўлса, унга 5—10% ли формалин эритмаси қўшилади.

Плеврадан экссудат олиш тўғрисида 226-бетга қаралсин.

Меъда ширасини текшириш ҳақида 235-бетга қаралсин.

Дуоденал зондлаш тўғрисида 247-бетга қаралсин.

ДИАГНОСТИК ПУНКЦИЯЛАР

Замонавий медицинада пункциялар диагностика ва даво мақсадларида кўп қўлланилади. Диагностик пункция бўшлиқлар (кўкрак бушлиғи, бўгим бўшлиқлари ва бошқалар) ҳамда йиринг тўплланган жойлар (абсцесслар) дан бактериологик ва цитологик текшириш (хужайра таркибини ўрганиш) мақсадида суюқлиқ (қон, йиринг, сероз суюқлиқ) олиш учун қилинади.

Органлар (жигар, талоқ, буйрак ва бошқалар) ни пункция қилишдан мақсад игна саншиб олинган (аспирацион биопсия) ҳужайра таркибини күздан кечириб, орган ҳолатини ўрганишдир. Ўсмалар, масалан, сут бези, лимфа тугунлари ва бошқа органлар ўсмалари олинган ҳужайра таркибини цитологик текшириш ва ўсмаларнинг хавфли-хавфсиз эканлигини аниқлаш учун пункция қилинади. Диагностик пункцияда экссудатларни олиб ташлаш (экссудатлар эвакуацияси), экссудат сўриб олиниб (асцит, гидроторакс), бўшлиққа дори моддалари (антибиотиклар, антисептиклар) юбориладиган бўлса, терапевтик аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин.

Босимни ўлчаш, масалан, орқа мия суюқлиги бўсими, юрак бўшлиқлари, веналардаги босимни ўлчаш учун ва дори моддалари, шунингдек контраст моллалар (ангиокардиография) юбориш учун ҳам пункция усулидан фойдаланилади. Пункция қилиш йўли билан ҳар хил бўшлиқларга диагностик мақсадда (пневмоперитонеум, пневморетроперитонеум, пневмомедиастинум) ёки даво мақсадида (сунъий пневмоторакс) ҳаво ёки кислород юборилади.

Турлича пункциялар қилишнинг умумий қоидалари. Пункциялар кичик хирургик операциялар жумласига киради. Венепункцияни ҳисобга олмагандан пунктацияларнинг ҳаммасини врач қиласиди. Операция майдони (пункция қилинадиган жой) ни, шунингдек оператор қўулларини худди жиддий хирургик операция олдидан тайёрлагандек жуда синчиклаб тайёрлаш керак. Ишлатиладиган хирургик материал ҳам топ-тоза (асептик) бўлиши керак. Диагностик пункцияларни (масалан, орқа мия ёки плевра пункциясини) бир қанча сабабларга кўра кўпинча операция хонаси ёки боғлов хонасидан ташқарида қилишга тўғри келади. Бундай ҳолларда хирургга ёрдам бериб турадиган ўрта маълумотли медицина ходими стерилликни сақлайдиган ҳамма шартшароитни таъминлаб бериши: стерилл материал ва чойшаб солинган биксларни, керакли ҳамма асбоб-ускуналарни тахт қилиб қўйиши керак ва ҳоказо.

Пункция қилишга зарур бўладиган асбоб-ускуналар ичига мандрен солиб қўйилган ўткир учли игналар ёки троакарлар, ҳар хил (камида иккита) шприцлардан иборат бўлади. Игналарнинг калибри ва узунилиги вазиятга қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Күпчилик пункциялар маңаллий анестезия остида қилинади ва камдан-кам ҳоллардагина наркоз зарур бўлади. Пункция учун 5—20 граммли стерил шприцлар ва 0,25—1% ли новокайн эритмасини тайёрлаб қўйиш керак. Бушлиқдан суюқлиқ чиқариб ташланганидан кейин күпинча худди ўша иғнанинг ўзидан дори-дармонлар, масалан, антибиотиклар юборилади, буларнинг эритмалари тайёр бўлиб туриши керак. Пункция вақтида мезатон, норадреналин ва эфедрин сингари томир дорилари, юрак препаратлари (строфантин, корглюкон) қўл остида таҳт бўлиб туриши зарур. Цитологик таркибини текшириш мақсадида пунктат олиш учун поршени зич тақалиб тушадиган ва канюласига сўриш пайтида хийла сийракланиш ҳосил қилувчи иғна қўйилган «Рекорд» типидаги (5—10 граммли) шприцлар ишлатилади. Шприцнинг тузуклигини олдиндан текшириб кўриш зарур.

Цитологик текшириш мақсадида қилинадиган пункцияга мўлжалланган шприц эфир билан ювилиб қуритилиши керак. Тери ва юмшоқ тўқималар тешилганидан кейин орган ёки ўсмага иғна санчилади ва поршенинн тортадиган қилиб бир неча марта юргизиб, иғна билан шприцга текширилаётган тўқимадан ҳужайралар сўриб олинади. Шприц олинганидан кейин иғна чиқариб олиниади ва унга шприц тубусини улаб, поршенини тез босиш йўли билан иғна йўли ва шприцдаги бироз миқдор материал буюм ойнасига ситиб туширилади. Айни вақтда олинган кичкина томчи ҳам цитологик текшириш учун кифоя қиладиган бўлади. Уни буюм ойнасига оҳиста суртиб қуритилади ва текшириш учун юборилади. Патогистологик текшириш учун зарур бўладиган тўқимадан кичик цилиндр ҳолида олиш мақсадида кичикроқ ўткир бурчак остида қилиб чархланган йўғон иғналардан фойдаланилади.

Органлар пункцияси (252-бетга қаралсан). Тўқима бўлакчasi формалинн ёки абсолют спирт билан дарҳол фиксация қилинади.

Экссудат кўпгина миқдорда олинадиган бўлса, чўкмадаги ҳужайра таркибини ўрганиш учун центрифугаланади. Микробиологик текшириш учун экссудат микробиологик материални олиш қоидаларига риоя қилинган ҳолда стерил пробиркага олинади. Пункция қилинган жой терисига клеол суркаб боғлаб қўйилади, органлар

пункция қилинганидан кейин эса қасални ётган ҳолица палатага олиб келинади. Ҳар бир айрим ҳолда пункция қилиш методикаси ҳар хил бўлиб, пункциянинг нима мақсадда ва қайси жойдан қилинишига боғлиқдир.

Тўш суягини пункция қилиш. Тўш суяги кўмик пунктатини микроскопик текшириш учун диагностик мақсадда пункция қилинади, лекин қон қўйиш, туз эритмалари ва дори моддаларини веналардан юбориш имкони бўлмаса, буларни юбориш учун ҳам шу методдан фойдаланиш мумкин (айниқса ёш болаларда). Эритмалар босимни кучайтирмасдан туриб томчи усулида юборилади.

Пункция қилиш ва эритмаларни юбориш учун И. А. Кассирский таклиф этган маҳсус игна ишлатилади (13-расм). Бундай игнанинг стилети йўғон ва калтаигнага киритилади, унда игнанинг тўш суяги орқа пластинкасидан ўтиб кетиши эҳтимолидан сақлайдиган шчинток бўлади. Ана шундай игналар ёрдами билан тўш суягининг олдинги юзаси тешилади.


Қон ва суюқликларни қўйиш учун (айниқса баданинг кўп жойлари кўйгаңда) тўш суягини пункция қилишдан ташқари кўнинча катта болдир суягининг эпифизи ёки ёнбosh суягининг қирраси пункция қилинади. Бу ишни маҳаллий анестезия остида врач бажаради, йўғон (диаметри 2 мм) игналар ишлатилади.

Орқа мия пункцияси. Орқа мия пункцияси ҳозир диагностик (орқа мия суюқлиги таркибини текшириш, ҳаво, контраст моддалар юбориш) ва даво (калла ички босимини пасайтириш, дори-дармонлар ва зардолар юбориш) мақсадида жуда кенг қўлланилади. Калла суяги асоси синган, субарахноидал бўшлиққа қон қўйилган деб гумон қилинганда кўни билан 5 мл ликвор олинади (суюқлиқ бир текис геморрагик бўлади). Цереброспинал менингитларда (бунда 20—40 мл гача суюқлиқ олинади, бу суюқлиқ товланиб турадиган ёки лойқа бўлади) ва нерв системасининг бошқа қасалликларида ҳам пункция қилинади. Менингитларда пункция қилинганидан кейин даво мақсадида антибиотиклар юборилади.

Пункцияни фақат врач қиласи, айни вактда қўлларини, операция майдонини тайёрлашда асептикага

қаттиқ риоя қиласы ва фақат стерил асбоб-ускуналарни ишилатады.

Орқа мияни пункция қилиш учун юмшоқ металлдан (аммо, мұрт металлдан әмас!) узунлиги 10—12 см келадиган қилиб ишланган мандренли махсус игналар ишилатилады, буларнинг учи калта, лекин үткір бўлади. Ингичка игналарни ишилатган маъқул, чунки игналар йўғон, хусусан үтмас бўлса, қаттиқ мия пардасида тешик қолиши мумкин, бу орқа мия суюқлигининг анча оқиб кетишига сабаб булади. Ана шундай игнадан ташқари, «Рекорд» шприцлари, ликвор босимини ўлчаш аппарати ва ликвор тўплаш учун 2—3 та стерил пребирка гайёrlаб қўйилиши керак.



13-расм. Кўмикни пункция қилиш учун ишилатиладиган Кассирский игласи.

а — тўш суягини пункция қилиш; б — катта болдири суягини пункция қилиш; 1 — канюля; 2 — ҳимоя щитоги.

Орқа мия пункцияси тўқималарни олдин қаватма-қават новокаин билан оғриқсизлантирилганидан кейин қилинади. Бу талабни бажо келтириш учун 10 граммли шприц билан игналари ва новокаин эритмаси ҳам тайёр туриши керак. Беҳуш бўлиб ётган касалларда пункция анестезиясиз қилинади.

Орқа мия пункцияси касални ё үтқазиб қўйиб, ёки ётқизиб қўйиб қилинади. Биринчи ҳолда касал столга кўндаланг ўтириб, қўлларини кўкрагига қовуштириб қўяди ва бошини имкони борича кўкрагига энгаштиради. Купинча касални қимирлатмасдан ушлаб туриш зарур булади: ёрдамчи касал рўпарасига ўтириб, бошинни ўз елкасига қўяди ва ўз қўлини умуртқа погонасининг ўтқир ўсимталари бир-биридан имкони борича нари қочиб гуриши учун касалнинг эисасидан үтказиб, бошини ушлаб туради.

Калла травмалари, менингитда ва беҳуш бўлиб ётган касалларда касални ёибошлаб ётқизиб қўйиб пункция килинади; бел тагига ёстиқча қўйилади, касалнинг оёқлари қорнига сиқилиб, умуртқа погонаси имкони борича букилади. Касални иммобилизация қилиш зарур бўлса, ёрдамчи қўлларини касалнинг энсаси билан тиззалари остидан үтказиб, касалнинг орқаси дўмбашиб чиққунча уларни бир-бирига яқинлаштиради.

Игна санчиш учун энг бехатар жой IV бел умуртқаси билан V бел умуртқасининг ораси, яъни ёнбош суяклари қирраларини туташтирадиган чизиқдадир. Мандренли игна тери, тери ости клетчаткаси, ўсимталар орасидаги зич бойлам ва зич сариқ бойламдан үтказилади. Шундан кейин игнадан мандрен чиқариб олиниб, қаттиқ мия пардаси тешилади ва субарахноидал бушлиққа игна киритилади. Игна орқа мия каналида бўлса, орқа мия суюқлиғи оқиб чиқа бошлайди.

Пункциядан кейин дарҳол (жумладан ликвор йигилиб, босими ўлчанганидан кейин ва ҳоказо) асентик бogglam билан бойлаб қўйилади. Бемор горизонтал ҳолатда ётганича ўрнига келтириб ётқизилади ва бир кечакундуз давомида оёқларини узатган ҳолда ёстиқсиз ётқизиб қўйилади. Пункциядан кейин биринчи 2 соат мобайнида касал юз тубан ётиши керак.

Бўғимлар пункцияси. Бўғимлар экссудат бор-йўқлигини ҳамда унинг характеристини аниқлаш, экссудатни чиқариб ташлаш, яллигланиш процессларида антибиотиклар ва артографияда контраст моддалар юбориш учун пункция қилинади. Экссудат кам бўлса, пункция қилинадиган жойга бўғимнинг бошқа қисмларидан қўл билан сидириб келинади. Бундай пункцияларда узунлиги 7—9 см, диаметри 1—2 мм келадиган игналар ишлатилади. Терининг пункция қилинадиган жойи билан бў-

ғим халтачаси бир-бирига тұғри келиб қолмаслиги ва кейин әкссудат сизиб чиқмаслиги учун тери бир томонға кераклыгыча сурлади. Игнани бұғым тогайи шикастланмайдыган қилиб охиста киритилади. Тери ва бұғым халтачаси тешилганда ҳаммадан күп қаршилик сезилади.

Елка бұғими акромнал үсімта учининг орқа чеккасы билан сүяк уст пардаси мускули орасидан түмшүқсімон үсімта томонига қараб пункция қилинади. Тирсак бұғими тирсакнинг орқа юзасидан, тирсак үсімтасининг ташқарисидан пункция қилинади (бу үсімтасинң ичкари томонидан тирсак нерви ұтади). Тизза бұғими касалликларида тизза косачаси үртасининг дамидан ёки устки четидан, латерал ёки медиал томондан тешиледи. Чаноқ-сон бұғими соннинг олдиғи юзасидан, йирик то-мирлардан 1—1,5 см ташқарига қочириб. Пупар бойлами тагидан пункция қилинади. Пункциялар асептикалықанынг ҳамма қоидаларыга риоя қилингандың өткізу болжарылади.

Венепункция. Хилма-хил текширишлар учун қон олиш ва дори юбориш мақсадыда веналар игна билан тешиледи (венепункция қилинади). Артериал босимни ва хусусан веноз босимни пасайтириш учун қон чиқариш мақсадыда ҳам венепункция қилинади. Юрак үнг қоринчаси етишмай қолиб, веноз босим күтарилилган ва цианоз пайдо бўлган ҳолларда, ўпка шишганида, гипертония ва нефроген гипертензияларда, азотемик уремия, эклампсия ва баъзи моддалардан (ис гази, ёритиш гази ва бошқалардан) заҳарланганда қон олиш бўюриледи.

Нима мақсадда пункция қилинишига қараб 6—7 см узунликдаги игналарнинг гоҳо бирмунча йүғонроги (диаметри 1 мм), гоҳо бирмунча ингичкарги (диаметри 0,5 мм) ишлатилади. Баъзи ҳолларда 5—10—20 граммли стерил шприц зарур бўлади. Пункция қилиши учун кўпинча тирсак букимининг тері остидаги венасидан, билак, панжа, болдири ва оёқ панжаси веналаридан фойдаланилади.


Қасалга бир талай венепункция қилинадиган бўлса, веналардан фойдаланиш тартиби аҳамиятга эга бўлиб қолади. Аввал қўл панжасининг орқасидаги веналар, кейин билак, болдири веналари ва бу веналар ёмон ривожланган бўлсагина тирсак букими веналаридан фойдаланилади (14-расм). Тирсак букими соҳасида бош

(ташқи) юза вена, үртадаги бош вена (билак венаси) (3), үртә вена (2), тирсак букимининг үртасидаги асосий (ички) венаси (4), асосий вена (6, 7) бор. Мана шу веналардан кайси бирни яхши кўриниб турадиган бўлса, ушаниси пункция қилинади, лекин тирсак букимининг асосий венаси (4) ни, иерв ва артерия у билан ёнма-ёни үтадиган бўлгани учун, яхшиси, пункция қилмаслик керак. Пункция қилиш учун тирсак букимининг үртасидаги юза венаси (2) ва үртадаги бош венаси (3) ҳаммадан қулайдир. Булар одатда яхши кўриниб туради ёки пайпаслагандаги осон топилади. Эмадиган болаларда чакка веналари пункция қилинади, бу веналар бола йиғлаганида бўртиб чиқади, лекин пункциянинг бу усули тажрибани талаб қиласди.


Бемор хушидан кетиб қолмаслиги учун уни чалқанча ётқизиб қўйиб, пункция қилган маъқул. Пункциядан олдин шприцнинг герметиклиги ва игнанинг тиқилиб қолмаганлиги текшириб курилади. Қўл пункция қилинадиган жойдан юқорироқдан юмшоқ резина найда, резина жгут ёки Рива-Роҷчи аппарати манжеткаси билан веналар бўртиб чиқадиган, билак артериясидаги пульс сақланиб қоладиган қилиб сиқиб боғланади. Жгут уни бушатиб юбориш осон бўлиши учун чала тугун қилиб солинади (14-расмга қаралсин). Веналар яхшироқ тулишиши учун касалга қўл панжасини бир неча марта мушт қилиб сиқиш таклиф қилинади. Бунда веналар бўртиб чиқиб, анча кутарилиб турадиган бўлиб қолади. Шунга кўра пункция қилинадиган жойни анча аниқ танлаш мумкин. Веналарда босимнинг кутарилиши шприцга яхшироқ қон киришига ёрдам беради. Вена яхши тўлишмайдиган бўлса, қўл бармоқларидан тирсак букимига қараб массаж қилинади, вена уқаланади ёки вена соҳасига грелка қўйилади.

Касалнинг қўли каравот четига қўйиб билаги сал пастга туширилади ёки қўл алоҳида столчага қўйилиб, тирсак букими сал кутарилиб туриши учун тирсак тагига баландлиги 8—10 см келадиган қаттиқ ястиқча қўйилади. Пайпаслаб, укол қилинадиган жой аниқ белгилаб олинганидан кейин пункция қилинадиган жой атрофидаги тери спирт билан артилади. Кон бир неча касалдан олинадиган бўлса комплектлар (игна ва шприцлар) зарур бўлади.

Пункцияни бир йўла қилиш мумкин, бунда игна венага параллел ҳолда қўйилиб, терига тақалади ва бир ҳаракат билан тери орқали венага суқилади (15-расм). Икки бўлиб пункция қилинганида игна тери



15-расм. Венепункция.



14-расм. Билак ва тирсак буки-

мининг веналари.
1 — бош (ташқи) юза вена; 2 — уртадаги юза вена; 3 — ўртадаги бош вена (бистак венаси); 4 — ўртадаги асосий вена (ички вена); 5 — бош вена; 6, 7 — билакнинг асосий венаси.

юзасига $30-40^{\circ}$ бурчак остида қўйилади ва аввал фақат тери тешилади. Тери қаттиқ бўлганилиги учун уни оҳиста тешилади, кейин эса игнани венага параллел қилиб ушланади ва бирмунча тезроқ ҳаракат билан вена девори тешилади. Игнанинг венага тушиши бушлиққа тушгандек бўлиб сезилади ва пункция шприцсиз игна билан қилинаётган бўлса, игнадан қон оқиб чиқа бошлиайди, пункция шприц билан қилинганда эса шприц цилинтрида қон пайдо бўлади. Вена устидаги тери чап қўл бармоқлари билан ушлаб туриладиган бўлса, венага тушиш осон бўлади: венага тушилгандан кейин игна вена узунасига томон сал сурилади. Игнанинг йўналиши вена йўлига тўғри келадиган бўлиши ёки тери юзасига $20-30^{\circ}$ бурчак остида туриши керак. Игна учининг кесигини юқори қаратиш керак.

Манипуляциялар (қон олиш, дори юбориш, қон йиғыш) тугаганидан кейин гематома ҳосил бўлиб қолмаслиги учун пункция қилинган жойга салфетка босиб туриб, игна венадан тез чиқариб олинади.

Абдоминал пункция тўғрисида 252-бетга қаралсин.

Торакал пункция ҳақида 225—226-бетга қаралсин.

Юрак пункцияси тўғрисида 107-бетга қаралсин.

ДОРИ МОДДАЛАРИ ВА ЭРИТМАЛАРНИ ОРГАНИЗМГА ЮБОРИШ ТЕХНИКАСИ

ИНЪЕКЦИЯЛАР

Турли дори моддалари ичилганида улар меъда ва ичак шираларининг таъсирига учрайди. Шунинг натижасида келиб чиқадиган ўзгаришларга йўл қўймаслик учун, дориларнинг тез кор қилишига ҳамда дозасини анча аниқ қилиб юборишга эришиш мақсадида дори моддаларини тери остига, мускуллар орасига ва венага юбориш усулларидан фойдаланилади. Тери ости ва мускуллар орасига қилинадиган инъекциялар нинг ҳаммасини фельдшерлар, акушеркалар ва медицина ҳамширалари қиласиди. Дориларни венага юбориш ишини медицина ҳамшираси врач назорати остида ва кўзи ўнгига бажариши мумкин.

Юбориладиган эритманинг миқдорига қараб катта-
кичик ҳар хил шприцлар: 1, 2, 5, 10 ва 50 граммли
шприцлар ишлатилади. Инъекция қилиш учун узунлиги
3—5 см келадиган ҳар хил ўғонликдаги игналар (сув-
даги эритмалар учун 0,5 мм, майдаги эритмалар учун
1 мм диаметрли игналар) ишлатилади. Моддаларни
тери орасига юбориш учун (масалан, туберкулинни)
ҳамда 1 мл дан кам дозадаги эритмаларни инъекция
қилиш учун, 0,1 мл дан қилиб даражаларга бўлинган
махсус шприцлар тутилади.

Инъекциялар учун «Рекорд» ва «Люэр» моделидаги шприцлар ҳаммадан кўп ишлатилади. «Рекорд» шпри-
ци металл гардиш ва конусли воронкага маҳкамланган
шиша цилиндрдан иборат. Шприцнинг поршени ҳам
металлдан қилинган. Бу хил шприцнинг асосий камчи-
лиги — металл қисмларида тез қўйقا пайдо бўлиши-
дир. «Люэр» моделидаги шприц бошдан-оёқ шишадир.

Ү енгил бұлади, осон ювилади, лекин, афсуски, ҳамма шиша буюмлар сингари, тез синади.

Сүнгги вақтларда пластмассалардан ишланған шприцлар ва шприц-тюбиклар тобора күпроқ расм булиб бормоқда. Шприц-тюбиклар пластмассадан ишланиб, фабрика шароитларида стерилланади ва ичиға солиб құйилған дори препаратини фақат бир марта юбориш учунгина ярайдиган бұлади. Бундай шприц биринчи ёрдам күрсатыш учун айниқса қулайдыр. Шприц-тюбикни ишлатғанда игнасиши бекитиб турған қалпоқчасини бураб, шприц корпусига охирнің суреб туширилади, шунда игна мандрени игна каналини бекитиб турған мембрағаны тешади. Қалпоқчани тескәри томонға бураб, мандрен билан бирға чиқарып олинади ва игнани юқори құтариб, ҳаво игнадан чиқып кетгүнча корпұс девори қисилади. Игнани санчиб киригандан кейин корпұсни қаттықроқ қисиб, дори организмга юборилади.

Шприц ва игналар тағида түри бўладиган ва қопқоқ билан маҳкам бекитиладиган стерилизаторларда қайнатиб стерилланади. Механик равишда тозаланиб, ювилған шприцлар қисмларга ажратилади, чунки улар қисмларга ажратылмай қайнатиладиган бўлса, шиша (цилиндри) ва металл (поршени) қиздирилганида ҳар хил даражада кенгаядиган бўлгани учун кўпинча синиб қолади. Шприцнинг ажратиб олинган цилинтри билан поршени докага ўралиб, стерилизатор түрига қўйилади. Игналарни, олдин уларга мандренларини солиб, докага алоҳида қилиб ўралади ёки пахта (дока) ёстиқчага тўғнаб қўйилади. Шприц ва игналардан ташқари, стерилизаторга иккита пинцет ва тўрни олиш учун илмоқчалар солинади, шприцларни йиғишиш вақтида асептика шартларини таъминлаш учун ўши пинцетлардан фойдаланилади. Стерилизаторга дистилланған сув ёки, бундай сув булмаса, икки марта қайнатилған сув қуйилади, шунда металл қисмлар қайта-қайта қайнатилганида камроқ қуйқа ҳосил бўлади. Стерилизаторга қўйилған сув шприцларни бошдан-оёқ қоплаб туриши керак. Сув қайнаб чиққанидан кейин стерилизатор қопқоғи маҳкам ёниб қўйилади. Игна ва шприцлар сув қайнаб чиққан вақтидан бошлаб ёки стериллаш процессида қандай бўлмасин бошқа бирор небоёб қўшилған бўлса, уни сувга туширилған пайтдан бошлаб камида 30 минут мобайнида қайнатилиши ке-

рак. Шприцлар стерилизатор қопқогида пинцет ёрдами билан йигилади. Иссиқлнкка яхши чидайдиган шприцлар автоклавда стерилизланади.

Хозир шприцлар билан игналарга қараб түришгә катта ақамият берилади. Шприцинг де-ворлари билан поршенида ёки игналарда қоюқ бұлса, қайнатиш йүли билан стериллаш спораларни ва инфекцион гепатит вирусларини үлдирмайды, яғни күнгилдагидек стерилликни таъминнаб бермайды. Шприц ва игналар яхши ювилмаса, касалдан юқим үтишига (хусусан гепатитнинг сарықсиз формасыда) ёки вирусташувчидан соғлом одамга вирус үтишига сабаб бұлыши мүмкін. Шунинг учун шприц билан игналар ҳар сафар ишлатылғанда кейин аввал совуқ сув билан, сүнгра илиқ сув билан ювиліб, 50—60° гача қыздырылған 5—10% ли магнезий сульфат эритмасига 15 минут солиб қўйилади. Шприцларни обработка қилинганинг бошқа усули — уларни 5—10% ли водород пероксид эритмасига 50 минут солиб қўйиншdir (950 мл сув, 20 мл пергидрол ва 10 г сульфанол ёки бошқа ювадыган молда).

Игна каналлари шу тарпи обработка қилингандан кейингина игналарни стериллаш мүмкін. Шприцларни тозалаш учун ультратовуш билан обработка қиладиган маҳсус асбоблар ҳам ишлатылади (158-бет). Шприц билан игналар етарли обработка қилингандын маганини аниқлаш учун яширини қонга бензидин билан құйнладиган сифат реакцияси қилиб күрилади. 5—6 томчи реактив (0.3 г бензидин ва 10 мл 3% ли водород пероксид билан 5 мл 50% ли сирка кислота) шприц билан игнадаи ўтказилиб, поршень ювилади. Реакцияниг мусбат бұлып чиқиши (эритманинг оч күк ёки яшил рангга бұялиб қолиши) қон юқи қолганини ва шприц билан игналар етарлича обработка қилинмаганини күрсатади.


Шприцларни тұлдириш. Буюрилған дорини шприцга тортиб олишдан аввал дори түгри танлаб слинганими-йүқми буига ишонч ҳосил қилиш учун препарат номини овоз чиқариб ўқиб күриш керак. Ҳар бир инъекция учун иккита игна зарур бұлади. Улардан бирини шприцга әритма тортиб олиш учун, иккинчисини бевосита инъекция қилиш учун ишлатиш керак. Бириңи игна калтароқ, аммо йүли кенгроқ бұлғани маъжул.

Игналарни алиштириш стерилликкабуэмасликка имксин беради. Дери турган ампула бүйнини ёки флаконнинг резина тиқинини олдин спирт (йод) билан артиш ҳам ана шу галабга жавоб беради.

Дорилар шприцга тортиб олинади (16-расм). Шприцдаги ҳамма ҳаво пулакчаларини албатта чиқариб ташлаш зарур. Шприцни, игнасини тик юқорига қаратиб ушлаб, поршени сал пастга тортилади-да, майда ҳаво пулакчаларини бир-бирига қўшиб, бирмунча йирик пулакча ҳосил қилинади ва игнадан чиқариб юборилади. Инъекцияга тахт қилинган шприц стерил лотокка қўйилиб, устига стерил салфетка ёпилади. Бевосита инъекция олдидан қўллар иссиқ сувда совунлаб ювилади ва спирт билан обработка қилинади. Инъекциядан кейин шприц билан игнани дарҳол илиқ сувда ювиб олиш керак. Шприцда мойли эритмалар бўлса, шприц сув билан, кейин эфир ёки спирт билан ювилади.

Уколларни оғриқсизлантириш. Битта касалнинг ўзига бир талай укол қилинадиган, хусусан у оғриққа жуда сезгир ва уколдан қўрқадиган бўлса, инъекция вақтида ва ундан кейин оғриқни камайтириш масаласи кўндаланг бўлиб туриб қолади. Уколлар камроқ оғритадиган бўлиши учун имкони борича ингичка игналар ишлатилади, лекин ҳаддан ташқари кўп кишиларда мускуллар орасига инъекция қилиш учун жуда ингичка игналар ярамайди. Яхши чархланган ўткир игналар ишлатиладиган бўлса ва игна тез («бир зарб билан») саичиладиган бўлса, уколлар камроқ оғритади.

Терининг укол қилинадиган жойи эфир билан намлаб ёки пуркаб совитилганида инъекция камроқ оғритади. Баъзи ҳолларда инъекция қилинадиган жойга хлорэтил пуркаш мумкин. Хлорэтилининг мақаллий апестезияловчи таъсирини чеклаб қўйиш учун посани 2—3 қават қилиб, 0,5—1,5 см диаметрли дарча



16-расм. Эритмали ампуладан шприцга тортиб олиш.

ясалади ва уни тери устига қўйиб, шу дарча орқали хлорэтил берилади. Дока салфетка олиниб, тери спирт билан артилганидан кейин оғриқни сезмайдиган бўлиб қолган жойга инъекция қилинади. Хлорэтилни тўқималар музлагунча таъсир эттириш ярамайди.

Хато ва асоратлар. Беморга буюрилган дорини юбориб қўйиш қўпол хато бўлади, медицина ходими эътиборсиз бўлиб, дори этикеткасини ўқимаганида ёки дори бошқа идишга қўйиб қўйилган ва этикеткаси нотўғри бўлган тақдирдагина шундай хато қилиниши мумкин. Дори моддаларини бир идишдан бошқасига бўшатиш асло ярамайди. Дориларни ишлатишда хато килмаслик учун улар белгилаб қўйилади: оқ этикетка билан ичириладиган дорилар, сариқ этикетка билан сиртга ишлатиладиган дорилар, ҳаво ранг ва кўк этикетка билан парентерал йўл билан (тери остига, мускуллар орасига ва венага) юбориладиган дорилар белгиланади.

Инъекциялар вақтида йўл қўйиладиган асосий хатолар асептикани бузишdir, бу — оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Ифлосланган тери яхши дезинфекция килинмаганда, игнани шприцга қўйиш вақтида унга бармоқ урилганда шундай булиши мумкин. Игнани очиқ ушлаб бўлимда юришга барҳам бериш, уни спиртга ҳўлланган пахтага ўрамаслик керак. Игна ва шприцларни бир жойдан иккинчи жойга устига қопқоқ ёпилган стерил логокда олиб борган маъқул. Ампулани очища йўлинни билмай, уни яхши тилмасдан, синдириб қўйиладиган бўлса ва шиша бўлаклари ампула ичига тушадиган бўлса, юбориладиган эритма ифлосланиб қолиши мумкин.

Бир неча касалга инъекция қилиш учун фақат игналарни алиштириб, битта шприцдан фойдаланиш ҳам хато ҳисобланади, чунки бунда баъзи касалликлар, масалан, инфекцион гепатит (Боткин касаллиги) бир касалдан иккинчисига юқиши мумкин. Беморларнинг бирортасида шу касаллик бор деб гумон қилинадиган бўлса, унга алоҳида шприц ва игналар ажратиб қўйилади. Игна ва шприц қоқшол ва газли ганиренга сабабчилари билан ифлосланган бўлса, 1 соат мобайнида икки мартадан (бўлиб-бўлиб) қайнатилади.

АЛЛЕРГИЯ

Жұда актив дори моддаларини құп миқдорда ишлатиш, күпинча суриштирасдан ишлата-вериш айрим кишиларда баъзи дори моддаларига нис-батан ортиқча сезирликка сабаб бўлиб, уларда аллергик реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Зардоб-ларга (қоқшолга қарши зардоб ва бошқаларга), пени-циллин ва бошқа антибиотикларни, сульфаниламид, йод препаратларини ва бир қанча бошқа дориларни юборишга жавобан сезирлик айниқса күп зурайиб кетади. Аллергик реакциялар күпинча суюлтирилган ҳолда лоа-қал бир неча соат сақлаб қўйилган пенициллин ишлатилганидан кейин ва аввал пенициллинга тутилган шприцлар бошқа дориларни инъекция қилиш учун ишлатилганидан кейин рўй беради.

Дорилар юборишга жавобан юзага келадиган энг оғир реакция анафилактик шокдир. Унинг белгилари — препарат юборилганидан кейин бирдан ёки 20—30 минут давомида дармон қуриб, одамнинг бесаранжомла-ниши, хансираши, терисининг оқариб кетиши, оёқ-қўллари кўкариб, совуқ тер босиши, пульсининг тезлашиб, заиф бўлиб қолиши, артериал босими пасайиб, ҳуши-дан кетиши, таъласага тушишнайди; баъзан одам ўлиб хам қолади.

Анафилактик шокда тери остига дарҳол 1 мл 0,1% ли адреналин ёки 1 мл 1% ли мезатон, ё бўлмаса, 1 мл 5% ли эфедрин юборилади. Булар кор қилмаса, мускуллар орасига ёки тери остига 1 мл 1% ли димедрол, 25—50 мг гидрокортизон ва 1—2 мл 20% ли ко-фени, 2—3 мл кордиамин юборилади, кислороддан па-фас олдирилади; нафас бузилганида сунъий йўл билан пафас берилади (114-бетга қаралсин). Таъласа тута-диган бўлса, мускуллар орасига 10 мл 25% ли магнезий сульфат эритмаси ва венага 20—40 мл 40% ли глюкоза эритмаси юборилади. Юрак фаолияти тўхтаб қолгудек бўлса, юрак массаж қилинади (103-бетга қаралсин).

Кейинроқ авж оладиган бошқа аллергик ҳодисалар қўйиндагилардир: температура кўтарилиши, эшакем то-шиши, бадан қичишиши, аллергик дерматитлар, буғи-лиши, махаллий шишлар, ринит ва конъюнктивит, миг-ренъ, геморрагик васкулитлар. Бронхиал астмага үхшаб

нафас сиқа бошлаганида ҳам адреналин эритмаси ишлатилади, бошқа симптомлар пайдо бўлганида димедрол ва пипольфен берилади. Оғир ёки ўртача даражадаги аллергик реакцияларни бошидан кечираётган касаллар касалхонага ётқизилиши керак. Мана шундай асоратларнинг олдини олиш учун организмга дори моддаси юборишдан олдин касалда дориларга нисбатан ва хусусан юборилаётган препаратга нисбатан ортиқча сезгирилик бор-йўқлигини аниқлаб олиш ва бундай сезгирилик бўлмаган тақдирдагина буюрилган дорини бериш мумкин.

Пенициллин юбориш учун алоҳида шприцлар тутиш, фақат янги тайёрланган эритмани юбориш ва инъекция қилинаётганда ҳар сафар игнанинг қон томиринг тушган-тушмаганини текшириб кўриш зарур. Медицина ходими антибиотикларга сезгирилган бўлса, препараторнинг ҳавода тўзгишига йўл қўйилмайди ва игна флакондан чиқариб олинмасдан туриб хона яхшилаб шамоллатилади ва тозаланади.

Процедура кабинетларида ва одамлар эмланадиган кабинетларда аллергик реакцияга қарши курашиб учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси: стерил шприцлар — дориларни томчи усулида венага юбориш учун система, ампулаларга солиб чиқариладиган антигистамин моддалар (1% ли димедрол, $2,5\%$ ли пипольфен, 2% ли супрастин ва ҳоказо), венага юбориш учун 10% ли кальций хлорид, 5% ли натрий аскорбинат, $2,4\%$ ли эуфиллин ва прессор аминлар ($0,1\%$ ли адреналин, $0,2\%$ ли норадреналин, 1% ли мезатон), 6% ли полиглюкин тахт бўлиб туриши керак.

Аллергик реакцияларнинг олдини олиш учун зардоллар фақат Безредка усулига мувофиқ юборилиши керак. Гамма-глобулин бир марта юборилганидан кейин иккинчи сафар орадан кам дегада З ой ўтказиб туриб юборилиши керак.

ТЕРИ ОСТИГА ИНЪЕКЦИЯ ҚИЛИШ


Тез сўриладиган ва тери ости ёғ клетчаткасига заарар етказмайдиган дори-дармонларнинг эритмалари тери остига юборилади.

Тери остига инъекция қилишда йирик томирлар ва нерв стволларига ҳамиша яқинлашмаслик йўлини қи-

лиш керак. Шу нүктән назардан қараганда елкаларнинг ташқи юзалари (17-расм), сонларнинг олдинги ташқи юзалари, қорин девори, орқанинг курак ости соҳаси ҳаммадан қулайдир. Қасал ўринда ётадиган ва кўп укол қилинадиган бўлса, тери ости инъекцияларини думбага қилмасдан, инъекция жойларини алишириб турган маъқул, масалан, ўнг қўл, чап қўл, ўнг оёқ, чап оёқ, қорин деворининг ўнг ярми, сўнгра чап ярми ва ҳоказо. Ходимларнинг масъулиятини ошириш учун, хусусан инъекциялардан асоратлар пайдо бўлиб тұрган пайтларда баъзан ҳар бир навбатчига инъекция қилиш учун муайян соҳалар ажратиб берилади.


Инъекция қилинадиган жой териси спирт билан артилиб, унга йод настойкаси суртилади ва чап қўл орасига олиб, шприц ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан ушланади-да, тезгина бир харакат билан игна санчилади (18-расм). Игна учи теридан ўтиб, тери ости клетчаткасида турганига ишонч ҳосил қилинганидан кейин шприцдаги эритрома оҳиста юборилади.

Шприцда ҳар қалай ҳаво пуфакчаси қолган бўлса, дори моддасини юбориш пайтида тери остига ҳаво тушмаслигига эҳтиёт бўлиш керак. Дорини батамом юбориб бўлгандан кейин чаққон ҳаракат билан игна чиқариб олиниди ва игна санчилган жойга спиртли пахта қўйилиб, тери ости клетчаткасида ҳосил бўлган дўмбоқча сал масаж қилинади.



17-расм. Одам танасииниг анишу соҳаларига инъекция қилиниши мумкин. Тери остига инъекциялар қилиб бўлмайдиган соҳалар штрихлар қўйилган.

Тери ости инъекция қилишда ҳамма инъекцияларда учраши мумкин бўлган хато ва асоратлардан ташқари (54-бетга қаралсин), игна томирларга тушиб колини ва тери ости клетчаткасига юбориш лозим бўлган дори моддалари томирларга юборилиб қолиши мумкин. Мойдаги эритмалар (камфора мойн) ва эмульсиялар (кортизон)нинг томирларга тушиб қолиши йўнишларидан санчилади.



18-расм. Тери ости инъекциясида игна ана шундай санчилади.

Айникс хатарлидир. Дориларнинг томирларга тушиб қолини гематома ва тўқималар некрозига сабаб булиши мумкин. Дори моддаларини тери ости клетчаткасига юбормай, тери багрига юбориш ҳам мумкин эмас, игна етарлича чуқур санчилмайдиган бўлса, шундай хатога йўл қўйиш мумкин. Йиганинг яхши чархланмаган ва ўтмас бўлиши пункция канали деворларининг шикастланишига олиб келадики, бу — инъекция қўйлинган жойда яллиғланиш процесси авж олишига ёрдам беради. Тери ости инъекциясидан кейин инфильтрат ҳосил бўлиши мумкин, инфильтрат камфора мойн илтилмасдан юборилганидан кейин ҳаммадан кўра кўпроқ пайдо бўлади, лекин ҳар қандай инъекциядан кейин, ҳатто антибиотиклар инъекциясидан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Асептика бузилишидан ташқари, касалнинг юборилган дорига, айникс майдаги дорига ортиқча (аллергик) реакция кўрсатиши ахамиятга эга бўлиши мумкин. Симптомлари: инъекция қўйлинган жойда оғриқ, инфильтрат пайдо бўлиши, тери қизариб, шишиб чиқиши, маҳаллий ва умумий температуранинг кутарилишидир.

Инфильтрат одатда аста-секин сўрилиб кетади, бироқ яллиғланиш реакцияси зўрайиб бориши мумкинки,

бу абсцесс пайдо бўлишига олиб келади. Инфильтрат пайдо бўлганида, камфара мойи инъекция қилинганида эса унинг яхшироқ сўрилиб кетиши ва инфильтрат пайдо бўлишининг олдини олиш учун 30% ли спиртдан компресслар қўйилади, кварц ва ультрачастотали ток билан нур берив даволаш усуслари қулланилади. Мадда бойлаганида ёрилади.

Инъекциялар вақтида кўпинча йўл қўйиладигац хато бир-бирига тўғри келмайдиган дориларни, масалан, камфара мойини кофен ва юракка таъсир қиласидиган бошқа эритмалар билан битта шприцда юборишдир. Натижада ёмон сўриладиган эмульсия ҳосил бўлади; бундан ташқари, мойдаги эритмаларни иситиш сувдаги эритмалар активлигини сусайтириб қўяди. Фолликулин ва синэстролнинг мойдаги эритмалари билан сувдаги эритмалар, масалан, витамин В₁ ва алоэ эритмалари ҳам бир-бирига тўғри келмайди. Ишқорлик ёки кислоталик даражаси ҳар хил бўлган эритмаларни ҳам битта шприцда юбориб бўлмайди. Стрихнин нитрат, кордиамин, витамин В₁ ва В₁₂ кислотали реакцияда бўлади, лекин буларни ҳам бирга қўшмаган маъқул, чунки сўрилиш даражаси ҳар хиллар. Витамин В₁ ни витамин В₆ ва С билан бирга қўйсана бўлади. Витамин В₂ ни В₆ ва В₁₂ билан бирга қўшиб бўлмайди. Витамин В₁₂ ни В₁, В₂, В₆, РР ва С билан бирга ишлатиб бўлмайди. Алоэ экстрактини бошқа ҳамма препаратлар билан қўшиб бўлмайди.


МУСКУЛЛАР ОРАСИГА ИНЪЕКЦИЯ КИЛИШ

Баъзи дори моддалари тери остига юбориладиган бўлса, оғриқقا сабаб бўлади, ёмон сўрилади (масалан, симоб препаратлари) ва инфильтратлар ҳосил бўлишига олиб келади. Ана шундай препаратларни ишлатганда, шунингдек дорини тезроқ таъсир эттириш керак бўлган ҳолларда тери остига юбориш ўрнига мускуллар орасига юборилади. Бироқ, тери остига юборса бўладиган дориларни мускуллар орасига юбориш ортиқча, фақат венага юборса бўладиган дориларни, масалан, гипертоник эритмаларни (40% ли глюкоза эритмаси, 10% ли кальций хлор эритмаси ва бошқаларни) ҳам мускуллар орасига юбориш ярамайди.

Мускуллар орасига инъекция қилиш учун игнаси-
нинг йўғонлиги 0,8—1,5 мм ва узунлиги 7—10 см кела-
диган «Рекорд» ширицлари ишлатилади. Игнасининг
узунлиги тери ости клетчатка қатламининг қалинлигига
боглиқ, чунки игна киритилганда тери ости ёғ қатлами-

дан ўтиб, мускул бағрига етиб бориши зарур. Дори моддаларни мускуллар орасига юбориш учун энг қулай жой думба соҳасидир. Думба соҳасидан йирик томирлар ва қўймич нерви ўтадиган бўлгани учун инъекциялар қилишга фақат устки-ташқи қисмидан, яъни қўйидаги икки хаёлий чизиқ; катта кўст устидан 3—4 см баландда горизонтал ўтган чизиқ билан катта кўстининг ўрта қисмидан ўтган вертикал чизиқнинг слдинги ва устки томонидан фойдаланилади. Мана шу чизиқ думба соҳасининг олдинги учдан бир қисмини орқадаги икки қисмидан ажратиб туради (19-расм). Дори моддаларини соннинг ташқи олдинги юзасидаги, елканинг ташқи юзасидаги мускулларга,

19-расм. Думбанинг ки-
чик ва ўрта мускуллари-
га инъекция қилинади-
ган жой (пукта қилиб
кўрсатилган).



кўкрак, орқа мускулларга ва қорин девори мускуллари-
га ҳам юбориш мумкин.

Шприц худди бошка инъекцияларда қилингандек тайёрланади. Касални ёнбоши билан ётқизиб қўйиб, мускуллар орасига инъекция қилиш ҳаммадан қулай, шунда мускуллар яхши бўшашади, аммо касал тик турган ҳолатда ҳам мускуллар орасига инъекция қилса бўлади.

Шприцга дори моддасини олгандан кейин игна алиштирилиб, шприцдан ҳаво чиқариб юорилади. Бемор териси дезинфекцияланиб, бурма қилиб ушланмасдан, чап қўлнинг I ва II бармоқлари орасида чўзилади ва игна тезгина санчилиб, керакли чуқурликка туширилади. Шприц поршенини тортиб куриб, игнанинг томирга тушиб қолмаганилиги текширилади, ширицда қон пайдо бўлиши, игнанинг томирдалигини кўрсатади. Эритма

аста-секин юборилади, лекин игна тез чиқарыб олинади ва игна санчилган жойга спиртли пахта қўйилади-да, шу жой сал массаж қилинади. Оғритадиган препаратлар, масалан, кокарбоксилаза жуда секин юборилади. Магнезий сульфат ва бошқа баъзи дориларни мускуллар орасига юбориш оғритадиган бўлгани учун аввал 1—2 мл 0,5—1% ли новокани эритмаси юборилади ва шприцини чиқарыб олмасдан туриб, дори моддаси инъекция қилинади.

Энг кўп учрайдиган хатолар 54-бетда тасвирланган. Бундай ташқари, мускуллар орасига инъекция қилинда инъекция қилинадиган жой ноаниқ танланиши, игна етарлича чуқур санчилмаслиги ва томирларга тушиб қолиши мумкин. Игна тўқималарга кўпн билан узунлигининг $\frac{3}{4}$ қисмича ботиб туриши керак, чунки игна канюола билан биринккан жойидан спиниб кетиши ва санчилган игна синингини батамом чиқарыб олиш қийин бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда операция қилини зарур бўлиб қолади.

Мускуллар орасига қилинган инъекциялар асорати сифатида постинъекцион инфильтрат, баъзида эса абсцесс ҳам пайдо булиши мумкин. Буларнииг пайдо булишида асентикани бузиш, гематома ҳосил булиши, юбориладиган эритманииг мускулга тушмай, клетчаткага тушиб қолиши ва касалининг юборилаётган препарата жавобан аллергик характерда ортиқча реакция кўрсатиши аҳамиятга эгадир. Инфильтратлар магнезий сульфат мускуллар орасига инъекция қилинганда кўпроқ пайдо бўлади. Клиник белгилари: инъекция қилингандан кейин 3—5-куни, баъзан эса анча кейин ўша жойининг безиллаб туриши ва ундаги тўқималарнииг чекланган ҳолда зичлашуви. Инфильтрат сўрилиб кетиши мумкин ёки оғриқ зўрайиб, шиш кучаяди, температура кўтарилади. Инфильтрат чуқур жойлашган бўлса, терининг қизариши кеч маълум беради, баъзан аввал тўқималар приб (флюктуация аниқланади), абсцесс пайдо бўлади. Инфильтрат пайдо бўлганида сўрилиб кетишига ёрдам берадиган процедураналар (иссанқ қилиш, кварц, ўта юқори частотали токлар) қўлланилади. Абсцесс пайдо бўлганида йирнигни сўриб чиқарыб, бушлигига антибиотиклар юбориш ёки абсцессин ёрини мумкин.

ВЕНАЛАРГА ИНЬЕКЦИЯ ҚИЛИШ

Дорилар венадан юборилганида тери ости ёки мускуллар орасидан юборилгандагида күра бирмунча тезроқ таъсир қиласы, чунки препарат тұғридан-тұғри қонға тушады. Бундан ташқари, дори моддаларининг гипертоник эритмалари (40% ли глюкоза эритмаси, 10% ли кальций хлорид эритмаси ва бошқалар) ни веналарга юбориш мүмкін. Улар қонға тушганидан кейин катта концентрациядаги дори препараты қон билан суюлады ва мускулга ёки тери ости клетчаткасига юборилганида берадиган заарарлы таъсирини (некроз хавфи) күрсатмай құяды.

Веналарга инъекция қилиш учун стерил, сувдаги тиниқ эритмалар ишлатылады, эмульсиялар (лойқа эритмалар) ёки мойдаги эритмаларни ишлатышига эса йүл құйылмайды. Веналарга юборища тери остига юборищдеги күра бирмунча бошқачароқ дозировка қилинады; жуда кучли таъсир қиласынан моддалар ҳамиша секинлик билан юборилады. Баъзын дорилар, масалан, трасилол фақат глюкоза эритмаларыда суюлтирилган ҳолда ва томчилаб юборилады.

Дориларни венага юбориш учун ҳам худди боягидек шприцлар ва йүғонлиги 0,5—1 мм, узунлиги 4—5 см келадиган, кесиги тик олинган игналар ишлатылады. Уларни тайёрлаш, стериллаш, инъекция қилиш учун шприцга эритма тортиб олиш юқорида тасвиранган (52-бетта қаралсın). Венепункция қилинадиган жойлар тұғрисінде 46-бетта қаралсın.

Инъекцияни касални ётқизиб құлган маъқул. Венани пункция қилиш мүлжалланаётгап жойнинг юқориогига, құлга жгут солинади ва тери йод настойкаси ёки спирт билан обработка қилиниб, кейин венепункция қилинади (46-бетта қаралсın). Игна томирда турганига тұла ишонч ҳосил қилингандан кейин (шприц поршенини сал орқага тортиб құрилғанда шприцда қон пайдо булишига қараб буни билса бұлади) жгут олинади ва дори охиста юборилади (20-расм).

Инъекцияни қилиб бұлғандан кейин игна тез чиқарып олинади ва укол қилинган жойга спиртта ҳұлланған пахта шарча бир неча минут босиб турнады. Венага юборилған дори моддалари қон билан аралашып

кетади, шу муносабат билан жуда хилма-хил дори моддаларини битта иғнадан кетма-кет юбориш мүмкін.

Қасалга буюрилған дорини әмас, қандай бұлмасин бошқа бирор дорини янгилишиб юбориб қўйиш хавфи катта бўлганилигидан олинган дорини этикеткасига қараб жуда сничиклаб текшириб кўриш зарур. Дозаси ҳам худди шу тариқа текширилиши керак. Ҳар қандай инъекцияларда учраши мүмкин бўлган хатолардан ташқарп (54-бетга қаралсин), венага қилинадиган инъекцияларда эритма кўпинча венага тушмай, қисман ёки батамом атрофдаги тери ости клетчаткасига тўшиб қолади. Игна венага кирмаган бўлса ёки кесмасининг фақат бир қисми венада турган бўлса, шунингдек эритма юборилаётган пайтда игна ўрнидан силжиб кетса, шундай бўлиши мүмкін. Шу сабабли венага инъекция қилинаётган пайтларда игна суримаслигига қараб бориш керак.

Гематома ҳосил бўлса, препаратни юборишни тўхтатиб, венадан чиқаётган қонни босиб туриш йўли билан тўхтатиш ва бошқа венани пункция қилиш керак. Гематома соҳасига тенг-баравар сув қўшилған спиртдан компресс қўйиш тавсия қилинади. Кўпгина эритмалар, хусусан гипертоник эритмалар юборилаётганда тери ости клетчаткасига тушиб қолиши некрозга сабаб бўлиши мүмкін. Мана шу асоратга йул қўймаслик учун венепункцияни жуда эҳтиёт бўлиб қилиш ва игна венада турганига ишонч ҳосил қилингандан кейингина эритмани юбориш керак. Клетчаткага бир оз миқдор гипертоник эритма тушиб қолганида ҳам ачиштирадиган оғриқ



20-расм. Шприц ёрдами билан венага дори юбориш.

пайдо булади (калий ёки кальций хлорид эритмалари ва мишъяқ препаратлари айниқса хавфлидир). Бүлдай холларда эритма юборишни тұхтатиши ва игнани чиқа-риб олмасдан туриб вена атрофидағи бұшликни ново-канининг физиологик эритмадаги 0,25—0,5% ли 10—20 мл эритмаси билан ювиб ташлаш керак. Айни вақт-да новокайн оғриқсизлантирувчи таъсир күрсатындан тащиқари, концентрацияни камайтиради ва дори модда-свиның некротик таъсирі йүқолади. Дорини венага туш-май, тери ости клетчаткасига тушиб қолганлыги укол қилингандай жойда инфильтрат пайдо бүлганига қараб ке-нии биліб қолинган пайтда ҳам новокайн блокадаси килинади, иситувчи компресслар қуийлади ва сүрилиш-ни тезлаштириш учун 44—128 бирлик миқдорида лидаза юборилади. Мадда пайдо бүлса ёки флегмона юзага келса, операция йули билан даво қилиш зарур бүләди.

Венага инъекция қилинаётгандан ҳаво эмболияси ҳавфи бүлгани учун конга андек бүлса-да, ҳаво кири-шидан әхтиёт бўлиш керак (98-бетга қаралсин). Гипертоник эритмалар тез юбориладиган бүлса, кейинчалик кўнишча флеботромбоз ривожланади. Дори моддаларини венага юборишда юз берадиган аллергик реакция айниқса хатарлайдир (55-бетга қаралсин). Бунга йўл қўймаслик учун инъекция қилишдан олдин касалнинг юборилаётган препаратни кутара олиш, кутара олмас-лигини аниқлаб олиш керак.

Дори моддаларини венага юбориш усули қўллани-ладиган ҳолларнинг рўйхатини чеклаш ва дори моддаларини перорал йўл билан (оғиздан ичириб), тери ос-тига ёки мускуллар орасига юбориб бўлмайдиган пайт-лардагина бу усулдан фойдаланиш зарур.

СУЮҚЛИКЛАРНИ ҚУИШ

Организмнинг сув-электролитлар мувозанати тўғрисида умумий маълумотлар. Организмнинг ҳаёт-фаолиятида сув ниҳоятда катта роль уйнайди. Организмдаги сув миқдори тана оғирлигининг 60% ига боради, шу миқдорнинг атиги $\frac{1}{3}$ қисми ҳужапралар орасида бўлса (ҳужайрадан ташқаридаги суюқлик — тана оғирлигининг 20% и), қолган $\frac{2}{3}$ миқдори (ҳужай-ра ичида суюқлик — тана оғирлигининг 40% и) ҳу-жайралар ичида бўлади. Томирлар ичида (ўзаннда)

плазма (тана оғирлигининг 5% и), томирлардан ташқарыда ҳужайрааро суюқлиқ ёки лимфа булади (тана оғирлигининг 15% и), унда ҳар хил тузлар ва моддалар алмашинувининг маҳсулотлари бор.

Организм сувида эрийдиган тузларнинг күпчилиги электролитлар үринни босади, яъни мусбат ва манфий зарядланган ионларга (катионлар ва анионларга) парчаланади. Нормал ҳолатда ҳужайралардан ташқаридаги сув электронейтрап булади; бу эритмада pH 7,4 га тенг. Мана шу қоиданинг бузилиши организмда кислота-ишқорлар мувозанатининг издан чиқишига сабаб бўлади.

Ҳужайралардан ташқаридаги суюқлиқда бўладиган энг муҳим катионлар натрий, калий, кальций ва магнийдир. Хлор, бикарбонат, ортофосфат ва сульфат анионлари мана шу электролитларга мос келади. Суюқлиқда эриган барча молекулалар туфайли юзага келадиган йигинди босим осмотик босим деб аталади. Осмотик босим организмда сув тақсимланишини идора этиб турадиган энг муҳим омилларнинг биридир. Айланиб юрадиган суюқлиқдаги электролитлар миқдорини миллиэquivалентлар билан ифодалаш расм бўлган, бу — электролитнинг оғирлик миқдоринигина эмас (демак, осмотик босимнигина эмас), балки эритма электронейтрапалигининг сақланиб туришини ҳам билиб олишга имкон беради.

Қондаги барча электролитлар миқдори нормада 310—330 мэкв ни ташкил этади.

Натрий плазма ва ҳужайрадан ташқаридаги суюқлиқнинг энг актив ионидир. Плазмадаги натрий миқдори 140 мэкв га боради. Натрий ионлари кислота-ишқорлар мувозанатини идора этишида қатнашади, улар нерв толасидан қўзғалиш ўтиши учун зарурдир.

Ош тузи етарлича кириб турмаса ёки ортиқча миқдорда чиқарилиб турадиган бўлса (қайт қилиш, буйраклар функциясининг бузилиши, сийдик ҳайдайдиган моддаларни узоқ ишлатиш ва бошқалар туфайли), қондаги натрий миқдори камайиб қолади (гипонатриемия).

Симптомлари: бош оғриши, бош айланиши, артериал босимнинг пасайиб кетиши, коллапс, қайт қилиш; анча сгир ҳолларда коматоз ҳолат бошланади ва одамни талваса тутади.

Давоси: ҳам изотоник эритма, ҳам гипертоник эритма ҳолида натрий хлорид юбориш.

Натрий организмга ортиқча миқдорда киритилганида, масалан, таркибида натрий бұладыган эритмалар күплаб қойилғанда ва натрий организмда тутилиб қолганида (бүйрак касаллукларида), юрак-томир касаллуклари билан оғриған беморлар кам суюқлиқ ичгани ҳолда, шұр овқат еганида қондаги натрий миқдори күпайып кетиши мүмкін (гипернатриемия). Бу ҳол баданга шинш келиши, одамни мудроқ босиши, чанқаш, апатия, күнгил айниши, қайт қилиш билан маълум беради.

Давоси: тузни чеклаб қойиш ва глюкоза юбориши. Тузли эритмаларни инъекция қилиб юбориб бұлмайды.

Калий. Организмдаги умумий калийнинг атиги 2% и (б мәкв) хужайрадан ташқаридаги суюқлиқда бұлады. Организмдаги ҳамма алмашынув процесслари учун, нерв-мускул үтказувчанлигининг миокард фаолиятининг нормал сақланиб туриши учун, оқсиллар синтези ва бошқалар учун калий бұлиши зарур.

Калий овқат билан етарлича кириб турмаса, операциядан кейинги даврда таркибида калий бұлмайдыган физиологик эритмагина ортанизмга юбориб туриладыган бұлса, организмдан бир талай суюқлиқ чиқиб кетадыған бұлса (қайт қилиш, ич кетиши, ичак оқмалари ва бошқалар туфайли), сийдик ҳайдайдыған моддалар ва гонадотроп гормонлар қабул қилинганидан кейин сийдик ҳаддан ташқари күп ажralадыған бұлса қондаги калий миқдори камайып кетади (3,5 мәкв дан кам — гипокалиемия). Калий сийдик билан ортиқча миқдорда чиқиб кетар экан, сув билан бирга талайгина водород ионлари (H^+) ҳам йүқолады, бу — кислота-ишқорлар мувозанати үзгариб, қонда ишқор күпайышига олиб келади (алкалоз). Суюқлиқ күп йүқотилганида (одам ҳадеб құсаверганида) ацидоz авж олади (қонда кислоталарнинг күпайиши).

Гиперкалиемия, яъни калийнинг ортиқча (7 мәкв дан күпроқ) бұлиши юрак аритмияси ҳамда унинг тұхтаб қолишига олиб келади, шу муносабат билан таркибида калий бұладыған эритмалар ҳамиша жуда секинлик билан юборилади.

Хлор натрий катиони билан биргаликта осмотик босимнинг доим бир туришини таъминлаб беради. Унинг қондаги миқдори тахминан 100 мәкв ни ташкил этади.

Хлор ионлари натрий хлорид ва калий хлорид күришида бұлады. Хлор етишмай қолиши (гипохлоремия)

ҳамиша калий ва натрий танқислигига бөләди, масалан, сийдик ҳайдовчи моддалар ишлатилганида шундай бүләди. Ичак тутилганида, одам варақ-варақ құсаверганида ва ичак оқмалари бүлганидагина хлор аңчагина етишмай қолиши мүмкін.

Қон оқсиллари. Нормада қон плазмасыда альбуминлар, глобулинлар ва бошқа фракциялар куриннишида 7 г % атрофидә оқсиллар бүләди. Қон оқсиллары манфий зарядға әга бүлиб, анионлар хоссаларини юзага чиқаради. Томирлар девори плазма оқсилларини ўтказмайды, плазма оқсиллари томирлар ичидағи суюқликнинг маълум бир қисмини ушлаб ҳам туради.

Хужайра ичидағи суюқлик таркиби хужайра ташқарисидаги суюқлик таркибидан кагта фарқ қиласы. Турли органлар ҳужайраларидаги сув миқдори 20 дан 60 % гача боради.

Ҳаммадан устун турадиган ион калий иони, анионлар эса—фоєфатлар билан оқсиллардир. Ҳужайрадан ташқаридаги суюқлик ташқы мұхит билан ҳужайралар, организмнинг ички мұхити орасидаги бир нав «буфер» бүлиб, ҳужайраларнинг ҳаёт-фаолияти шунинг воситаси билан сақланиб туради.

Организм билан ташқы мұхит ўртасидаги мана шу ўзаро таъсирнинг жуда ўзига хос хусусияти доим бир хилда сақланиб турадиган мувозанат борлығидир.

Ички мұхиттіннеге доимийлігі деган гап аввало организмдаги ҳужайрадан ташқары суюқликнинг ҳажми билан сифат таркиби бир хил туради деган гапдир.

Организмга сув беріб турадиган асосий манба суюқ (суткасига 1200 мл), қаттық овқат ва озиқ моддаларининг оксидланишидір (300 мл гача сув). Сув ва әлекін ролитлар организмдан бүйрак орқали ва бүйракдан ташқары йўл билан (тер билан, нафасдан чиқадиган газлар билан), шунингдек ахлат билан бирга чиқарлади (1-жадвал).

Организмда сутка сари алмашиниб турадиган сув 2,6—2,8 л ни ташкил этиши билан бирга йўқотилган тузлар ҳам тегишлича ўрни тұлиб туради. Организмнинг сувга ёлчимай қолиши (умумий дегидратация) старлича суюқлик кирмай туриши (қызилұнгач, пилорус стенози, бәзги операциялардан кейин сув ичишни тақиқлаб қўйиши), күпинча сув йўқотилиши (қайт қилиш, ич кетниси, одам куйганида юзага келадиган плаз-

Катта ёшли одамдан бир кечакундузда
йүқоладиган ўртача сув, натрий ва калий миқдори

	24 соатда чиқадиган сув, мл	24 соатда чиқадиган натрий (Na ⁺) мәкв	24 соатда чиқадиган калий (K ⁺ мәкв
Үлкө орқали	700	0	0
Тери	500	25	0
Сийдик билан бирга	1500	85	80
Ахлат . .	100	10	10
Жами	2800	120	90

морея, ичак оқмаси ва бошқалар) натижасида келиб чиқади. Умумий дегидратацияга даво қилишда аввал 5% ли глюкоза эритмаси юбориш йўли билан етишмайдиган сув ўрни тўлдирилади, кейин таркибида натрий ва бошқа тузлар бўладиган эритмалар юборилади. Гипертоник эритмаларни юбориб бўлмайди.

Сувдан ҳам кўра кўпроқ тузлар йўқотилган бўлса, дегидратация гипотоник бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда касал чанқаётиман деб нолимайди, сийдиги концентранмаган бўлади, қон зардоби текшириб кўрilsа, натрий ва хлоридлар миқдори кам бўлиб чиқади, касалга тузли эритмалар юбориш ўринли бўлади. Гипертоник дегидратацияда тузлардан кўра кўпроқ сув йўқотилган бўлади. Бундай ҳолларда касал тили куришиб, қаттиқ чанқайди, сийдиги концентранган, қондаги натрий ва хлоридлар миқдори кўпайиб кетган бўлади. Дегидратациянинг шу хили кўпроқ учрайди ва организмга суюқлиқнинг кам кириши ёки ўрнининг тулмай қолишидан келиб чиқади. Бундай ҳолларда 5% ли глюкоза эритмаси ёки физиологик эритма юбориш ўринидир.

Сув ва тузлар ортиқча юбориладиган бўлса, хусусан ҳалеб инъекция қилинаверадиган бўлса ёки сув билан тузларнинг буйраклардан ажралиши камайиб қолса (масалан, уткир буйрак етишмовчилигига) гипер-

гидратация юзага келиши мүмкін. Мана шундай хатарлы асорат артериал босимнинг кутарилиши, ўпка, миянинг шишуви билан маълум беради. Давоси: организмга киритиладиган суюқлиқ миқдорини чеклаб қўйиш, гипергидратацияга олиб келган сабабларни бартараф этиш (буйрак функциясини тиклаш ва ҳоказо). Гипертоник эритмаларни юбориб бўлмайди.

Организмдаги сув-электролитлар мувозанати ҳужайра ичи ва ташқарисидаги суюқлиқни нормал ҳажмларда сақлаб туришга, анион-катионлар мувозанатини ва нормал осмотик босимни қувватлаб туришга хизмат қиласди.

Суюқликлар қўйишни тақоза этадиган ҳоллар. Сув-электролитлар балансининг бузилиши кўп учрайди. Бундай ўзгаришлар зимдан авж олиб бориши ёки одам қўйиб қолганида, ичаги тутилиб қолганида ва бошқа пайтларда тез орада талайгида суюқлиқ ва тузларни йўқотиб қўйиш натижасида юзага келиши мүмкін. Талай-қон йўқотиш, сероз бўшлиқларда тўпланиб қолган суюқлиқ ва йирингни чиқариб ташлаш кўпинча сув ва тузлар етишмай қолишига олиб келади. Хирургик касалларнинг организмига суюқлиқ кам тушадиган бўлади, чунки операциядан олдин сув режими чеклаб қўйилади ва операциядан кейин дарров сув ичишга имкон берилмайди. Шу билан бир қаторда касал температураси кутарилган ҳолда кўп терлайдиган, қайт қилалигани, тез-тез нафас оладиган бўлгани учун сув билан тузларни ҳамиша кўпроқ йўқотадиган бўлади. Мана шундай касаллар сув ва туз алмашинувининг бузилишига мойил бўлишади.

Йўқотилган сув ва тузларнинг ўринини тўлдиришининг энг самарали йўли, хусусан суюқликларни одатдагича меъда-ичак йўли орқали юборишининг иложи бўлмаган ҳолларда суюқликларни қўйишдири. Суюқликлар қўйилганда сув ва тузлар етишмовчилигини бартараф этиш ҳамда организмнинг сув ва электролитларга бўлган суткалик эҳтиёжи қопланишини таъминлаш зарур.

Суюқлиққа бўлган суткалик эҳтиёж касалнинг ёши ва ориқ-тўлалигини хисобга олган ҳолда ҳар 1 кг тана оғирлигига 30—45 мл ҳисобидан ёки маҳсус жадвалга мувофиқ тўлдирилади (1 m^2 тана юзасига 1500 мл дан). Ўқолган сув ўрни тўлдирилганидан кейин сув балансини қувватлаб туриш учун ҳар кеча-кундузда 1500 мл

суюқлиқ юбориб туриш кифоя. Бүйраклар яхши ишлаб турадиган бұлса, бир кечакундузда 2—3 л физиологик эритма юбориб туриш мүмкін. Бир кечакундузда юборса бұладиган электролиттарнинг максимал миқдори құйидагича: натрий хлорид — 4 г, калий хлорид — 2 г, кальций хлорид — 1 г.

Сув-электролиттар балансини эритмалар құйиш үйді билан тиклашда албатта бажо келтириладиган шарт организмга кириши ва ундаи йүқолиши мүмкін бұлған ҳамма суюқлиқни бекам-құст ҳисобға олиб бориши, электролиттар миқдорини лабораторияда қайтакайта текшириб туришдір. Диурезни, қусуқ массалари, ажраладиган йириңг билан бирга чиқиб кетадиган суюқлиқни үлчаб туриш, одам қаттық терлайдиган бұлса, құйлак-лозимини тарозида тортиб күриш керак ва ҳоказо. Мана шу маълумотларнинг ҳаммаси касалнинг температура варағыга ёки операциядан кейинги давр картасига ёзиб қўйилади. Организмга юбориш учун ҳар хил туз эритмаларидан фойдаланиладики, булар қон плазмасига иисбатап олганда изотоник, гипер-ва гипотоник эритмалар бўлиши мүмкін.

Энг кўп ишлатиладиган эритмалар. Физиологик эритма (ош тузининг 0,85% ли эритмаси, бошқача айтганда 1 литрида 3,45 г натрий ва 5,46 г хлор бұладиган эритма). Бу эритма тери остига ва венага юборилади, етишмайдиган натрий ва хлор ўрнини тұлдириши мүмкін. Организмда сув етишмайдиган бұлса, физиологик эритма билан бирга 5% ли глюкоза эритмаси ҳам юборилади. Етишмайдиган натрий ўрнини тұлдириб бұлған заҳоти натрий миқдори камроқ бұладиган эритмаларга утиш лозим.

Рингер—Локк эритмаси: натрий хлорид 9 г, нагрий бикарбонат, кальций хлорид, калий хлорид — 0,2 г дан, глюкоза — 1 г, дистилланган сув — 1000 мл. Бу эритма натрий билан хлор ионларидан ташқари, калий ва кальций ионларига ҳам эга бўлиб, ўз таркиби жиҳатидан қон зардобига жуда яқин туради.

Тузли инфузия ЦИПК: натрий хлорид — 8 г, калий хлорид — 0,2, кальций хлорид — 0,25 г, магний сульфат — 0,05 г, натрий бикарбонат — 0,8 г, натрий дигидрофосфат — 0,138 г, иккى қайта дистилланган сув — 1000 мл. Бу эритма физиологик эритмага қараганда анча

изотоник эритма булиб, таркибида организмга зарур тузларнинг ҳаммаси бор.

ЛИПК-3, серотрансфузин ЦОЛИПК, полиглюкин, поливенол, желатинол, аминокровин, бир қанча оқсили гидролизатлари ва қоннинг бошқа күргина дериватлари ҳамда қон ўрнини босадиган эритмалар ҳам ишлатилади.

5% ли эритма ҳолидаги глюкоза қон плазмасига иисбатан олганда гипотоникдир. Организмда сув етишмовчилигига бу эритмани юбориш айниқса ўринилдири. Глюкозани венага ва тери остига юбориб ишлатса бўлади. Глюкозанинг гипертоник (10—20—40% ли) эритмаларини фақат венага юбориб ишлатиш мумкин, чунки тери остига тушнаб қолгудек бўлса, унинг некрозланишига олиб келади.

Сув ва тузлар мувозанати ҳар хил тарзда издан чиқиши мумкин, шу сабабдан организмга юбориладиган суюқлиқларнинг ҳажми ва таркибинигина эмас, балки уларни қандай тезлик билан юбориш кераклигини ва ҳажмларини сутка давомида қандай тақсимлаш лозимлигини ҳам ҳисоблаб чиқиш зарур бўлади. Эритма нечоғлик гипертоник бўлса, уни шунча секинлик билан юбориш керак. Суткада юбориладиган суюқлиқ миқдорининг биринчи ярмини соат 9 дан соат 15 гача, иккинчи ярмини — соат 18 дан соат 20—24 гача юборилади. Эритмаларни қандай тезлик билан юборилиши қўйидагича ҳисоблаб топилади: масалан, 600 мл эритма 5 соат ичидаги юбориладиган бўлса, унинг қўйилиш тезлиги $600:3 \times 5$, яъни минутига 40 томчи бўлади. Эритмаларни юбориш усулига қараб, улар тери остига, венага, суяқ ичига ва тўғри ичакка (ректал йўл билан) қўйилиши мумкин.

Тери остига қўйиладиган эритмалар. Қўйишнинг энг оддий усули эритмаларни тери остига юборишdir.

Тери ости клетчаткасига талайтина миқдор эритмалар юборилиши мумкин. Тананинг юмшоқ ёғ тўқимаси бўладиган жойлари: соннинг олдинги-ташқи юзалари, сут безларининг таги ва курак ости соҳаси ҳамда бошқа жойлар мана шу мақсад учун ҳаммадан қулай жойлар ҳисобланади. Организмда суюқлиқ етишмай қолган бўлса ёки натрий ҳамда хлор етишмай қолган бўлса мана шу ҳолларда, суюқлиқларни оғиз орқали юбориш мумкин бўлмаган (64-бетга қаралсин) ёки қийин бўлган

ҳолларда эритмаларни тери ости клетчаткасига юбориш үринлидир. Эритма юбориладиган соҳада тери касаллиги ёки йирингли процесс бўлса, эритмани тери остига қўйиб бўлмайди.

Ҳамма ҳолларда, хусусан тери ости ёғ клетчаткаси жуда ривожланган одамларда, эритмалар тери ости ёғ қатламининг остига юборилади Шу йўл билан юбориладиган суюқлиқ миқдори 250 мл дан 2—3 л гача. Битта жойнинг ўзига 500 мл дан оргиқ суюқлиқ қўйиб бўлмайди, чунки суюқлиқ кўп юбориладиган бўлса, тери некрозигача етиб борадиган асоратлар рўй бериши мумкин. Кўп миқдор суюқлиқ юбориладиган бўлса, уни ҳар хил жойлардан юбориш зарур.

Тери остига фақат изотоник ёки гипертоник эритмалар (физиологик эритма, 5% ли глюкоза эритмаси ва бошқалар) юборилади. Гипертоник эритмаларни мутлақ юбориб бўлмайди. Тери остига юбориладиган суюқлиқ стерил бўлиши, юборилишидан олдин тана температурасига қадар, аммо кўпи билан 40° гача иситилиши керак. Эритма совиб қолмаслиги учун ампула ёнига грелка ёки игна билан туташтирилган най осиб, икки грелка орасига жойлаб қўйиш мумкин. Грелкалардаги сув температураси 40° дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Зарур асбоблар узунлиги (6—8 см) ва тешиги (1 мм атрофида) етарлича бўлган игна, суюқлиқ солинадиган идиш (воронка, Эсмарх кружкаси, резина тиқинли шишалар) ва резина найлардан иборат системадир. Кўпгина даволаш муассасаларида суюқликларни тери остига қўйиш учун Бобров аппарати ишлатилади. Игна ва системалар қайнатиб стерилланади. Аммо стериллашнинг энг қулай усули автоклавлашdir; Бобров аппарати қисмларга ажратилган ҳолда автоклавга солинади. Ҳамма суюқликларни қўйиши учун зарур бўладиган ана шундай асбоблар олдиндан тайёрланиб, стериллаб қўйилади.


Турли аппаратлар ишлатиладиган бўлса, уларнинг стерил ва стерилмас қисмларини қатъий чегаралаб қўйиш йўли билан, хусусан аппаратни йигиш ва қўйиладиган эритма билан тўлдириш вақтида, асептиканси сақлаш катта аҳамиятга эгадир. Аппаратурани йифиш ва эритмани қўйиш ишлари, одатда, қўлларни хирургик обработка қилмасдан туриб бажарилади ва бу ишларни и gnaga ҳамда аппаратуранинг қўйиладиган эритма те-

гиб туралынан қисмларига құл урилмайдынан қилиб бажарыш керак.

Система қүйидагича қилиб тұлдырылади. Воронка, кружка ёки ампула илитилган стерил эритма билан тұлдырылғанидан кейин найдаги ұавони суюқлиқ билан сиқиб чиқариш учун игна ва үнга туташтирилған най юқори күтәріледи ва най бошдан-оёқ суюқлиқ билан тұлиб, игнадан суюқлиқ тизиллаб оқиб туша бошлагунча игна аста-секин пастга туширилади. Шундан кейин система винтли қисқиң ёки қон тұхтатадын қисқиң билан қисиб қүйилади. Инъекция қилинадын жой йод өз спирт билан яхшилаб обработка қилинади. Тери ости ёғ қатламининг қалинлігінә қараб териға катталиғи ва калибри мос келадын игна санчилади. Тери ҳамда ёғ қатламини игна тешіб үтганиға ва игнадан бир томчи ҳам қон чиқмаётганиға ишонч ҳосил қилинадын кейин игна резина най билан туташтириліб, резина найдан қисқиң олинади. Игна ёпишқоқ пластирь билан ёпиштириб қүйилади. Қүйилаётган эритмалы идиш таг-ликка маҳкамлаб қүйилади.

Игна тери ости клетчаткасига киритилғанидан кейин суюқлиқ найдаги суюқлиқ устунияннг босими туфайли оқиб тушади, бу суюқлиқ устунияннг узунлігі 60—100 см бўлиши, илиш эса тегишли баландликка күтариб қўйилиши керак. Суюқлиқ секин қўйилиб боради.

Гери остига эритмаларни Бобров аппарати ёрдами билан юбориш анча қулай ва тез бўлади (21-расм). Бу аппарат девори даражаларга бўлинган ва оғзи 2 та шиша най үтказилған резина тиқин билан маҳкам бекитиб қўйиладын шиша идишдан иборат. Калта найига Ричардсон баллонининг шиша найи туташтирилади. Узун шиша найи эса учига игна үтказилған резина най билан туташтирилади. Узун резина найга систе-



21-раом. Бобров аппарати.

мага ҳаво кириб қолганини пайқаш ва бунга йўл қўй-
маслик учун шиша найча уланади.

Аппаратни ишлатишдан олдин қўйидагича синаб кў-
рилади: идишга қандай бўлмасин бирор эритма (маса-
лан, физиологик эритма, қайнаган сув ва бошқалар)
солиб, оғзи тиқин билан маҳкам қилиб беркитилади.
Тиқини очилиб кетмаслиги учун махсус қисқич билан
идиш оғзига маҳкамлаб қўйилади. Шундан кейин калта
найи баллон билан туташтирилади, узун найи эса учига
игна ўтказилган резина найга кийгизилади. Баллон би-
лан дам берилса, идишга ҳаво ўтиб, суюқлиқни босиб
чиқаради, шунда суюқлиқ резина най ва игнадан оти-
либ чиқади. Ишлатишдан олдин бутун асбоб резина
най ва игналари билан яхшилаб ювилади ва стерилла-
нади (резина баллонидан бошқаси).

Бобров аппарати кипятильникдан чиқариб олингани-
дан кейин ёки автоклавда стерилланиб бўлганидан ке-
йин қўйишга мўлжаллаб, илитиб қўйилган эритма идиш-
га солинади ва аsepтикани бузмасдан, яъни идиш-
нинг ичига қараган шиша найчаларга қўл урмай, идиш
тиқин билан бекитилиб, тиқини қисқич билан маҳкам-
лаб қўйилади. Калта шиша найи Ричардсон баллони-
нинг резина найи билан, узун шиша найи эса учига игна
 ўтказилган резина най билан туташтирилади.


Ричардсон баллони сиқилиб, игнали най юқори кў-
тарилади ва найнинг бошдан-оёғи суюқлиқ билан тў-
либ, игнадан суюқлиқ тизиллаб отилиб чиқмагунча сис-
темадан ҳаво чиқарилади. Суюқлиқ оқимини батамом
тўхтатиш учун найга игна яқинидан қисқич қўйилади
ва йод настойкаси билан дезинфекция қилинган терига
игна санчилади. Шундан кейин қисқич олиниб, эритма-
ни қўйиш бошланади. Эритма қўйилаётган пайтда терига
кўтарилиб чиқадиган жойларини пастдан юқорига
қараб оҳиста массаж қилиш тавсия этилади. баъзан
илиқ грелка қўйилади. Банкадаги суюқлиқ босимини
анча кучайтиришнинг ҳожати йўқ, чунки оғритмаслик
учун суюқлиқни ҳаддан ташқари тез юбориб бўлмайди.

Суюқлиқ юбориш тезлигини назорат қилиб туриш-
га имкон берадиган системалардан фойдаланиш анча
қулай. Эритмани томчилаб қўйиш учун ишлатиладиган
системанинг энг муҳим қисми унга капельница, яъни
иқкита уни ва ичиладиган капилляри бўладиган кичкина
шиша баллон қўшишдир (22-расм). Капельница капил-

ляридан кирадиган суюқлиқ тезлиги винтли Мор қисқи-
чи билан тұғрилаб турилади. Бу қисқиңи капельница-
дан пастроққа солиш мүмкін. Томчилаб қуйиш учун иш-
латиладиган системани тұғри йифиш ва суюқлиқ билан
тұлдириш зарур. Системани монтаж қилиш тартиби
мана бундай. Резина найнинг эркін учи эритмали идиш-
га боради, иккінчи учи капельница учига унинг капил-
ляри юқори туралынан қилиб туташтирилади. Капель-
ницининг қарама-қарши томонига учиды игнага лойиқ
келадиган канюласы бұлған иккінчи узун резина най
күйгизилади.

Система инъекция қилиш олдидан эритма билан
тұлдирилади. Аввал системани капельницадан юқори-
роқдан қисқиңи билан қисиб қўйиб, идиши тұлдирилади.
Идишни кровать дамидан 1—1,5 м баланд туралынан
қилиб, тагликка ўрнатғандан кейин капельницага игна-
ли най күйгизилади ва капельница ҳамда бутун систе-
ма суюқлиқ билан тұлдирилади. Шундан кейин резина
найлардан қисқиңлар олинади ва системанинг бир қис-
ми игна ҳамда капельница билан бирга суюқлиқ солин-
ган идиш дамигача кутарилади. Туташ идишлар қону-
нига мувофиқ суюқлиқ капельницага туша бошлайди.
Капельницанинг $\frac{3}{4}$ қисми тұлғанидан кейин уни идиш
дамидан пастга туширилади, шунда суюқлиқ ҳавони
аста-секін сиқиб чиқарып, коллодийли игнадан бир текис
тизиллаб оқиб чиқа бошлайди. Резина най игнага яқин
жойидан қон тұхтатувчи қисқиңи билан қисиб қўйилади.
Энди система эритмани қўйишга тайёр; тери тегишлича
тозалаб, тайёрланғанидан кейин тери ости клетчаткасига
игна санчилади. Клетчаткага суюқлиқ кириши винтли
қисқиңи билан ростланади. Эритмани қўйиб бұлғандан
кейин игна чиқарып олинниб, укол қилингандын жой клеол-
ли боғлам билан боғлаб қўйилади ва эритма юборил-
ған жой соҳасига грелка қўйилади. Аппарат (система)
қисмларга ажратылып, юнилади ва яна ишлатиш учун
қайтадан стерилланади.

Эритмаларни тери остига қўйишда
учрайдиган хатолар ва асоратлар. Эрит-
маларни қўйишга ҳозирлик кўрилаётган пайтда ёки
уларни қўйиш вақтида асептикага аҳамият бермаслик
натижасыда тери ости клетчаткасига инфекция тушиб
қолиши мүмкін. Касалнинг терини яхши обработка қи-
линмаса, стерилланмаган эритма ёки игналар ишлати-



22-расм. Ўртасидан игналар (1, 2) ўтқазилган резина тиқинли башкалар; тройник (3), томизгич (капельница) (4), киритма шиша пайча (5), игна кийгазиладиган канюля (6) ва қисқич (7) билан монтаж қилинган.

ладиган бўлса, инфекция манбани бўлиб қолиши мумкин. Асептиканинг бузилиши яллиғланиш инфильтратлари пайдо бўлишига, жуда дармондан кетиб қолган касалларда эса йиринг тўпланишига (абсцесс ёки флегмона авж олишига) олиб келади. Мана шу асоратларга йўл қўймаслик учун системани тўғри йиғиш ва тўлдириш зарур. Эритмани қўйин олдидан шишасининг этикет-касидағи ёзувга қараб, унинг стериллигига, упаковкасининг герметиклигига ва эритманинг тиниқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Бутун системани обдон тозалаб ювиш катта аҳамиятга эга, чунки система ишлатилганидан кейин етарлийча тозаланмайдиган бўлса, у кейин яна ишлатилганида стериллиги таъминланмай қолади ва бу — ўша системадан эритма қўйилганида bemордан исимта чиқишига олиб келади (система пиrogенлиги).

Хато қилиб изотоник эритма ўрнига гипертоник эритма (10% ли кальций хлорид, 20% ли натрий хлорид) ни қўйиш ўша жойдаги тўқималарнинг некрозга учрашидек жуда оғир асоратларга олиб келади. Бобров аппарати иотўғри йиғилиб, игна аппаратининг калта капиллярига туташтириб қўйилган бўлса, игнага суюклиқ ўтмасдан, балки ҳаво ўтади. Эритмани қўйиш олдидан игнали найчадан ҳаво чиқариб юборилмаган бўлса ҳам худди шунингдек, тери ости клетчатка-


сига ҳаво киради. Крепитация пайдо бўлиши (пайпаслаб кўрилганида гарчиллаган овоз эшитилиши) тери остига ҳаво кириб қолганидан дарак беради. Температураси 40° дан юқори ёки илитилмаган суюқлиқни қўйиб қўйиш ҳам хатодир, температураси 40° дан ортиқ эритмани қўйиш некроз пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлса, илитилмаган суюқлиқни қўйиш сўрилишининг сусайиб қолишига сабаб бўлади.

Эритмаларни венага қўйиш. Эритмаларни венага қўйиш усули жуда кенг қўлланилади. Бундай усул керакли эфектнинг тез бошланишини (етишмаган сув, тузлар, озиқ моддалари ўрнини тўлдириш, дори таъсир этишини) таъминлаб беради. Венага инъекция қилиш учун қандай веналардан фойдаланиладиган бўлса, венага эритмалар қўйиш учун ҳам худди ўша веналарнинг ўзидаи фойдаланилади (47-бетга қаралсин). Эритмалар венепункция ёки венесекция йўли билан юборилади. Венепункция қилиш қийин бўлган ҳолларда венесекция қилинади, аммо венани пункция қилиш камроқ шикаст етказадиган бўлгани учун кўпчилик ҳолларда шу усул маъқулроқ келади.

Эритмаларни веналарга қўйиш учун зарурасбларни шиша идиш ва томчилаб қўйиш учун ишлатиладиган система, қон тўхтатадиган 1—2 қисқич, винтли қисқич, венани пункция қилиш учун керак бўладиган турли калибрли 3—4 игнадан иборат. Ҳар қачон ҳам венани секция қилиш зарурияти туғилиб қолиши мумкин бўлганидан венесекция учун ишлатиладиган набор тайёр туриши керак (84-бетга қаралсин).

Ҳар қандай системани ҳам автоклавда стериллаган маъқул, шунда система бир-икки кун давомида ишлатишга яроқли ҳолда туради. Венага эритма юборишда капельницадан пастроққа албатта. Пирогов шишасини (22-расм, 5), яъни диаметри резина найчалар диаметри билан бир хил бўлган шиша найча қўйиш керак: бундай шиша найча капельницадан пастга ҳаво утишини вақтида пайқаш ва бунга ўйл қўймасликка ҳамда ҳаво эмболиясининг олдини олишга имкон беради.

Турли эритмаларни, жумладан қонни қўйиш зарурияти туғилганида резина найчани пункция қилиш йўли билан 22-расмда курсатилганга уҳшатиб, эритмаларни қўйиш учун ишлатиладиган системага яна битта система уланади. Томчи усулида қўйиш учун кўпинча қон



23-расм. Билак венасига қон ва эритмалар қуйиши.

1 — эритмали ампула; 2 — қонли банка; 3 — учта ўсимтади томизгич.

ва дори моддалари солинган махсус идишлар ва стандарт ампулалар ишлатилади.


Операция вақтида суюқлиқлар билан қонни галмагал қуийб турыш учун капельницасининг юқоририоидан тройник билан уланган қўшалоқ томчи системаси қулай бўлади (22-расмга қаралсин). Тройникнинг пастки учи капельница ва ундан игнага борадиган найча орқали игнага уланган бўлса, иккита устки учидаги қўйиладиган эритма солинган идишларга борадиган резина найчалар бор ёки бу учлари алиштириладиган стандарт банкаларнинг тиқинига санчиладиган иғналар билан тугалланади. Мана шундай система қўйиладиган эритмаларни тез алиштиришга имкон беради.

Тўртта учи, яъни тўртта ўсимтаси бўладиган капельницадан фойдаланиш ҳам қулай (23-расм), ўсимталари нинг бири — қон банкаси билан туташтириш учун, иккинчиси — қўйиладиган суюқлиқни ампулага улаш учун (физиологик эритма, глюкозали ампулагага); учинчиси қисқич билан бекитиб қўйиладигани — капельницадаги суюқлиқ сатҳини тўғрилаб турish учун хизмат қиласи. Қисқич олиб қўйилганида суюқлиқ сатҳи кўтарилади. Капельницанинг пастки учи ҳамиша суюқлиқ билан тўлиб турадиган бўлишига қараб бориш зарур. Капельницанинг тўртинчи ўсимтаси резина найча орқали иғна билан туташган.

Ишлатиладиган системаларнинг ҳаммаси йигилган ва текширилган бўлиши керак. Резина найчалар шиша қисмларга маҳкам кийгазилган бўлиши лозим. Система (капельница, ампулалар, найчалар) ҳеч бир еридан суюқлиқ чиқармайдиган ёки ҳаво тортмайдиган, яъни герметик бўлиши керак. Эритмаларни қуийш учун ишлатиладиган системалар одатда олдиндан тайёрлаб қўйилади ва ҳар бир система монтаж қилинган ҳолда, алоҳида чойшабга ўралиб, автоклавда стериllанади.

Қон, қон ўрнини босадиган эритмаларни, туз ва дори эритмаларини қуийш учун стерил упаковкаларда бўладиган ва бир марта ишлатиладиган системалар тобора кўпроқ расм бўлиб бормоқда. Бундай системалар пластмассадан тайёрланиб, заводнинг ўзида стериllанади ва серияси ҳамда стериllangan вақти кўрсатиб қўйилган стерил упаковкада чиқарилади. Апироген, заҳарсиз пластмасса ишлатилади. Бундай системалар резина тиқин билан бекитиб қўйилган флакондан

бир марта суюқлиқ қўйиш учун мўлжалланган. Система (24-расм) флаконга ҳаво киргазадиган игнаси бор калта найча ва капельницали узун найдадан иборат. Калта найдчанинг бир учида игна (1), иккинчи учида чангни тутиб қоладиган фильтр (2) бор. Узун найдча-



24-расм. Бир марта қўйишга ишлатиладиган система.

1 — қисқа най игнаси; 2 — чангни тутиб қоладиган фильтр; 3 — капельница игнаси; 4 — узун най игнаси; 5 — пластмасса халта; 6 — игналарнинг қалпоқчалари; 7 — пластинкасимон қисқич; 8 — капельница фильтри; 9 — капельница.

нинг бир учида флаконнинг резина тиқинини тешишига мўлжалланган игна (3), иккинчи учида — венага киритиладиган игнага борувчи канюла (4) бўлади. Игналар алоҳида қалпоқчалар (6) да туради.

Системани ишлатишдан олдин упаковка пакети (5)

нинг герметиклиги ва игна қалпоқчалари (6) нинг бутулиги текшириб кўрилади. Системани очиш учун упаковка пакети йиртилади ва система, игналардан қалпоқчаларни чиқармасдан туриб, олинади. Флакон ичидаги суюқлиқ аралаштирилганидан кейин тиқини спирт ва йод билан артилади ва флаконга ҳаво киритадиган ишна сақлагич қалпоқчасидан чиқариб олиниб, шу игна флакон тиқинига имкони борича чуқурроқ киритилади. Игнанинг ўтказувчи найчаси флакон деворига параллел қилиб маҳкамлаб қўйилади. Капельницага яқин турган игна (3) чиқариб олинганидан кейин, системани капельницанинг юқоририогидан пакетдаги қисқич (7) билан қисиб қўйилади ва бу игна ҳам флакон тиқинига киритилади. Флакон тўнкарилиб, штативга ўринатилади ва система одатдагича қилиб тўлдирилади (73-бетга қаралсин).


Капельницани капрон фильтр юқорида, капельница найчаси эса пастда турадиган қилиб кўтариб, фильтр (8) ва капельница (9) даги ҳаво сиқиб чиқарилади. Капельница юбориладиган эритма билан ярмига қадар тўлдирилади, сўнгра паст туширилиб, қалпоқча олинади ҳамда игнадан эритма тизиллаб оқиб чиқа бошлабунча найчанинг пастки қисмидан ҳаво сиқиб чиқарилади. Найчага игна яқинидан қисқич қўйилади.

Суюқлиқларни қўйиш техникаси. Пункция қилишдан олдин тери спирт ёки йод билан артиб тозаланиди ва вена тўғри пункция қилинганинга жуда қаттиқ ишонч ҳосил қилинганидан кейин (игнадан қон ўта бошлайди) система игнага туташтирилиб, эртмани венага қўйиш бошланади. Тери ости клетчаткасига суюқлиқ ўтаётган-ўтмаётганлиги бир неча минут давомида кузатиб борилади (вена соҳасининг бўртиб чиқиши, оғриши), игна вена йўналишига мос қилиб ёпишқоқ пластирь билан маҳкамлаб қўйилади, пункция қилинган жой эса стерил салфетка билан бекитиб қўйилади.

Суюқликни қўйиш тезлиги қисқич билан тўғриланади. Суюқликни флаконни алиштириш заруриятни туғилиб қолса (алиштириладиган флаконлар ишлатилаётганида), система қисиб қўйилиб, игналар тиқинидан чиқариб олинади ва тўнкариб штативга ўринатилган иккичи флакон тиқинидан ўтказилади. Шундай қилиб, иг-

на венадан чиқариб олинмасдан туриб, яна суюқлиқ қуйилаверади.

Суюқлиқ багамом қуийлиб бұлгунча бутун системаниң тұғри ицилаётганини: эритма шимшилиб, боғлам ҳүл бұлаётібдими, йұқми, венадан ташқарига ёки атрофдаги клетчаткага суюқлиқ ұтаётгандығы туфайли шу жойда инфильтрат ёки шиш пайдо бұлғанми, йұқми, система нағчалари букилиб қолғанлығы ёки вена тиқи-либ қолғанлығы учун суюқлиқ үтиши тұхтаб қолғанми, йұқми қараб бориш керак бұлади. Суюқлиқ үтиши тұхтаб қолса ва бу венага тромб тиқи-либ қолғанлығы биләп болғын бұлса, системадаги босимни кучайтириш ва канюлани тозалашга уриниш ярамайды, бунда бошқа венани қайтадан венепункция ёки венесекция қилиб, суюқлиқ қуийладыған жойни ұзартыриш зарур. Капель-иницага суюқлиқ тушмай қолғанида венага ҳаво кирмас-лығы учун томчилаб суюқлиқ қуиши тұхтатыб қүйилади.



25-расм. Дори моддаларни юбориш учун резина най игна биләп ана шундай тешилади.

Қандай бұлмасин бирор дори моддасини венага юбо-риш зарурнятты бұлса, система нағасини йод настой-каси биләп артгандан кейин шу нағчага игна санчиб, дори юбориш мүмкін (25-расм). Дорини секишлиқ биләп юбориш керак бұлса, томчилаб қуийладыған эрит-мали идишга солинади. Суюқлиқ томчилаб қуийладыған система орқали дори моддалари қайта-қайта юборыла-дыған бұлса, масалан, наркоз вақтида, системага игна-сииңг олдига маҳсус тройник киритилади, унинг шприцга мұлжалланған канюла биләп тугайдыған эр-кин учига резина нағча кийгазилған бўлади (26-расм). Найчаси қисқич биләп қисиб қуийлади. Қандай бұлма-син бирор эритманы юбориш учун шу эритма шприцга тұлдирилиб, қисқич очилади; шунда канюладан чиқа-

диган суюқлиқ ҳавониң сиқиб чиқаради ва шприц-ни канюлага туташтириб, венага дори юборишга имкон беради. Қисиб құядиган қисқиични яна найчага солиб құйғандан кейин шприцни канюладан чиқарып олса бұлади.

Венага суюқлиқ қүйиш учун ишлатиладиган ана шундай системани етишмайдиган сув ва электролитлар үрнини тұлдириш учун юбориладиган суюқлиқтардан ташқары шок, коллапс ва бир қанча касалликларда организмга ҳар хил дори моддаларини юборишта тутиш ҳам осон. Чунончи, норадреналиини томчи усулида юборыш (2 мл 0,2% ли эритмасини 1 л 5% ли глюкоза эритмаси ёки физиологик эритмада, қон босимини ҳар иккі соатда үлчаб туриб, минутига 20—50 томчи тезликда), гепарин, трасилол ва бошқаларни қўйиш учун тутиш осон.

Суюқлиқтар оқим ёки томчи ҳолида қўйилиши мумкин. Томчи ҳолида қўйиш юракка зўр келтирмасдан ва артериал босимни катта ўзгаришларга учратмасдан туриб, кўпгина миқдор суюқлиқни юборишга имкон беради, дори моддалари эса шу усульда юборилганида қон айланыш доирасига бир текис тушиб турадиган бұлади. Мана шунинг учун ҳам кучли таъсир кўрсатадиган бир қанча дори моддаларини фақат томчи усулида юбориш мумкин. Юрак ва ўпканинг аҳволи кўп миқдор суюқлиқни тез юборишга имкон бермайдиган бұлса, одам оғир интоксикация ва инфекцион касалликларни бошдан кечираётган бұлса, ана шу ҳолларда, шунингдек суюқлиқтар ёки дори моддаларини узоқ вақт давомида юбориш зарур бўладиган бир қанча ҳолларда суюқлиқтарни венага томчи усулида юбориш айниқса ўринлидир.


Организмда айланып юрган суюқлиқ ҳажмини зудлик билан тұлдириш зарурати туғилганида (операция вақтида бир талай қон іўқолиши, шок ёки коллапс ва ҳоказо) суюқлиқтарни оқим ҳолида қўйиш усулидан фойдаланилади, бироқ бундай усул билан кўп деганда 500 мл суюқлиқ қўйиш керак.

Венесекция. Венепункция қилиш қийин бўлса (семиз одамлар венасининг яхши билинмаслыги, шок ёки коллапс пайтида веналарнинг ёмон тұлишуви) ёки венепункция қилиш ўринсиз бўлса (масалан, узоқ давом этадиган операция пайтида веналарга тромб тиқилиб

қолиши хавфи бўлса), ёхуд суюқлиқни қўйиш узоқ (4 соатдан ортиқроқ) давом этади деб кутиладиган бўлса, суюқлиқлар венесекция ёрдамида венага қўйилади. Бундай ҳолларда вена операция йўли билан очилади ёки унга куз билан кўриб туриб игна солинади.

Кўпинча тирсак буқимининг веналари, билакнинг уртадаги ва пастки учдан бир қисми веналари, шунингдек оёқ панжаси ва болдирилнинг юза веналари венесекция қилинади. Венесекция қилиш учун медиал тўпиқнинг олдинги томонидаги катта тери ости венаси айниқса қулай, бемор ёнбошлаб ва юз тубан бўлиб ётганида эса медиал тўпиқдан орқада бўладиган болдири венаси ҳаммадан қулайдир, шу жойда артерия ҳам очиладики, бу — суюқлиқни артерияга юбориш керак бўлиб қолса, шунга кўриладиган тайёргарчиликдир. Тромбофлебит билан оғриб ўтган ёки вена касаллкларига мубтало бўлган одамларда, шунингдек ҳомиладор аёлларда оёқ веналарини очишдан воз кечмоқ керак.

Венесекция учун худди кичикроқ операциядагидек асбоблар: скальпель, қайчи, анатомик ва хирургик пинцетлар, қон тўхтатадиган бир неча қисқич, игна ва иг-



26-расм. Системага тройник улаши.

1 — тройник; 2 — қисқич; 3 — шприцга киритилингани каниюляли найча.

натутқич, шприц билан игналар, бир нечта ипак ва кетгут ип, новокаинли стаканча, дока салфетка ва шарчалар, чойшаб, ёстиқ жилди, сочиқ ва суюқлиқ қўйиш учун ишлатиладиган система керак бўлади. Мана шу асбобларнинг ҳаммаси олдинда тайёрланиб, алоҳида биксларга солиб қўйилади. Тери ҳам бошқа ҳар қандай операцияда бўлганидек тайёрланади. Бемор наркоз ҳолатида бўлмаса, тери кесиладиган чизик бўйлаб 0,25—0,5% ли новокаин эритмаси билан маҳаллий анестезия


қилинади. Тери кесилганидан кейин тұқымалар пинцеттер билан керилади ва вена стволи чиқарилиб, тагига 2 та кетгут лигатура солинади. Томирнинг периферик учидағи лигатура бойланади (27-расм), марказий учидағи лигатура эса тортилиб, ундан тутқич үрнида фойдаланилади.

Суюқлиқ құйиладиган буты система ва канюла юбориладиган эритма билан олдиндан тұлдырилади. Вена тагига жағлары очилған пинцет құйилиб, вена йұлы етарлича узунликда қилиб ёрилади ва вена девори бошдан-оёқ ёрилганига ишонч ҳосил қыллинганидан кейин вена йұлиға игна солинади. Кетгут ипни игна атрофидан капалак нусха қилиб боғлаб, учлари жарохаттинг устки қисмидан чиқариб құйилади. Игна система билан туташтирилади. Резина найчаси фиксатор билан боғланади ёки пластирь тилишлари билан маҳкамлаб құйилади, тери тикилади.

Іgnани чиқариб олиш құйидагича: фиксатор-иплар кесилади ёки пластирь тилишлари күчириб олинади. Кетгут ип тугунини, теридаги чокларни олмасдан туриб ечилади, игна чиқариб олинади ва кетгут лигатурани тортиб, венанинг устки учи боғлаб құйилади; кетгут ипнинг учлари кесиб ташланади. Жароқат четлари юмайлайдиган бұлса, терига құшимча чок солинади.

Хозир вена йұлиға игна үрнига күпинча ё шиша канюла, ёки пластмасса катетер солинади, бу вена деворини анча кам шикастлантиради, жуда камдан-кам холларда тиқилиб қолади. Веноз катетерни киритишдан олдин суюқлиқ билан тұлдириш зарур. Суюқлиқни юбориб бұлғандан кейин катетер илиқ сув билан ювилади, тешиги тиқилиб қолмаганлиги текшириб күрилади ва қайнатып стерилланади.


Бир марта ишлатиладиган «Браунюл» типидаги катетер игналардан фойдаланиладиган бұлса, венесекция қишлиш әхтиёжи анча камаяди (28-расм). Бу катетер-игна пластмасса катетерге үрнатылған металл үтказгич-



27-расм. Болдирдан венесекция қишиш. Венаны чиқариб олиш ва периферик учини боғлаш.

игнадан иборатдир. Вена пункция қилинади, шундан кейин утказгичи чиқарип олинади, катетер эса венада қолади ва суюқлиқларни венага узоқ вақт қуишига имкон беради.

Игна венадан чиқарип олинганидан кейин бутун система ювилиши ва яна ишлатиш учун стериллашга юборишини керак.



28-расм. Браупюл игнаси.

Хатолар. Венага эритмалар қуишида асоратларга сабаб бўла оладиган бир қанча хатоларга йўл қўйилиши мумкин, шу муносабат билан венага томчилаб суюқлиқ қўйиладиган система қўйилганида беморий тинмай кузатиб бориш керак бўлади. Игнанинг венадан чиқиб кетиши ҳаммадан кўп учрайдиган хато бўлиши мумкин. Мана шунинг олдини олиш учун қўл шинага боғланади, венага киритилган игна эса бир тилиш ёпишиқоқ пластирь билан маҳкамлаб қўйилади. Игна венадан чиқиб кетганида суюқлиқ тери ости клетчаткасига тушиши мумкин, буни игна санчилган жойда юмшоқ шиш пайдо бўлишидан пайқаб олиш осон. Бундай ҳолларда суюқлиқни бошқа венадан юборишга тўғри келади. Игна ёки венанинг тиқилиб қолиши иккинчи асорат бўлниши мумкин, системада суюқлиқ оқимининг тўхтаб қолиши шундан дарак беради. Капельницаага томчи тушмай қолар экан, юқорисига қўйилгани қисқич ҳаддан ташқари қаттиқ қилиб буралмаганими, найчаси букилиб қолмаганими ёки игна нотўғри туриб қолмаганими деб текшириб кўриш керак. Вена тиқилиб қолган бўлса, (вена тромбози) шу вена орқали суюқлиқ қуишини тухтатиш зарур.

Венага суюқлиқлар юборилганидан кейин, хусусан бу иш узоқ давом этган бўлса, касаллар венасининг девори яллигланиб, кейинчалик тромб ҳосил бўлади, тромбофлебит деб шуни айтилади. Асептика қоидаларига қатъий риоя қилиш, дори юборишдан олдин системанинг резина найчасини ҳар сафар албатта обработка қилиш,

ниҳоят, бир марта ишлатиладиган система ва катетер-игналардан фойдаланиш ана шундай асоратларнинг ҳийла кам учрайдиган бўлишига ёрдам беради.

Венага суюқлиқлар қўйилганидан кейин кўпинча температура кўтарилиб, эт увишиши мумкин. Бир марта ишлатиладиган апироген системалар тутиладиган бўлса ва суюқлиқ батамом қўйиб бўлингунча стерилликка қатъий риоя қилинса мана шу асоратлардан халос бўлиш мумкин.

Суюқлиқларни суяк ичига қўйиш. Веналар ёмон ри-вожлангани ёки ҳадеб венага суюқлиқ қўйилавергани учун улардан фойдаланиб бўлмаса, шунингдек бадан кўйган бўлса, баъзан суюқлиқларни суяк ичига қўйиш усулидан фойдаланилади. Маҳаллий анестезия қилинганидан кейин маҳсус пункция игналари (13-расмга қаралсин) билан суяк пункция қилинади (43-бетга қаралсин). Ана шундан кейин игна канюола ёрдамида суюқлиқ қўйиладиган система билан туташтирилади ва кўмикинг веноz камгагига суюқлиқ юборилади. Бунинг учун 0,5% ли новокани эритмаси, маҳсус игналар ва суюқлиқ қўйиладиган система тайёрланади.

Суюқлиқларни тўғри ичак билан, яъни ректал юбо-риш тўғрисида 257-бетга қаралсин.

Кислород алмашинувининг бузилиши.

Үпка вентиляциясида одам нафас олганида ўпкага альвеолаларда манфий босим (симоб устуни ҳисобида 2—3 мм) ҳосил бўлиши туфайли ҳаво киради. Альвеолалар тусиги орқали кислород капилляларга ўтади, унинг ўрнига эса карбонат ангидрид ажralиб чиқади. Одам нафас чиқарганида карбонат ангидрид билан тўйинган альвеоляр ҳаво атрофдаги атмосферага чиқиб кетади. Кислород алмашинувининг мана шу босқичлари ташки нафас деб аталади. Тўқималарда кислород ва карбонат ангидрид алмашинуви тўқима нафаси дейилади.

Нафас издан чиққанида қон ва тўқималарда кислород миқдори камайиб (гипоксия), одатда карбонат ангидрид ушланиб қолади (гиперкапния). Гипоксия веноз қоннинг ўпкада кислород билан етарли тўйинмаслиги патижасида келиб чиқиши мумкин, бу — бутун артериал қоннинг кислород билан тўйиниши сусайиб қолишига олиб келади. Үпкага ҳаво кириши издан чиққанида альвеоляр ҳаводан қонга етарли кислород ўтмаганида, атмосфера ҳавосида кислород парциал босими камайиб қолганида (одам баландликка кўтарилганида), ҳаво бошқа газлар билан ифлосланганида ва нафас органдари касалликларида гипоксия авж олади. Гемоглобин миқдори камайиб кетганлиги туфайли тўқималарга кислород яхши келиб турмаса, қон ўйқотилганида ва қон системаси касалликларида (анемик гипоксия) кислород етишмай қолади. Қон айланиши бўзилганида (циркулятор гипоксия), юрак-қон томирлар етишмовчилигига, юрак касалликлари ва интоксикациялар туфайли ҳам тўқималарга кислород ўтиши издан чиқади.

Тұқималарда оксидлапиң процесслари етишмөчилігінда, шу процессларда иштирок этадиган ферментлар активлиги сусайиб қолганида тұқималарнинг кислород билан таъминланиши бузылады (тұқима гипоксияси).

Гипоксиянинг уч босқичи тафовут қилинады: I босқичида нафас чүкүрлашиб тезлашады, сал-пал цианоз, тахикардия пайдо бұлады, артериал босим бир қадар күтарилады, одамнинг эс-хуши жойида бұлады; II босқичида одам росмана ҳансирағ қолады, аъзойи бадани күкариб (цианоз), рефлекслари сақланиб қолгани ҳолида ҳушидан кетады; III босқичида цианоз баралла ифодаланган бұлады, брадикардия, коллапс юзага келады, рефлекслар йүқолиб, одам коматоз ҳолатта тушиб қолады. Альвеоляр вентиляция издан чиққанида кислородни нафасга олиш пайтида гипоксиясыз гиперкарпния авж олады. Бу ҳодиса бадандан тер чиқиши, бронхлар секрециясининг кучайиши, диурезнинг камайиши, одамнинг бесаранжомланиши (I босқич), ҳансираши, кислород нафасга олинганида йүқолмайдыган цианоз пайдо бўлиши (II босқичи), кома (III босқич), юрак ва нафаснинг тұхтаб қолиши (IV босқич) билан ифодаланади.

КИСЛОРОД ЮБОРИШНИНГ ИНГАЛЯЦИОН ҮСУЛЛАРИ

Нафасни чүкүрлаштириш йўли билан кислород алмашинувини яхшилаш мумкин, нафас чүкүрлашганида үпкага күпроқ кислород киради. Кислородни ёки кислород билан бойтилган хавони үпка орқали юбориш күпроқ ва анча тез наф беради. Кислород етишмөчилігининг деярли ҳамма шаклларида ҳам шүндай қилиш зарур бұлади.

Шундай қилиб, кислород билан даволаш, яъни кислородтерапия үпкада қоннинг етарли артериал қонга айланмай қолишига олиб борадиган үпка касаллуклари (пневмония, пневмосклероз)да, үпка нормал ва нафас йўлларининг ўтказувчанлиги яхши бұлсада, тұқималарга кислородни ташиб бериш издан чиққанлиги учун (интоксикация, инфекция, юрак декомпенсацияси натижасида) организм кислородга ёлчимай қолганида құлланилади.

Кислород билан даволаш турли сабабларга кура нафас айниганида (одам сувга чўкиб, нафаси чиқмай қолганида — асфиксияда, бўғилиб қолганида, бўғадиган

газлар ва нафас маркази фаолиятини издан чиқарадиган моддалар билан захарланганида), упка шишганида ва күкрак қафаси шикастланганида шошилинч ёрдам күрсатиш учун тобора күп құлланиладиган бўлиб бормоқда. Миокард инфаркти, кардиал астма, шок ва коллапсда қон айланишининг бузилиши ҳам кислород таңқислигига олиб боради ва кислород билан даволашни талаб этади.

Кислородни ишлатишдан олдин нафас йўллари ўтказувчалигига, юткум соҳасида балгам, қусуқ массалари түпланиб қолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Кислород ишлатилганида касалнинг кайфу руҳияти яхшиланади, цианоз камаяди, нафас бирмунча сийрак ва чуқур бўлиб қолади, ҳансираш тұхтайди, юрак фаолияти ва уйқу яхшиланади, баъзи фармацевтик моддаларниң таъсири кучаяди.


Нафасга олинадиган ҳавода атиги 20% кислород булади, шу ҳаво ўринига тоза кислород беринш организм тұқималарининг кислород билан анча күп бойнишига имкон беради. Кислородтерапияни құлланғанда организмининг кислород билан ҳаддан ташқари түйиниб кетишига йўл қўймаслик керак.

Кислород юқори (70% дан ортиқ) концентрацияларда узоқ муддат давомида құлланиладиган бўлса, юрактомуирлар системаси фаолиятига ёмон таъсир күрсатиб, брадикардияга, мия ва юракда қон айланишининг сусайиб қолишига сабаб булади ҳамда юракнинг нормал ишими издан чиқаради. Операциядан кейин нафас марказининг фаолияти сусайиб колган, бош мияси шикастланган касалларда, хроник упка касаллуклари туфайли юрак етишмовчилиги авж олган ҳолларда гипероксигенация айниқса хатарли булади. Шу муносабат билан кислород узоқ муддат (бир неча сутка давомида) ишлатиладиган бўлса уиниг газ аралашмасидаги концентрацияси 60% дан ошмаслиги керак. Нафасга олинадиган аралашмадаги кислородни 45—50% қилиб ишлатиш ҳаммадан яхши натижа беради. Баъзи ҳолларда 15—20 кун мобайнинда кислородли газ аралашмасини 15—20 минутдан нафасга олдириш усули қўлланилади.

Кислород ёстиғи. Нафасга олинадиган газ аралашмасидаги кислород концентрациясини кўпайтиришишинг энг оддий усули кислород ёстиғидан фойдаланишdir. Кислород ёстиқлари медицина кислороди жойлангани

баллондан тұлдириләди (бундай баллонлар ҳамиша күк рангга бұялған бұлади!).

Аппаратура жуда оддийдір, шунга күра уни кең ишлатса бұлади: редуктор билан таъминланған кислородлы баллон (92-беттә қаралсЫн), резина ёстиқ, жұмракли резина шланг ва нафас олинадиган воронка. Дезинфекция қилинадыған — фақат воронкасы (риванол ёки фурацилин әритмаси билан ювилади).



29-расм. Баллондан кислород беріб даволаш. Кислород памланиши учун Бобров аппаратининг сувли бақасыдан үтказилади ва катетердан буруп-халқумга кириллади.


Нафас олинадиган воронкасы чиқарып олинғандан кейин резина шланг кислород баллоннинг редуктори билан туташтириләди, вентилни аста-секин очилади, шунда газ ёстиқни тұлдиради. Редуктор вентили ва ёстиқ жұмраги бекитилади, воронкаси кийгазилиб, нам дока билан үралади ва беморнинг оғзи билан бурнига тутилади. Жұмраги очилиб, воронка беморнинг оғзига яқын қилиб ушланади. Кислород үтишини ёстиқнинг резина шлангыда жойлашған жұмрак ёрдами билан тұғрилаб турилади. Қасаллар одатта минутига 4—5 л кислород берилешини яхши күтаради, бунда кислород аввал үз босимы билан чиқып, атрофдаги хаво билан аралашады.

ва бемор томонидан нафасга олинади. Кислород кейинчалық етарли кириб туриши учун ёстиқни кислород багатом чиқиб бұлмагунча бурчагидан сиқиб бориш зарур. Ёстиқ 5—7 минутга етади, кейин эса уни запас турган бошқа ёстиққа алиштиришга ёки кислород билан яна түлдиришга тұғри келади.

Кислород шу усулда юборилса етарлича намланмайды ва оғиз, бурун шиллик пардаларини қурилади.

Воронкани пастки бурун йұлиға киритиладиган катетерга алмаштирилса, ёстиқдаги кислороднинг атрофдаги ҳавога чиқишини босим остида камайтириш мумкин. Үткір ҳолларда ёстиқдан кислород бериш камкор қилади, шунга күра кислород беришнинг бошқа усулларидан фойдаланилади.

Кислород баллони ва марказдан туриб кислород бериш. Кислородни тұғридан-тұғри баллондан бериш (29-расм) процедураны анча енгиллаштиради ва узоқ вақт мобайнида тұхтовсиз кислород билан даволаш имконини беради. Медицина кислороди билан тұлдыриладиган баллонлар сиғими 40 л, унда 150 ат босим остида, ҳаммаси бұлыб 6000 л газсимон кислород бұлади. Кислородни күп деганда 2—3 ат босим остида ишлатиш мумкин бұлғанидан баллонга махсус асбоб — босимни пасайтириб берадиган редуктор үрнатилади. Редуктор (30-расм)нинг 2 та камераси ва 2 та манометри бұлади, шу манометрнинг баллонга яқын туралғаны баллондаги босимни күрсатади. Шу манометрга қараб баллондаги



30-расм. Редуктор.

кислород миқдори тұғрисида фикр үоритилади. Паст босим камераси билан тұташтирилған иккінчи манометр касалға бериладиган кислород босимини күрсатади. Бу босим созлаш винти ёрдамида 1—3 ат атрофида белгиланади. Марказлаштирилған системадан палатага кислород бериш ҳаммадан құлайдыр.


Кислородни баллон шланги ва маскаси ёрдамида (31-расм) ёки кислород беришнинг марказлаштирилған системаси орқали берса бұлади. Маска ёрдамида очиқ, ярим ёпиқ ва ёпиқ систе-

мага мувофиқ кислород берилиши мумкин. Очиқ системада маска касалнинг юзига зич тақалмасдан туради ва нафасга олинадиган газ аралашмаси кислород билан тўйинган атмосфера ҳавосининг ўзидангина иборат бўлади (унда 30% атрофида кислород бор). Одам атрофдаги муҳитга эркни нафас чиқаради. Бунда кислород дозировкаси ноаниқ бўлади ва ҳаммадан кам наф беради.

Ярим ёпиқ метод билан нафасга кислород олдирилганида нафасдан чиқариладиган газ аралашмасининг фақат бир қисми атрофдаги муҳитга ўтади. Системага аралаштирувчи камера — нафас халтаси (1) қўшиладиган бўлса, кислородни анча тежаб ишлатиш мумкин. Нафас халтаси ҳамиша жуда тўла турмаслиги учун газ чиқарадиган клапани бор, нафасдан чиқсан ортиқча газлар шу клапандан чиқиб кетади. Маска (2) газ чиқиб кетмайдиган қилиб касалнинг юзига зич кийгазилади ва резнина тасмалар (3) билан боғлаб қўйилади. Одам тоза кислород билан нафас олади, нафасидан чиқсан ҳавонинг $\frac{1}{3}$ га яқин қисми камерага қайтиб келади. Бу системадан фойдаланилганда кислород памланмаслиги мумкин ёки уни намлаш мақсадида сувли банка (4) дан фойдаланилади. Нафас камерасини конденсацияланган сув бугларидаи вақти-вақти билан бўшатиб туриш зарур. Бу усулнинг камчилкларига қўйидагилар киради: нафасга олинадиган аралашмада карбонат ангидрид концентрациясининг ортиб кетиши мумкинлиги, клапани ва нафас халтасининг харакати туфайли нафас олишга қўшимча қаршилик юзага келиши, бу — эмфизема, пневмосклероз билан оғриган касалларда, миокард инфаркти ва бир қаинча бошқа касалликларда жуда катта ахамиятга эга бўлиши мумкин. Камида 8 л/мин кислород оқимиidan фойдаланилганда ортиқча карбонат ангидрид тўпланиб қолишига йўл қўймаслик мумкин.

Бу системага расходометр (дебитометр, 5) улаш ўтаётган кислородни етарлича аниқ текшириб боришга имкон берадики, бу кислород билан даволаш ишини анча осонлаштиради. Кислородни бурун бўшлиги оркали юбориш учун диаметри мос келадиган (№ 8—12) урология катетерлари ишлатилади. Катетер учida камидан иккита тешик очилган бўлиши керак. Шунда унинг тешиги тиқиilib қолмайдиган бўлади. Катетер беморнинг бурун катакларига тўғрилаб қўйилади. Катетерни бурун-ҳал-кумга киритиб қўниш кўпроқ наф беради (яъни кири-

тиладыган кислород концентрациясини оширишга ва газ дозировкасини яхшироқ аниқлашга ёрдам беради). Бундай ҳолларда стерил катетерни киритишдан олдин унга оғриқсизлантирадыган мазь (дикаиннинг глицерин-даги 1% ли эритмаси) ёки бирор стерил мой (вазелин,



31-расм. Марказдан кислород бериш схемаси.

1 — нафас ҳалтаси; 2 — маска; 3 — резина тасмалар; 4 — сувли банка; 5 — дебитометр; 6 — газ бериши түгрилайдиган винт.

шафтоли мойи) суртнлади. Катетер қулоқ солинчогидан бурун қанотигача келадыган чуқурликка киритилди, шунда унинг учи юмшоқ танглай четида турадыган бўлади. Шу ҳолда кислородтерапия кўпі билан 12 соат давом этиши мумкин, сўнгра катетерни алишириш ва иккинчи бурун йўлидан юбориш зарур бўлади.


Бурун-ҳалқумдаги катетер орқали кислород юборишида дозировка унча аниқ бўлмаса-да, дебитометр 3—4—5 л/мин. ни кўрсатганида (касалларнинг паст, урта, баланд бўйига яраша) альвеоляр ҳаводаги кислород концентрацияси 35% бўлади, 6—7—8 л/мин. ни кўрсатганда эса 50—60% га етади.

Бу усулнинг афзаллиги унинг соддалигидир. Бемор бурни орқали актив нафас оладиган бўлса, бу усулни

қўллаш мумкин. Бесаранжом касалларда, ёш болаларда, бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг касалликларида ва бурундан нафас олиб бўлмайдиган холларда бу усулни қўллашни бўлмайди.

Баллондан кислород бериб даволаш методининг камчилиги палатада баллон туришининг хавфлилигидир. Баллонда босим остида турган кислороднинг мойлар ва ёғларга тегиши, қаттиқ силкиниши, зарб ейиши ва баллонниг йиқилиб тушниши, вентилишининг бехосдан очилиши портлаши а сабаб бўлиши, кислород силжиб чиқиши эса, кийим-бош ва атрофдаги буюмларниг ёниб кетишига олиб келиши мумкин, шунинг учун замонавий хирургия бўлимларида кислород баллонлари палаталардан чиқариб қўйилади. Операция хонаси ва палаталарда кислород палаталардан ташқарида ва ҳатто корпусдан ташқарида турган баллонлардан металл иайчалар системаси орқали берилади.

Кислород палаткаси. Кислород палаткаси (32-расм) таянч скелети ва пластмасса ёпқич ҳамда кондициялаш системаси, яъни келадиган кислородни совитиб ва нам-



32-расм. Кўчма баллон ва кислород палаткаси.

лаб берадиган, касалниг нафасидан чиқсан карбонат ангидридни бириктириб (адсорбциялаб) оладиган системадан иборатдир, касалниг боши ва танасининг бир қисми палатка ёпқичида туради. Оптимал 20° темпера-

тұра сөвитүвчи системани улаш йұлы билан автоматик равишида ёки кислородны музли идиш орқали үтказиши йұлы билан ҳосил қилинади. Карбонат ангидрид натрон охак ёки шу газни үтказадиган покришка ёрдамида сингдирілади.

Тент тагидаги кислород ва карбонат ангидрид концентрациясы палагканиң катта-кичиклигига ва бериладиган кислородтың ҳажмуга боғылғыдир. 15 л/мин атрофида кислород берилганида кислород концентрациясы 50—60% га етса, карбонат ангидрид концентрациясы 1—1,5% дан ортмайды. Кислородни намлаштырып қожаты йүк, бироқ кислород ва карбонат ангидридин температурасини, концентрациясын күзатып бориш зарур. Шу усулдаги кислородтерапияның асосий камчилеги система герметиклигини доим текшириб туриш зарурлығы ҳамда овқатланиш, касални күриш ва дәвс процедураларини бажариш пайтида кислород берилешіннен узилиб қолишига боғлиқ.

Кувезлар. Нафасга олшадиган кислород концентрациясы, ҳаво намлығы ва температурасы идора этиладиган максимал комфорт режимини яратыш учун никубаторлар — ёпік типдеги кувезлар құлланилади.

Кувезлар оғирлиги 1250 г ва бундан кам туғылған чақалоқтарни (Инглисиянда чехословак кувезлари); pnevmotaxis билан оғриған чала болаларни парварыш қилиш үчүн құлай ва ҳаммадан күп ишлатылади. Кувезлар бола ётқизиб қойиладиган хона ва кувез деворлардан бирида жойлашған бошқарып пультидир. Болаш кувезга ётқизиб, кувезни беркитгач манипуляциялар (болани эмизиши, тагиши тозалаш, инъекциялар қилиши) кувез деворларидаги дарча орқали бажарылади. Биринчи күнлары кислород концентрациясы 30%, намлығы 100%, температурасы 32—33° қилиб үрнатылади. Бола ҳаётининг учинчи күннен бошлаб намлык 80—90% гача, 5-күннен бошлаб эса, 60—70% гача камайтирилади. Кислород концентрациясы бир хил бўлиб қолаверади, температура бола ҳаётининг 2-ойига келиб 31—32° гача пасайтирилади.

Кувезлар ҳафтасынан бир марта яхшилаб тозаланади ва хлорофенли совун билан ювиб, кварц лампаси нурига солиб, дәзинификацияланади. Кувезларнинг микроб билан нечоғлик ифлосланғанлығы обработка қилинганидан кейин ишга туширилған кувезга озиқ мұхитли очиқ Петри косачаси қўйиб ойига бир марта текширилади.


ТЕРИ ОСТИГА КИСЛОРОД ЮБОРИШ

Тұқымаларга кислород үтишининг издан чиқышын сабаб бұладиган бир қанча касаллукларда кислород тери остига юборилади. Оёқ артериал томирларининг касаллуклари (оёқ артерияларининг артериосклеротик үзгаришлари, эндартерийитлар ва баъзи тери касаллуклари) тери остига кислород юборишни талаб қыладиган ана шундай касаллуклардир. Бунга монелик қыладиган касаллуклар — кислород юбориладиган жойдаги яллигланиш ироцесслари, шиншлар, юрак фаолиятнинг анча бузилғанлыги, қон ивувчанлигининг камайғанлығы ва томирларининг мұртлигидир.

Кислород билан тұлдирилган резина баллонлар (ёс-тиқлар) ва Және шприцидан фойдаланиш мумкин. Ёстиқ стерил резина шланг, стерил игна билан туташтириледи ёки тройник орқали иккита шланг ва игнага уланади. Игна тешигининг тиқилиб қолмаганлығы олдинда текшириб күрилади. Шу мақсадда системага кислород билан дам беріб, ичидеги ҳавоси чиқарып юборилади. Система кислород билан тұлдириледи (33-расм), шлангга қисқич (1) қўйилади. Соң ёки болдирнинг ташқи юзасидаги терига йод настойкаси суртилганидан кейин игна асептикастарын ҳамма қоидаларига риоя қылинганды ҳолда тери ости клетчаткасига киритилади. Тройник ва иккита игна бўлса, игналар иккала сонга ёки иккала болдирга санчилади. Игна қон томирга тушиб қолмаганлигига қатниш ишонч ҳосил қилиш зарур, бу тўғрида игнадан қон томчилари пайдо бўлишига қараб-фикр юритилади. Томир жароҳатланганида игна чиқарып олишади ва сёқнинг бошқа жойдан қайта укол қылниганидан кейингина кислород юбориш мумкин.

Игна киритилганидан кейин шлангларга қисқичлар (2 ва 3) қўйилади, қисқич 1 очилади ва шлангни пункция қилиб, ёстиқдан шприцга кислород тортиб олинади. Ёстиқдан келаётган шлангга қисқич (1) қўйилиб, 2 ва 3 қисқичлар очилганидан кейин шприц поршенини охиста босиш йўли билан тери ости клетчаткасига кислород юборилади. Кислород охиста юборилади. Аввал биологик проба қилиб кўрилади, яъни 5—10 см³ кислород юборилади ва бемор үзини яхши ҳис қыладиган бўлса-

тина манипуляция давом эттирилади. Юрек ўйнаб, қулоқ шанғиллайдыган, бош айланадыган, түш остида оғриқ сезиладыган бұлса, кислород юбориш тұхтатыла-ди. Манипуляция тугаганидан кейин бемор камида З соат мобайнида үрнида ётиши керак. Бир ёки иккала оёққа ҳаммаси бұлиб 300—500 см³ кислород юборилади. Даво курси кунора 15 ёки 20 инъекциядан.



33-расм. Тери остига кислород юборыш схемаси.
1, 2, 3 — қисқычлар; 4 — кислород ёстиғи; 5 — шприц.

Игна венага тушиб қолса ёки майды томир ёрилиб кетса, оксигенотерапия оғир асоратларға олиб келиши мумкин. Газ томирлар бүйлаб тарқалиб, юрак, мия ва үпка томирлари эмболиясига олиб келиши мумкин. Эмболия касалининг нафаси сиқаётгандыдан нолиши, ваҳимага тушиши, боши айланиши, бесаранжомланиши, нафасининг бузилиши, юзининг қизариши ва күкариб кетиши, кўзининг хира тортиши, кейин эса, ҳушдан кетиб, талвасага тушишида намоён бўлади.

Эмболиянинг дастлабки белгилари кўриниши биланоқ кислород юборишни тұхтатыб, бемор боши паст, оёғи юқори қилинган ҳолда ётқизиб қўйилади. Газ эмболиясига даво қилиншда реанимация чора-тадбирлари курилади (103-бетга қараңсан) ва дори воситалари (строфантин, адреналин, эуфиллин, 40% ли глюкоза әритмаси) берилади. Венепункция, венесекция, трахея интубацияси қилиншга зарур нарсаларнинг ҳаммаси тахт туриши керак.

Асоратларнинг олдини олиш учун тери остига фақат тоза, яъни медицина кислородини ишлатиш керак. Газ бериш ишини фақат маҳсус үргатилған ўрта маълумот-

ли медицина ходими врач иштирокида бажариши мумкин. Кислород юборишнинг биринчи курсини, яхшиси, стационарда ўтказиш керак. Ташқаридан ҳаво сўрилиб кирмаслиги учун асбоб герметик бўлиши лозим.

МЕЪДА ВА ИЧАККА КИСЛОРОД ЮБОРИШ

Меъдага аскаридозда, тўгри ичакка эса энтеробиоз билан трихоцефалезда кислород юбориш ўринли ҳисобланади. Геморрагик колитда, асосан болаларда ва экссудатив диатезда ичак флорасига таъсир қилиш учун кислород юборилади. Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигида, қорин бўшлиги ўсмалари ва ўткир яллигланиш процесслирида меъдага ва меъда-ичак йўлига кислород юбориб бўлмайди.

Кислород бериш учун тери остига газ юборишда ишлатиладиган аппаратуранинг ўзидан фойдаланиш мумкин, фарқи фақат шуки, шланги иғнага эмас, балки меъдага кислород юборишда меъда зондига ва тўгри ичакка кислород юборишда катетерга туташтирилади.

Ҳар бир сеансда кислород оч қоринга 1—3 яшар болаларга 100—300 см³, 4—5 яшар болаларга — 400—500 см³, 6 яшар болаларга — 600 см³, 7 яшар болаларга — 700 см³, 8 яшар болаларга — 800 см³, 9 яшар болаларга — 900 см³, 10 яшар болаларга — 1000 см³, 11—12 яшар болаларга — 1000—1100 см³, 13—14 яшар болаларга — 1250 см³, 15 яшар ва бундан кўра каттароқ болаларга — 1250—1500 см³ миқдорида юборилади. Кислород аста-секин, 1—2 минутдан дам бериб, кам-камдан юборилади.

Кислород ичакка ўтганида қорин ҳуштакка ўхшаган шовқин чиқариб, қулдирайди. Қорин шишиб кетгандек бўлиб туюлса ва оғриса, беморнинг кайфу руҳиятига қараб кислород бериш камайтирилади. Газ юбориш иши ҳаммаси бўлиб 15 минутгача давом этади, кейин зондни тез чиқариб олиб, касал 2 соат мобайнода ўринга ётқизиб қўйилади. Кислород кетма-кет 2 кун юборилади.

Пенооксигенотерапия. Осон кўпикланадиган суюқлиққа (казеин гидролизати, тухум оқига) кислород дам берилганда ҳосил бўладиган кўпикни ютиш йўли билан ҳам меъдага кислород юбориш мумкин. Кислород ёстиғидан кислород олинади ва уни майдада.

майда пүфак ҳолида ўтказадиган алоҳида олива орқали 5 г казенин гидролизати ёки тухум оқи билан 50 мл наъматак дамламаси ёки морс қўшиб тўлдирилган идишга суюқлиқнинг ҳаммаси кўпик бўлиб қолмагунча пүфлаб туширилаверади. Ана шундай кўпикланган кислородли суюқлиқ касалга қошиқлаб ичирилади. Бир стакан кўпикда 200 см³ гача кислород бўлади. Кислород шу тариқа ишлатиладиган бўлса, беморга анча ҳуш ёқади.

**ТЕРМИНАЛ ҲОЛАТЛАР ҲАҚИДА
ТУШУНЧА**

Терминал ҳолатларга агония олди ҳолатлари, агония ва клиник үлим киради. Агония олди ҳолатидың эс-хүш, одатда, сақланган бүладио, лекин күпинча кирарли-чиқарлы ёки гира-шира булиб туради, нафас бир текис ҳолда сақланган ёки кескин издан чиқкан бүлади, пульс уйқу артерияларидагина құлға үннайды, артериал босим нулға қадар пасаяди, рефлектор фаолият сұніб боради. Агония даврида мана шу ҳодисаларнинг ҳаммаси баттар зұраяды: эс-хүш йұқолади, одам әнтикиб-әнтикиб, тартибсиз нафас олади, юрак фаолияти аста-секин сусайиб боради. Клиник үлим даврида ҳаётнинг ташқи белгилари йүқолиб кетади — одам хушдан кетиб, юрак фаолияти ва нафас тұхтаб қолади.

Юрак фаолияти ва нафас тұхтаб қолғандан кейин бемор организми яна 4—6 минут давомида яшашга лаёқатини йүқотмайды. Үз вақтида чора күриладиган бұлса, касални ҳатто клиник үлим ҳолатидан ҳам чиқарып олса бүлади. Бордию юрак ва нафас тұхтаб қолғанидан кейин 4—6 минут давомида шундай чоралар күрилмайдын бұлса, марказий нерв системасыда оғир (қайтмас) үзгаришлар бошланиб, бөш мия функциясини аслига қайтариш имкониятини йүққа чиқаради (биологик үлим).

Терминал ҳолатда ётган касалларга ёрдам берішда барча даво чора-тадбирлари организмнинг сұніб бора-ётган функцияларини, биринчи навбатда қон айланиши билан нафасны қувватлаш ва аслига келтиришга қартилади. Шу билан бирга бу чора-тадбирлар органларнинг қон билан таъминланишини яхшилаш йұлы билан

ҳам, қоннинг кислород билан түйинишини кучайтириш йўли билан ҳам организмда кислород таңқислигига барҳам берадиган булиши лозим. Мана шу мақсадда бутун бир комплекс чора-тадбирлар қўлланилади.

Терминал ҳолатнинг бирмунча илк босқичларида реанимацион чора-тадбирларнинг айримларини қўлланиш, масалан, асфиксияда биргина сунъий нафас олдириш кўпинча яхши натижка беради.

Терминал ҳолатларда ҳатто касалхона ва поликлиника шаронтларида ҳам врач ёрдами кечикиб қолиши мумкин, бас, шундай экан, ўрта маълумотли медицина ходими бериладиган ёрдамнинг энг оддий усуllibарини билиши керак. Фельдшер-акушерлик пунктларида, соғлиқни сақлаш пунктларида ва шошилинич ҳамда тез ёрдам системасида мустақил ишлайдиган фельдшерлар реаниматологик ёрдам беришга янада кўпроқ шай бўлиб туриши керак. Ёрдам кўрсатиш учун вазиятни тез аниқлаб ола билиш, касалнинг аҳволига тўғри баҳо бериш, қўлланиладиган тадбирларнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш, ишни аниқ ташкил этиш зарур. Кўпинча қон айланиши ва пафаснинг оғир тарзда бузилиши терминал ҳолатларга олиб келади.

ҚОН АЙЛANIШИ ФУНКЦИЯСИНИ ТИКЛАШ

Қон айланишининг терминал ҳолатларга олиб келадиган даражада бузилишига асосан қон кетиши, шок, ўткир юрак етишмовчилиги, ўткир томир етишмовчилиги (коллапс), гипертония кризи, ўпка шишуви сабаб бўлади. Юрак тўсатдан тұхтаб қолиши мумкин, лекин кўпинча юрак тұхташидан олдин артериал босим пасайиб, юрак қисқаришлари тезлашади, ритми бузилади, юрак фибрилляцияси, пароксизмал тахикардия ёки терминал брадикардия пайдо бўлиб, юрак бўлмалари билан қоринчалари ўртасида ўтказувчанлик бузилади (27-бетга қаралсун).

Артериал босимнинг пасайиб бориши ёки бирдан кўтарилиб кетиши, юрак ритмининг бузилганча бир хилда туравериши кузатилар экан, мана шу асоратларнинг пайдо булишига олиб келган сабабларни имкони борича тезроқ аниқлашга ҳаракат қилиш зарур. Мана шу босқичда патогенетик терапия қилиш учун ҳали вақт бўлади. Чуночни, қон кетаётган бўлса, қон кетишини

тұхтатиш ва йүқолған қон ўрнини имкони борича тез түлдириш асосий вазифа бўлиб қолади. Миокард инфарктида биринчи галда оғриқ синдромини йүқотиши (тери остига ёки венага промедол, пантопон, морфин юбориш, 50% кислород ва 50% азот (I)-оксиддан иборат анальгетик наркоз бериш) ва коронар қон томирларини кенгайтирадиган дориларни бериш (тил остига нитроглицерин, тери остига 1 мл 0,1% ли атропин, 2 мл 2% ли папаверин юбориш) зарур ва ҳоказо.

Үз вақтида даво чоралари кўрилмайдиган бўлса, юқорида айтиб ўтилган патологик ҳолатларниң ҳаммаси юрак ва нафас тұхтаб қолиши билан тугалланадиган терминал ҳолатга олиб келиши мумкин. Юрак тұхтаб қолганини аниқлаш одатта қийин бўлмайди: бемор беҳуш бўлиб ётади, ҳатто йирик томирларда (уйқу, сон артерияларида) ҳам пульс қўлга уннамайди, юрак тонлари эшитилмайди ва артериал босимни аниқлаб бўлмайди; кўз қорачиқлари кенгайиб кетган бўлади ва ёруғликка реакция кўрсатмайди. Юрак тұхтаб қолганилиги аниқ бўлганидан кейин, бунинг сабабларини аниқлашга вақт кетказиб ўтирасдан, реанимацияга киришмоқ зарур. Биринчи ёрдам тарзинда маҳсус аппаратлар ва ускуналарни талаб қылмайдиган оддий чоралар кўрилади: юрак билвосита массаж қилиниади ва оғизни оғизга ёки оғизни бурунга қўйиб, сунъий нафас олдирилади (114-бетга қаралсан). Воқеа содир бўлган жойда ва бемор касалхонага олиб кетилаётган пайтда ана шундай чора-тадбирлар кўрилади. Касалхона шаронтларидан маҳсус тез ёрдам бригадаларининг иш вақтида бу чораларга бирмунича мураккаблари қўшилади, аппаратдан нафас бериш, кислородни нафасга олдириш, бронхлардан секретни сўриб олиш ва бир қанча бошқа маҳсус чора-тадбирлар, жумладан дориларни юрак ичига юбориш, артериялар ичига қон ҳайдаб бериш, юракни электр билан дефибрилляция қилиш шулар қаторига киради. Юрак қандай сабаб билан тұхтаб қолған бўлмасин, реанимация қон айланини мустақил бўлиб, аввалги ҳолига келгунча давом эттирилади. Реанимация юракни массаж қилишдан бошланади.


Юракни билвосита (ёпиқ) массаж қилиш. Юракни билвосита массаж қилишнинг бирдан-бир вазифаси — организмда қон айланинин тиклашадир. Бундай массажни ҳамиша қоннинг кислород билан етарлича тўйин

ниб боришини таъмин этадиган сунъий нафас олдириш билан бирга олиб бориш керак. Беҳуш бўлиб ётган касалда мускуллар бўшашиб турадиган бўлгани учун кўкрак девори мулойимлашиб, 3—4 см га осон суриладиган бўлиб қолади, шунга кўра юракни массаж қилиш енгиллашади. Массаж қилинганида юрак босилиб, тўш суяги билан умуртқа поғонаси орасига қисилади, шунинг натижасида қон юракдан отилиб чиқади. Босиш тўхтатилганида кўкрак қафаси эластиклиги туфайли ростланади ва веналардан юракка қон киради.

Юракни билвосита массаж қилиш учун касал қаттиқроқ жойга (стол, полга) чалқанчасига ётқизилиб, камари, ёқаси бўшатилади. Касалхона шароитларида ўринида ётган касалнинг орқасига қўйиладиган тайёр тахта бўлиши керак. Ёрдам берадиган киши бир қўлини ёки устма-уст қўйилган иккала қўлини касал тўшининг пастки учдан бир қисмига қўйиб, кафти билан ритмик тарзда босиб боради (34-расм). Босгандা ҳар сафар қўлни тирсакдан букмай, тўш суяги 3—4 см суриладиган қилиб, қаттиққина зарб бериб борилади. Ана шундай зарбларни минутига 60—70 тага борадиган қилиб бериб туриш керак бўлади. Сунъий нафас ҳам, юрак массажига мослаб, тўғри олиб бориладиган бўлса, одамни тезроқ тирилтириб олишга ёрдам беради. Реанимацияни бир одам қиладиган бўлса, у галма-галдан 3 марта сунъий нафас олдиради, кейин эса 10—20 та сунъий юрак қисқариши қиласи. Тирилтириш учун икки кишилашиб ёрдам бериладиган бўлса, реанимация чоралирини кўришда шундай қилинадики, 4—6 марта зарб берилгандан кейин нафас олдириш учун 2—3 секунд пауза қолдирилади. Тўш суягига 1 секунд оралатиб босиб, кейин сунъий нафас олдириладиган бўлса, минутига юракнинг 48 марта қисқариши ва 12 марта нафас олиниши таъминланади. Икки қўллаб массаж қилиш усули фақат катта ёшли одамларга ишлатилади, болаларнинг юраги бир қўллаб, гўдакларнинг юраги эса икки бармоқ билан (секундига 80—120 мартадан) массаж қилинади.

Үйқу ва билак артерияларида пульс қўлга уннаши, артериал босимнинг симоб устуни ҳисобида 60 мм гача кўтарилиши қилинаётган массажнинг яхши наф берадётганини кўрсатади. Юрак фаолияти тикланишига ёки ҳаёт учун муҳим органларнинг фаолиятини қувватлаб

туришга етарли қон айланишини таъминлангунча масаж давом эттирилади. Операция ва реанимация бўлимлари шароитларида юрак фаолиятининг тикланишини электрокардиографик маълумотлар билан назорат қилиб борилади.



34-расм. Юракни билвосита (ёпиқ) массаж қилиш. Касал ва ушга ёрдам берадиган кишиларнинг ҳолати.

Даволаш муассасаларида юрак торакал операциялар вақтида тўхтаб қолса ёки юракни ёпиқ массаж қилиш кор қилмаса, хирурглар юракни очиб массаж қиладилар (очиқ массаж). Кўпгина ҳолларда бошқа шошилинч чораларни ҳам бирма-бир кўриб, юрак ичиға медикаментлар юбориш, юракни электр билан дефибрилляция қилиш, артерия ичиға қон ҳайдаб киритиши зарурияти туғилади.

Юракни электр билан дефибрилляция қилиш. Батъзан, хусусан юракни массаж қилишга кеч киришилган бўлса, юракда тартибсиз, норитмик қисқаришлар пайдо бўлишига эришиш мумкин бўлади, холос, бундай юрак қисқаришлари органларнинг қон билан таъминланишини яхши таъминлаб беролмайди. Мана шундай ҳолларда юрак фибрилляцияси пайдо бўлди, деб айтилади. Юрак қоринчаларининг фибрилляцияси ангишвонагул препаратларининг дозасини ошириб юбориш оқибати сифатида, электрдан шикастланиш реакцияси сифатида ва бир қанча бошқа ҳолларда юзага келадиган терминал ҳолатнинг бевосита сабаби ҳам бўлиши мумкин. Тўсатдан фибрилляция пайдо бўлса, қон айла-

ниши үша заҳоти тұхтаб, қоп босими нулга тушиб қолади. Бу асоратта электрокардиография ёрдами билан гина жуда аниқ диагноз қўйиш мумкин (27-бетга қаралсин). Фибрилляцияга барҳам бериш учун юракка қисқа муддатли якка электр импульси таъсир эттирилади. Дефибриллятор деган маҳсус аппарат ёрдами билан ана шундай таъсир күрсатса бұлади. Аппаратни шаҳар тармогига (220 в күчланишга) улаб, күп миқдор энергия йиғиши ва кейин шу энергияни қисқа муддат ичида тез сарфлаш мумкин. Лайни вақтда импульс 0,01 секунд давом этади, күчланиши 1500—6000 в бұлади. Аппаратта 3 та электрод қўшиб берилади. Электродларнинг бири (юрак электроди) тұғридан-тұғри юракка (кукрак қафаси очилған бұлса) қўйишга мүлжалланған.

Дефибрилляция қилиш тартиби қўйидагича. Дефибриллятор конденсаторын аппарат панелидаги кнопкa ёрдами билан зарядланади. Бериладиган күчланиш киловольтметрға қараб назорат қилиб турлади. Күкрак қафаси очилмаган бұлса, яхши дефибрилляция қилиш учун одатда 3000—5000 в зарур бұлади. Дефибрилляторнинг пластинкасимон катта электроди физиологик эритмага ҳұлланған докага үралиб, касалнинг чап курғаги тағига қўйилади. Дастаси изоляцияланған электроддан фойдаланса ҳам бұлади, бу электрод күкрак қафасининг ўнг ярмиға қўйилади (35-расм). Иккинчи электрод изоляция қилинган дастасидан ушланади ва унинг учига ҳам физиологик эритма билан ҳұлланған докға үралиб, күкрак қафасининг олдинги юзига — түш суюгидан чап томондаги учинчи-тұртинги қовурғалар орасынга қўйилади-да, бир импульс берилади. Ҳамма ишлар юрак массажи 3—5 секунддан күпроқ тұхтаб қолмайдиган қилиб, тез бажарилади. Юрак мустақил суратда қисқара бошламайдиган бұлса, массаж давом эттирилади, юрак ёки венага 0,2—0,3 мл адреналин юборилади ва 3—5 минутдан кейин юрак ўз ҳолища ишламайдиган бұлса, разряд тақрорланади. Фибрилляцияни бартараф этмоқ учун одатда конденсаторнинг бир разряди етарлы бұлади, аммо баъзи ҳолларда зарядни 6000 ва ҳатто 7000 в гача аста-секин ошириб боришига тұғри келади.

Дефибрилляция вақтида рүй берадиган асоратлар жумласынга электрод касал танасында яхши тегиб тур-

майдиган ҳолларда терининг куйиб қолишини киритиш керак. Электротравманинг олдини олиш учун реанимацияда иштирок этатган кишиларнинг ҳаммаси бевосита дефибрилляция олдидан касалга тақалмай туришлари



35-расм. Дефибрилляторни ишлатиш.

кераклигини ҳам эсга олиб ўтиш лозим. Дефибрилляция тугаганидан кейин худди шу мулоҳазаларга кўра зарядни махсус кнопка ёрдамида тушириб ташлаш керак.

Медикаментларни юрак ичига юбориш ва дори билан ёрдам бериш. Юракни 3—4 минут давомида массаж қилиш кутилган натижани бермаса, медикаментларни юрак ичига юбориш усулини қўлланишга тўғри келади. Юрак тұхтаб қолганида дори моддаларини тери остига ва венага юбориш организмда қон яхши айланиб турмайдиган бўлгани учун ўша моддаларнинг қон билан тарқалишини таъминлаб беролмайди. Бундан ташқари, қон айланиши тикланиб, юборилган дори сўрила бошлаганидан кейин медикаментларнинг дозаси ошиб кетиши мумкин. Ана шундай ҳолларда медикаментларни юрак ичига юбориш ҳаммадан яхши кор қиласди, бу ишни врач бажаради. Юракни массаж қилиш яхши натижада берган тақдирдагина дориларни венага ҳам юборса бўлади.

Юракни пункция қилиш йўли билан дорилар юрак ичига юборилади. Юракни пункция қилиш учун иғнаси-нинг узунлиги камида 10 см ва диаметри 1 мм атрофифда бўлган 10—20 мл ли стерил шприц зарур. Тўртинчи

қовурғалар орасидаги тери сибирт ёки йод билан тезгина тозаланғанидан кейин түш сұяғыннан 5 см қочириб, чап қоринча пункция қилинади. Эритма билан түлдирилған шприцнинг игнасини түш сұяғында қилип саңчилади ва олдинги күкрак қафасиннан қамма қатламлари орқали үтказилади. Игнанинг қоринчага тушғанлығы шприцга қон үтишиға қараб текширилади. Құнинча глюкоза эритмасига адреналин, порадреналин ёки мезатон, 5% ли эфедрин құшиб ишлатылади, 5% ли кальций хлорид ёки кальций глюконатдан 10 мл, 20 бирлик миқдорнан инсулин құшилған 40% ли глюкоздан 100 мл охиста юборилади.


Реанимацияда дори-дармон билан даво қилишиннан мақсади ҳам ана шундай холларда бошланадыган ацидозга қарши курашмоқдир, шу мақсадда венага ёки юрак ичига 5% ли натрий бикарбонатдан 100—200 мл юборилади. Дори препаратларини юрак бүшлиғига юбориш билан бир вақтда юракни массаж қилип туриш ҳам керак. Юракка таъсир қыладыган дориларни юрак ичига юбориш уларнинг қон билан бирга юрак тож томирларига үтишиға олиб келады, натижада юрак қон билан таъминланадыган бўлади.

Артерияга қон ҳайдаб киритиш. Юрак бирдан тұхтаб қолганида юракни массаж қилиш ва сұнъий нафас олдириш билан бир вақтда артерияга қон ҳайдаб кирита бошлаш керак.

Суюқлиқтарни, хусусан қонни юрак томонига юрадыган қилип артерияга юбориш рефлектор йўл билан томирлар тонусиннан ортишига, айланиб турған қон ҳажминнинг күпайишига, юракнинг яхшироқ қисқаришига олиб келади, тож артерияларининг қон билан таъминланишини яхшилаб, мияда қон айланишиннан тикланишига ёрдам беради. Артерияга қон юбориш учун артериялардан бирини очиши керак бўлади, шуннан учун кичикроқ операцияга керакли асбоб-ускуналарни тайёрлаб кўйинш лозим. Стерил шприцлар, игналар ва 0,25—0,5% ли новокайн эритмаси ҳам зарур. Қон қўйиши системасига манометр кўйилған, ампула учига эса Ричардсон нағи кийгизилған бўлиши керак, шу баллон ёрдами билан системадаги босим кучайтирилади (36-расм).

Қон юбориш учун энг қулай артериялар — билак, елка артерияси, оёқ панжасиннан дөрзел артерияси,

болдир артериясидир, лекин хусусай операция вақтида, очиб қўйса бўладиган ҳамма артериялар ва аортадан ҳам фойдаланса бўлади. Операция йўли билан артериялардан бирни ялангочланиб, пункция қилиш йўли билан



36-расм. Босим остида артерия ичига қон қуши системаси.

1 — баллон; 2 — манометр; 3 — ампула; 4 — игнали канюля.

унга юрак томонга тўғрилаб игна киритилади. Артерияга аввал 200—250 мл қон юборилади ва шундан 2—3 минут ўтказиб туриб, симоб устуни ҳисобида 180—220 мм босим остида қон қуйилади. Аксари қон 1—2 минут давомида 50—100 мл дан бўлиб-бўлиб қуийиб турилади. Қандай бўлмасин бирор суюқлиқ артерияга ҳайдаб киритилар экан, ҳаво эмболиясининг олдини олиш учун ҳамма чораларни кўриш керак.

НАФАС ФУНКЦИЯСИНИ ТИКЛАШ

Нафаснинг издан чиқиб қолиш механизми ҳар хил бўлиши мумкин. Ташқи нафас бузилиши, яъни ўпкага кислород етарли кирмайдиган бўлиб қолиши, ўпкадан қонига кислород ўтиши бузилиши ва орган ҳужайраларига қон билан етарли кислород бормай қолиши мумкин. Санаб ўтилган шу процесслардан ҳар бирининг ўз сабаблари бўлади. Ташқи нафаснинг издан чиқиб қолишига кўпинча ҳаво йўллари ўтказувчан-


лигининг бузилиши, нафас мускулларининг фалаж бўлиб қолиши, миорелаксантларнинг қолдиқ таъсири, ютқумнинг фалаж бўлиб, ютиш функциясининг бузилиши, кўпгина қовурғаларнинг синганлиги, қоқшол сабаб бўлади. Ухлатадиган дорилар ва наркотиклар билан заҳарланишда, калла травмаларида, мияда қон айланниши бузилганида, мия шишиб кетганида, зотилжамларда, ўпка шишганида ва кичик қон айланниш доирасида қон айланниши издан чиққанида нафас маркази сусайиб қолади. Ниҳоят, баъзи моддалардан заҳарланишда, масалан, одам цнанид кислота, водород сульфид ва бошқалар билан заҳарланиб қолганида кислород ва карбонат ангидридни ташиш издан чиқиб, тўқималарнинг нафас олиши бузилади.

Нафас етишмовчилигига даво қилишда мия ва юрак мускуллари гипоксиясини имкони борича тезроқ барта-раф этиш зарур. Юрак тўхтаб қолган бўлса, зўр бериб уни массаж қилиш (103-бетга қаралсин) ва сунъий нафас олдириш (114-бетга қаралсин) йўли билан бунга эришса бўлади.

Ҳаво йўллари ўтказувчанигини тиклаш. Шошилинч ёрдам кўрсатилар экан, аввало ҳаво йўлларининг тиқилиб қолмаганлигига, очиқ турганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Ҳаво йўлларининг битиб қолиши муносабати билан нафаснинг издан чиқиши одатда асфиксиянинг (бўғилишининг) тез кучайиб боришига сабаб бўлади ва жуда шошилинч равишда ёрдам кўрсатишни талаб қиласди. Ҳаво йўлларининг қандай сабабларга кўра битиб қолганига қараб кўрсатиладиган ёрдам ҳам ҳар хил бўлади. Беҳуш бўлиб ётган касалнинг тили тиқилиб қолмаслиги учун bemорни ёнбоши билан ётқизиб, бошини бироз ростлаб қўйиш ёки чалқан-часига ётқизиб, пастки жагини олдинга тортиш керак (37-расм). Тилни чатиб қўйиш ёки пастки жағ билан бирга бўйинга боғлаб қўйиш, ё бўлмаса, инглиз тўғноғичи, ёхуд бинт қовузлоқ билан маҳкамлаб қўйиш йўли билан ҳам тил тиқилиб қолишининг олдини олиш мумкин.

Имкони бўлса, оғизга ҳаво ўтказадиган най киритиб қўйган маъқул. Резина ёки металл найлар ишлатилиди, уларнинг узунлиги оғиздан пастки жағгача борадиган масофага баравар бўлиши керак. Ҳаво ўтказадиган най қўйишда, тилни четга суриш учун, най учи аввал

таңглай томонға йұналтирилади (38-расм). Таңглайға бориб етганидан кейин най буралиб, уннің ички үчи тил илдизі ва эинглоттисга тақалади. Шундай ҳолда үтказувчи найнинг ташқы үчи ёпишқоқ пластирь білән маңқамлаб құйылади. Бұндай найни касал беҳуш булиб ётгапда, унда ютиш рефлекси йүқолиб, үқимайдиган



37-расм. Бөш шундай тутилғанда тил илдизі сурилиб, ҳиқилдоққа кириш йүли бескилиб қолади (А). Бөшин мана шундай қилиб ёзиш йүли билан пафас йұлларн очилади (Б).

ва найни тили билан итариб чиқаролмайдиган булиб қолған вақтдагина ишлатиш мүмкін. Оғиз бүшлиғи ва юқори нафас йұлларидаги ёт жисмларни дархол олиб ташлаш керак; шилимшиқ, қусуқ массалари ва бошқа суюқлиқтарни ютқумдан дока тампон билан артиб олинади ёки аспирация йұли билан йүқ қилинади.

Асфиксия сабаби овоз тирқиши дамида ёки бундан настроқда түсқиilik борлығига bogliq бұлса, ҳаво йұлларнинг үтказувчалығини тиклаш учун бирмұнча мураккаброқ чораларни күрніш: бронхоскопия қилиш (203-бетта қаралсın) керак бұлади.

Трахея интубацияси. Зұрайиб бораётган ларингоспазмда, овоз тирқиши шишиб кетганида, бир неча соат давомида сунъий нафас олдиришда дархол трахея интубацияси қилиш (трахеяға най құйиши) га айниқса катта зарурият туғилади. Бевосита ларингоскопия ёрдамыда күз билан текшириб туриб (194-бетта қаралсın), овоз тирқишидан тегишли диаметрдаги резина най үтқазылади (75-расмга қаралсın). Беҳуш булиб ётган қасалларда, оғиз бүшлиғи ва ютқумни шилимшиқ, түплациб қолған суюқлиқдан тозалашни айтмаса, интубация қи-

лиш учун бошқа ҳеч қандай тайёргарчиллик чоралари күришининг ҳожати йўқ. Беморнинг эс-хуши жойида бўлса, унга наркоз бериш лозим. Беҳуш бўлиб ётган ва йўтал рефлекси бузилган ҳамда бронхларидаги бир талай секрет тўпланиб қолган касалларда, қусуқ масса-



38-расм. Ҳаво ўтказадиган най воздуховод.

a — воздуховод узуплигинин ўлчаб иўриш; б — уни киритишининг биринчи босқичи, учи таңглайта томон йўналтирилади; в — воздуховодни бураб, ҳиқилдоқ қа турғрилаш; г — воздуховодни ёпишишиб қўйиш.

лари ва қон аспирациясида ҳам трахеяга най киритиб қўйини зарур бўлади. Худди шу мақсадда бронхоскопия ҳам қилинади (203-бетга қаралсин), бронхларга ёт жисемлар тушиб қолганида бронхоскопия жуда зарур бўлиб қолади. Интубацион найни нафас олдирадиган аппарат билан туташтириб, кислородли газ аралашмасидан узоқ вақт сунъий нафас олдириб турса бўлади.

Трахеостомия. Трахеобронхиал дарахтнинг тиқилиб қолган жойини очишнинг бошқа ҳамма методлари кор қилмагандан, балғам кўплаб қайта-қайта аспирацияланганида, ҳиқилдоқ куйиб, овоз тирқишининг спазми интубацияга тўсқинлик қиласидиган бўлганида трахеостомия қилиш керак бўлиб қолади. Ютиш функцияси бузи-

либ, суюқ овқат ҳиқилдоққа түшиб қоладиган ва аппарат билан узоқ (2 суткадан ортиқроқ) нафас олдириш зарур бұладиган ҳолларда ҳам трахеостомия қилинади.

Трахеостомия учун асбобларни, шприц ва игналарни, новокаинга тутиладиган мензурка, қоринчали ва үткір учли скальпеллар, букик қайчи, жароҳатни кериш учун үткір илмоқтар, трахея учун бир тишли үткір илмоқ, анатомик (2), хирургик (2) пинцетлар, қон тұхтатадиган қисқичлар (10), оқ сурп ва дока материаллар түғнаб құйиладиган цапкалар (4), трахеяни кериш учун кенгайтиргич (расширитель), трахеотомик канюлялар түплами, трахеотомик канюля ёки дам бериладиган манжетали интубациян най, игна тутқыч, катта-кичик ҳар хил кескіч игналарни стериллаб қўйиш зарур. Стерил чойшаблар (2), стерил боғлов материалы, № 2—3 ипак ва № 2—4 кетгут, 0,25—0,5% ли новокаин эритмасини ҳам тайёрлаб қўймоқ керак. Бундан ташқари, беморнинг боши имкоғи борича кўпроқ ростланиб турсин деб елкаси остига қўйиш учун ёстиқча ҳам ҳозирлаб қўйиш лозим.

Трахеостомиядан кейин учрайдиган **энг хавфли асоратлар** операция жароҳати соҳасидан қон оқиб, трахеяга тушишидир. Бронхларга қон оқиб тушмаслиги учун bemor бөш томони паст қилиб қўйилган каравотга ётқизилади. Бўйиннинг юмшоқ тўқималаридан қон кетгудек бўлса, жароҳат четлари керилди, томирларга лигатура солинади ёки жароҳат тампонада қилинади. Дам бериладиган манжетали трахеотомик канюля қўйилган бўлса, манжетасига дам берилади. Учраши мумкин бўлган бошқа асоратлар — нафас чиқарилган пайтда трахеядан бўйин юмшоқ тўқималарига ҳаво ўтиши натижасида бўйинда тери ости эмфиземаси вужудга келишидир. Мана шундай асорат рўй бергудек бўлса, теридаги биринкита чокни сўкиб олиш зарур.

Трахеостомага диққат билан қараб бориш керак. Үнга қарашиб дегани ички канюлянинг тиқилиб қолмаганлигини кузатиб бориш ва уни алмаштириб туриш керак деган гапдир, канюля бир кечакундузда икки марта, суюқлиқ кўп чиқадиган бўлса бундан ҳам кўра бот-ботроқ алмаштириб турилади. Чиқарип олинган ички канюля ички ва ташки томонидан ювилади, стерилланади ва яна қўйиб қўйилади. Нафас қийинлашиб қолганида, бронхларда шилимшиқ тўпланиб қолганида ҳам канюля

чиқарыб олинади. Шилимшиқни трахеяга киритилган ингичка катетер орқали ҳам иккі-үч соатда сүриб олинади. Шиллиқ пардани шикастлантирумаслик учун сүриш ҳаракати катетерни бронхдан чиқарыб олиш пайтида қилинади. Касал трахеостома орқали нафасга оладиган ҳаво махсус асбоб («сұнъий бурун») билан ёки илиқ физиологик әритмани тұзғитиб туриш йули билан намланади. Томчилаб суюқлиқ қүйиш учун тутиладын системадан ҳам фойдаланса бўлади: капельница тагидаги ингичка игна тұғридан-тұғри трахеотомик тешникка солиб қўйилади, шунда трахеяга 90—100 секундда бир томчидан суюқлиқ кириб туради. Касалга намлаб илтилган (илиқ сув орқали ўтказилган) кислороддан нафас олдириш мумкин.

Сұнъий нафас олдириш. Нафаснинг бутунлай тұхтаб қолиши ёки касал ўпкасига етарли даражада кислород ололмай қоладиган даражада кескин издан чиқиши беморга сұнъий йўл билан нафас олдириш учун важ бўлади. Нафаснинг издан чиқиши ритми ва чуқурлигининг бузилиши, шунингдек кўкрак қафаси ва диафрагма нафас ҳаракатларининг тамомила тұхтаб қолиши билан



39-расм. Оғизни-оғизга қилиб, сұнъий нафас олдириш:
I босқичи — нафас олиш; II босқичи — нафас чиқариш.

намоён бўлади. Айни вақтда нафасга алоқадор шовқйнлар, нафас шовқинлари йўқолиб, одам оппоқ оқаради ва кўкариб кетади. Процесснинг сабабларидан қатъи назар, қон ва туқималардаги кислород миқдори камайиб қолади (гипоксия) ва организмда карбонат ангидрид гази тұпланиб боради (гиперкарбия).

Сунъий ўпка вентиляциясини юзага чиқариш учун яқин вақтларгача күпчилик ҳолларда асосан қўллар ёрдамида сунъий нафас олдириш усулларнинг биридан фойдаланилар эди. Мана шу усулларнинг ҳаммасини бирлаштирадиган нарса шуки, кўкрак бўшлигини механик тарзда сиқиши (Говард, Шефер усуллари ва ҳоказо) ёки кенгайтириш (Сильвестр, Еллинек усуллари ва ҳоказо) йўли билан кўкрак қафаси ички ҳажмини ўзгартириш ҳисобига газ алмашинувини қувватлаб турса бўлади, шунга кўра нафас олиш ёки чиқариш актини сунъий йўл билан юзага чиқарса бўлади.

Қўллар ёрдамида сунъий нафас олдириш усулидан ҳар бирининг муҳим камчилиги ўпка вентиляциясининг кам булиши, касални олиб кетаётган пайтда уни ишлатиб бўлмаслигидир.

Хозир сунъий нафас олдиришнинг ўпкага газлар аралашмасини мажбуран ҳайдаб киритишга асосланган анча оддий ва ҳийла самарали усуллари ҳаммага манзур тушиб, кенг расм булиб бормоқда. Оғиздан бурунга ва оғиздан оғизга нафас беришдек оддий усуллар билан мана шунга эришса бўлади. Оғиздан оғизга ёки оғиздан бурунга пуфлаб ҳаво киритилганида қўллар ёрдами билан сунъий нафас олдиришдагига қараганда 3—4 баравар каттароқ ҳажмда ҳаво ўтади. Трахеяга ҳаво яхшироқ кириши учун касал елкаси тагига кийим-бошларини юмaloқlab ёстиқ қилиб қўйиш, касалнинг чап томонига ўтиб олиш, бошини орқасига имкони борича кўпроқ энгаштириш мақсадга мувофиқдир; касалнинг оғиз ва бурнини дока салфетка, даструмол билан бекитиб қўйиш мумкин. Эркин нафас олиб, касалнинг оғизига зич тақалаш ва бурнини бекитиб туриб оғзи орқали ҳаво пуфлаб киритиш керак (39-расм). Касалнинг кўкрак қафаси етарлича кенгайиб олганидан кейин ҳаво пуфлаб киритиш тухтатилади. Кўкрак қафаси эластик бўлганлиги учун узи пучаяди, шунда нафас чиқарилади. Оғизни бурунга қилинадиган усулда ҳам сунъий нафас бериш шунга ўхшаш тарзда олиб борилади. Оғизга ҳаво пуфлаб киритиш учун S-симон найчалардан (111-бетга қаралсин), бурунга ҳаво пуфлаб киритишда эса интубацион найчалардан фойдаланиш қулийроқ. Най оғиз орқали тил илдизигача киритилганидан кейин ёрдам берадиган киши касалнинг бурнини бармоқлари билан сиқиб туриб, шчитокни лабларига та-

қайди ва чуқур нафас олиб туриб, най орқали ҳаво пулаб киритади. Най оғиздан олинганида кўкрак қафаси пучаяди ва нафас чиқарилади.

Касалхона шароитларида хозир айтиб ўтилган чоратадбирларга махсус аппаратлар ёрдами билан кислороддан сунъий нафас олдириш усули қўшилади. Кислород маска (ниқоб) орқали берилади, лекин интубацион. найча орқали бериладиган бўлса, нафи анча яхши бўлади.

УПҚАНИ АППАРАТЛАР ЁРДАМИДА ВЕНТИЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

Сунъий нафас олдириш учун ишлатиладиган аппаратлар упқани физиологик нафасга яқин турадиган даражада узоқ муддат яхши вентиляция қилиб туришга имкон беради. Нафас аппаратлари ичидаги икки турдаги аппаратлар тафовут қилинади: қўл билан ишлатиладиган «Амбу» тинидаги аппаратлар, «Пести», «Хирана» фирмаларининг аппаратлари, РДА-1 маркали аппаратлар ва бошқалар ҳамда автоматик тарзда ишлайдиган аппаратлар. Қўллар ёрдами билан сунъий вентиляция қилишни таъминилаб берадиган аппаратлар жумласига ватанимизда ишлаб чиқариладиган УНА-1, УНАП-2, АН-8, НАПП-60 маркали наркоз аппаратлари ва ингаляцион наркоз учун ишлатиладиган ҳар хил чет эл наркоз аппаратлари киради.

Автомат нафас аппаратлари ишлаш принципи жиҳатидан учта группага бўлинади: босим билан ишлайдиган аппаратлар (ДП-2, ДП-7, ГС-5, РВД-1, РД-1 маркали аппаратлар), ҳажмга қараб ишлайдиган аппаратлар (РО-1, РО-3, РО-62, РОН-64 маркали аппаратлар) ва частотага қараб ишлайдиган аппаратлар (ДП-5, АНД-2 маркали аппаратлар, Энгстрем, Эмерсон аппаратлари). Биринчи группага кирадиган аппаратлар касалнинг нафас йўлларида муайян босим вужудга келиши билан нафас олишдан нафас чиқаришга уланиб қолади, иккинчи группага кирадиган аппаратлар ўпкага олдиндан белгилаб қўйилган маълум ҳажмдаги ҳаво кирганидан кейин шу тариқа уланиб қолади; частотага қараб ишлайдиган учинчи группа аппаратлари олдиндан белгилаб қўйилган нафас олиш муддати тугаганидан кейин нафас олишдан нафас чиқаришга уланиб қо-


лади. АНД-2 маркали аппарат, Энгстрем, Эмерсон аппаратларини частотасига қараб ҳам, ҳаво ҳажмига қараб ҳам созласа бўлади.

Аппарат билан нафас олдириш пайтида ўпка вентиляциясини таъминлаб бериш учун шарт-шароитлар яратиш ҳаммадан муҳимдир, нафас йўлларининг тиқи-либ қолмаганлиги, аппарат билан беморниң нафас йўллари ўртасида герметиклик вужудга келтириш ана шу шарт-шароитлар жумласига киради. Обтуратори зич тақалиб турадиган маскани танлаб олиш, уни тутгич-тасма билан юзда ушлаб туриш ёки беморга манжетали маҳсус най улаш (интубация қилиш) йўли билан бунга эришилади.

Ўпка вентиляцияси дам бериб киритиладиган газ ара-лашмаси ҳажмининг нечогли аниқ белгилаб олинишига ҳам кўп даражада боғлиқдир. Зарур ҳажм амалда маҳ-сус жадвалларга (номограммаларга) қараб ҳисоблаб чиқилади. Энгстрем жадвалида керакли вентиляция ҳажмини ҳисоблаб чиқиш учун касалнинг оғирлиги, сўйи, танасининг юзаси, ёши ва жинси асос қилиб олинган; Добкин номограммасида вентиляция ҳажми касал оғирлигининг ҳосиласига тенгdir. Рэдфорд жадвали ҳаммадан қулай ва оддий: ўпка вентиля-цияси миқдори беморниң оғирлиги ва ёшига қараб ўзгарадиган нафас частотасига тўғри келади (40-расм). Вентиляциянинг кам бўлиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун нафасга олинади деб топилган ҳажм миқ-дорига ўша ҳажмнинг яна 20% ни қўшиш керак. Сунъ-ий вентиляцияни маска ёрдамида олиб борилганда то-шилган вентиляция ҳажмини 270—300 мл га ошириш керак. Аппарат ёрдами билан ўпкани вентиляция қила-ётган пайтда нафас ҳажмидан ташқари нафас частота-сини ҳам, нафас олиш ва чиқариш вақтидаги ҳаво боси-мини ҳам ҳисобга олиш зарур. Кўпчилик ҳолларда ми-нутига 14 мартадан тортиб, 20 марта гача ритм билан нафас бериб бориш тавсия килинади, айни вақтда ҳар бир нафас цикли тахминан 3 секундга тўғри келиши, нафас олиш муддати эса 1 секунддан ортмаслиги керак. Босимга келганда, нафас олиш пайтида босим сув усту-ни ҳисоби билан айтганда +10 дан 20 см гача ва нафас чиқариш пайтида 0 дан—3 см гача, актив нафас чиқа-ришда эса 10 см гача бўлиши лозим.

Ҳозир айтиб ўтилган параметрлар тўғри танлаб олин-

ган бўлса, сунъий вентиляция физиологик нафас режимига (нормовентиляцияга) яқин бўлиб, бунда қон кислород билан нормал тўйинади ва ортиқча CO_2 чиқарип турилади. Нафас ҳажмининг етарли бўлмай қолиши гиповентиляцияга олиб келадики, бу — гипоксия ва гипер-



40-расм. Рэдфорд номограммаси. Қасалининг ёшини ҳисобга олиб, нафас частотаси ташланади (жадвалнинг ўнгига), сўнгра шу частота чизғич ёрдамида қасалининг оғирлигига туташтирилади (жадвалнинг чапида). Чизғичнинг ўрта график билан кесишган жойи керакли нафас ҳажми бўлади.

капния хавфини туғдиради. Нафас частотаси одатдаги-ча бўлгани ҳолда нафас ҳажми ҳаддан ташқари ошириб юбориладиган бўлса, гипервентиляцияга олиб келади; қоннинг кислород билан тўйиниши тўла бўладио, лекин қондан CO_2 анча актив чиқиб турадиган бўлгани учун гипокапния вужудга келади.

Сунъий упка вентиляциясини нормовентиляция ёки бир оз гипервентиляция режимида олиб бориш тавсия этилади.

Сунъий вентиляция: нафас ҳажми, нафасга олинадиган ва ундан чиқадиган ҳаво босимини махсус асбоблар ёрдамида аниқлаш йўли билан текшириб борилади, Газлар алмашинуви ҳолатини текшириш учун кислота-ишқорлар мувозанатини ўлчаб куриш айниқса муҳим роль уйнайди. Кислота-ишқорлар мувозанатининг

ҳамма компонентларини аниқлаб олишга имкон берадиган Аструп микрометоди ҳаммадан аниқ, оддий ва тезкордирки, шошилинч холларда бу, жуда муҳим.

Полиомиелит, қоқшолда, калла-мия травмаси, талайгина қовурғалар синганида нафаснинг узоқ издан чиқиб туриши сунъий ўнка вентиляциясини анча вақт мобайнида, баъзан неча кунлаб ва ҳатто ойлаб давом эттириб туришга мажбур қилади. Шу муносабат билан бу хилдаги узоқ вентиляциянинг баъзи бир хусусиятларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Б соатгача борадиган вақт давомида ҳеч хавотир қилмай, касалга соф кислород бериб туриш мумкин, аппарат ёрдами билан узоқ вақт вентиляция қилиб туриш зарур бўлганида кислород билан ҳаво аралашмаси, яъни 30—40% кислород ва шунга яраша 70—60% ҳаводан иборат аралашма ишлатилади. Сўнгги вақтларда кислород билан ҳаддан ташкари енгил ва ىнерт газ — гелий аралашмаси, 1 қисм кислород ва 4 қисм гелий аралашмаси ишлатиладиган бўлади. Мана шу аралашмада кислород миқдорининг кам бўлиши кислород билан заҳарланиш ва унга алоқадор асоратлар хавфини кескин камайтиради.

Ўпкани аппаратлар ёрдамида вентиляция қилаётган пайтда нафасга олдириладиган ҳаво аралашмаси интубацион най ёки трахеостомик канюля орқали тўғридан тўғри ўпкага юборилади. Бунинг натижасида газлар аралашмаси намланмай ва илимай қолади. Газ аралашмаси совуқ, қуруқ бўлса ўпка тўқимасига таъсир қилиб, ўпка тўқимасининг актив равишда вентиляцияланадиган юзасини камайтириб қўяди ва вентиляция эфектини пасайтиради (пневмония, ателектазлар). Сунъий бурун деб аталадиган алоҳида мослама ана шу хатарни анча камайтиришга имкон беради. Бу мослама нафасга олинадиган ҳавони илитиш ва намлаш учун аппарат контурининг нафас берадиган қисмига ўрнатилади.

Нафас органларига инфекция юқиши ва уларнинг шикастланиш хавфи борлиги ҳам аппаратлар билан сунъий равишда нафас олдиришининг муҳим камчилигидир. 48 соатдан кўра узоқроқ вақт мобайнида интубацион най орқали вентиляция қилинадиган бўлса, овоз бойламларининг шикастланиб қолиши амалда муқаррар. Бу ҳолда трахеядан тешик очиб (трахеостома), шу тешикдан вентиляция қилишга тўғри келади. Трахея то-

ғайларида ётоқ яралар пайдо бўлмаслиги учун найларни (канюляларни) ҳар 6—7 кунда алмаштириб, манжетани 20—30 минутдан 2—3 марта бўшаштириб туриш керак. Трахеостома қилинган касалларнинг деярли ҳаммасида трахеобронхитлар авж оладиган бўлгани учун трахеядан чиқадиган суюқлиқни ҳар 3 кунда мунтазам бактериологик текширишдан ўтказиб туриш ва антибиотиклар бериш зарур (эритмаси трахеяга томизиб турилади).

Нафас йўлларида тўпланган секрет бронхларга тиқилиб қолиши мумкин, бу — кўпинча ателектазлар ва пневмониялар келиб чиқшига сабаб бўлади. Мана шу асоратларнинг олдини олиш учун каравотнинг оёқ томонини ҳар куни 3—4 марта 30—40 минутдан кўтариб қўйиш, bemorni у ёнбошидан бу ёнбошига тез-тез аѓариб туриш, аппарат билан автоматик равища сунъий нафас олдириши «Амбу» типидаги аппаратлар ёрдамида ўпкага дам бериб, қўлда сунъий нафас олдириш ёки 3 соат автоматик вентиляциядан кейин 20—25 минут давомида нафас аппаратининг халтачаси орқали нафас олдириш билан алмаштириб туриш керак бўлади.

Ўпкадан такрор-такрор (ҳар 2—2,5 соатда) аспирация қилиб туриш зарур, бу иш Тиманинг стерил катетери (№ 12—14) билан асептик шароитларда бажарилади. Ўпкадаги суюқлиқни сўриб олишдан олдин кўкрак қафаси 5—7 минут давомида шапатиланди, сўнгра катетерни трахеяга имкони борича киритилади ва ўз ўки атрофида бураб туриб, чиқариб олинар экан, суюқлик тортиб олинади (5—6 марта).


Ателектаз бўлган жойлар бор-йўқлигини аниқлаш учун кўкрак қафасини ҳар 24—48 соатда рентгенограмма қилиб туриш керак. Обтурацион (бронхларнинг тиқилиб қолишидан вужудга келган) ателектазларга даво қилиш учун купгина ҳолларда бронхоскопиядан фойдаланилади (204-бетга қаралсин).

Аппаратлар билан ўпкага яхшилаб ҳаво бериб туриш учун нафас аппаратларининг тўхтовсиз ишлаб туриши жуда катта аҳамиятга эга, шу муносабат билан мамлакатимизда ишлатиладиган нафас аппаратларининг асосий хиллари устида тўхталиб ўтамиш.

«Амбу» типидаги дастаки нафас аппарати ва унга ўхшаган аппаратлар («Пести», «Хирана» аппаратлари) асосан қутқариш хизматида, тез ёрдам хизматида ишлатилади. Сунъий

вентиляция касал үпкасига атмосфера ҳавосини ёки кислород билан түйинган ҳавони дамдан ёки ғовак резинадан ишланган эластик халтачадан сиқиб киритиш йўли билан амалга оширилади. Нафас пассив равишида чиқарилади. Бу типдаги аппаратларда газ аралашмасининг аппаратга қайтиб чиқишига йўл қўймайдиган махсус автоматик клапанлар бор. Бу клапанларниң ағзаллиги шундаки, аппаратлар ишлаб турган пайтда нафасга борадиган ҳаво босими сув устуни ҳисоби билан айтганда 20—30 см дан ортиб кетиши мумкин эмас. Ёрдам кўрсатаётган одамниң тез чарчаб қоладиган бўлиши, берилган вентиляция параметрларини узоқ вақт давомида аниқ сақлаб туришниң имкони йўқлиги бу типдаги аппаратларниң камчилигидир.

Аппарат билан ишлаш тартиби қўйидагича (41-расм): дамни (а) бир босиб бир бўшаштириш ҳисобига касалниң нафас йўлларини шилимшиқдан тозаланади, айни вақтда банка (б) да симоб устуни ҳисоби билан айтган-




41-расм. Оёқ билап ишга солинадиган А-1 типидаги «Амбу» маркази дастаки нафас аппарати.

1 — нафас халтаси; 2 — кислород баллони ёки ёстиғидан келадиган шланг уланадиган ўсимтаси; 3 — сўрвичи клапани; 4 — ўтиш найи; 5 — дам бериш клапани; 6 — маска; 7 — оёқ билап ишга солинадиган отсоси; а — дами; б — шиша банкаси; в — банканинг клапанли қопқоғи; г — катетерга уланадиган наконечники най.

да 250 мм гача сийраклик ҳосил қилинади. Оралиқ най (4) билан туташтирилган икоб-маска (6) ни касалниң оғзи билан бурнига зич қилиб қўйилади ва пастки жағи билан бирга қўшиб, бир қўл билан ушлаб турилади, иккинчи қўл билан нафас халтаси (1) минутига 18—20 марта ритм билан сиқилади. Айни вақтда нафас олиш

вақтинга нафас чиқариш вақтига нисбати 1 : 1 ёки 1 : 2 ии ташкил килиши лозимлигини унутмаслик керак. Кислород билан бойитилган ҳаводан сунъий нафас олдирилганда нафас халтасининг газ чиқарадиган найини паст босим редуктори орқали кислород баллони ёки кислород ёстиғига шланг билан туташтириш керак.

Сунъий нафас олдириш учун қўлда олиб юриладиган РПА-1 маркали дастаки аппарат. Аппаратнинг вазифаси, ишлаш принципи ва қандай ҳолларда ишлатилиши «Амбу» типидаги аппаратларни билан бир хил. Фарқи шуки,



42-расм. РПА-1 маркали дастаки портатив аппарат.

1 — дамли; 2 — сўрувчи клапани; 3 — нафас чиқариладиган клапани; 4 — ҳаво ҳажми муайян қилилайдиган ён тасмалари; 5 — тасма-даста; 6 — эҳтиёт клапани; 7 — маска уланадиган раструб.

РПА-1 ёрдами билан касалнинг ўпкасига олдиндан белтилаб қўйилган ҳажмдаги атмосфера ҳавосинигина юбориш мумкин. Аппаратнинг автоматик клапани йўқ, шу муносабат билан билиб ишлатилмаса, нафас чиқардиган қисмида босим ортиб кетиши мумкин.


Аппарат ва қисмлари дастали кичкина металл яшикка жойланган (42-расм). Аппаратга: оғиз кенгайтиргичлар, ҳаво ўтказадиган пайлар, катта-кичик 2 та ниқоб (маска) қўшиб берилади.

Аппарат билан ишлаш тартиби қўйнадигича: дам (42-расм, 1) нинг ён томонидаги тасмаси (4) ёрдами билан ундан белгиларга мувофиқ қилиб, дамдаги керакли ҳаво ҳажми (1,5; 1,0; 0,5; 0,25 л) белгилаб олиниди. Растроуб (7) га лойиқ келадиган маска уланади. Маска касалнинг юзига зич қилиб тақалади. Тасмадаста (5) ёрдами билан дам бир маромда сиқиб-чўзилади (43-расм).

Катта ёшли одамларда сунъий нафас частотаси, нафасга бериладиган ҳаво ҳажми 1—1,5 л бўлганида, минутига 18—20 нафасни, 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда нафасга бериладиган ҳаво ҳажми 0,25—0,5 л бўлганида, минутига 20—30 нафасни ташкил қиласдиган бўлиши керак. Сунъий нафас берилаётган пайтда нафас чиқариладиган клапан (3) маскани босиш вақтида қўл билан бекилиб қолмаслигига қараб бориш лозим.


Сунъий нафас олдириш учун қўлда олиб юриладиган ДП-2 маркали аппарат касал ва ярадорларни транспортда олиб бориш вақтида шошилинч ёрдам кўрсатиш учун ҳам, узоқ сунъий нафас бериб туриш учун стационар шароитида ҳам ишлатилади. Аппарат асосан сунъий нафас олдириш учун ишлатилади, лекин касалларнинг нафас йўлларидан суюқлиқларни сурив олишга (аспирация қилишга) ҳам имкон беради.

Аппарат сиғими 2 л келадиган баллондаги сиқилган кислород билан ёки 40 литрли баллондаги кислород билан ишлайди, шунингдек электромотор билан ҳаракатга келтириладиган ҳаво компрессори билан ҳам ишлаши мумкин. Аппаратнинг ишлаши учун ДП-1 маркали аппаратларнинг компрессорларидан ёки АИ-1 маркали аэрозоль ингаляторидан фойдаланса ҳам бўлади. Аппарат сиқилган кислород билан ишлайдиган бўлса, нафасга олинидиган газ аралашмасида 45—50% кислород бўлади, ҳаво компрессоридан ишлаганида эса, касал ўпка-



43-расм. РПА-1 аппарати билан сунъий нафас олдириш.

сига атмосфера ҳавоси берилади. Нафасга ҳаво олиш ва нафасдан ҳаво чиқаришни аппарат асосий узелида — нафас автоматида махсус мембрана ёрдами билан, нафас олингандан босим симоб устуни ҳисоби билан +10 мм дан +15 мм гача етганида ва нафас чиқарилганида сийракланиш симоб устуни билан —5 мм дан —7 мм тача тушганида автоматик равишда бажаради. Аппаратнинг қисмлари махсус ғилофга жойланган бўлади (44-расм).




44-расм. ДП-2 маркали нафас асбоби.

1 — кислород баллони; 2 — кислород баллонидаги босимни кўрсатадиган манометр; 3 — нафас частотаси рестланадиган регулятор; 4 — сийракланиш регулятори; 5 — нафас автомати; 6 — аспиратор банкаси; 7, 8, 9 — штуцерлар; 10 — нафас автоматини маска билан уйядиган шланг; 11 — намлагич; 12 — маска; 13 — контрол халтача; 14 — тилни тутуб турадиган мослама; 15 — катетер; 16 — паст босим кислород редуктори; 17 — ҳаво компрессори (К) шланги; 18 — электр шнур; 19 — нафас автомати кнопкаси.

ДП-2 ни кислород баллонидан ишлашга тайёрлагандан: 1) маска (12) ўрнига контролъ халтача (13) ни улаш; 2) кичик кислород баллони (1) нинг вентилини соат стрелкаси ҳаракатининг аксига қараб аста бураб, очиш; 3) нафас частотаси регуляторини соат стрелкаси

ҳаракатининг аксига қараб 1—1½ оборот бураб, уни очиш; 4) аппарат ишлаётганига ишонч ҳосил қилгандан кейин аппарат билан касалнинг нафас йўллари туташиб туришини таъминлаш зарур (маска ёрдами билан, интубацион най, трахеотомик канюля орқали).

Аппарат ишлаб турган пайтда нафас автомати (19) нинг кнопкаси доим ҳаракатда бўлади: юқори ҳолати нафас олиш, пастки ҳолати нафас чиқариш. Аппарат баллон (1) вентили ёки нафас частотаси регуляторини ёпиш йўлц билан тұхтатилади. Узоқ муддат сунъий нафас бериб туриш зарур бўлса, аппаратни катта транспорт баллонига улаш керак. Бунинг учун транспорт баллонининг штуцерига паст босим кислород редуктори (16) бураб киритилади, редукторнинг резина шланги штуцер (9) га уланади, баллон вентили очилиб, З ва 4 моддалар бажарилади.




45-расм. ДП-2 ни ҳаво компрессори ва транспорт кислород баллонига улаш схемаси.

Аппарат ҳаво компрессоридан ишлаганида қўйида-гича қилиб сунъий нафас берилади (45-расм): ҳаво компрессорининг шланги (17) штуцер (9) га туташтирилиб, электр шнури (18) тармоққа уланади, компрессор дастаси «уланган» ҳолатига келтириб қўйилади, дарҳол кнопкa босилиб, З ва 4 моддалар бажарилади.

Суюқликларни тортиб олиш (44-расмга қарабласин): аспиратор банкаси (6) тик ҳолатга қўйилиб, резина найи штуцер (8) га уланади; аспиратор банкасининг эркин

резина найига катетер (15) кийгazилади; нафас йүлларидан суюқлиқ ёки шилимшиқ сүриб олиш учун катетер бурун ёки оғиз орқали киргизилади; кислород баллони (1) нинг вентили ёки сийракланиш регулятори (4) очилади. Суюқлиқни сүриб олиб бўлгандан кейин баллон



46-расм. «Горноспасатель-5» нафас аппарати.
1 — кислород баллони; 2 — нафас шланги; 3 — улаш қутиси; 4 — пневмоманжета; 5 — сўргич бинкаси; 6 — сўргич ний; 7 — нафас халтаси; 8 — клапан қутиси; 9 — нафас маскаси; 10 — маска тутгни; 11 — транспорт баллонни улаш учун металл ний; 12 — баллон ключи; 13 — 13 — эҳтиёт (запас) қисмлар жойланган қутича; 14 — қайтарма ғилоф, тилтутгич ва катетер шунида туради; 15 — транспорт баллонни улаш учун штуцер; 16 — нафас частотаси регулятори; 17 — даста «маска»; 18 — даста «ингалаатор»; 19 — даста «аспиратор»; 20 — даста «манжета»; 21 — ўлкадаги босимни кучайтириш жўмраги; 22 — манжетадаги босим регулятори; 23 — балондаги босим манометри; 24 — редуктордан келганини босим манометри; 25 — ингаляция вақтида ҳаво сўриб туриш жўмраги.

вентили ва сийракланиш регулятори беркитиб қўйилади.

«Горноспасатель-5» (ГС-5) касалхонадан ташқари шароитларда шошилинч ёрдам курсатиш учун ишлатилади. У упкага кислород-ҳаво аралашмасини (35—40% кислородни) ҳайдаб беради — сунъий нафас олдиришнинг асосий усули; пневмоманжета ёрдами билан ўпкани вентиляция қилиш — ёрдамчи методдир; аппарат соғ кислород ёки кислород-ҳаво аралашмасини ингаляция қилиш ва нафас йўлларидан шилимшиқ ҳамда суюқлиқни сүриб олишини ҳам таъминлади. Аппарат иккι

литрли баллонда турасынан сиқық кислород билан ҳаралатта келтирилади. Уни транспорт баллонига уласа ҳам бўлади (4б-расм).


Аппарат дюралюминий ғилофга жойланган бўлиб, унда кислородли баллон, юзасида бошқариш пульти бўладиган механизм, туташтирувчи қутичали нафас шланглари, пневмоманжета, найли аспиратор банкаси, клапанли қутичаси бор ингаляцион халтача, икки хил размердаги нафас маскалари, маска тутқич, транспорти баллонига улаш учун гайкали металл най, баллон ключи, запас қисмлар қутичаси, ичида ҳаво ўтказувчи найлар ва катетер турасынан агадарма ғилоф жойланган. Ғилофнинг ён юзасида транспорт баллонига улаш учун штуцер бор. Бошқариш пультига қўйидагилар киради: нафас частотасини тўғрилаш, кислород бериш ёки суюқлиқларни сўриб олиш пайтида сийракланиш ҳосил қилиш учун регулятор каллаги, асосий метод билан сунъий нафас олдириш учун «маска» дастаси, ингаляция учун «ингалятор» дастаси, аспираторни ишга тушириш учун «аспиратор» дастаси, ёрдамчи метод билан пневмоманжета ёрдамида сунъий нафас олдириш учун «манжета» дастаси, ўпкада босимни кучайтириш учун жўмрак, манжетадаги босимни тўғрилаш регулятори, баллондаги босим манометри, редуктордан кейинги босим манометри ва ингаляция пайтида ҳаво сўриб туриш учун жўмрак.

Асосий метод билан сунъий нафас олдириш учун кислород баллонининг вентилини очиб, дастани одам ўзидан ғилоф қопқоғига қараб бураши зарур. Маскани касалнинг юзида зич тақаб, маска тутқич билан маҳкамлаб қўйилади. Редуктор каллагини стрелканинг «прибавить» томонига бураш йўли билан манометрнинг кўрсатишлари ва аппарат қопқоғидаги жадвалдан фойдаланиб, зарур ўпка вентиляциясини 10 л/мин данг 30 л/мин гача қилиб қўйилади.

Ёрдамчи метод билан сунъий нафас олдириш усули асосан полиомиелитда нафасни машқ қилдириш учун, сувга чўккан одамга сунъий нафас бериш учун қўлланилади ва ҳоказо. Метод бажариш учун жуда осон бўлиб, физиологик жиҳатдан анча қулайдир.

Баллон вентилини очиб, дастани одам ўзидан ғилоф қопқоғига қараб бураши зарур. Касалнинг кўкрагига пневмоманжета кийгизилиб, иккита тасма ёрдамида

боғлаб қўйилади, бунда уни манжета четининг тагига қўл бармоқларини киритса бўладиган қилиб боғлаш керак. Манометрнинг кўрсатишлари ва аппарат қопқоғидаги жадвалдан фойдаланиб, редуктор каллагини стрелканинг «прибавить» томонига бураш йўли билан керакли нафас частотасига қўйилади. Манжетадаги босим регулятор билан оширилади, регулятор симоб устуни билан 40 мм дан 100 мм гача бўлган доирада керакли босимга тўғрилаб қўйилади.



47-расм. Қўшимча нафас респиратори.
РВД-1 (умумий кўриниши).

Стационар шароитларда узоқ сунъий нафас бериладиган бўлса, транспорт баллони уланади. Ключ ёрдами билан ён томондаги найцинг тиқини бураб чиқарб олинади, уяси металл най ёрдами билан транспорт баллонининг вентилига уланади ва гайка ключ билан бураб қўйилади. Туташтириладиган ҳар иккала жойда ҳам прокладкалар бўлишига аҳамият бериш керак. Аппаратнинг кейинги иш тартиби юқорида баён қилингандан ҳеч бир фарқ қилмайди.

Қўшимча нафас бериш учун ишлатиладиган РВД-1 маркали респиратор (47-расм) касалнинг нафаси сусайиб қолганида нафасни чуқурлаштириш учун қўлланилади. Нафас олмөқчи бўлиб қилинган сустгина уринишга жавобан касалнинг нафас йулларига сиқилган газ кириб, олдиндам белги-

лаб қўйилган муайян босимга етгунча ўтаверади. Газ транспорт баллонидан берилади. Касал нафас олмоқчи бўлиб ҳаракат қилмайдиган бўлса, аппарат олдиндан тўғрилаб қўйиладиган, З секунддан 60 секундгача борадиган муайян вақтдан кейин режим релеси ёрдами билан автоматик тарзда ишга тушади. Респираторда актив нафас олинади, нафас чиқариш пассив булади. Нафасга олинадиган ҳаво босими сув устуни ҳисобида 1 см дан 30 см гача тўғрилаб турилади. Аппарат инжектор орқали ҳаво сўрадиган бўлгани учун касал ўпкасига 40% атрофида кислород бўладиган кислород-ҳаво аралашмасини бериши мумкин.


Аппарат қўйидаги ҳолларда ишлатилади: турли сабабларга кўра (ўпка шишуви, оғир астматик ҳолат, калла суяги-мия травмасида нафаснинг издан чиқиши, операциядан кейин нафас бузилиши туфайли) келиб чиққан ўткир ва хроник нафас етишмовчилигига, полиомиелитда, нафасни тиклаш даврида, нафасни машқ қилдиришда. Аппаратдан ташқари комплектга стойка, кравст суянчигига маҳкамлаб қўйиш учун струбцина, шланглар ва маска (ниқоб) киради. Аппаратнинг ён паниелида қўлда бошқариш («ручное управление») стержени бор.

Аппарат билан ишлаш тартиби қўйидагича (48-расм). Индан олдин аппаратнинг тузуклигини текшириб қўриб, нафас шланги (7) нинг аппарат ва компенсацион клапан (9) билан яхши уланганига ишонч хосил қилиш керак. Нафас шлангидан чиқадиган юқори босимли ингичка оқ шланг (11) компенсацион клапан штуцерига зич қилиб кийгизилган бўлиши лозим.

Кислород баллонининг вентилини очиб, босим редуктор (13) манометрига қараб З ат. қилиб тўғриланади. Шундан кейин «пауза» жўмраги (6) тақалгунча соат стрелкаси йўналишига қараб бураб очилади. «Отключение» дастаси (3) билан «давление» -дастаси (2) камайтириладиган томонга сурилади, сунгра «вентиляция» (1) жўмраги тўла очилади. «Давление» дастаси (2) ёрдами билан босим сув устуни ҳисобида 10—15 см қилиб тўғриланади. Бунда аппарат циклик тарзда ишлайди. Қиопка (5) ни босиб, белгиланган босим миқдори мановакуумметр (4) га қараб текширилади. Даста (3) ни соат стрелкаси йўналишида охиста бураш йўли билан аппаратнинг циклик тарздаги ишдан тўхташига эриши-

лади, бу — касал ўз ҳолича нафас олганда хосил бўладиган энг кам сийракланишга мос келади. Маска (3) касалининг юзига зинч қилиб боғлаб қўйилади.

Касал нафасини машқ қилдириш мақсадида кўпроқ куч билан нафас олганда аппаратининг ишдан тўхтаб қоладиган бўлишини таъминлаш керак. Бунинг учун «откликание» (3) дастасини керакли миқдорда сийракланиш хосил бўлгунча кўпайтириш томонига қараб бураш керак, сийракланиш моновакуумметрга қараб текшириб борилади. Аппаратин автоматик режимда ишлатиш зарур бўлса, сийракланишини даста (3) билан энг кам миқдорда қилиб тўғрилаб қўйинш керак, ашап-



48-расм. РВД-1 схемаси.

1 — «вентиляция» жўмраги; 2 — «босим» дастаси; 3 — «отключение» дастаси; 4 — мановакуумметр; 5 — мановакуумметр кнопкаси; 6 — «пауза» жўмраги; 7 — нафас шланги; 8 — маска; 9 — компенсацион клапани; 10 — қўл билан бошқариш стержени; 11 — юқори босимли шланг; 12 — кислород баллонини редуктор (13) орқали аппарат билан туташтирадиган шланг.


рат шунга «жавоб» берадиган бўлади («откликание»); «пауза» дастаси билан кутиш вақти тўғрилаб қўйилади. Бу вақт пассив равишда нафас чиқаришнинг охири билан навбатдаги актив нафас олишининг бошланиши уртасидаги вақтга тўғри келади. Ана шундан кейин «пауза» жўмраги соат стрелкаси юришининг аксига бураш йўли билан тўла очилади, сўнгра оҳиста беркитилиб, тегишли миқдорга етказилади. Касал ўз ҳолича мутлақо нафас ололмай қолиб, аппарат автоматик иш режи-

мига ўтказиладиган бўлса, нафас ритмини сусайтириб қўймаслик учун кутиш вақти 5 секунддан ортиқ бўлмаслиги керак. Нафас олишини узайтириш зарур бўлса, қўл билан бошқариш стержени (10) ни босиб, шу ҳолда ушлаб туриш керак. Иш тугалланганидан кейин кислород баллони вентили ва редуктор (13) жўмраги беркитилади.

Чақалоқларга сунъий нафас олдириш аппаратлари. Бу групага қўл билан ҳаракатга келтирилайдиган РДА-1 маркали аппаратлар ва автоматик тарзда ҳаракатга келтирилайдиган ДП-5 маркали аппарат, «Бэби-пульмогор», Р-ЗВ, «Пести» аппаратлари ва бошқалар киради. Асфиксияга учраган чақалоқларга нафас олдириш учун энг оддий аппарат РДЛ-1 маркали аппаратdir (49-расм). 270—300 мл сигимли ноксимон резинани босиш йўли билан нафасга ҳаво берилади, нафас чиқариш пассив бўлади. Нафасга олиниадиган ҳаво босими симоб устуни ҳисобида 10 дан 40 мм гача қилиб тўғриланади. Ортиқча миқдордаги ҳавони чиқаривиб юбориш учун махсус эҳтиёт клапани бор. Аппарат металл интубатор орқали боланинг ўпкасига туташтирилади. Сунъий нафасни минутига 24—35 марта нафас оладиган қилиб бериш мумкин.

ДП-5 маркали аппарат (50-расм) ҳам туғилаётганда нафаси бўгилиб қолган чақалоқларнинг ўпкасини сунъий равишда вентиляция қилиш учун ишлатилади, лекин бундан ташқари ў ҳаётнинг биринчи йилини яшаб келаётган болаларга сунъий нафас олдириш учун ҳам қўлланилади. Аппарат комплектида оёқ билан ишга солинадиган сўрғич борлиги нафас йўлларидан суюқлиқ ва шилимшиқни сўриб олишга имкон беради.


Атмосфера ҳавосини боланинг ўпкасига аппарат дамидаи автоматик тарзда хайдаб киритиш йўли билан сунъий нафас олдирилади. Ўпка ва кўкрак қафасицинг эластиклиги ҳисобига пассив равишда нафас чиқарилали. Аппарат 220 в кучланишли тармоқга уланадиган



49-расм. Чакалоқларда сунъий нафас олдириш учун ишлатиладиган РДА-1 аппарати.

электр мотор билан ҳаракатга келтирилади. Аппаратнинг қисмлари енгил металл филофда туради, шу филофнинг юзасига бошқариш дасталари ва ўлчов асбоблари чиқарив қўйилган.

Аппарат қўйидаги қисмлардан иборат: 350 мл сигумли резина дам (бу атмосфера ҳавосини олиб, боланинг ўпкасига юбориш учун хизмат қиласди, филофда туради); юбориладиган ҳаво босими микдорини кўрсатадиган манометр (1), унинг симоб устуни хисобида 0 дан 42 мм гача шкаласи бор; босим регулятори (2). Аппарат ҳосил қиласдиган энг катта босим симоб устуни хисобида



50-расм. Чақалоқларни тирилтириш учун ишлатилидиган нафас асбоби ДП-5.

1 — бериладиган ҳаво босимини кўрсатадиган манометр; 2 — босим регулятори; 3 — виключатель; 4 — нафас частотасини тўғрилаш қўйиш учун металл стержень билан муфта (4 а); 5 — аппаратин автомат нафас клапани (6) орқали интубационий най (7) билан улаш учун резина шланг; 8 — аспиратор; а — дам ва клапонлари; б — аспиратор банкаси; в — интубационга улаш учун най.

42 мм га тенг бўлади, 42 мм дан ортиқ босимни эҳтиёjt клапани чиқариб ташлайди. Аппаратда яна: унинг электр моторини токка уладиган виключатель (3); нафас частотасини тўғрилаш учун муфта (4 а) ли металл стержень (4); стерженда минутдаги частотасини кўрсатадиган 15, 20, 25, 30 рақамлари туширилган пазлар бўлади; дамдан ўпкага ҳаво ўтказадиган ва нафасдан чиқ-

қан ҳавони атмосферага чиқариб юборадиган автомат нафас клапани (6) бор.

Аппарат комплектига қўйидагилар киради: кучайтирадиган трансформатор; клапан (6) ва металл интубатор (7) билан туташтириш учун уч хил размердаги резина найлар (5, трахеяга киритиладиган най), клапанлари (а), аспирацион шиша банкаси (б) ва интубатор билан улаш учун ишлатиладиган резина найлари (в) бор дамдан иборат булган ва оёқ билан ҳаракатга келтириладиган А-1 типидаги сўрғич (аспиратор, 8).

Аппарат билан ишлаш тартиби қўйидагича. Аппарат 220 в кучланиши элекстр тармоғига уланади ёки тармоқда кучланиш 127 в бўлса, кучайтирувчи трансформатор орқали уланади. Нафас йўлларидан шилимшиқ ва суюқлиқ сўриб чиқариб олинади. Интубатор (7) аспираторнинг найи (в) га уланиб, трахеяга киритилади. Оёқ билан дам (а) ни босиб, трахея ва оғиз бўшлигидан суюқлиқ сўриб олинади. Суюқлиқни сўриб олиб бўлгандан кейин интубатор алиштирилади.


Бола трахеясига тоза интубатор киритилиб, най (5) билан уланади. Виключатель (3) «включено» ҳолатига қўйилади. Регулятор (2) ёрдами билан керакли босим тўғрилаб қўйилади, шу билан бир вақтда манометр (1) кузатиб борилади.

Айни вақтда қўйидаги қондага амал қилиш керак: ўзича нафас ололмаган чақалоққа сунъий нафас олдирилаётган бўлса, дастлабки 10—15 марта нафас олишида босимни манометрга қараб симоб устуни ҳисобида 30 мм гача ошириш ва кейин 15—20 мм гача тушириш мумкин. Бордюю үз ҳолича олаётган нафаси тўхтаб қолган чақалоққа ёки нафаси сусайиб қолган чақалоққа сунъий нафас олдириладиган бўлса, симоб устуни ҳисобида 15—20 мм га teng босим билан кифояланиш мумкин. Керакли нафас частотаси муфта (4 а) ни стержень (4) бўйлаб сурish ҳамда уни зарур нафас частотасини кўрсатадиган рақамли пазга маҳкамлаб қўйиш йўли билан тўғриланади. Аппаратни ишлатиб бўлгандан кейин виключатель (3) ни «виключено» ҳолатига қўйиб, интубаторни трахеядан чиқариб олиш ва найдан ажратиши зарур.

ЛН-8, НАПП-60 маркали наркоз аппаратлари. АН-8 шошилинч ҳолларда қўлда олиб юриш учун энг қулай наркоз аппаратларининг бирин бў-

либ, уни ватанимиз саноати ишлаб чиқаради (51-расм). Аппарат стенокардия хуружи тутиб қолганда, миокард инфаркти, травма ва күйиш шоки юз берганида, нафас издан чиқкан пайтда қисқа муддат оғриқсизлантириш, оксигенация қилиш ва сунъий нафас олдириш учун, шуннингдек оғриқсизлантириш, кислород билан даволаш ва сунъий нафас олдириш талаб этиладиган бошқа бир қанча шошилинич ҳолларда тез ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган. Азот (I)-оксид (50—65%) билан кислород (50—35%) аралашмасини бериш йўли билан оғриқсизлантиришга эришилади. Тоза кислород ўрнига эжектор ишлаганида ҳосил бўладиган ва 35% кислород ҳамда 65% ҳаводан ташкил тонган кислород-ҳаво аралашмасини бериш мумкин.

Аппаратнинг иккита баллони — кислород баллони ва азот (I)-оксид баллони бор, булардан ҳар бирининг сигими 1 л. Баллонлардаги газлар запаси ўртacha 30 ми-



51-расм. АН-8 маркали паркоз аппара-
ти (умумий кўришиши).


шут тўхтовсиз ишлаш учун етади. Аппарат комплектига қўйидагилар киради: касалнинг ўз ҳолича нафас олишини кузатиб туриш ва сунъий нафас олдириш учун резина нафас халтачаси. Аппаратни чиқарувчи клапан ва учта маскадан бири билан туташтириш учун ишлатиладиган ва қат-қат букилган шланг, ҳаво ўтказувчи пайлар, оғиз кенгайтиргич.

Оғриқсизлантириш учун қўйидагиларни бажариш зарур (52-расм): 1) баллонлар (1) ва (2) вентили очила-

ди; манометрлар (3 ва 4) кўрсагишига қараб баллонларда газ борлигига ишонч ҳосил қилинади; кнопка (9) ни босиш йўли билан аппаратниң нафас халтасига кислород тулдирилади, касалнинг юзига лойиқ келадиган маска зич қилиб кийгазилади ва дозиметр (5) дан бериладиган кислородни даста (6) билан 6—10 л/мин килиб түғриланади; касал 2—3 минут тоза кислород билан нафас олади; 2) бериладиган кислород 3,5—4 л/мин гача камайтирилади ва дозиметр (7) дан берилаётган азот (I)-оксид даста (8) билан шунга яраша 4 ёки 6,5 л/мин қилиб түғриланади. Биринчи ҳолда азот (I)-оксид миқдори 50%, иккниччи ҳолда 65% бўлади. Аппаратни бирмунча узоқроқ ишлатиш зарур бўлса, кислородни тежаш мақсадида эжектор (11) ишга туширилади. Айни вақтда азот(I)-оксид концентрацияси 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак, кислород концентрацияси тахминан 24% ни ташкил этади.

Оғриқсизлантириш тутаганидан кейин азот (I)-оксид даста (8) билан тұхтатилади ва касал камидаги 5 минут кислород билан нафас олади. Азот (I)-оксид билан кислородни баробар тұхтатиб бўлмайди. Оғриқсизлантиришнинг шу туринде құлланилганда күнчиллик касалларнинг онги тамомида йўқолиб қолмайди.

Кислород билан даволашда кислород баллони (1) вентилинин очиш ва 2 моддани бажариш керак. Кислород ёки кислород-ҳаво аралашмасини камидаги 6 л/мин



52-расм. AII-8 маркали паркоз аппаратини бошқариш схемаси.

1 — кислород баллони вентили; 2 — азот (I)-оксидли баллон вентили; 3, 4 — баллонлардаги газлар босимини қўпсатадиган манометрлар; 5 — касалга 1 минутда бериладиган кислород ҳажмими литрлар ҳисобида қўпсатадиган дозиметр; 6 — кислород бериш бошқариш дастаси; 7 — азот (I)-оксид дозиметри; 8 — азот (I)-оксид бериш бошқариш дастаси; 9 — шошилинч кислород бериш кнопкаси; 10 — шошилинч азот (I)-оксид бериш кнопкаси; 11 — ҳаво тортиш эжектори; 12 — чиқариш клапани ва маска билан аппаратни улаш учун патрубок.

дан бериб туріб, нафас халтасини минутига 18—20 марта тезлик билан бир маромда сиқишиң билан сунъий нафас олдирилади. Нафас олиш вақты нафас чиқариш вақтидан $1\frac{1}{2}$ —2 баравар қисқароқ булиши керак. Сунъий нафас олдиришда одам актив равишда нафас олса, нафасны пассив равишда чиқарады (нафасдан чиқадиган ҳаво чиқарувчи клапандан үзінча чиқиб кетады). Аппарат иши тамом бұлганидан кейин баллонлар вентили бекитилади ва кнопкалар (9 ва 10) ни босишиң билан аппарат системасыда қолған газ чиқараби юборилади.

Узиб-узиб газ берадиган НАПП-60 марапкали наркоз аппарати. Бу типдаги аппараттарниң бошқа типдеги аппараттардан асосий фарқи шуки, аппаратдаги газ оқимини касал үз нафасы билан бошқариб туради. Касал нафас олганида юзага келадиган сийракланишга жавобан газ аралашмасы берилади, нафас чиқарылганида газ оқими тұхтаб қолади. Газлар (O_2 , N_2O) побудгарчилги кам бұлганидан газ аралашмасының шу системадан беріш иқтисодий жиһатдан тежамлидір. Аппарат операциядан кейин даво мақсадыда наркоз беріш учун, кичик хирургияда, жароқшаттарни боғлаш, куйган жойларни обработка қилишда, эндоскопияда, туғруқ вақыда, тишлиарни олишда ишлатылади.

Аппарат анальгезия даврида оғриқсизлантиришга, жумладан үз-үзини оғриқсизлантиришга (автоанальгезия) имкон беради. У газ аралашмасыны доим бир хилда ва аниқ дозалаш хусусиятига эга. Құшымча алмаштириб құшиш ишларини бажармасдан туріб аппарат билан құлда сунъий нафас олдирса бұлади. Сунъий вентиляция қилинаётгандан босим сув устуни билан 30 см га етганидан кейин газнинг ортиқчасы махсус әжтиёт клапаны орқали чиқиб кетади.

Аппарат азот (I)-оксид билан кислороднинг юқорида айтиб үтилган ҳар қандай аралашмасыны касалға беріб түриши мүмкін, бунинг учун тегишли клавиши босиши кифоя. Шошилинч газ беріш клавиши босилғанида тоза кислород беради. Сунъий нафас олдирилганида дамнинг қопқоғига тахмии қилингандың нафасы билан бир маромда босиб түриш кифоядир. Аппаратни ишлатыши аңча осон.

АНД-2 маркали наркоз-нафас аппарати ўпкани атмосфера ҳавоси, кислород билан сунъий равишда вентиляция қилиш учун мұлжалланган булиб, наркоз аппарати үрнида ҳам ишлатилиши мүмкін. Аппарат ишлаб турған пайтда минутлик вентиляция, газ аралашмасыннан таркиби, ўпка ичидағи үртача босим, нафас частотасы зарур миқдорда ва етарлы аниқлик билан тұғриләніб туради. Аппарат очиқ, ярим очиқ, ярим ёпиқ ва ёпиқ нафас системаларида ишлаганда наркоз ва ўпкани вентиляция қилиш учун имкон беради. Зарурат туғилганида касални сунъий вентиляциядан үз ҳолиша, мустақил нафас олишга ўтказиш мүмкін; бундан ташқари, аппарат наркоз аралашмасы берилеётгандай пайтда ҳам, кислород, ҳаво берилеётгандай пайтда ҳам дам билан құлда вентиляция қилишга имкон беради. Аппаратда касалнинг нафас йұлларидан шилемшиқни сүриб олишга имкон берадиган сүриш системаси бор.

Аппаратнинг иш принципи берилған ҳажмдагы газ аралашмасын касалнинг ўпкасига белгиланған, тайинли частотада нафасга оладиган қилиб циклик равишда ҳайдаб бериб туришга асосланған. Касалнинг нафас чиқариши ўпкаси ва күкрапқа қафасыннан эластик күчи ҳисобиға (пассив нафас чиқариши) ёки пассив нафас чиқаришнинг охирда аппарат вужудға келтирадын манфий босим ҳисобиға (актив нафас чиқариш) бұлади. Аппаратнинг иккита контуры бор: нафас контури ва ишчи контур, булар шаффоғ иш камерасига жойланған эластик халтача орқали бир-бiri билан болғланған. Асосий узеллари электр мотор ва шу мотордан ҳаракатлаңадын пневмоцилиндрдан иборат бұлған ишчи контур ишчи камерада дам сийракланиш, дам босим пайдо бўлиши ҳисобиға эластик халтачанинг чўзилиши ва сиҳилиши йули билан нафас контурини ҳаракатта келтириш учун хизмат қиласи, нафас контури нафас олиши ва нафас чиқариш йұлларидан иборатдир. Нафас койтурига спирометр уланған, спирометр нафасга олиниши керак бўлған ҳажмни ва минутлик ўпка вентиляциясини текшириб боришга имкон беради.

Аппарат минимал үртача ўпка босимини, берилған минутлик вентиляцияни автоматик равишда таъминлайди, нафас частотасини минутига 10 дан 30 мартагача бир текис тұғрилаб бориш учун имкон беради, янын физиологик нафас циклини таъминлаб беради. Қасалга

бериладиган аралашма илтилади ва намланади. Аппарат кучланиши 220 в бўлган электр тармогидан ток олиб ишлайди.


«Энгстрем», АНД-2, РО-1, РО-3 тишидаги аппаратлар ҳозир ўпкани узоқ сунъий вентиляция қилиш учун мўлжалланган энг мукаммал аппаратларданadir, чунки уларниң берадиган нафас параметрлари физиологик нафас параметрларига ҳаммадан яқин, бу аппаратлар катта ёшли одамлардағина эмас, балки болаларда ҳам ишлатишга имкон беради ва белгилангани вентиляция режимини донм бир хилда сақлаб туринши таъминлайди.

Бу хилдаги аппаратларниң камчилиги шуки, улар вентиляция режимини касал организмидаги газлар алмашинувининг ўзгаришлари билан ўйғунлаштириб бормайди; бу — узоқ сунъий нафас олдирилганда айниқса муҳим. Шу хилдаги «бошқариладиган» вентиляцияни ватанимизда ишлаб чиқариладиган РОЛ-1 аппарати (53-расм) билан юзага чиқарса бўлади, бу аппарат автоматик приставка — регулятор қўйилган РО-1 аппаратидир. Приставкасида альвеоляр ҳаводаги CO_2 миқдорини ўлчайдиган газоанализатор ва регулятор бор, регулятори альвеоляр ҳаводаги CO_2 миқдорига қараб минутлик вентиляцияни автоматик равишда тўгрилаб боради.

Аппаратларга қараб туринш. Аппаратларни йигинида қисмлардаги мой қопламасини олдин қуруқ, кейин эса эфирга ҳулланган латта билан яхшилаб артиб ташлаш, шланглари, ҳаво ўтказувчи найлари, маскаларидаги талькни кетказиш зарур. Аппаратни тутиш пайтида иш тугаганидан кейин сиқилган газли баллонларни яхшилаб бекитиб қўйиб, шошилини газ бериш кнонкасини босиши нули билан аппарат системасидан қолдиқ газни чиқариб ташлаш керак; бунда кнопка бўлмаса, газни дозиметрлар орқали чиқариб юборинш, шундан кейин дозиметрлар вентиляциини бекитиб қўйинш керак. Аппаратлар абсорберлар билан ишлатилган бўлса, иш тамом бўлганидан кейин абсорберларни олиш, натрон оҳакни кетказиш, яхшилаб артиш керак. Тўлдирилган абсорберларни эртанги кунгача қолдириши ярамайди, чунки бу — деворларининг коррозияга учрашига олиб келади. Клапанлар, хусусан нафас чиқаринш клапанининг қалпоқчалари чиқариб олиниб, клапан камералари тамон, салфетка билан қуритилади, клапанлар

ювилиб, құртилади. Аппарат нам, сұнгра қуруқ латта билан артилади ва чанг тушмаслиги учун бекитіб құйнилади. Аппарағларни әхтнәт қилиб, бирор нарасага уриб олмасдан ташиш керак.

Нафас аппараттарни дезинфекция ва стерилизация қилиш. Аппараттар ишлатилганидан кейин дархол юқумсизлантирилади. Резина шланглар, халтачалар, маскалар, улаш найлари совун екін жүвүчи моддалар («Новость» ва бошқалар) билан



53-расм. Минутлы вентиляцияни автоматик радиша бошқарып борадиган РОА-1 маркалы сұнгый нафас аппарати

исең құндағы сұнда яхшилаб ювилади. Ювиб, чайиб бұлғандай кейин 70° этил спирт билан албатта химиявий дезинфекция қилинади. Улаш найлари ва маскаларни 20—30 минут спиртта солиб қўйиш уларнинг яхшигина юқумсизланишин таъминилаб беради. Спиртта ҳұлланған салфеткалар билан артиш бунчалық кор қымайтын. Резина деталларни левомицетиннинг қайноқ сувдагы 1 : 100 эритмаси билан чайиш ҳам етарлича кор қиласы. Фурацилиннинг 1 : 1 500, дноциддиннинг 1 : 5 000, риванолиннинг 1 : 2 000 инсебатдагы сув эритмасини, 3—5% ли борат кислота, 10% ли формалин, 3—5% ли карбол кислота эритмасини ишлатиш ҳам дуруст натижә беради. Химиявий дезинфекцияни тахминан ҳафтасынга бир марта

килиб турса бұлади; аппараттар инфекцион касалліктер билан оғриган беморларга тутилганидан кейин ҳар сафар уларни дезинфекция қилиб түриш керак. Металл деталлар, намлагич, гройниклар, улаш найчалари, канюлялар, шунингдек ҳаво үтказадиган найлар, резина катетерлер қайнатилади.

Хато ва асорталар. Хатога йўл қўймаслик учун аввало мазкур нафас аппаратини ва уни бошқаришни яхши билиш керак. Инструкцияга мувофиқ аппарат билан олдин танишиб чиқмасдан туриб, у билан ишлашга киришиш ярамайди. Аппаратнинг ишга тайёр турганини: редукторлар манометрларининг кўрсатишларига қараб баллонларда газлар бор-йўқлигини, ҳаво компрессорини 1—2 минут ишлатиб кўриб, унинг дуруст ишлашини, ҳамма қисмларининг зич уланганини, нафас шланглари, дамлари, маскаларининг пухталигини ҳар куни текшириб кўриш лозим. Кислород бериладиган йўлларнинг уланган жойларига мой суриш ярамайди. Бунинг портлаш хавфи бор. Сиқилган газли баллонларнинг тўғри уланишига аҳамият бериш керак (кислород баллонлари ҳамиша кўк рангга бўялган бўлади!), чунки улар нотўғри улаб қўйилса, масалан, кислород баллони ўрнига CO_2 баллони уланса, касалнинг ўлимига сабаб бўлади. Баллонларнинг устига жилд, парда ёпиб қўйиш мутлақо ярамайди. Редукторлар орқали баллонлардан бериладиган газ кўп деганда 5 ат босим остида бўлиши керак, чукни босим бундан кура ортиқроқ бўлса, шланглар ёрилиб кетади. Ярим ёпиқ ва ёпиқ система-лар бўйича абсорберлар билан ишланадиган бўлса, абсорберларни янги натрон оҳак билан тўлдириш, аппарат $2\frac{1}{2}$ —3 соат ишлаганидан кейин уларни алмаштириб түриш керак. Ёмон сифатли натрон оҳак ишлатиладиган бўлса, абсорбер CO_2 ни ютмай қўяди, бу — гиперкапнияга олиб келади. Аппаратни текшириб чиққандан кейин унинг тахт эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун бир неча минут ишлатиб қўйилади ва аппарат комплексида: тил тутгич, оғиз кенгайтиргич, ҳаво үтказадиган найлар, интубацион найлар тайёр тургани текшириб кўрилади.

Беморининг нафас йўлларини суюқлиқ, ёт жисмлардан тозаламасдан, тилнинг тиқилиб қолмаслиги учун тегишлиchorаларни кўрмасдан туриб, унга сунъий нафас олдириладиган бўлса, бу — хато бўлади. Сунъий

нафас олдирилаётгап пайтда маска касалнинг юзига зич тақалиб туришига қараб бориш керак; герметиклик бўлмаса, сунъий нафас олдиришнинг нафи бўлмайди.

«Амбу», РПЛ-1 типидаги дастаки аппаратлар билан ишлаш вақтида ўпка ичидаги босим ортиб кетмаслиги учун нафасга куч билан ҳаво бермаслик керак, куч билан қаттиқ нафас олдириладиган бўлса, хусусан ёши қайтган одамлар ўпкасининг тўқимаси ёрилиб кетади. Ўпка ичидаги босимнинг ортиб кетиши юрак-қон томирлар системасида ҳам асоратлар рўй беришига олиб келади (arterial ва веноз босимнинг камайишига, ўпкада қон айланишининг камайиб қолишига олиб боради, бу — вентиляция узоқ давом этадиган бўлса, ўткир юрак-қон томирлар етишмовчилигига сабаб бўлиши мумкин). Маска орқали сунъий нафас олдириш меъданинг бирдан кенгайиб кетишига олиб бориши мумкин. Меъдага бир оз миқдор газ тушиб колган бўлса, зонд билан қилинчиликсиз чиқариб юборилади. Регургитацияни (меъда суюқлиги оқиб, трахеяга тушиб қолишини), беморининг қайт қилишини ўтказиб юбормаслик учун оғиз бўшлиғини вақт-бавақт кўздан кечириб турилади, шу муносабат билан сўргич ва тегишли катерлар қўл остида албатта тайёр туриши керак.

Юқорида айтиб ўтилган аппаратлар хусусан оғир ҳолларда, клиник ўлим ҳолатларида, интубациядан фойдаланиб туриб ишлатиладиган бўлса, анча яхши натижа беради. Интубацион най трахеяга ларингоскоп ёрдами билан киртилади; манжеткали найлардан фойдаланиш маъқулроқдир, чунки бунда манжетка шиша-диган бўлгани учун най билан трахея девори ўргасида яхши герметиклик ҳосил бўлади. Мана шу тадбир регургитациянинг олдини олишга ҳам яхши имкон беради.

БОШҚА ПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРДА КҮРИЛДИГАН РЕАНИМАЦИОН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Терминал ҳолатдаги касалларда юрак-қон томирлар системаси ва нафас функциясини тиклаш ҳаммадан катта аҳамиятга эгадир. Кейинчалик, организмнинг ҳаёти учун муҳим функцияларининг бузилишига олиб келган сабабларни бартараф этиш учун дифференциал тарзда ҳаракат қилиш керак бўлади.

Сув-туз мувозанати бузилганида даво чора-тадбирлари йўқотилган суюқлиқ, электролитлар ўрнини тўлдиришга қаратилган бўлиши керак (69-бетга қарадасин). Буйрак етишмовчилигини бартараф этиш учун буйрак функциясини қувватлаш ва қон айланинин яхшилаш чоралари курилади.

Диурезни күшайтириш учун венага манитолнинг 10—20% ли эритмасидан 250—300 мл юборилади. Оғир ҳолларда гемодиализ қилишга тўғри келади.

Одам турли моддалардан заҳарланганида, заҳарловчи модданинг хилига қараб, заҳарни чиқариб ташлаш, пейтраллаш, интоксикацияни камайтириш ва қон айланинига, нафасга, марказий нерв системаси ҳамда меъда-ичак йўлига заҳарнинг курсатадиган таъсирини бартараф этиш чоралари курилади. Коматоз ҳолатларда, уларниң қандай сабабдан келиб чиққанлигига қараб, дифференциал тарзда чора кўрилади.

Қўнчилик ҳолларда асосий даво чора-тадбирлари кислородга ёлчимаслик ва мия шишувини бартараф этишга қаратилган бўлади. Чунончи, бош мия шикастланганида, қон қўйилганида, мия томирлари тиқилиб қолганида (тромбоз) нафас етишмовчилигини бартараф қилиб, дегидратацион терапияни, стеронд гормоилар, сийдик ҳайдайдиган моддалар (гилотиазид, новурит)ни концентрланган плазмани имкони борича тезроқ бера бошлаш зарур.

Ўпка шишувига қарши курашиш учун шошилинч реанимация чора-тадбирларини кўриб бўлгандан кейин, юрак фаолиятини қувватлаб туришга (строфантин, коргликон, диагоксин), кичик қон айланиш доирасида гемодинамикани яхшилашга (сийдик ҳайдайдиган моддалар, антигистамин ва ганглиоблоклайдиган препаратлар), ўнкада газ алмашиниши учун нормал шаронтлар яратишга, жумладан этил спирт ёки силикон кўпик ўчиргичлар (антифомисиланнинг спиртдаги 10% ли эритмаси) аэрозолларини ингаляция қилишга, узоқ сунъий вентиляция қилишга қаратилган кенг даво тадбирлари комплекси қўлланилади.

Терминал ҳолатларга олиб келадиган бир қанча оғир ҳолларда турли патологик агентларнинг ёмон таъсирига жавобан нерв системасида юзага келадиган реакцияни камайтириш кўпинча давонинг асосий вазифаси булиб қолади. Масалан, травматик шокда ҳаёт

учун муҳим функцияларнинг сусайиши ва бунинг қон айланиши, нафас ва моддалар алмашинувининг бузилиши билан намоён бўлиши нерв системасининг оғриқ таъсиротига жавобан юзага келадиган реакциясига боғлиқдир. Беморни тиич қўйиш ва иммобилизациялаш учун боғлаш йўлни билан марказий нерв системасининг такрор таъсирланishiга йўл қўймасликка ҳаракат қилинади.

Оғриқсизлантирувчи (аналъетик) юзаки наркоз қўлланиладиган бўлса, шокка қарши кўриладиган ҳамма чора-тадбирлар анча яхши наф беради, бундай наркоз нафас ва қон айланишини идора этиб турадиган иўст-лоқ ости марказларишиниг фаолиятини нормаллаштиришни таъминлайди. Шокка қарши маҳсус бригадаларнинг воқеа рўй берган жойнинг ўзида ва касални олиб кетаётган пайтда азот (I)-оксид билан наркоз беринини шу қадар кўп расм қилиб олганига сабаб ҳам шу. Кўкрак қафаси органлари жароҳатланганида, травматик шокда оғриқ таъсиротларини ўйқ қилиш учун, унинг олдини олиш учун А. В. Вишневский таклиф этган новокаин эритмаларини юбориш патогенетик терапия методи сифатида кеиг қўллапилади. Бу тадбир периферик нерв системасида ўтказувчаликини вақтинча узиб қўяди. Баданинг қайси жойига шикаст етганлигига ва касалликнинг хилига қараб новокаин блокадасининг ҳар хил турлари қўлланилади. Бундай блокадалар уларнинг техникасини биладиган ходимлар томонидан асептика қоидаларига қаттиқ риоя этилган ҳолда қилинади.

Бўйин ваго-симпатик блокадаси. Касални столга ётқизиб, бошини блокада қилинадиган томоннинг қаршиисига имкони борича кўпроқ буриб қўйиш керак. Кўкраклари тагига кичикроқ ёстиқ қўйилади. Беморнинг блокада қилинадиган томондаги қўли елка бўгими наст турадиган қилиб, бир оз настга тортилади. Тўш-ўмров-сўргичсиз мускулнинг ташки чеккаси бўйлаб, унинг ташки бўйинтуруқ венаси билан кесишадиган жойига ингичка игна билан 0,25% ли новокаин эритмаси юбо:рилиб, терида кичкина дўмбоқча хосил қилинади. Сунгра, томирлар тутами кўрсаткич бармоқ билан четга сурилади, умуртқа погонасининг олдинги-ён юзасини мўлжаллаб, бир оз юқори ва ичкари томонга узун игна сашчилади ва уни умуртқа олди фасциясигача етказилиади (54-расм).

Эритмани кам-камдан юбориш тавсия қилинади. Инъекциядан олдин қон чиқаётган-чиқмаётганлигини текшириш учун шприции игнадан чиқариб олиш ёки бир неча сўриш ҳаракатларини қилиб кўриш керак. Ҳар қайси томонга 30 мл дан 50 мл гача 0,25% ли новокаин эритмаси юбориш керак.

Қовурғалараро блокада. Қовурғалар синганида, шунингдек шокка қарши курашиб учун, хусусан бир талай суюклар синганида оғриқни қолдириш, кўкрак қафасининг экспурсиясини яхшилаш мақсадида қовурғалараро блокада қилинади. Беморни ўтқазиб ёки ётқизиб қўйиб, қовурға синган жойга 0,5—1% ли новокаин эритмаси-




54-расм. Ваго-симпатик блокада.

дан 10—15 мл юборилади. Бир талай қовурғалар синган бўлса, ҳар бир қовурға алоҳида блокада қилинади. Эритма игна гематомага тушганидан кейин ёки томирлар шикастланишининг олдини олиш учун қовурғанинг устки четидан юборилади. Бир неча кундан кейин блокада тақрорланиши мумкин. Қовурғалараро блокадада қовурғанинг пастки четидан ўтадиган қовурғалараро томирларга шикаст етиб, кейин қон кетиши, эритма ҳаддан ташқари ичкарига юбориладиган бўлса, плеврага тушиб қолиши хавфи бор.

Паранефрал блокада. Паранефрал новокаин блокадасини бир томонлама ва икки томонлама қилиш мумкин. Бир томонлама блокада қилиш учун bemor нариғи ёнбошига ёстиқча қўйиб ётқизилади ва оёқлари сал букилиб, қорнига тақаброқ қўйилади. XII қовурғанинг пастки чеккаси билан орқа узун мускулининг ташқи чеккаси ўртасидаги бурчакка ингичка игна билан 0,25% ли новокаин эритмасидан тери ости инъекцияси қилина-

ди. Сүнгра, ҳозир айтилган жойга боягидек новокайн эритмаси тұлдирілған шприцга ұрнатылған узун (15—20 см ли) игна санчилади. Игнани юргизиб туриш билан бир вақтда новокайн юбориб борилади, шунинг учун ҳам игнани кераклы чуқурликка киритиб бориш оғриққа сабаб бұлмаслиги керак. Игна тери юзасига тик қилиб, орқадан олдинга қараб йұналтирилади. Ү мускуллар қавати ва бүйрак фасциясینинг орқа варағидан бир оз қаршилик билан үтади, кейин эса бүйрак олди юмшоқ клетчатка қаватига осонлик билан тушади. Томирлар йүлиға новокайн тушиб қолмаслиги учун игна санчилганды шприции дам-бадам игнадан олиб күриш ёки шприц поршенини тортиб күриш ва игнадан қон келаётган-келмаётганини текшириш лозим.

Чуқур нафас олинганды игнанинг маятниксимон ли-киллаб туриши унинг бүйрак олди клетчаткасида турғанлигидан дарап беради. Новокайн бүйрак олди клет-




55-расм. Белдан новокайн блокадаси қилинганды бүйрак фасциалари варақлары орасида новокайн эритмаси ана шундай тарқалади.

чаткасига кичик босим остида тушиб боради (55-расм). Игнадан қон келабошласа, уни бир оз тортилади; бир-мунча вақт кутгандан кейингина игнага бошқа йұналиш берилади ва игнада қон йүқлигини текшириб күргандан кейин новокайн эритмаси юборилади. Бир томонлама паранефрал блокадада 0,25% ли новокайн эритмасидан

60—100 мл юборса бўлади, икки томонлама блокадада худди шу эритмадан ҳар бир томонга 60 мл дан юборилади. Паранефрал блокадада игнанинг буйракка ва йирик томирларга тушиб қолиш хавфи бор. Игнада қон пайдо бўлганида, айниқса пульсация қилиб турадиган оқим пайдо бўлганида (игна аортага тушиб қолган бўлади), блокада тўхтатилади ва ичдан қон кетишини тўхтатиш чоралари кўрилади (совуқ нарса босиш, касални тинч қўйиш, викасол бериш ва ҳоказо).

Оёқ-қулларни циркуляр (филофсимон) блокада қилиш. Оёқ-қўл жароҳатланганида ҳамма тўқималарига 0,25% ли новокаин эритмасидан циркуляр укол қилиб чиқилади. Аввал бир неча дўмбоқча ҳосил қилиш учун ингичка игна билан тери орасига бир оз миқдор новокаин юборилади,



56-расм. Оёқ ёки қўлни новокаин эритмаси билан кўндалангига блокада қилиш.

Блокададан кейин касал ўринда ётиши керак.

Маҳаллий (қисқа) блокада. Шоқда оғриқ таъсиrottарини ўқотиши ва шокнинг олдини олиш учун жароҳатни дастлабки марта обработка қилиш вақтида жароҳат деворлари ва унинг остидаги тўқимани новокаин билан маҳаллий равиша инфильтрацион анестезия қилиш ҳам аҳамиятга эгадир. Жароҳат ёнидаги анестезия қилинган соғлом тери орқали жароҳатнинг деворларига

сўнгра 10—20 граммли шприцга ўрнатилган узун игна санчилади ва томирларни шикастламасдан, мускулларга ҳамда мускулларро камгакка то сукка қадар новокаин юборилади (56-расм). Неча жойга игна санчиш оёқ-қўл мазкур қисмининг анатомик тузилишига (бирриклирувчи тўқима филофларининг сонига) боғлиқ. Сонда блокада қилиш учун новокаиннинг 0,25% ли эритмасидан 120—200 мл, болдир ва елкада блокада қилиш учун 150 мл керак бўлади. Укол қилинган жойларга асептик боғлам қўйилади. Блокададан кейин касал ўринда ётиши керак.

Маҳаллий (қисқа) блокада. Шоқда оғриқ таъсиrottарини ўқотиши ва шокнинг олдини олиш учун жароҳатни дастлабки марта обработка қилиш вақтида жароҳат деворлари ва унинг остидаги тўқимани новокаин билан маҳаллий равиша инфильтрацион анестезия қилиш ҳам аҳамиятга эгадир. Жароҳат ёнидаги анестезия қилинган соғлом тери орқали жароҳатнинг деворларига

ва тубидаги юмшоқ түқималарнинг бағрига 0,25% ли новокайн эритмаси юборилади.

Новокайн юбориш учун 10—20 граммли шприцга ўрнатилган узун (10—15 см) игнадан фойдаланилади. Новокайн эритмаси игнани суриб туриб, тұхтосыз рацишда юборилади. Юбориладиган эритма миқдори жароқатнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Касал организм овқатланишни түгри йүлга қўйишига айниқса муҳтож бўлади. Одам тинч ётганида 1 кг оғирлигига ўрта ҳисобда 20—30 калория киримини таъминлаб берадиган овқат зарур бўлади, яъни оғирлиги 70 кг келадиган ўрта яшар эркак киши учун кунига 1500—2000 калория зарур бўлади. Ёшроқ одамлар ва аёлларда, шунингдек касалларда ҳам овқатга эҳтиёж бир қадар кўпроқ бўлади, улар 1 кг оғирлигига 50—60 калория олиб туришлари керак. Овқат рациони 20—40% оқсиллар, 10—20% ёғлар ва 50—70% углеводлардан ташкил топадиган бўлиши, яъни организм 1 г/кг оқсиллар, 4—7 г/кг углеводлар ва 1—2 г/кг ёғлар олиб туриши керак.

Овқат масаллиқларидан фойдаланишда 1 та тухумда 6,5 г оқсиллар, 6 г ёғлар ва 10 г углеводлар, 100 мл сутда—3,4 г оқсиллар, 3,7 г ёғлар ва 53 г углеводлар, 100 г қуруқ сутда—25 г оқсиллар, 28 г ёглар ва 37 г углеводлар, 100 г гўштда—18 г оқсиллар ва 10 г ёғлар бўлади, деган ҳисобга асосланиш керак. Масаллиқлардаги углеводлар миқдори: қандда—100%, нон ва ун маҳсулотларида—60%, картошкада—20%. Ёғлар миқдори: сариёғда—84%, сирда—27—30%.

Одам оғзи, меъдаси ва ичак йўли орқали табиий равишда овқатлана олмай қолган пайтларда, шунингдек уша йўл билан кирадиган озиқ моддаларни организм узлаштира олмай қолгаи пайтларда сунъий йўл билан овқатлантиришга түгри келади. Озиқ моддалари ё түгридан-түгри меъда ёки ичакка киритилади, ё бўлмаса, уларни четлаб, яъни парентерал йўл билан юборилади. Сунъий йўл билан овқатлантириш овқатланиш-

нинг бирдан-бир усули бўлиши ҳам, одатдаги овқатланиш етишмай қолганида уни тўлдирадиган усул бўлиши ҳам мумкин.

Зондлар ёрдамида овқатлантириш. Озиқ моддалари оғиз ёки бурун бўшлиғи орқали киритилган зондлар ёрдамида меъдага, ўп икки бармоқ ичакка (дуоденал овқатланиш) ва ичакка (еюнал овқатланиш) юборилиши мумкин. Масалан, одам жағ-юзи жароҳатланиб, юта олмайдиган бўлиб қолганида, ҳалқум ва қизилўнгач касалланиб ёки шикастланиб, ютиш қийин бўлиб қолганида ё бўлмаса шу органлардаги операциядан кейин шундай йўл билан овқатлантиришга тўғри келади. Қасал беҳуш бўлиб ётганида, тамомила иштаҳасини йўқотиб қўйганида, руҳий bemорлар овқатдан бош тортганида ёки одам ғарақ-ғарақ қусаверганида ҳам зонд орқали овқатлантирилади.

Ингичка меъда зонди ёки дуоденал зонд ишлатилади. Зонд бурун бўшлиғи орқали киритиладиган бўлса, шиллиқ пардани 2—3 томчи 2% ли дикаин эритмаси билан анестезия қилинганидан кейин ёки анестезиясиз чап ёки ўнг томондаги пастки бурун йўлидан юборилади (57-расм). Зонднинг учи қизилўнгачга тушганидан кейин учидан 40 см нарига қўйилган ва зонднинг меъдага етиб борганини кўрсатадиган белгисига қадар суриб борилади. Зондни узоқ муддатга қолдирса ҳам бўладио, лекин бу — касални жуда толиқтириб қўяди, шунинг учун зондни ҳар сафар овқатлантиришда қайта солиб турган маъқул. Зондни бурун бўшлиғи орқали киритишнинг иложи бўлмаган тақдирдагина оғиздан солинади.

Зондни, айниқса беҳуш бўлиб ётган касалда, меъдага юбориш ўрнига нафас йўлларига юбориб қўйиш хотидир. Зонднинг нафас йўлларига тушмай, меъдага тушганлигини кўрсатадиган белги нафас чиқарилганида



57-расм. Беморни овқатлантириш учун бурун бўшлиғи орқали катетер юбориши.

зонд орқали ҳаво чиқмай туриши, шунингдек овознинг сақланиб қолишидир. Такрор овқат юбориш учун зонд қолдириладиган бўлса, ташқи учи лунж терисига ёки қулоқ супрасига ёпишқоқ пластирь билан ёпишириб қўйилади.

Зонд орқали фақат суюқ моддалар ёки майдалангандан қаттиқ озиқ моддалар эмульсияси (сут, қаймоқ, хом тухум, бульон, эритилган сариёф, мева сувлари, суюқ киселлар, чой, кофе, какао, ёрмалардан тайёрланган суюқ пюре) юборилади. 2000—2500 мл сув, 250 г қуруқ сут, 200 г қанд, 4—6 г туздан иборат суюқ озиқ аралашмаси зонд орқали юбориш учун қулайдир. Аралашмани юборишидан олдин бир жинсли бўлгунча чайқатиш керак. Озиқ зонднинг учига кийгазилган воронка орқали ёки Жане шприци билан берилади (58-расм). Қасални овқатлантиришдан олдин ва овқатлантириб бўлгандан кейин най сув ёки чой билан ювилади. Овқатни юбориб бўлгандан кейин зонд чиқариб олиниади ва яна ишлатишдан олдин қайнатиш йўли билан стерилланади.



58-расм. Бурун бўшлигидан киритилган зонд ёрдамида Жане шприци билан овқат юбориш.

Фистула орқали овқатлантириш. Қасалларни вақтинча (қизилўнгацда қилинадиган операцияларда) ёки доимий суратда (операция қилиб бўлмайдиган қизилўнгац ўсмалари) овқатлантириш учун овқатни меъда фистуласи орқали юбориш усулидан фойдаланилади (гастростомия). Меъданинг чиқиши бўлими битиб қолган бўлса, ичак фистуласи (еюностомия) қулланилади. Фистулага унда доим турадиган ёки олиб қўйиладиган ва ҳар сафар овқатлантириш олдидан киритиладиган дренаж найча қўйилади. Овқат дренаж найчанинг ташқи учига кийгазиб қўйиладиган воронка орқали юборилади. Фистула орқали овқатлантириш учун ҳам зонд орқали бе-

риладиган озиқ моддаларининг ўзи ишлатилади. Овқат илитилган ҳолда юборилади. Ҳар сафар овқатлантиришда юбориладиган овқат миқдори катта аҳамиятга эга. Тахминий схема: фистула орқали биринчи марта овқат операциядан 5—6 соат кейин берилади, биринчи ҳафта давомида 2 соат оралатиб, 50—100 мл дан бериб борилади, 8-кундан бошлаб 150—200 мл дан кунига 5—6 маҳал суюқ овқат берилади, 3-ҳафтага келиб бир сафар бериладиган овқат 250—500 мл га етказилади ва овқатлантириш сони бир кеча-кундузда 3—4 маҳалгача камайтирилади.

Най етарлича йўғон, тешикдан овқат оқиб чиқмайдиган ва тешик атрофидаги тери таъсирланмайдиган бўлса, касални оғизда чайналган овқат билан овқатланишга ўргатиш зарур. Қасал суюқ овқатни яхшилаб чайнаб бўлганидан кейин фистулага киритиб қўйилган найга уланган воронкага туплаб ташлайди. Найни сиқишиш ва суюқлик (чой, бульон) қушиш йўли билан касалнинг ўзи овқатни меъдага туширади. Айни бақтда касални умумий столга (№ 15) ўтказиш мумкин. Шу тариқа овқатланиш рефлектор йўл билан ажralадиган меъда ширасидан фойдаланишга имкон беради ва бундан ташқари овқатга касал уни чайнаган пайтида ажратиладиган ферментлар таъсир қилади. Қасал шу тариқа овқатланганида оғирлиги яхши ортиб боради.

Еюностомияда бир кеча-кундузда 5—6 маҳал, кўп билан 100—150 мл миқдорида фақат суюқ овқат юборилади.

Қасалларни овқатлантириш учун ишлатиладиган кўпдан-кўп аралашмалар орасидан С. И. Спасокукоцкий томонидан таклиф этилган суюқлик ишлатилади: 400 мл илиқ сут, иккита хом тухум, 50 г қанд, 40 мл спирт, бир оз туз. Бошқа озиқ аралашмалари: 1) 5% ли глюкоза эритмаси билан 1% ли натрий хлорид; 2) ёғисизлантирилган 100 г қуруқ сут, 75 г қанд, битта тухум, 700 мл сув; 3) 350 г манная ёрмаси, 100 г қуруқ пиво ачитқиси, 100 г ўсимлик мойи, 200 г мясорубкадан ўтказилган янги жигар, 100 г қанд, 1750 мл гўшт шўрваси (ҳаммаси 3550 калория).

Озиқ клизмалари. Сунъий йўл билан овқатлантиришнинг турларидан бири озиқ клизмалариdir. Бундай клизмалар жуда кам қўлланилади, чунки йўғон ичакнинг клизма ёрдами билан суюқлиқ киритиладиган

пастки қисмида фақат сув, ош тузининг гипотоник эритмалари, 4,5—5% ли глюкоза эритмаси, 3—4% ли спирт эритмаси сўрилади. Ош тузи ва меъда шираси қўшилганида пептонлар ва аминокислоталар (аминокровин) қисман сўрилади. Озиқ клизмалари суюқлиқни оғиз ва меъда-ичак йўли орқали юбориш мумкин бўлмай қолган ҳолларда қўлланилади. Озиқ клизмалари озиқ моддалари юборишнинг қўшимча методи бўлиши мумкин, холос.

Озиқ клизмасидан бир соат аввал ични тозалайдиган клизма қилиш зарур. Клизма яхшироқ ушланиб туриши учун 37—38° гача илитилади ва 200—300 мл эритмага 5—10 томчи опий настойкаси қўшилади. Бир кечакундузда 2—3 марта клизма қилинади. Йўғон ичак касалликлари ва такрор-такрор клизма қилиш натижасида унинг таъсирланиши озиқ клизмалари қилиш учун монелик тугдиради, шунинг учун бундай клизмаларни ҳадеб қилавериш тавсия этилмайди. Суюқлиқларни юбориш учун резина баллонлар ишлатилади; бир сафар юбориладиган порция — 50 мл. Эритмаларни ичакка томчи усулида юборса ҳам бўлади (76-бетга қаралсин). Клизма вақтида ва ундан кейин касал ўрнида тинч ётиши зарур.

Парентерал йўл билан овқатлантириш. Сунъий йўл билан овқатлантиришнинг бу тури меъда-ичак йўли касалликлари туфайли шу йўл орқали овқатлантиришнинг иложи бўлмай қолганда, одам ҳадеб қусаверганида, қизилўнгач, меъда ва ичакдаги операциядан кейин, перистальтика йўқолиб қолганда, операциядан кейинги даврда қўлланилади. Парентерал йўл билан овқатлантириш озиқ моддаларни юборишнинг бирдан-бир манбаи бўлса, у миқдор жиҳатидан етарли ва тўла қимматли бўлиши, яъни сув, тузлар, оқсиллар (алиштириб бўлмайдиган ҳамма аминокислоталар), углеводлар, ёғлар ва витаминларни тутадиган бўлиши керак. Беморнинг аҳволи ва касалига қараб парентерал йўл билан овқатлантиришнинг бирор тури қўлланилиши мумкин.

Озиқ моддалари тери остига, мускуллар орасига, суяқ ичига юборилиши мумкин-у, лекин уларни венага юбориш йули кўпроқ қўлланилади. Сув, тузлар (70-бетга қаралсин), углеводлар (глюкоза) ва аминокислоталар (гидролизин) тери остига юборилиши мумкин. Тери ости клетчаткасига фақат изотоник эритмаларни юбо-

риш мүмкін бұлғанлиги учун озиқ мәддаларни етарлы миқдорда бериш мақсадида бир талай суюқлиқни киришиша тұғри келади.

Изотоник әритмалар, шуннингдек плазма ва қон аминокислоталари әритмаларини мускуллар орасига юбориши усули асосан болаларда құлланилади. Әритмалар ва қонни сүякнинг ғовак мөддасини пүнкция қишиш йүли билан сүяк ичига юбориши усули болаларга, венага юбориб бұлмайдыган ҳолларда эса, катта ёшли одамларга ҳам тұғри келади (87-бетта қаралсın). Суюқлиқтарни томчи усулида венага юбориши анча қулай, бунда гипертоник әритмаларни аста-секин юборса бұлади, яъни суюқлиқ миқдори ҳаммадан кам бұлған ҳолда миқдор жиҳатидан етарли озиқ бериши ҳамда тұла қимматли оқсиллардан фойдаланиш (плазма ва қон қүйиш) мүмкін бұлади. Изотоник әритмаларни суткасига 1500—2000 мл дан күра күпроқ миқдорда ва соатига 300—500 мл дан ортиқроқ тезликда юбориши тавсия этилмайды.

Бир кече-кундузда 2—10 г натрий, калий, фосфор, сульфат ва бошқа тузлар (65-бетта қаралсın), 5—10—20—30—40% ли әритма ҳолида 100—200 г глюкоза ва 50—70 г оқсил юборилиши керак. Глюкоза концентрацияси касалға зарур бұлған калориялар ва суюқлиқ миқдорига қараб танланади ва 1 г глюкоза 4,1 калория беради деб ҳисобланади. Флеботромбоз бұлмаслиги учун йирік веналарга катетер қўйиш йўли билангина концентранганса глюкоза әритмаларини юбориши мүмкін. Бундан ташқари, бир йұла инсулин қўшиб ишлатылғанда ҳам (3—4 г глюкозага 1 бирлик) 150 г дан ортиқ миқдордаги глюкоза организмга сингмай қолади ва сийдик билан бирга чиқарып ташланади, шу муносабат билан зарур миқдордаги калориялар парентерал йўл билан овқатлантиришда углеводлар күринишидаги на эмас, балки оқсиллар ва оқсил гидролизатлари күришида ҳам берилиши керак.

Етарли миқдордаги оқсилларни касал организми қон ва таркибий қисмларини, жумладан плазмани қўйиш йўли билан ёки оқсил гидролизатлари, гетероген зардоб, аминокислоталар (аминолизин) ва синтетик аминокислоталар аралашмаси күринишида олдиндан тайёрланған оқсилларни юбориши йўли билан олиши мүмкін. Суюқ плазмани күпі билан уч күн сақлаш мүмкін бўл-

тәнлиги учун музлатылған ҳолатда вакуум остида құришиш йўли билан тайёрланған қуруқ плазмадан фойдаланилади. Қуруқ плазма оғзи герметик қилиб бекитилған флаконларда чиқарылади, қуруқ, қоронғи жойда узоқ муддат (5 йилгача) сақланиши мүмкін.

Плазмани дистилланған сувда эритиб, қүйишга тайёрланади. Сув ё дастлабки плазма миқдорига (флакон этикеткасыда күрсатыб қўйилған бўлади) баравар қилиб, ёки 2—4 ҳисса кам миқдорда олинади (концентранланған эритмалар). Концентранмаган плазмада 6—7% оқсил ва 5% глюкоза бўлади. Плазмани томчи усулида венага бир йўла 2 л гача юбориш мүмкін. Утири тромбофлебитларда ва касал аллергик реакцияларга мойил бўлганида (бронхиал астма, дори моддаларни кутара олмаслик ва бошқаларда) плазмани юбориб бўлмайди. Учраши мүмкін бўлган асоратлар — температура реакцияси (купинча плазма узоқ сақланған ҳолларда қўрилади) ва аллергик реакция (эшакем тошиши, бадан қишишиши) дир.

Плазма қўйиш ўрнига плазмадан олинадиган препаратларни: альбумин (50—100—250 мл ли флаконлардаги 5—10—20% ли эритма) ва протеинни (альбумин, альфа-ва бета-глобулинлар бўладиган 5% ли эритмани) юборса бўлади. Бу препаратлар жигар ва буйрак касалликларида айниқса тўғри келади. Уларни 20° дан ортиқ бўлмаган температурада узоқ сақласа бўлади.

Қўйилған плазма ва қон оқсили реципиент организмида аминокислоталарга парчаланади ва қўйилганидан 6—10 кун кейингина касал организми оқсилларнинг синтезланишига сабаб бўлади. Шу муносабат билан қон зардобини такрор-такрор ҳамда глюкоза эритмалари билан бирга қўйиш керак бўлади.

Нуқул парентерал йўл билан овқатлантиришда биркеча-кундузда 60 г оқсил юбориш учун 1000 мл қон ёки тегишли миқдордаги плазмани қўйиш зарур. Касал оғзи билан овқатланадиган ва қўшимча равишда парентерал йўл билан овқатлантириладиган бўлса, 500 мл гача қон қўйилади, бу бир кеча-кундузда 30 г оқсил олишни таъминлаб беради. Қўп миқдор қон ёки плазма юборилганида қоннинг ҳамма оқсили аминокислоталарга парчаланмайди ва реципиент оқсилларининг ҳосил бўлишига сарфланмай қолади, шу муносабат билан қўшимча аминокислоталар ва гидролизатларни юбориш катта

аҳамиятга эга. Фақат оқсил гидролизатларини юбориш йўли билан оқсил мувозанатини бир неча кун мобайнида сақлаб турса бўлади. 8 та зарур аминокислотанинг ҳаммаси муайян дозаларда бериладиган бўлсагина аминокислоталар юбориш азот мувозанатини сақлаб туриш учун кифоя қиласи Гидролизатлар ёки аминокислоталарнинг эритмалари 37° гача илитилган ҳолда томчи усулида оҳиста юборилади. Минутига 20 томчидан юбориладиган тезликда (1 мл га яқин) 1 соат мобайнида 60 мл киритилган бўлади. Реакция бўлмаса, суюқлиқ тезроқ юборилади (минутига 40—60 томчи), бунда 1 соатда 120—180 мл гидролизат юборилган бўлади. Оқсил гидролизати, АК (аминокровин) ва гидролизин Л-103 ҳаммадан кўп ишлатилади.

Аминокровин қон, яъни плазма ва эритроцитлардаги ҳамма оқсилларнинг чала гидролизатидир. У резина тиқинли флаконларда 250 ва 500 мл дан қилиб чиқарилади. Қуруқ ҳолда тайёрлангани дистилланган сувда эритилади. Аминокровин — заҳарли ва антиген хоссалари бўлмайдиган тўқ жигар ранг тусли тиник суюқлиқдир. Уни қон группасидан қатъи назар бир марта ва орадан ҳар қандай вақт оралатиб такрор-такрор юборилади. Тана температурасигача илитилган ҳолда 1—2 л миқдорида юборилади. Аминокровинни венага, мускуллар орасига ва тери остига юбориш мумкин, бунда минутига 20 томчидан юборишга бошлаб, кейин томчилар сони минутига 40—60 гача кўпайтирилади. Бундан кўра тезроқ юбориш кўнгил айнишига сабаб бўлиши мумкин. Аминокровинни 1 : 1 дан 1 : 3 гача бўлган нисбатларда физиологик эритма ва 5% ли глюкоза эритмаси билан бирга ишлатса бўлади. Уни $+4^{\circ}$ дан $+6^{\circ}$ гача бўлган температурада 1 йилгача сақлаш мумкин. Чайқатилганида йўқолиб кетадиган чўкма пайдо бўлиши яроқсиз деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

Гидролизин Л-103 — тўқ жигар ранг тусли тиник суюқлиқдир; қорамол қон оқсилларининг чала гидролизатидир; таркибида 4,4—5,6% оқсил ва алмаштириб бўлмайдиган барча аминокислоталар бор, антиген хоссалари йўқ. Худди аминокровин сингари юборилади. 250, 300 ва 500 мл дан ампулалар ва флаконларда ёки қуруқ ҳолда чиқарилади (дистилланган сувда эритилади). $+2^{\circ}$ дан $+20^{\circ}$ гача бўлган температурада сақланади. Сақлаш муддати 5 йил.

Синтезланган аминокислоталардан аминозоль, мироамин ишлатилади. Гидролизатлар ва аминокислоталарни ишлатиш, хусусан улар етарлича секин юборилмайдиган бўлса, баъзи касалларда иситма чиқиши, терининг қизариши ва орқа соҳасида оғриқ туриши кўринишидаги реакцияни келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда эритма юбориш вақтинча тўхтатиб қўйилади. Юқори калорияли ёғ эмульсиялари (интравипид, липофундин) ҳам венага юборилади. Бемор глюкоза, қон, плазмаси, оқсил гидролизатлари ва аминокислоталарни қўйиш ҳисобигагина етарли миқдордаги калорияларни олиши мумкин.

Парентерал йўл билан овқатлантириш одатдагича овқатланиш ўрнини тўла-тўқис босолмайди ва касал ичаги орқали овқатланмайдиган бўлса, фақат муайян муддатгача (10—20 кунгача) етарли бўлиши мумкин.

VII б о б

СТЕРИЛИЗАЦИЯ ВА ОПЕРАЦИЯ ХОНАСИДАГИ АППАРАТЛАР

Замонавий операция хонасида бир талай хилма-хил мураккаб аппаратлар ишлатилади. Одатда аппаратларга инструкциялар қўшиб бериладиган бўлса-да, лекин аппарат билан бевосита танишмасдан туриб, уларни билиб олиш қийин. Аппаратлардан фойдаланиш эса, операция хонасида ишлайдиган ходимдан алоҳида малакаларни талаб қиласди. Мазкур бобда стерилизация ва операция хонасидаги асосий аппаратлар баён қилинади, холос.

АСБОБЛАРНИ СТЕРИЛЛАШ

Ҳамма асбоблар ва касалларга тутиладиган кўпгина буюмларни ишлатишдан олдин стериллаш керак бўлади. Стериллашнинг физик методлари ҳаммадан ишончлидир. Замонавий йирик касалхоналарда иш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини марказий стерилизация бўлимидан олиш маъқул деб ҳисобланади, бу бўлим иссиққа чидамли шприцлар, асбоблар, катерлар, оқ сурп ва боғлов материалларини стериллаб, пакетларда ёки барабанларда касалхона бўлимига етказиб беради.

Асбобларнинг кўпчилиги 2% ли карбонат сода (*Nat-gium carbonicum*) эритмасида қайнатилади, бу метални оксидланишдан сақлайди ва қайнатиш таъсирини зўрайтиради. Скальпеллар ва ампутация пичоқлари тифи пахтага ўралган ҳолда ёки тифи юқорига қилиб, алоҳида тагликларга қўйилган ҳолда қайнатилади.

Шприцларни стериллаш ҳақида 51-бетга қаралсин.

Қайнатиш ҳамиша ҳам стерилликни таъминлаб беравермаслигини назарда тутиш зарур. Шу муносабат билан шприцларга қандай қараб туриладиган булса, асбобларга ҳам шундай қараб туриш зарур бўлади (52-бетга қаралсин).

Хирургия асбобларини ювадиган НИИЭХАИ аппарати. Бунда диафрагманинг вибрацияси натижасида юувучи эритманинг тебранишидан фойдаланилади. Аппарат кўринишдан кир машинасига ухшаш бўлиб, ром, кожух, вибрацион прибор, асбоблар қўйиладиган тўрли бак ва камайтирадиган трансформатордан ташкил топгандир. Аппаратга 30—35° гача илитилган 10 л сув ва 100 мл 10% ли аммиак эритмаси қўйилади. Тўрига 70—80 тагача майда асбоб терилиб, қопқоғи бекитиб қўйилади. Аппаратни электр тармогига (кучланиши 127 в) улаб, кожух деворидаги тумблер ёрдами билан вибрацион прибор ишга туширилади. Асбоблар 10 минут давомида ювилади. Аппаратда боғлов материалы (салъфетка, бинтлар)ни ҳам, уларни олдин 2 соат давомида илиқ сувга бўктириб қўйгандан кейин ювиш мумкин. Материаллар 10% ли совунли сувда аммиак эритмаси (100—150 мл) ва 50 мл 3% ли водород пероксид билан ювилади.

У М-2—2 маркали ультратовуш ваннаси асбобларни ювиш учун мўлжалланган. У асбобларни ҳаммадан яхши тозалайди. Юувучи суюқликда кучли ультратовуш майдони вужудга келиб ифлосларни, жумладан қонни асбоблардан кетказишга имкон беради. Асбоблар 60 донагача металл осмага қўйилиб, 2—5 минут ваннага туширилади. Ванна содали эритма билан тўлдирилади ва ўзидағи маҳсус қиздиргичлар билан 45° гача иситиласи. Аппарат 220—380 в кучланишли тармоқдан ток олиб ишлади.

Стерилизатор қопқоқли яшик ва унга қўйиладиган панжара лотокдан иборат. Газ горелкаси алангисида ёки кучланиши 127 ва 220 в бўлган тармоққа мўлжалланган электр асбобда қиздирилади. Водопровод тармогига улаб қўйиладиган ва буғ ёки электр билан қиздириладиган штативли асбоблар стерилизаторлари янада қулайроқdir. 1,5 атм босим, 125° температурали буғ билан стериллайдиган стерилизаторлар, стерилланган буюмларни қуритиб олишга имкон берадиган вакуум-насосли стерилизаторлар бор. Ана шундай стерили-

затордан автоклав үрнида фойдаланиш ва озроқ микдордаги боғлов ҳамда оқ сурп материалларни унда стериллаш мумкин.

Стерилизаторлар лотоги илмоқчалар билан чиқариб олинганидан кейин содали эритмага тұлдирилади, эритма қайнагунча қыздырилади ва шундан кейингина асбоблар билан тұлдирилган лотоги илмоқчалар билан ушланиб, қайнаб турған эритмага туширилади ва қопқоғи ёпиб қўйилади. Асбоблар лотокка жойланганда бир жинсли майда асбоблар (масалан, қон тұхтатадиган қисқичлар ва бошқалар) ҳалқасидан бир бұлак дока билан боғлаб даста-даста қилиб қўйилади. Йгналар докага қадаб қўйилади ёки алоҳида қутичаларга жойланади.

Асбобларда қон ёки йириңг парчалари қоладиган бұлса, улардаги микроблар тамом ҳалок бұлмаслиги мумкин, шу муносабат билан асбоблар, айниқса қулфлар ва уларнинг томонлари, игналарнинг тешиклари ва бошқалар ифлосдан тозаланган бўлиши керак. Уларни ишлатиб бўлгандан кейин обдан тозаланади; уларнинг юзаси занг доғлари ва қуйқа губорларисиз, силлиқ бўлиши керак. Жуда ифлосланган асбобларни, масалан, газли гангрена, қоқшол ҳолларида операциялар ва яра боғлашларда ишлатилган асбобларни дезинфекцияловчи эритмаларда (5% ли лизол эритмасида) янада яхшироқ ювиш ва камида 1 соат қайнатиш, янада яхшиси бир кундан кейин эритмасини алмаштириб, яна қайнатиш зарур (бўлиб-бўлиб стериллаш).

Совуқ ҳолда стериллаш. Совуқ ҳолда стериллаш методи унча мукаммал әмас. Ҳаммадан яхшиси рентген нурларига солиши ва газ аралашмаси (этилен оксид) бўладиган алоҳида аппаратларда стериллашдир. Химиявий эритмалардан қўйидагича тайёрланадиган 6% ли водород пероксидни айтиб ўтиш керак: 20 г пергидрол, 750 мл сув, 5 г диоцид ёки бошқа юувучи препарат. Эритма 3 соат мобайнида 40—50° температурагача иситилади. 24 соат мобайнида 2% ли профилактон, 1 : 3000 нисбатдаги диоцид, 70% ли спирт ёки 10% ли формалини ҳам ишлатилади. Бу эритмалар стерилланиши керак бўлмаган аппаратларни тозалаш учун ишлатилади, шу билан баравар уларни олдин механик йўл билан ювиш катта аҳамиятга эга. Антисептик таъсири фақат иккинчи даражали аҳамиятга эга. Асбобларни стерил-

лагандан кейингина турли бошқа эритмаларда, масалан уч хил эритма аралашмаларида сақлаб қўйса бўлади. Оптик системалари (эзофагоскоп, торакоскоп, цистоскоп ва бошқаларнинг қисмлари; 192-бетга қаралсин), шунингдек ипак бужлар ва катетерлар қайнатишга чидамайди; уларга антисептик эритмалар (симоб оксицианидинг 1 : 1000 нисбатдаги эритмаси ёки формалин буглари) таъсир эттирилади. Қуруқ ҳаво шкафларида 160° температурада бир соат мобайнида ёки 180° температурада 40 минут давомида стерилаш жуда ишончли бўлади. Қутичалар бекитилмаган бўлса, стерилаш тугаганидан кейин асбобларнинг устига стерил чойшаб ёпиш ва шундан кейингина шкафдан олиш керак. Стерилашни текшириб кўриш учун гидрохинонли пробиркалардан фойдаланилади, стерилашдан кейин гидрохинон жигарранг тусга кириб қолади.

Автоклавлаш. Боғлов материали, оқ сурп материалылар ҳамда операция ва боғлов хонасида ишлатиладиган баъзи ускуналарни ҳаммадан ишончли қилиб ва тез стерилаш усули тўйинган буғ билан босим остида автоклавда стерилашдир. Автоклав қўш деворли туташ буғ қозони бўлиб, деворлари орасида сув айланиб юради. Аппарат қиздирилганида буғ билан тўлади, ундаги босим ортади ва шунга яраша температура кўтарилади. Буғ буюмларнинг ҳамма тешик-камгакларига кириб боради ва улардаги микроблар ҳалок бўлади. Босим (манометрга қараб аниқланади) 1,1 ат гача кўтарилганида (120°) патоген микроблар 45 минутдан кейин ва 2 ат га етганида (134°) 20 минут давомида ҳалок бўлади.

Хирургияда ишлатиладиган ҳамма боғлов материали, оқ сурп материалылар, асбоб-ускуналар, шприц билан игналар, қўлқоплар ва эритмалар автоклавда алоҳида қутилар— биксларда (барабанларда) стерилланиши керак. Оптик системаси бор асбобларни автоклавда стерилаш ярамайди. Резина буюмлар, жумладан қўлқоплар автоклавга солинганда тез бузилади, шунинг учун анча паст температурани таъсир эттириш ва стерилаш муддатини камайтиришга тўғри келади.


Автоклавнинг асосий қисми — қўш деворли қозон бўлиб, деворларининг орасида сув-буғ камераси бор (59-расм). Унга воронка (в) орқали сув қўйилади, бу сув буффа айланиб, стерилланадиган материал

жойланадиган стерилизация камерасига ўтади. Қүйилган сув сатхи сув ўлчагич най (с) га қараб аниқланади. Аппарат гайкали болтлар (барашкалар) ёки марказий қулф билан бураб қўйиладиган қопқоқ билан герметик қилиб беркитилиди. Қопқогида манометр (м) бор, унинг стрелкаси аппарат ичида босимни кўрсатиб турди.

Қопқогида эҳтиёт клапани деб аталадиган мослама (пк) бор. Унинг энг оддий хили — стерилизация камерасига очилган наисимон тешик бўлиб, ошиқ-мошиқда кўтариладиган ва наст тушадиган планка билан бекилиб турди. Планканинг иккинчи учида юк бор, бу юк босим белгиланганидан кўра ортиб кетганида кўтарилади, шунга кўра буғ чиқиб кетадиган тешик очилади. Аппаратда воронкани бекитиб қўядиган жўмрак (k_1), сувни чиқарадиган жўмрак (k_2), стерилизация камерасидан буғни чиқарадиган жўмрак (k_3) бор.

Ташки томондан аппарат којух билан қопланган. Сувни иситиш ва тўйинган буг хосил қилиш учун аппарат нинг пастки қисмига иссиқлик манбаи қўйилади. Олиб юриладиган бирмунча оддий автоклавлар примус, газ горелкалари билан иситилиши ва ҳатто кичикроқ печкаларга ўрнатилиши ёки тагидан ўчоқ кавланиб, ерга қўйилиши мумкин. Газ, буғ ёки электр билан иситиладиган автоклавлар, албатта, анча қулай. Замонавий хирургия бўлимларида бирмунча мукаммаллаштирилган горизонтал автоклавлар қўлланилди.

Иш принципи — ҳамма автоклавларнинг иш принципи билан бир хил. Материал биксларга жойланниб, деворлари ёки туви ва қопқоғидаги панжарали дарчалари очилади ва бикслар автоклавнинг ички камерасига қўйилади. Боглов материали ва оқ сурп материалларни



59-расм. Автоклав.

Биксларга зин қилиб тиқишириб жойлаш ярамайды, чунки бундай ҳолларда бүг яхши тарқалмай, нотекис үтади ва шунга күра яхши кор қилмай қолади. Биксларни бир хилдаги режимда стериллашин талаб қила-диган бир жинсдаги материал билан тұлдириб, оқ сурى материаллар билан боғлов материалини алохида алохида қўйиш ва стерилликни бузмасдан туриб уларни чиқариб олинадиган қилиб жойлаш маълум.

Автоклав қопқоғи герметик қилиб бекитилади; бүг чиқадиган жүмракдан ташқари ҳамма жүмраклари ҳам бекитиб қўйилади. Аппарат сув ўлчагич найда белгилаб қўйилган белгисигача воронкадан сув билан тұлдирилади. Воронка жүмраги (k_1) бекитилиб, қиздирадиган асбоб ишга туширилганидан кейин ажралып чиқадиган бүг ички камерани тұлдиради. Бу бүг стерилланәётган буюмлар орқали үтиб, ҳавони сиқиб чиқаради ва жүмракдан отилиб турадиган оқим күрнишида чиқиб туради. $120-134^{\circ}$ ли ҳаво худди шу температурадаги бугга қараганда микробларга камроқ ҳалокатлы таъсир қила-диган бўлганидац, аппаратдан қолдиқ ҳавони сиқиб чиқариш керак. Ана шу мақсадда аппаратдаги босим 1 ат гача етказилади ва яна бүг чиқарилади. Мукам-маллаштирилган автоклавларда ҳавони сўриб олади-ган мослама бор, шунинг учун ҳаво қолдиги чиқиб ке-тади ва бүг аппаратни тұлдиради.

Манометр стрелкаси белгиланган режим ($1,5-2$ ат) га етиб келгап вақт стериллашнинг бошланган пайти деб ҳисобланади. Стерилланәётган материалнинг табиа-ти ва бактериялар билан нечоғли ифлосланғанлигига қараб стериллаш муйяни вақт ($20-40-60$ минут) мо-байнда ўтказилади.

Стериллаш тамом бўлганидан кейин қиздириш тўх-татилади ва бүг чиқарилдиган жўмрак оҳиста очила-ди. Ҳаво сўрадиган аппаратларда бүг қолдиги чиқариб юборилади. Манометр стрелкаси нулга тушганидан ке-йин (бундан илгари эмас!) автоклав қопқоғи очилади. Аппаратда босим остида бүг бўлса, қопқоғини вақти-дан олдин очиш одамнинг қопқоқдан шикастланишига ва буғдан куйиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Биксларни автоклав камерасида совигунича қолдириш яра-майды, уларни автоклав совимасидан олдин чиқариб олиш ва дарров тешикларини бекитиб қўйиш керак. Стериллаш тамом бўлганидан кейин сув чиқариладиган

жүмракин очиб, автоклавдан сув чиқарып ташланади ва апарат қуриши учун очиқ қолдирилади.

Материалниң стериллигини ва автоклавнинг ишини текшириш учун химиявий, физик ва биологик методлар тақлиф этилган. Химиявий методлар унча мукаммал бўлмаганлигидан уларни қўлланиш ярамайди, чунки улар автоклавлаш фактини тасдиқлаб беради, холос. Физик методлар, масалан, пробиркадаги бензоат кислота ёки мочевинанинг суюлиши автоклавдаги температуранинг маълум даражага етганини кўрсатиб беради.

Юқумсизлантиришни бактериологик йўл билан текшириш методи, масалан автоклавлашда Bac. *anthracosporae* культурасининг ҳалок бўлишини текшириш ва боғлов материалларидан олинган бўлакларни экиб қўриш йўли билан стериллигини синаш методи ҳаммадан мукаммалdir. Бу методлар узоқ вақтни (2—3 куни) талаб қилади, шунинг учун одатда физик метод билан бактериологик метод бирга қўлланилади. Ҳар бир бикс ўртасига 0,5 г порошоксимон бензоат кислота, мочевина ёки бошқа химиявий модда солинган кичикроқ пробирка қўйилади. Ҳар бир бикс очилганидан кейин бензоат кислота бинафша рангга кирганми-йўқми ёки мочевина суюқланганими-йўқми текшириб қўрилади, бензоат кислотанинг бинафша рангга кириши биксдаги температуранинг 120° гача кўтарилигини кўрсатса, мочевинанинг суюқланиши температуранинг 132° бўлганини кўрсатади.

Бундан ташқари, боғлов материаллари ва оқ сурои материаллар мунтазам равишда, кам деганда ойига икки марта экиб қўриш йўли билан стериллиги текширилади. Автоклавнинг ишига шубҳа туғилганида бараандаги материал орасига спорали сапрофитлар солинган иробиркалар қўйилади. Булар лабораториядан олинади ва культуранинг ўлган-ўлмаганлигини текшириб қўриш учун лабораторияга қайтариб юборилади. Бундай синов ишлатилмайдиган биксларда ўтказилади. Олинган натижаларнинг ҳаммаси стериллаш журналида қайд қилиб борилади.

Стериллаш масъулиятли ишдир; материал ва оқ сурпларнинг стериллигига андек бўлса-да шубҳа туғилса, уларни ишлатмаслик, стериллашни эса, такрорлаши

керак бўлади. Стериллаш иши онги юқори экаилигига ҳеч шубҳа бўлмаган ходимга ишониб топширилади.

Автоклавга қараб туриш стериллашдан кейин уни қуритиш, сув-буғ ва стерилизация камераларини вақтида қўйқадан тозалаб туриш, сувга ўювчи натрий қўшиш ва иситувчи асбобни учирмаган ҳолда сувни 120° гача иситиш ҳамда к2 жўмрак орқали чиқариб ташлашдан иборат (59-расмга қаралсин). Аппаратнинг иситувчи қисмлари ҳам вақт-вақтида кўздан кечириб турилади.

Стериллашда учрайдиган хатолар аппаратнинг бузуқлигига ва ходимнинг стериллаш қоидаларига риоя қўйласлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Автоклав ҳам ҳар қандай буғ қозони сингари, босим йўл қўйиладиган миқдордан кўра ошиб кетса, ёрилиб, портлаб кетиши мумкин. Йўл қўйиладиган босим одатда манометрда қизил чизиқ ёки тамға ва жетон билан кўрсатиб қўйилган бўлади, босимнинг шу даражадан ортиб кетиши эҳтиёт клапани ва манометрнинг бузуқлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам манометрга тегиш ярамайди, аппаратни эса «Котлонадзор» давлат техника хавфсизлиги назоратидан ўтказиш керак бўлади.

Манометрнинг бузуқлиги эҳтиёт клапандан буғ чиққанида манометр стрелкасининг қимирламай туришидан билинади. Бу ҳолда камчилик бартараф этилгунча стериллаш тұхтатиб қўйилади. Эҳтиёт клапандан буғ чиқиб турганида унинг ишига қандай бўлмасин бирор тузатиш киритиш (қўшимча юқ қўйиш)га йўл қўйилмайди. Эҳтиёт клапан орқали буғ чиқиб турсаю, лекин манометрнинг кўрсатишига қараганда босим кўтарилимаётган бўлса, аппаратни тузатиш керак бўлади. Автоклав хонасида хизмат қилувчи ходим йўқ пайтида, яъни аппаратнинг ишини ходим кузатиб туриши керак, деган асосий қонда бузилганида, қонда ўлароқ, портлаш бўлиши тажрибадан маълум.

Материалнинг стериллашмай қолиши ҳам аппаратнинг камчиликларига, хизмат қилувчи ходимнинг етарли тайёргарлиги йўқлигига ёки вижданан ишламаслигига боғлиқ бўлиши мумкин. Биксга материал жуда зич қилиб, тиқишириб тиқилган бўлса ва стериллашнинг бошида бикслардан ҳаво етарли сиқиб чиқарилмаган бўлса, буғ ичкарига етарли ўтмай қолиши мумкин. Эҳтиёtsизлик ва стерилланган ҳамда стерилланмаган

биксларни адаштириб қўйиш, стериллаш муддатининг етарли бўлмай қолиши ёки аппаратда зарур босим билан температуранинг бўлмай қолиши янада каттароқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин.


Стериллашнинг унча катта хавф солмайдиган, лекин кўнгилни хира қиласидиган камчилиги — материалнинг нам бўлиб чиқишидир. Автоклавда ортиқча сув бўлса ва қаттиқ қайнаганида у ички камерага отилиб чиқса, бикслар автоклав совиганидан кейин олинадиган бўлса, стериллашдан кейин улар совуқ, зах уйда қолдириладиган бўлса ва аппаратларда вакуум-насос буғни яхши сўриб олиб турмаса материал нам бўлиб қолади. Стериллашдан олдин жуда қаттиқ совитилган маєриал ҳам ўз атрофида буғ конденсацияланиб, стериллашдан кейин нам ҳосил бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

АГ-2 маркали горизонтал автоклав. Анча кўпроқ нарса сифадиган ва мукаммаллаштирилган АГ-2 маркали горизонтал автоклав тўйинган буғ билан босим остида стериллаш учун анча қулайдир. Унда кожух (19) билан ўралган стериллаш (17) ва буг (18) камералари бор (60-расм). Аппаратнинг қопқоғи (25), худди шкаф эшиги сингари ошиқ-мошиқ билан очилади ва штурвал (27) ни бураш йўли билан марказий загвор (26) ёрдамида таянч ҳалқасига герметик равишда сиқилади. Аппарат устида манометр (20) бор. Автоклав электр қиздиргичлар (5) билан иситилади, булар электршчит (12) переключатели ёрдамида тармоққа уланади. Буг электр контактли манометр (30) ва эҳтиёт клапани (9) бор сув кўрсаткич колонка (8) билан таъминланган алоҳида қозонча (33)дан буғ камерасига ўтади; бу қозонча ҳам кожух билан таъминланган.

Янги аппаратни биринчи бор стериллашга мутахассис уста тайёрлайди. Автоклавнинг тўғри ўрнатилганлигини «Котлонадзор» текшириб кўриб, қабул қилиб олиши керак.

Стериллаш бошланганида тушириш клапани (15), вентил (28 ва 2) ларни очиш ва вентиль (2) орқали қозончани сув кўрсаткич колонка кожухидаги (сув кўрсатгич шиншадаги) устки белгига қадар сув билан тўлдириш керак. Қозонча водопроводга уланмаган бўлса, өронка (32) орқали тўлдирилади. Штурвални соат стрелкасининг аксиға қараб бураш йўли билан ҳамма

вентил ва кранларни бекитиб (кранларнинг дасталари настга буралади), сиқилиб турган автоклав қопқоғи бүшатилади, кейин очилади ва стериллаш камераси тұлдирилади. Камерани биринчи бор тұлдирганданда автоклавны олдин иситиб олган маңқул. Қопқоғини зич қилиб



60-расм. АГ-2 маркали горизонтал автоклав.

1 — шланг; 2 — вентиль; 3 — постамент; 4 — ерга улаш болт; 5 — электр қиадыргыч; 6 — втулка; 7 — қопқоқ; 8 — сув күрсатғыч колонка; 9 — әктиёт клапаны; 10 — сигнал лампаси; 11 — переключатель; 12 — электр шчити; 13, 14 — шланглар; 15 — тушириш жұмраги; 16 — таглик; 17 — стериллаш камераси; 18 — бүг камераси; 19 — кожух; 20 — манометр; 21 — сифон пайи; 22 — уч йүлли жұмрак; 23 — таянч ҳалқаси; 24 — резина прокладка; 25 — қопқоқ; 26 — қопқоқ қулфи; 27 — штурвал; 28 — вентиль; 29 — патрубок; 30 — электр контактлы манометр; 31 — контргайка; 32 — ворошка; 33 — қозонча; 34 — уч йүлли жұмрак; 35 — сифон пайи; 36 — болт.

бекитиб, штурвални соат стрелкаси бүйлаб бураш йули билан у сиқиб қўйилади. Электрошчитдаги преключатель (11) дастасини «включено» ҳолатига бураб қўйилади, шунда контрол лампа (10) ёнади ва қозон қизий бошлайди, бу вақтда қизил сигнал лампаси ёнади. Чиқариши кранн (15) га уланган шлангдан стериллаш камерасидаги ҳаво ҳайдаб чиқарилиб, бир текис оқим

холида бүг келабошлаганидан кейин чиқарыш кранн бескитиб қўйилади.

Автоклавдаги босим 1—1,5 ат га етганидан кейин вентиль (28) бекитилади ва стериллаш камерасидаги қолдиқ ҳавони чиқариб ташлаш учун чиқарыш кранн (15) яна очилади. Бүг чиқиб бўлганидан кейин кранн (15) бекитилади ва босим керакли миқдорга етгунча вентиль (28) очиб қўйилади. Босимнинг 1,5 ат гача кутарилиши одатда стериллашнинг бошланиши деб ҳисобланади ва бу иш белгиланган вақт охиригача давом эттирилади.

Стериллаш тамом бўлганидан кейин переключатель дастаси «включено» ҳолатига ўтказилади, вентиль (28) бекитилади ва кранн (15) очишиб, стериллаш камерасидаги бүг шлангдан чиқариб юборилади (бунда шлангни сувли челякка тушириб қўйган маъқул) ёки шланг (1) орқали бинодан ташқарига чиқарилади. Манометр (20) даги босим нулга тушиб, шлангдан бўг чиқиши тўхтаганидан кейинги автоклав очилади ва материаллар чиқариб олинади. Автоклав бир неча марта тўлдириладиган бўлса, электр билан қиздирадиган системани учириб қўймаса ҳам бўлади, чунки қозондаги босим автоматик тарзда бир меъёрда сақлаб турилади, аммо сув кўрсатгич шиншадаги сув саҳти белгисидан наст тушиб қолмаслигига қараб бориш лозим. Сув сатҳи етарли бўлса, стериллаш камерасини яна тўлдириш, вентил (28) ни очиб, материалларни худди биринчи сафардагидек стериллаш мумкин. Сув ўлчагич найдагиг сув сатҳи пастки белгидан паст тушиб қолса, қозоннинг электр билан иситадиган системаси учирлади ва автоклав қопқоғи ёпиқлигича вентиль (28) дан ва чиқарыш кранн (15) дан бўг чиқариб юборилади. Қозондаи буг батамом чиқариб юборилганидан кейинги уни яна сув билан тўлдириш мумкин.

Автоклав билан ишлаш стериллашнинг ҳамма қопқун-қондаларига бекаму кўст ва аниқ амал қилишини тадаб этади. Автоклавнинг ҳамма қисмлари тоза ва яхши аҳволда бўлишига қараб бориш, электроишитга асло сув тегизмаслик керак. Қопқоқ қизиганида резина прокладкасига ёнишиб қолмаслиги учун унга бурёски графит сепиб қўйиш, қопқоқ затвори (26) нинг винтини мойлаш, электр қиздиригични қўйкумдан тозалаб туриш зарур. Уч йўлли кранлар (22 ва 34) ни бекитиб

құйиб, манометрнинг тузуклигини ұам текшириб күриш зарур, шу билан баравар манометр стрелкаси нулгача тушиши ва кран очилганида аввалғы ҳолатига қайтиши керак. Эҳтиёт клапани (9) ёпишиб қолган-қолмаганинги текшириб күриш, сув күрсатгич найчаны пуллаб ташлаб тозалаб тuriш зарур.

Автоклавни ишлатишга доир инструкция билан обдан ташишиб чиқымаган бұлса, сақлагич клапан бузуқ бұлса ёки Давлат шаҳар техника назорати инспекциясиянинг навбатдаги текшириш муддати үтиб кетган бұлса, стериллашга киришиш мүмкін эмас. Босим остида турған аппаратни қаровсиз қолдириш, қозонида суви кам бұлганида уни ишга тушириш, қозонида босим борлигидан унга сув қойиши, аппаратни ерга уламасдан турив ишлатиш, электр схемасини үзгартырмасдан турив, бошқача кучланишдаги электр тармоғига улаш ярамайды.

Материал автоклавдан нам бұлиб чиққанида конденсатни чиқариб юбориш учун стериллаш вақтида чиққарыш краны (15) бир неча марта 20 секундга ва бутун буг чиқариб юборылганидан кейин автоклав қопқоғи 5 минутга очиб қўйилади. Манометрлар, электр қиздиргич ва аппаратнинг бошқа қисмлари бузилған бұлса, маҳсус устани чақириш керак.

Шкаф типидаги автоклавлар. Кўпинча эшиклари пневматик күч билан бекиладиган шкаф типидаги горизонтал автоклавлар ишлатилади. Бундай автоклавларнинг термометри, манометрлари ва клапанларини марказдан бошқариш механизми панел тахтасига ўрнатылған бұлиши мүмкін. Иш цикли автоматик тарзда бошқарыладиган анча мукаммал автоклавлар ұам ишлатилади. Бундай аппаратларда, уларга материал қўйилганидан кейин, тахтасидаги белгилаб қўйилған тегишли кнопкасини босиш зарур. Бу хилдаги аппаратда эритмалар, оқ сурп ва бошқа материаллар, құлқоплар ұамда асбоблар зарур муддат давомида автоматик тарзда стерилланади.

Замонавий стерилизация хоналаринда кўпинча турли аппаратлар: автоклав, асбоблар стерилизатори, дистиллаш аппарати ва дистиллаған сувни стериллаш ұамда сақлаш аппарати битта установка қилиб, тагникка ўрнатылған бұлади. Ниҳоят, девор токчасига ўрнатылған стериллаш агрегатлари ұам ишлатилади. Булар

асбоблар, приборлар, ҳамма ускуналарни, оқ сурп материаллар, боғлов материаллари ва эритмаларни бир жойда стериллашга имкон беради. Бундай установкалар билан ишлаш учун маҳсус проспектлар билан танишиб чиқмоқ керак.

Эритмалар сақланадиган идишнинг ўзида стериллади, лекин шишаларнинг оғзини очиб қўйиш керак. Стериллаш тамом бўлганидан кейин шишаларнинг оғзини бекитиб қўйиш учун ишлатиладиган тиқинлар ва цеплофан бўлаклари алоҳида стерилланади. Эритмалар қайнатиш йўли билан стерилланадиган бўлса, улар 6 соат оралатиб, 30 минутдан 2 марта қайнатилади.

БАКТЕРИЦИД ЛАМПАЛАР

Операция хоналари, операция олди, боғлов хоналари, палаталар, шунингдек қон қўйиш станциялари, лабораториялар, саноат корхоналари баъзи цехларининг ҳавосини юқумсизлантириш учун бактерицид лампалардан нур бериш усули қўлланилади. Бактерицид лампалар газ разрядли симоб лампалари бўлиб, тўлқинининг узунлиги 253,7 ммк келадиган ультрабинафша нурлар чиқарди, бу нурлар ўзининг юқумсизлантириш таъсири жиҳатидан қуёш нурлари таъсирига яқин бўлади.

Экранлаштирилмаган лампалар ҳар 1 м³ бинога камида 2—2,5 вт қувват ҳисобида ўрнатилади. Кўчма нурлатгич 10—15 минут давомида ишлатилиб, кейин яна кўчириб турниладиган бўлса, кўпи билан 100 м³ ҳажмдаги ҳавони дезинфекция қилишга мўлжалланган. Юзаларга нур беришда нурлатгични ўша юзаларга 1—3 минут жуда яқин қилиб қўйиш зарур. Стационар шароитларида БУВ-15, БУВ-30, БУВ-30-П, БУВ-60-П маркали лампалар ишлатилади.

Операция хоналарида НБО типидаги деворга осиб қўйиладиган ва ПБО типидаги шипга осиладиган стационар нурлатгичлар, шунингдек кўчма установкалар қўлланилади. Нурлатгичлар ҳаво, девор, шифт, полни иш орасидаги танаффуслар ва иш тугаганидан кейин кечаси, яъни бинода одамлар бўлмайдиган пайтларда дезинфекция қилиш учун ишлатилади. Установкининг

құввати ұар 1 м³ жоға 0,75—1 вт дан ортасында ке-
рак. Одамлар бұладын зонада берилдиган максимал
бактерицид нур 1 мб/м² (1 м² юзага миллибакт) дан
ошмасындын керак. Шунча нурии поликлиникаларнинг
қабулхоналары, боладар муассасалариңдеги групта хона-
лары ва одамлар күн тұгланадын бошқа биноларга
берса бұлады. Бунда микробларнинг холакати 70% га
етады, бирничи навбатда касаллик құзғатадын ба-
териялар ҳалок бұлады еки уларнинг вирулентлигі су-
саяди.

Лампалар 1½—2 соат ёнганидан кейин ҳаво-
да озон ҳиди пайдо бұлиши мүмкін. Шуда ламналарн
30—60 минутта ұчириш ва бинони шамоллатыб қўйиш
зарур.


Бинога кирадын ҳаво-
ни ҳаво йүллары ва вентиля-
ция қурилмаларыда, яғни ҳаво кирадын каналлар
еќи электр моторлы, венти-
лятор билан ҳаво хайдала-
диган махсус құвурда нур-
лантириш йүлін билан сте-
риллайдын установкалар
дам ишлатылади.

Күчма нурлантиргич (61-
расм) асос (1) га үрнатыл-

61-расм. Күчма бактерицид нурлантиргич (схемаси).

ған бұлиб, роликлари борлығи учун уни полда гилдира-
тиб юрса бұлады. Бу нурлантиргич каркас (2) дан ибо-
рат бұлиб, унга пагронлар (3) га жойлаштырылған
БУВ-30 бактерицид лампалар, даста (4) ва қопқоқлар
(5) үрнатылған. Нурлантиргич 220 в күчләнешли шаҳар
тармогидан құвват олиб ишлейді. Тармоқ күчләнеш
127 в бұлса, нурлантиргич реостат орқали уланады.
Аппараттың тармоққа улашдан олдин «заземление» виво-
дидан ерга туташтириш зарур. Бинони тозалаш вақтінде
аппаратнинг металл қисмлары операция хонасындағы
худди бошқа металл буюмлар сингари тозаланады.

Үльтрабинафша нурлар одам организмында заарарлы
таъсир күрсатыны мүмкін, шу мүносабат билан аппа-



рат ишлаб турған пайтда бинода одамлар бұлмаслиги керак, уни ишга туширадын кишилар эса ҳимоя қүзійнакларидан фойдаланып оған лозим.


ОПЕРАЦИЯ СТОЛИ

Операция ишларининг ҳажми ва табатига қараб операция хоналарига тузылиши ҳар хил операция столлари ўрнатилиши мумкин. Москва «Технолог» тажриба заводининг универсал операция столи жуда хилма-хил операциялар қилинадын хирургия бўлимлари учун мўлжалланган. Бу стол касалининг таисини ҳар хил вазиятга солишга имкон беради ва шу йўл билан таисанинг турли қисмларида қилинадиган операцияларни енгиллаштиради. Стол (62-расм)нинг асосий қисми — массив асоси, яъни айланадиган роликлар билан таъминланган уч оёқли тумбадир. Асосининг ичидаги стол оёғини юқори кўтариш ва паст тусириш учун мойли компрессор бор. Стол оёғи стол асосини тахтаси билан бирлаштиради, стол тахтаси ошиқ-мошиқлар билан бириккан ва қисман ажратиб олса бўладиган секциялардан ташкил топгандир. Столининг пастки юзасида жойлашган механизмлар ёрдами билан айрим секциялари ва бутун тахтасининг ҳолатини ўзgartирини мумкин. Тумбасининг асосида 3 та педали бор: каттаси столни кўтариш учун, ўртанчаси паст тусириш учун ва кичкинчи оёғини буралиб кетмайдиган қилиб, маҳкамлаб қўйиш учун. Столни жойидан кўчириш учун учаала оёғидаги стонор ричагчаларни кўтарилиб, роликлар стол юргизиладиган томонга тўғри келадиган ҳолатга келтириб қўйилади.

Столни ўринатаётганда ушинг қимирламай турадиган бўлини учун иккى оёғи бир томонига, учинчи оёғи иккинчи томонига қараб турадиган, роликларининг стонор ричагчалари паст тусириб қўйилган ва тумба асосидағи кичкина педалини босиб, оёғи айланиб кетмайдиган қилиб маҳкамлаб қўйилган бўлиши керак.

Бемор чалқанчасига ётқизиладиган бўлса стол тахтасининг ҳамма секциялари — бош, орқа, чаноқ ва оёқ секциялари битта туташ юзани ташкил этади. Стол шу ҳолида турганида дастасини айлантириши йўли билан бош томонини паст тусириб, оёқ томонини юқори кўтариш мумкин. Оёгининг ён деворидаги квадрат тешикка

олинадиган дастасиши қўйиб, шу даста ёрдами билан столни ён томонга, яъни ўнг ва чап томонга қийшайтирса ҳам бўлади. Оёқ ва бош секцияларини алоҳида-алоҳида кўтариб қўйиш ҳам мумкин (яrim ўтирадиган ва ўтирадиган ҳолат). Орқа секциясида, унинг ўрта қисмидаги сурма валиги бор, бу валик ўзининг асосидаги квадрат уяга киритиб қўйиладиган дастани бураш йўли билан юқори кўтарилади ва паст тусирилади. Буйрак операцияларида касал ёнбоши билан ётқизилиб, столнинг орқа ва бош секциялари қолган қисмига нисбатан бурчак остида турадиган килиб тусириладиган пайтда («столни синдириш» пайтида) валикни кўтариб қўйиш айниқса катта аҳамиятга эга.



62-расм. Операция столи.

1 — тумбаси; 2 — обғи; 3 — тахтаси; 4 — катта педаль; 5 — ўрта педаль; 6 — кичик педаль; 7 — стопор ричагчалари; 8 — бутун столнинг бош ва оёқ томонини паст тусириш дастаси; 9 — столни ёнбошига энгаштириш дастасининг тешиги; 10 — столнинг бош томонини кўтариб, маҳкамлаб қўядиган даста; 11 — сурма валик; 12 — валикни кўтариши дастасининг уяси.

Столнинг оёқ томонини паст қилиб маҳкамлаб қўйган ҳолда бош томонидаги даста (8) ни бураш йўли билан қолган ҳамма қисмларини паст тусириб, беморнинг чаногини юқори кўтариш ва бошини паст қилиб қўйиш мумкин. Бунда касалнинг бош томонига қараб силжиб кетмаслиги учун елка тутгичларидан фойдаланилади.

Столдаги эиг мураккаб вазиятлардан бири — оралиқ, қин ва тўғри ичак операциялари учун bemорни

тегишли вазиятда ётқизишдир. Бунда столнинг бош томони бир оз юқори күтарилиб, оёқ секцияси олиб қўйилади ва оёқ тутгичлар ўрнатилади. Оёқ тутгичнинг новсимон қисмига оёқ жойланади ва оёқ тутгич шу ҳолида винтлар билан маҳкамлаб қўйилади. Қўл маҳсус тагликка қўйилади. Бу столда беморни юз тубан ётқизиб қўйиб қилинадиган операцияларни (калла, орқа мия операциялари ва бошқаларни) ҳам бажарса бўлади.

Автоматик тарзда бошқариладиган операция столи ҳаммадан мукаммалидир. Стол электр двигатель билан ҳаракатга келтирилайдиган гидравлик насос ёрдамида исталган ҳолатга келтирилади, унинг электр двигатели 127 ёки 220 в кучланиши ўзгарувчан тармоқдан ток олиб ишлайди. Стол панели булутсимон резинадан ишланган гўшаклар билан қопланган секциялардан иборат. Бошқариш пульти маҳсус танячларга ўрнатилган. Б та кнопкаси билан ричаги операцияларда керакли вазият беринши таъминлайди.


ЭЛЕКТР СҮРГИЧ (АСПИРАТОР)

Операция вақтида ҳар хил суюқликларни тортиб олини учун электр сүргиҷи ишлатилади. Унинг иш принципи электр двигатель билан ҳаракатга келтирилайдиган насос ёрдамида банкада сийракланиш ҳосил қилишга асосланган. Операция қилишга бир талай суюқлиқ, масалаи, асцит, йирингли экссудат, қон ва бошқалар ҳалал берадиган бўлса, ҳамиша электр сургичдан фойдаланишга тўғри келади. Суюқлиқларни аспирантор билан олиб ташлаш, қонни ҳамда мия тўқимаси операцияси вақтида чайиш учун ишлатилган физиологик эритманни йўқотишнинг тўқималарга ҳаммадан кўра камроқ шикаст етказадиган методи сифатида, бош мия операцияларида кеңг қўлланилади.

Энг оддий аппарат -- универсал кўчма электр сургичдир (63-расм). У тагликка ўрнатилган ҳамда герметик бекилувчи қопқоқ билан таъминланган 3—5 ли банка (суюқлиқ тушидиган идиш) дан иборатдир. Банка шланглар системаси ёрдамида стерил резина найга ула нади, най учida алмаштиурса бўладиган ҳар хил шакли учликлар бўлади. Аппаратнинг асосий қисми — којух билан ўралган электр двигателни ва банкадан ҳаво-

ин тортиб оладиган вакуум-насоси уни юргизишга имкон берадигаи филдирекларга ўриатылган.

Аппаратин инга тайёрлаш учун резина наий ва учликлари қайнатыб стерилланади. Операция бошланмасидан олдин электр сүргич операция столи ёнiga ўрана-



63-расм. Электр сүргич.

тилади, бунда резина шлангларининг узуилиги сүргич учлигини бемалол ишлатышга етадиган бўлиши керак. 220 в кучланишли электр тармоғи розеткасидан аппаратга ток берадигаи шнур узунлиги ҳам етарли бўлиши керак. Аппарат банкаси ўз ўрнига жойлаштирилиб, қоп-қоги бекитиб қўйилади. Электр сүргичнинг қандай ишлашини стакандан сувни сўриб кўриб операция бошланмасидан олдин текшириб кўриш зарур. Аппарат симоб

устуны ҳисоби билан 700 мм гача сийраклык ҳосил қилингага имкон беради.

Аппаратин ишлатаётган найтда банкаси суюқлиқ билан тұлыб кетмаслығын қараб борыш, аппаратин вақтида ишдан тұхтатып, банкасидаги суюқлиқпен түкіб ташлаш керак. Иш тамом бўлганидан кейин банкаси, шунингдек суюқлиқ ўтган шланглари ҳам чиқарип олилади ва ювилади.


Үз вактида текширилмаган ва ҳамма уланган жойлари жуда герметик бўлмаган, айниқса банкасининг қонқоги яхши бекилмаган электр сургичин ишлатиш катта хатодир. Бу камчиликларни медицина ходими бартараф этиши керак. Бузилиб қолган электр мотор ва вакуум-насосни мутахассислар тузатади.

ДИАТЕРМОКОАГУЛЯЦИЯ

Тұқымаларни кесиши учун, тұқымалар кеснілаётган пайтда қон оқишини тұхтатып ва кичикроқ үсмаларни емириш учун диатермокоагуляция аппарат-лари (электр ишкөң) ишлатылады. Бу — катта құчланиша үксак частота (секундига 100 000 ва бундан күра күпроқ тебраниш берадиган) ток ҳосил қылувчы мағсус генератордир. Диатермия учун ишлатыладын универсал аппарат (УДЛ-350М) оқсиллар коагуляцияси ва тұқымаларни емиришни таъминнаб беради. Диатермо-коагуляция иккита электрод: индифферент, катта электрод (сатхы 700 см² атрофида келадын одатдаги құрғошын электрод пластинкасы) ва иккинчи, алоқида электрод, операция электроди ёрдами билап қилинади. Актив операция электродлары сифатида игналар, шарчалар ва ишкөңлар шаклидагы металл учлуклардан фойдаланылады; булар изоляцияловчи дастага бураб үрнатылади. Актив электрод тұқымаларга теккан жойнда ұларни коагуляциялаб, емиради. Аппарат шағарнинг 220 в күчланишли үзгартаруучан ток тармоғига үлаш учун мүлжаллаб чиқарылади.

Электр коагуляция ва мия түқимасида қонсиз операция қилиш учун шарсымон учниклар ишлатилади. Турли операциялар пайтида кичикроқ томирлардан оқибчиқаётган қонин ўша томирга қўйилган қон тұхтатувчи кискичга актив электродни теккизиш йўли билан тұх-

татса булади. Түғри ичак (полиплар), қовуқ (папилломалар) соҳасидаги баъзи ўсмалар ва бошқалар ҳам шарсимон учлик ёрдамида электр коагуляция қилиш йули билан емирилади. Бундай ҳолларда энг катта зичликдаги ток қўлланилади ва унинг таъсир вақти узайтирилади. Баъзан онкологик операцияларда рак ҳужайраларининг жароҳатга тушмаслиги ва операция майдонининг шу ҳужайралар билан ифлосланишига йўл



64-расм. Диатермокоагуляция аппарати (электр пи-
роқ)нинг қия панели.

қўймаслик учун тўқималарни кесиш пайтида пичоқсимион учлик билан электр коагуляция (электротомия) қилиш керак булади. Бундай ҳолларда катта зичликдаги ток берилиб, таъсир вақти қисқартирилади.

Аппаратни ишга тайёрлашда уни тармоққа улашдан олдин пишаб панелидаги ҳамма бошқариш дасталари (64-расм) дастлабки ҳолатда, яъни виключателлари «викл» деб кўрсатиб қўйилган жойларда, пациент токи

регуляторининг дастаси эса, нулда турган бўлиши керак. Шундан кейин сербар индифферент электрод пластикаси физиологик эритмага ҳулланган дока билан уралиб, бемор танасининг бирор жойига, кўпинча сонига бинт билан маҳкам қилиб боғлаб қўйилади. Қисқичли клемма яхши ўрнатилган ва bemor терисига тегмайдиган бўлиши керак. Пластишка шнур орқали нишаб панел орқасидан аппарат деворидаги Б клеммага уланади. Актив электроднинг эбонит учлиги Крупп эритмаси ёрдамида совуқ стерилизация қилинади (карболкислота 3 г, формалин 20 г, бикарбонат сода 15 г, сув 1 л гача). Учлик асептика қоидаларига риоя қилинган ҳолда эритмадан чиқариб олинади ва унга мазкур ҳол учун зарур бўлган металл электрод кийгизилади. Актив электроднинг дастаси билан шнури стерил дока филоф билан ўраб қўйилади, шнур эса аппаратнинг орқа деворидаги А клеммага уланади.

Тармоқ кучланиши регуляторининг дастаси вольтметр (чап томондаги асбоб) нинг стрелкаси қизил чизиқса келиб тўхтамагунча ўнгга буралади. Стрелканинг қизил чизиқдан ўтиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Бир неча минут ўтганидан кейин, одатда аппарат ишга туширилганидан сўнг 3—5 минут ўтгач, оқ сигнал лампаси ёнади. Янги аппаратни ишга тушириш ҳамда узоқ ишламай турган аппаратни ишлатиш вақтида генераторни улашдан олдин 40 минут давомида аппаратни қиздириш керак бўлади. Шундан кейин генератор дастасини «ВКЛ» ҳолатига келтириб, генератор ишга туширилади. Операция вақтида оёқ педалини босиш йўли билан генератор ишга туширилади, бу педал вилкаси аппаратнинг ён деворидаги «педал» деб ёзилган тешигига жойлаб қўйилган бўлади. Генератор ишга тушганида аппаратнинг нишаб панелидаги қизил сигнал лампаси ёналиди. «Пациент токи регулятори» дастасининг ҳолати операция вақтида тўғрилаб қўйилади ёки бир бўлак гўшт ё бўлмаса ҳайвон устида тажриба қилиб кўриб, олдиндан белгилаб олинади. Бу дастанинг қандай ҳолатга қўйилиши коагуляция ва кесиш чуқурлигига таъсир қиласи. Электр коагуляцияда пациент токи регулятори кўпинча 6 билан 11 орасига, ўртacha 9 га тўғрилаб қўйилади. Электр пичноқ билан тўқималар кесиладиган бўлса, пациент токи регулятори хирургнинг айтганига


қараб 12 рақамига ва бундан күра күпроққа тұғрилаб күйилади.

Аппарат операция вактида ишлатыладиган бұлса, уни
юқорида айтилғандек қилиб тайёрлагандан кейин, опе-
раторға оёқ педали суріп қўйилади ва мазкур хол учун
боп келадиган актив электродлы дастаси қўлига бері-
лади. Педал босилиб, актив электрод туқималарга теки-
зилган пайтда туқималар оқаради, бу — уларниг коа-
гуляцияланганини курсатади. Коагуляцияни туқималар
кумир булиб колгунча олиб бориш ярамайди. Чунки кү-
мир булиб колтан туқима электродга епишиб қолади ва
у билан бирга узилиб чиқиб, яна қон кетишига сабаб
булиши мумкін. Диатермокоагуляцияни күлланишда
наркоз аппаратида эфир бүгларининг портлаб кетиши
хавфи борлигини унутмаслик зарур. Шу мұносабат би-
лан диатермокоагуляция махаллій анестезия остида ёки
портламайдиган анестетиклардан (фторотан, азот I-ок-
сиддан) фойдаланиб бериладиган наркоз остида уткази-
лади. Аппаратни ишлатыб булғандан кейин аввал гене-
ратор токдан узилади, сунгра дасталарининг ҳаммаси
аввалги ҳолатига келгирив қўйилади ва шундан кейин-
гина пациентдан индифферент электрод олинади.

Янги аппаратни ўрнатиц, 127 в кучланишли тармок-
ка мослаш, аппаратни синаш ва созлаш, ички кисмларини кўздан кечириш ишларини медицина ходими ба-
жармасдан, малакали техник бажаради. Аппаратни қат-
тиқ зарблардан эҳтиёт қилиш керак. Ташки сиртлари
ва симлари тоза нам латта билан артилади. Гайкалари,
боглаш симлари ва винтлари маҳкам қилиб қўйилгай-
булиши керак.

VIII 606

МЕХАНИК ЧОК СОЛИШ УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН АППАРАТЛАР




Ичакнинг турли қисмларига механик чок солиш, ўпкани чатиш, бронхларни, қон төмирларни нервларни тикиш учун ишлатиладиган аппаратлар замонавий хирургияда кенг расм бўлиб қолди. Булардан фойдаланиш операцияни тезлаштиради ва тикиладиган юзаларнинг анча зич тақалиб туришига имкон беради. Шу хил аппаратлар уз тузилиши жиҳатидан жуда хилма-хилдир; уларнинг ишлатилиши тўғрисидаги бирмунча мукаммал маълумотлар маҳсус проспектларда берилган.

Меъда ва ичакларга механик чок солиш учун ишлатиладиган аппаратлар. Ичакка анастомозлар аппаратлар ёрдамида солинганида асептика қулда чоклаб, анастомоз қылғандан күра яхшироқ сақланиб қолади, чунки ичак иули анастомоз солиш пайтида очилиб турмасдан, ёниқлигича қолаверади. Аспиратордан фойдаланиш ва ичак томирларини сикю еки деворни эзиб (купөл қисқичлар), ичакда қон айланишининг бузилишига сабаб була оладиган кисқичлар солишга хам ҳожат қолмайди. Механик чок солиш операцияни тезлаштириб, учи анча бехатар қиласи да ичак хамда меъдада қилинадиган операцияниң ҳажмини кенгайтиришга хамда холдан кетган касалларда хам шундай операцияларни қолаверишта имкон беради.

Үн икки бармоқ ичак, ингичка ичак чүлтоги ва куричак гумбазини тикиш учун ишлатиладиган аппаратлар халта нөклари солиңга мүлжалланғандир. Бұасбоблар-иңг ички юзасы қат-қағ қилиб букланған бұлғани учун үн икки бармоқ ичакка букилған қисқыч (65.расм) ва

иңгичка ичакка тұғри қисқыч құйилганидан кейин асбоб ҳар бир жағининг ичидағи тешик ва тирқишдан ипли махсус игнаны үтказиш мүмкін. Игна асбобнинг бир жағи билан иккінчи жағидаги тешикдан үтар экан, фақат сероз ва мускул қатламларини тешиб үтади. Игна чиқарып олинади ва ичак кесилганидан кейин асбоб қисқычи очилади: чокни тортилса, ичак худди халтача оғзидек бұғилиб қолади.




65-расм. Үп икki бармоқ ичакка халта чок солиши учун ишлатиладиган аппарат.


Меъда чүлтогини тикиш учун ишлатиладиган аппарат (УКЖ) меъда резекцияси вақтида ботиб турадиган икки қатор металл чега солиб, меъда чүлтогини тез бекитиш·учун мұлжалланған. Аппарат (66 ва 67-расмлар) устки (1) ва пастки (2) корпус нимталаридан ташкил топғандыр. Аппаратнинг иккала нимтаси ўрта қисмидан марказий винт (3) ёрдамыда бир-бири билан бириктириледи, марказий винттің квадрат каллагига штурвал (4) кийгазилади (67-расм). Штурвал бирор томонға буралганида аппаратнинг ошиқ-мошиқ (5) билан бириккән жағлары очилади ва ёпилади, ошиқ-мошиққа үқ (6) құйилади.

Аппаратнинг устки нимтасида ишчи қисми булиб, унда чегалар құйиладиган икки қатор құшалоқ вертикаль пазлар бор. Тикувчи механизмлари (7) чега пазлары устида жойлашгандыр, улар аппарат жағи бүйлаб суриласы да ричагнинг ҳар бир ҳаракатида чега пазларидан биттадан чегани итариб чиқаради. Тикишнинг бу методи әхтиёжға қараб исталған үзүнликда чок солишига имкон беради.

Пастки корпус нимтасининг ички юзасида устки нимта чега пазларининг олган жойига мос келадиган



66-расм. Меъда чўлтоғипи тикиш учун ишлатиладиган аппарат (УКЖ).
1 — устки қисми; 2 — пастки қисми; 3 — марказий винти; 4 — штурвали; 5 — ошиқ-мошиги; 6 — тикувчи механизмлари.



67-расм. УКЖ аппаратининг таркибий қисмлари.
1 — устки қисми; 2 — пастки қисми; 3 — марказий винти. 4 — штурвали; 5 — ошиқ-мошиги; 6 — ўқи; 7 — тикувчи механизмлари; 8 — кожух игнаси; 9 — кожух.

бир қанча чуқурчалар бор. Тикувчи механизм сурилаётгандан пайтда чегалар мана шу чуқурчалар туфайли эгилади. Бундан ташқари, аппарат иккала нимтасининг ички томонида кожухлар бўлиб, меъда деворини фиксацияладиган игналар шу кожухда ҳаракатланади. Аппа-

ратни кисмларга ажратишда тикувчи механизмлари (7) чиқариб олинади, бунинг учун улардан ҳар бирининг ричагини тақалгунча юқорига кутариб, ошиқ-мошигининг қарама-қарши томонига қараб суралади ва аппаратдан бўшатилади. Штурвал (4) ни бураш йўли билан марказий винт (3) ни бўшатиб, ўқи (6) чиқариб олинади ва аппаратнинг устки ҳамда пастки нимталари ажратилади. Ҳар бир кожух деворларини бармоклар билан қисиб туриб, юқорига тортилади ва кожух (9) чиқариб олинади, шундан кейин иғналар (8) тешиклардан чиқарилади.

Аппаратни иғиши иғналарни қирралар тешигига қўйиш, буларни бекитиб турадиган кожухларни штифтларга ўрнатиш ва штифтлар каллагини бармоклар билан босиб, маҳкамлаб қўйишидан бошланади. Аппаратнинг иккала нимтасини ошиқ-мошиққа солиб, биритиргандан кейин ўқи бураб киритилади, марказий винтга штурвал кийгизилади ва аппаратнинг иккала нимтаси бирбирига яқинлаштирилади. Энг охирида тиқувчи механизмларнинг ричаглари ўрнатилади. Булар ўзгарига мўлжалланган пазларга киритиб қўйилади.

Аппаратнинг тўғри йиғилгани, фиксациядайдиган иғналарининг осон юрини ва марказий винтнинг равон айланиши текшириб кўрилади. Аппаратга П-симон чегалар пинцет ёрдами билан жойланади, бунда улар аппаратнинг устки нимтаси фазаларига солиб қўйилади. Майдароқ чегалар меъда деворининг ҳамма қатламлари орқали ўтадиган биринчи қават чоклар учун мўлжалланган бўлса, йирикроқлари сероз-мускул қатламидан ўтадиган пккинчи катор чокларга мўлжаллангандир. Аппаратга учлари сал керилган тўғри П-симон шаклли чегаларнигина жойлаш керак, улар пазларга бемалол кирадиган булади. Марказий винтга энг яқин иккита паз буш қолади.

Аппарат йиғилган ҳолида бир оз миқдор чегалар билан бирга автоклавда 120° температурада 40 минут мобайнида ёки қайнатилган сувда 20 минут мобайнида ё булмаса 10% ли сода эритмасида 10 минут мобайнида стерилланади.

Меъда мобилизация қилинганидан кейин унинг деворига аппарат нимталарини сал керив, катта эгрилиги томонидан қўйилади. Аппаратнинг тўғри қўйилганини

текшириб кургандан кейин штурвалини бураб, иккала нимтаси бир-бирига яқинлаштирилади. Шундан кейин қирралар тешигига фиксацияловчи иғналар кирилилади. Тикувчи механизмнинг ричагини кутариш ва паст тушириш йўли билан чега пазларидан биттадан чега итариб ниқарилади ва ўзу тариқа чок солиб борилади. Биринчи қатор чокларни инвагинация килиш (ботириб қўйиши) ва сероз-мускул қатламига чок солиш учун аппаратнинг иккала нимтаси бирмунча керилади. Биринчи чоклар қатори махсус инвагинатор билан инвагинация қилинади. Инвагинаторнинг тӯғри турганлигига ишонч ҳосил қилингандан кейин штурвалини охиригача бураб, аппаратнинг нимталари туташтирилади. Чокларнинг иккинчи қатори (сероз-мускул чоклари) иккинчи тикиш механизми ёрдами билан солинади, бу механизм аппаратда меъданинг қолган қисмига яқинроқ турган булади. Чега чоклари яна кичик меъда эгрилигидан бошлаб бирин-кетин солиб борилади. Шундан кейин фиксацияловчи иғналар олинади, марказий винт бураб чиқарилади, аппарат нимталари керилиб, инвагинатор чиқарип олинади.

СК аппарати ингичка ва йуғон ичакларни учини учига, учини ёнига, ёнини ёнига қилиб тантал металл чегалар билан тикиш учун мулжалланган. Бу аппарат икки нимта (жар) дан иборат. Аппарат жагининг магазинига диаметри 0,25 мм, бўйи 3,8 мм, эни 4 мм келадиган тантал чегалар жойланади. Бу аппарат ҳам худди олдинги аппарат сингари стерилланади ва чегалар билан зарядка қилинади.

Ичакнинг учини учига қилиб анастомоз солинганида ичак тутқиҷ томирларини кесиш ва боғлаш йўли билан ичак мобилизация қилинганидан кейин унинг олиб келадиган ва олиб кетадиган қовузлоқларига аппаратнинг иккала нимтаси солинади. Қисқичлар қўйишининг ҳожати йўқ. Ичак қирқилиб, кесилган жойи спирт билан тозаланганидан кейин аппарат нимталари бир-бирига туташтирилади ва толкательлари босилади. Айни вақтда ичак деворлари ҳамма қатламлари орқали тантал чегалар билан тикилб қолади, чунки чегалар В симон бўлиб букилади. Ана шундан кейин цапкалари ёзилиб, аппарат чиқарип олинади. Бир қават чок ҳосил булади, унинг устидан ичакнинг бутун айланаси бўйлаб ёроз-мускул чокларини солиб чиқиш керак булади.

Ичак ёнини ёнига қилиб уланганида аппаратнинг ҳар


бир жағыға ичакнинг ичак тутқичга қарама-қарши турған девори құйилади ва юқори турған ичак қисмининг деворини кесиб, аппарат жағлари спирт билан тозаланғанидан кейин бир-бириға туташтирилади ва толкателларни босиб, тантал чоклар солиб чиқылади. Шундан кейик яна ипак ёки капрои билан иккінчи сероз-мускул чокини солиб чиқыш керак бұлади.

Қизилұнгач билан ичакни улаш учуны шлатыладиган аппарат (ПКС) қизилұнгач билан ичак ёки қизилұнгач билан меъда үланадиган жойға гир айлантириб тантал чегалар құйиб чиқышга имкон беради. Бу аппарат (68-расм) дасталари (б) бор наисимон корпус (а) дан иборат бұлиб, учи стержен (г) ли құзиқорин (в) шаклидадир. Аппаратни қисмларга ажратында құзиқорини приводи (е) ни соат стрелкаси йұналишининг аксига бураб, құзиқорини стерженни билан бирға чиқариб олинади. Стержень ҳаракатланмайдиган бұлиб қолганидан кейин уни охиста чиқариб олиш керак, бунда тұғарак пичноғи ишида жойлашған үткір қисміга үл урмаслик лозим. Шундан кейин дастасининг ҳаракатчан қисми олинади. Туташтириш гайкаси (ж) ни бұшатыб, корпусдан фиксацияловчи шайба, шток билан толкатель ва пичноқ чиқариб олинади. Ишлатылған пластмасса пластинка (шайба) құзиқорин чуқурчасидан чиқариб олинади.

Ҳамма қисмлари иссиқ сув билан охиста ювилиб, қуруқ қилиб артилади, устига озгина вазелин мойи суртилиб, йығылади. Аввал толкатель ва пичноқ билан бирға шток жойға құйилади, бунда пичноғининг дами қайтиб қолмаслығы ҳамда шток куракчалари шикастланмаслығына әхтиёт бўлиш керак, шток куракчалари пазларга кириб туриши лозим. Штокнинг учиға шайба кийгазилиб, гайкаси бураб құйилади. Дастанининг ҳаракатчан қисми жойға құйилғанидан кейин құзиқорин билан стержень үрнига солинади. Стерженні жуда әхтиёт бўлиб, пичноғининг кесадиган дамига резьба тегмайдиган қилиб жойлаш керак. Құзиқорин буралганида стержень фиксацияловчи шайбалардан үтади ва құзиқорин каллаги босиљиб, гайка приводи (е) соат стрелкаси йұналишига қараб буралганида шток резьбасы гайка резьбасына киради, шунда құзиқорин билан аппарат корпусы үртасидаги оралиқ қисқаради.

Аппаратни стериллашта тайёрлашда құзиқоринни

стержен билан бирга худди юқорида баён этилганидек қилиб чиқарып олиш ва құзиқорин чуқурчасига янги пластмасса шайба құйыш керак, бунда шайбанинг ён томондаги кесиклари құзиқориндаги штифтларга мос келадынган бўлиши лозим. Кичик ричагни бураш йўли билан ҳаракатчан дастадаги предохранител (д) ни улаб, аппарат корпусининг торецига чегалар жойланади. Чегалар оёқчалари туртиб чиқиб турмайдиган қилиб («ичига олиб») жойланishi керак. Шундан кейин стер-



68-расм. Қизилұнгач-ичак ва қизилұнгач-меъда анастомозлари солиш учун ишлатиладиган аппарат.

a — наисимон корпус; *b* — дасталар; *c* — құзиқорин; *d* — стержень; *e* — предохранитель; *f* — құзиқорин привод-нинг гайкаси; *ж* — туташтириш гайкаси.

жень құзиқорини билан бирга, худди юқорида айтилганидек қилиб киритилади, бунда чегалар пазлардан чиқиб кетмаслигига қараб борилади. Гайка приводини бураб, құзиқорин корпусга орасида 1—2 мм очиқ жой коладиган қилиб яқинлаштирилади. Аппарат ана шундай йифилган ҳолича 20—30 минут давомида сувда қайнатиш йўли билан стерилланади.

Қизилұнгач билан ичак ўртасида анастомоз солиш учун аппарат қуйидагича ишлатилади (69-расм). Аппаратдан құзиқорин стержень билан бирга чиқарып олинганидан кейин наисимон корпуси анастомоз қилинадиган жойдан 12—15 см масофада ичакнинг бир ёнидан очилған кесикдан ичакка киритилади. Анастомоз қилинадиган жойдаги ичак девори скальпель билан тешилади, шу тешикдан стержень құзиқорини билан бирга, худди юқорида айтилганидек қилиб, аппарат корпусига киритилади. Сүнгра құзиқорин халта чоки солиб қуйилган қизилұнгач чўлтогига киритилади. Стержень атрофидаги чок тортиб қўйилганидан кейин гайкани бураш йўли билан құзиқорин корпусга яқинлаштирилади, бун-

да гайкани стерженниг контрол тешиклари бор қисми күрингунча бураш керак.


Шундан қилиб, қизилұнғач билан ичакниң тикиладиган туқималари аппарат корпуси билан құзиқориши орасида турғыб қолади. Предохранитель чиқарыб олиниб, аппарат дасталары охирнгача сиқылғанидан кейин тұқималар чегалар билан тикилиб қолади. Айни вақтда чегалар құзиқориннинг текис юзасидаги чуқұрчаларыга тақалиб, В ҳарғы күринишида қайрилади ва тұқималарни бутун айланы бүйлаб тикиб чиқади. Шу билан бир вақтда тұғарак пичноқ билан ичак ва қизилұнғач охирида анастомоз учун зарур тешик очади. Гайкани соат стрелкасы йұналишининг аксига қараб 1—2 марта бураб, корпус билан құзиқори орасида сиқылиб турған тұқималар бұшатылади ва аппарат ичакдан чиқарыб олинади. Анастомозга құлда гирдайлантириб құшимча сероз-мускул чоки солиб чиқыш зарур.

69-расм. ПКС маркалы аппарат срдамида ичак билағ қизилұнғач орасига анастомоз солиш.

Яқинлашуви белгисидан нарига үтиб кетадиган бұлса, тұқималар ээлилиб, чегалар кесилиб кетади.

Тұқималар бир-бирига етарлича тақалмай қолиб, құзиқориннинг корпусга яқинлашуви белгисигача етиб бормаганида чегалар яхши букилмай қолганидан анастомоз узилиб кетиши мумкін. Қизилұнғач атрофига чок нотуғры солинса ёки яхши тортилмай қолса ва ичак еки қизилұнғач девори аппарат пичноғи билан тұла кесілмаса, аппаратни чиқарыб олиш қийин бұлади. Битта-иккита чега кесилиб кетгүдек бұлса, құшимча чок солинади.

Юмшоқ тұқималарни тикиш учун ишлатылады аппарат. Операцияни соддалаштириш ва тезлаштириш учун юмшоқ тұқималарни маҳсус аппараттар (СМТ-0,15, СМТ-0,25 ва СМТ-0,4 моделли аппараттар) билан ти-




-Пож дигине көзбөлгөн вакуум киоод нүүч ишикүйд истид
киш мүмкін. Тикиш учун катта-кічіккілігі (Эни 2,18—
4 мм, бўйи 2,1—2,7—3,5—5 мм) ва диаметри (0,15—0,25
ва 0,4 мм) ҳар хил чегалар ишлатилади. Чегалар тики-
маларни таъсирлантиб маидиган тантал ёки кобальт ко-
тишмаларидан ишланади. СМТ-0,15 маркали аппарат
битта чегали булиб, томир ва сийдик иўлларига узуна-
сига кетган чок ва құшимча чоклар солищ учун мұл-
калланган. СМТ-0,25 моделли аппарат тери ости клет-
чаткаси, фасциялар, плеврани тикиш ва томирларни боғ-
лаб қўйиш учун, СМТ-0,4 моделли аппарат бронхга,
бронх чултоғига, меъдага, ичак, қизилўнгач, упка ва
катта томирларга якка қават чок солищ учун ишлати-
лади.

Упка, унинг илдизи ва бронхларни ча-
тиш учун ишлатиладиган аппарат. Упка
хирургиясида механик чок солищ аппаратлари күп иш-
латиладиган булиб қолди: упкани чатиш учун ишлати-
ладиган УТЛ-70 маркали аппарат, бронх чултоғини
чатиш учун ишлатиладиган УКБ-25-1 ва УКБ-16-1 мар-
кали аппаратлар шулар жумласидандир. УЛТ-70 мар-
кали аппарат упкани чатиш учун ишлатилади, чунки
упка тұқимасига солинадиган механик чок құлда соли-
надиган чокка қараганда баъзи афзаллукларга әгадир.
Упка илдизига алоқида ишлов беришда бронх чултоғи-
ни чатиш учун ишлатиладиган УКБ-25-1 ва УКБ-16-1 маркали
аппаратлар құлланилади, булар бронхга ипак
чокка қараганда камроқ асорат берадиган металл чок-
ларни анча герметик қилиб ва бирмунча тез солишига
имкон беради.

Иккала аппараттинг тузилиши бир хил, аммо
УКБ-25-1 — диаметри 25 мм гача борадиган бронхларга
тутиладиган катта модел булиб, катта ёшли одамларда
пневмоэктомия қилиш учун мулжалланган, УКБ-16 эса
кіңік моделдір, у катта ёшли одамларда килинадиган
лобэктомияларда ва болалар ҳамда ўсмирларда қили-
надиган пульмоэктомияларда диаметри 16 мм гача бо-
радиган бронхларни чатиш учун мулжалланган. Бронх-
ни тикиш учун тантал ёки кобальт симларидан биринчи
моделда оёқларининг баландлиги 4,8 мм ва иккисінчи
моделда 3,5 мм бўлгани ҳолда диаметри 0,3 мм; эни
4 мм қилиб ясалган П-симон чегалардан фойдаланила-
ди. Чега чоклари бронхда қон айланишига ҳалал бермай-

диган бўлиши учун бронх ўқига параллел қилиб жойлаштирилади.

Аппарат илмоқли таянч корпуси (70-расм, 1), қўзғалмас дастали чега корпуси (2), гайка (3), толкатель, (4), чегалар магазини (5), ҳаракатчан даста (6) ва пружина (7)дан иборат. Аппарат ишлатилиши олдидан йиғилади. Аввал қўзғалувчан даста пружинаси ўрнатилади, гайка (3)ни соат стрелкаси йўналишининг аксига қараб тақалгунча бураш йўли билан чега корпуси (2)га киритилади. Чега корпуси (2)га толкатель (4) қўйилади, чега корпуси (2) аппарат корпуси (1)га киритилади, шу билан бирга дастаси корпус пазига тушади ва гайка (3) корпус (1) уясига киради, чега корпуси



70 расм. Бронх чўлтоғини тикиш учун ишлатиладиган аппарат қисмларга ажратилган ҳолда.

1 — таянч корпуси; 2 — чега корпуси; 3 — гайка; 4 — толкатель; 5 — магазин; 6 — ҳаракатчан даста; 7 — пружина; 8 — штифт; 9 — цилиндрисимон шаклдаги таянч; 10 — матрица; 11 — қўзғалмас даста; 12 — тўғри бурчак шаклидаги таянч; 13 — предохранитель; 14 — штифт; D — штифтлар; С — корпус мази.

(2) нинг штифтлари эса гайка сурилганида пазларга кириб қолади. Шундан кейин қўзғалувчан дастаси ўрнатилади, бунда пружина таянчнинг ёнидан ўтиб, қайрилган уни ундан юқори турадиган бўлиши керак. Чега аппарати (2) бошдан-оёқ ботиб турадиган қилиб корпусга туширилади.

Дасталарни фиксациялаш учун предохранител (13)га қўйилади. Магазиннинг ҳамма пазларига (кatta mo-

делда 16 ва кичик моделда 12) учлари сал керилиб, ташқарига қараб турған чегалар пинцет билан қўйиб чиқилади. Қаллакни соат стрелкаси йўналишининг аксига қараб тақалгунча бураш йўли билан ҳаракатчан қисмлари керилганидан кейин аппаратнинг ишчи учи кўтарилиди ва чега корпуси билан магазин ясси торецини пастга қаратиб қўйилади.

Аппаратнинг тўғри йиғилганини унга чегалар жойламасдан туриб, дасталарини сиқиб кўриш йўли билан текшириш керак. Аппарат тўғри йиғилган бўлса, дасталари бемалол, ортиқча зўр бермасдан туриб сиқилади. Чегаларнинг тўғри жойланганини ҳам текшириб кўриш зарур. Предохранительни сурини қўйиб, чегалар магазин пазларидан бир оз чиққунча қўзғалувчан даста оҳиста босилади. Магазин тўғри тўлдирилган бўлса, чегаларнинг ҳаммаси пазлардан баравар чиқади. Предохранительни аввалги ҳолатига келтириб қўйиб, ҳамма чегаларнинг учлари пинцет юзи билан магазинга жойланади ва матрица билан магазин юзи бир-биринга яқинлаштирилади. Штифт (D) лар корпус лазларига киргунча гайка (3) соат стрелкаси йўналишига қараб буралади (70-расмга қаралсин).

Аппарат йиғилган ҳолида, жойланган чегалари билан бирга қайнатиб, стерилланади (71-расм). Аппарат ишлатилганида бронхнинг чатиладиган қисми матрица билан магазин орасига олинади. Гайка (3) ни соат стрелкаси йўналиши томонига бураш йўли билан магазин матрицага яқинлаштирилади. Предохранитель олиб қўйилганидан кейин дасталари тақалгунча юмилади, шунда чегалар бронхларни тикиб қўяди ва бронхи кесиб тушади. Ҳаракатчан дастаси аввалги ҳолатига келтирилиб, гайка соат стрелкаси йўналишининг аксига қараб буралганида аппарат тикилган бронхдан олинади.

Аппаратни ишлатиб бўлгандан кейин қисмларга ажратилади. Гайка (3) штифлар корпус пазларидан чиққунча соат стрелкаси йўналишининг аксига қараб буралади. Ҳаракатчан қисмининг учини кўтариб туриб, магазин чиқариб олинади. Предохранитель сурини қўйиб, ҳаракатчан дастаси, чега корпуси қўзғалмайдиган дастаси билан бирга корпус (1) пазидан чиқариб олинади ва силкитиб, толкатели (4) туширилади, гайка (3) ва пружина олинади. Аппаратнинг ҳамма қисмларини ювиб, кейин яхшилаб артилади.

Томирлар ва нервларни тикиш учун ишлатиладиган аппаратлар түғрисида түшүнчә. Аппарат томирларни учини үчига, учини ёнига қилиб тикиш ва нервларни тикиш учун ишлатилади. Аппарат икки нимтадан — таянч ва чега нимтасидан иборат. Үнинг ишчи қисми томирларни учини үчига қилиб тикиш учун мүлжалланган



71-расм. УКБ маркалы аппараттннг йигитләй ҳолда күрнүши.

1 — түмшүү; 2 — чега корпусы; 3 — гайка; 4 — толка втуль; 5 — чега магазини; 6 — ҳаракатчау дастаси; 7 — пружина.

Хар хил диаметрли 7 та олинадиган втулка хамда томирларни учини ёнига қилиб тикиш учун ишлатиладиган 6 та втулкадан иборат. Аппарат таянч ва чега нимтасици алмаштириб қўйиш хамда втулкаларини алмаштириш йули билан хар хил чок турларига мослади.

Томирни учини үчига қилиб тикишда ҳар бир учини размери лойиқ келадиган втулкага манжеталар кўрининшида ўраш ва втулкаларни бир томир булагининг ички пардаси (интимаси) йккинчи томир булагининг худди шу пардасига тақалиб турадиган қилиб бир-бирига яқинлаштириш зарур. Томирни учини ёнига қилиб тикишда томир уни манжета кўрининшида втулкага ўрлади. Томирниң ён деворидан эса, тешик очилиб, шу тешикдан томирниң уни махкамлаб қўйилган втулка киритилади. Анастомозга гир айлантириб дархол механик чок солиб чиқилади. Бу чок томирларни бир-бирига анча аниқ туташтиради ва қулда солинадиган чокларга қараганда тезроқ чиқади.

IX 606

ЭНДОСКОПИЯЛАР

Диагностика, консерватив йүл билан
ва операция қилиб даволаш мақсадың эндоскопиялар,
яғни ички органларни күздан кечириш усуллари күн
құлланилади. Ташқы мұхитта очиладын органлар (ки-
зилунгач, түгри ичак, қовуқ) ички томонидан ёки күк-
рак қафасы органлари плевра бүшлири томонидан (то-
ракоскопия), ё бұлмаса, қорин органлари қорин парда-
сы томонидан (лапароскопия), эндоскоплар ёрдамида
куздан кечирилади. Эндоскоплар нейрохирургия (вент-
рикулоскоплар ва миелоскоплар), отоларингология (ла-
рингоскоилар, отоскоплар, риноскоплар, гаймороско-
лар), гинекология амалиеті (цервиекскопия, дугласос-
копия, гистероскопия) да ҳам құлланилади ва хоказо.
Эндоскопик асбоблар қаттық ва зигитувчан асбобларга
булинади. Күздан кечиришга имкон берадын мосла-
маларидан ташқары ҳар хил конструкциядаги эндоскоп-
лар фотоприставкалар, телелупалар ва фотокинотеле-
визон установкалар билан таъминланған бұлади. Уларда
линза оптикаси ва тиниқ, шаффоф толалар күрини-
шидаги оптика булиши мүмкін.

Эндоскопни табиий йуллар оркали киритса буладиган бир қанча холларда (бронхо-, эзофаго-, гастро- ректоромано-ва цистоскопияда) эндоскопия боғлов хонасида қилинади. Эндоскопияларнинг бошқа хиллари, янын маҳсус хирургия техникаси ёрдами билангина бажарса буладиган турлари учун операция хонаси булиши шарт. Эндоскопия қилиш учун хонанинг деразаларига парда тутиб қўйилган булиши керак, шунинг учун эндоскопияларни алоҳида ажратилиб, тускуналанган эндоскопия хоналаридан килган маъқул. Бундай хоналар қоронғи қилинсан эндоскопия пайтида ёрдам бериб турадиган ишоди ви мечтадир тиниртилганин жадидликни келиб чаштириб берадиган шахарни кимбесене ви шиндириш низамини

ҳамшира столининг ўзинигина ёритадиган чироқ билан таъминланган бўлади.

Эндоскопияларни врачлар бажаради ва уларни бажариш учун худди операция вақтидагидек асептикага риоя қилиш керак бўлади. Эндоскопия пайтида ишлатиладиган асбобларнинг фақат баъзи қисмларини, масалан, эзофагоскоп ва ректоскоп найларинигина қайнатиб стериллаш мумкинлиги асептикага риоя қилишни бир қадар қийинлаштириб қўяди. Оптик системаси бор қисмлар, баъзида эса эндоскопия учун ишлатиладиган бутун асбобнинг ўзини ҳам қайнатиб стериллаб бўлмайди, уларни 2—3 соат антисептик эритмаларга (1:5000 симоб цианид эритмаси, бошқа антисептик эритмалар ёки антибиотик эритмалари) солиб қўйиш йўли билан стерилланади. Дезинфекциянинг иккинчи методи — асбобларни (масалан, цистоскопларни) маҳсус идишлардаги формалин буғларига солиб қўйиш ва шу жойда сақлашдир. Асбоблар ишлатилишидан олдин спирт билан артилади. Ишлатиб бўлганидан кейин қисмлари ювилиб, спирт билан артилади ва формалин буғлари бор идишларда сақланади ёки дезинфекция қилиниб, қутичаларга солиб қўйилади.

Эндоскопиялар қилиш пайтида боғлов хонаси ҳамширалари ёки эндоскопия кабинетининг маҳсус акратилган ҳамширалари катта роль ўйнайди. Зарур буладиган ҳамма аппаратларни тахт қилиб, стериллаб қўйиш ва эндоскопиядан кейин уларга қараш шу ҳамшираларнинг вазифасидир. Бундан ташқари, ҳамширалар эндоскопияни ўтказиша бевосита иштирок этиб, зарур асбобларни олиб бериб туради, реостатни ўчириб, ишга солиб туради ва зарур ток кучлашишини тўғрилаб боради. Эндоскопияларни бажариш вақтида асоратлар рўй бериб қолиши мумкинлигини олдиндан ҳисобга олиб қўйиш керак. Ходимлар ана шу хавф-хатардан огоҳ бўлиши, реанимация чора-тадбирларини билиши, нафас олдириладиган аппаратлар ва керакли дори-дармонлар слдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим.


Бевосита ларингоскопия. Клиника амалиётига комбинацияланган (аралаш) замонавий наркоз методлари жорий қилинганидан кейин бу манипуляция айниқса кенг расм бўлиб қолди. Бундан ташқари, шу манипуляция ҳиқилдок, қизилўнгачнинг оғзи ва юқори қисмини кўздан кечириш ва операция қилиш мақсадида

құлланиладиган бұлиб қолди. Уни бажарыш учун ҳар хил моделдаги ларингоскоплар ишлатилади.

Ларингоскопнинг устки қисми — олинадиган тиглари (72-расм, 8,9) — тил илдизи ва эпиглоттисни сурыш учун хизмат қиласында шпател үрнини босади. Шу тузилмалар сурилганида тигига үрнатылған лампочка ёруғидан қалқумни ва ҳиқилдоққа кириш йүлини құздан кечиришга имкон туғилади. Лампочкалари дастаси (1) даги батареялар ёки кучланишни З в гача камайтирадиган трансформатор орқали электр тармоғидан ток олиб ёнади.

Ларингоскопни ишлатишга тайёрлашда гильзаси (4) га З та қуруқ гальванник элемент (кучланиши 1,5 в) жойланиб, гильза дастаси (1) га солиб құйилади ва қопқоғи үндаги дастадағи пазларға штифтлар кириб турадиган қилиб бекитилади. Ларингоскоп электр тармоғидан ток оладиган бұлса, дастасига приводлы вкладиш (3) жойланиб, вилкаси (7) трансформаторга уланади. Ларингоскопнинг қисмларидан биронтаси ҳам стерилланмайды, лекин тиглари спирт билан яхшилаб артилади.

Юқори нафас йүлларидан бошланадиган рефлекслар блокада қилиб қўйилған тақдирдагина ларингоскопия қилиш мумкін. 5—10% ли кокани эритмаси ёки 1% ли дикани эритмасидан фойдаланыб, шунингдек наркоз шароитларида юқори нафас йўлларидан бошланадиган рефлексларни блокада қилиб қўйса бўлади. Бехуш бўлиб ётган касалларда ларингоскопия қилиш ва кейин трахеяга пайча қўйиш ишларини олдиндан анестезия қилмасдан туриб бажарыш мумкни.



72-расм. Тиглари олинадиган ларингоскоп.

1 — дастаси; 2 — электр лампочка; 3 — дастага солинадиган шурӯлар вкладиш; 4 — батарея қўйиладиган гильза; 5 — втулка муфтаси; 6 — батарея бекитиладиган қопқоғ; 7 — вилка; 8 — тұғры тиг; 9 — бүкік тиг.

Ларингоскопия пайтида касал елкаси тагига 8—10 см баландликда ёстиқ қўйилиб, чалқанчасига ётқизилади ва пастки жаги имкони борича катта қилиб очилганида ҳикилдоқ, ҳалкум ва оғизнинг ўқи бир чизиқда турадиган қилиб, боши сал ростлаб қўйилади. Ўнг қўлнинг I ва II бармоқлари ёрдамида касалнинг оғзини катта қилиб очилади, чап қўл билан эса, ларингоскоп тиги танглай билан тил орасидан танглай пардаси томонига қараб киритилади (73-расм). Бемор тили юқорига ва урта чизиқка томон суриниб, танглай пардасининг

тилласи, ларингоскоп тиги ичкарироқ суринганида эса (74-расм) эпиглотис кўринадиган қилиб қўйилади. Кейин ларингоскопнинг хилига қараб манипуляция ҳар хил қилиб олиб борилади. Тўгри тигли ларингоскоп шилатилаётган бўлса, эпиглотисни учидан ушлаб юқорига, тил илдизига суриниб қўйилади. Шундан кейин кўрув майдонида эпиглотис асосида овоз тирқиши пайдо бўлади.

Манипуляция эгри тигли ларингоскоп билан қилинаётган бўлса, асбоб тил илдизи билан эпиглотис асоси орасига солинади. Бу ҳолда овоз тирқишини очиш учун тил илдизини юқорига суриниб қиласи.

га суриниб қўйиш кифоя қиласи. Асбоб тиги яна суринганида қизилўнгачга кирниш йўлини ҳам кўрса бўлади. Ларингоскопия трахея интубацияси мақсадида қилинаётган бўлса, кўз билан текшириб туриб, унг қўл билан овоз тирқишига гегинчили диаметрдаги интубация найи киритилади (75-расм).

Бевосита ларингоскопия ва трахея интубациясидаги муваффақиятсизликларнинг кўпчилиги интубация наийининг қизилўнгачга тушиб қолиши ёки бирор томондаги ўпканинг бош бронхига ўтиб кетиши (бир ўпка интубацияси)га боғлиқ бўлади. Анатомик үзаро муносабатларни билиш, ларингоскопия техникасини тўғри ва тартиб билан бажариш, интубация қилинганидан кейин нафас шовқинларини диққат билан эшишиб куриш ана шундай хатолардан ҳоли бўлишга гаровдир.



73-расм. Оғиз бўшлиғига ларингоскоп солиш.

Юқори жаг тишларини шикастлаш ларингоскопияда йўл қўйиладиган энг қўпол хатодир. Эпиглоттисни суреб қўйиш вақтида ларингоскоп тигидан ричаг ўрнида фойдаланилмаса, бу асоратдан холи бўлиш осон.



74-расм. Иккичи ва учинчи анатомик мўлжаллар — эпиглоттис ва овоз бойламлари.




75-расм. Ларингоскоп ёрдами билан интубациоп пай солиш.

Трахея интубациясининг ўзи ҳам жиддий асоратларга сабаб бўлиши мумкин, анетезиянинг юзаки бўлиб қолиши ва интубация найини овоз тирқишига куч билан, қўполлик қилиб киритиш ларингоспазмга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда гоҳо бронхиолоспазм кўрилиши ҳам мумкин.

ЭЗОФАГОСКОПИЯ

Қизилўнгачнинг ички юзасини (шиллиқ пардасини) кўздан кечириш — эзофагоскопия методи клиника амалиётида кенг расм бўлиб қолди. Қизилўнгачга найча (трубка) киритиб, шу найчадан лампочка билан ёритиб қизилўнгач деворлари ва йўлини курса бўлади. Эзофагоскопия диагностика мақсадларида қизилўнгачда қандай бўлмасин бирор касаллик (ёт жисм, ўсма, куйишдан кейин торайиб қолган жойлар ва бошқалар) бор-йўқлигини аниқлаш учун қўлланилади. Қизилўнгачни кўздан кечириш вақтида махсус ас-

боб билан диагностика мақсадида бир бұлак шиллиқ парда ёки ўсма бұлагини олиш мүмкін (биопсия). Шу билан бир вақтда даво мақсадларида: ёт жисмни олиб ташлаш, торайған жойини күз билан күриб туриб бужлаш, кичикроқ хавфсиз ўсмаларни олиб ташлаш мақсадида ҳам эзофагоскопия қилиниши мүмкін.



76-расм. Эзофагоскоп дастасы ва чироги.


1 — най хвостовиги киритиладиган уя; 2 — чироқ патрони; 3 — линза-конденсатор; 4 — ҳаракатчан корпус; 5 — күзгүн мәйлум қиялықда тутиб турадиган винт; 6 — созлаш винти; 7 — күзгүн мәйлум қиялықда тутиб турадиган винт; 8 — чироққын ёқиши дляжоги.

Эзофагоскопияны оғир юрак-томир касалларларидан, касалларнинг умумий ахволи оғирлашиб қолғанида, меъда-ичак йўлидан қон кетаётганда, умуртқа погонаси сезиларли даражада қийшайиб қолган ҳолларда, матта бұқоқ борлигидан қызылунгач куйганидан кейинги биринчи кунларидан қилиб бўлмайди.

Эзофагоскопия боғлов хонасида ёки эндоскопиялар учун мўлжалланган алоҳида хоналарда қилинади. Хонанинг ҳамма ёғини қоронғилатиш шарт эмас, бироқ врачининг күзларига тик ёруғлик тушмайдиган бўлиши

керак. Эзофагоскоп ва бошқа асбобларни териб қўйиш учун боғлов столи ёки столчаси бўлиши зарур. Эзофагоскопия наркоз остида қилинадиган бўлса, наркоз аппарати ва наркоз ускуналари турадиган столча ҳам зарур бўлади.

Эзофагоскопия учун махсус асбоб — эзофагоскои ишлагилади. Бу асбоб (76-расм) металл даста — патрон (2) га ўрнатилган ёритиш системаси ва цилиндриксимон найлар (трубкалар), яъни ташқи (77-расм, 1) ва ички найлар (2) тўпламидан иборат, ёритиш системасининг ичида ўз ёритувчи асбоби билан таъминланган сурма стержень жойлашган. Оптик системаси электр лампочка, линза (76-расм, 3) ва оптик ўқига 45° бурчак остида жойлашган ясси кўзгудан иборат. Лампочка нури кесикли кузгу ёрдамида акс этиб, хвостовиги (77-расм, 4) бор эзофагоскоп найининг йўлига тушади, эзофагоскоп найининг хвостовиги дастасининг уяси (76-расм), 1) га киритилади ва винт билан маҳкамлаб қўйилади. Кўзгуси тортма кожух (5) да туради, бу — керак бўлганда уни кўтаришга, эзофагоскоп найини артиш ёки эзофагоскопга асбоб киритишга имкон беради. Тортма корпусдаги тирқишиксимон кесик асбоблар (омбурлар, пахта тутгичлар, сўриш найлари ва бошқалар) учун мўлжалланадигандир.




77-расм. Эзофагоскоп пайи.

1 — ташқи най; 2 — ички най; 3 — ички най пружинаси;
4 — чироқ дастасига маҳкамланадиган хвостовик.

Эзофагоскоп ташқи найи қизилўнгачдан кўра калтариқ бўлганлигидан, кожух билан кўзгуси тортиб қўйилганидан кейин ички найлари — узайтиргичлари киритилади (77-расмга қаралсун). Ички найларида пружина (3) бор, шу пружинаси ёрдамида асбобни узайтириш учун ички найни ташқисидан тортиш ёки ундан чиқариб олиш мумкин. Найлари одатда овал шаклида бўлади, шу билан бирга қизилўнгачга киритиладиган ташқи найининг учи думалоқланган бўлиб, шаклан шпа-

телга үхшайды. Ички найининг учи ҳам думалоқланган. Ташқи найининг юзасига сантиметр шкаласи туширилган, бу шкала ички найининг пружинасида давом этади ва текшириш вақтида асбобнинг нечоғлик ичкарига ўтганлигини осон билиб олишга имкон беради. Эзофагоскоп реостат орқали ёритиш тармогига уланади. Аппарат дастасида махсус виключатель ҳам бор (76-расм, 8 га қаралсин) у чирогни ёкиш ва учиришга имкон беради.

Эзофагоскоп тўпламида пахта тутгичлар ҳам булади. Булар иккى нимта бўлиб, бир-бирига бураб, яхлит қилинади ва учидаги пахта ўраб кўйиш учун винт нарез-



78-расм. Ёт жисмларни олиб ташлаш учун ишлатиладиган омбур.


1 — най; 2 — ҳаракатчал ҳалқаси; 3 — пай узайтиргичи; 4 — узайтиргич маҳкамалаб қўйиладиган втулка; 5 — пай бўклимаси; 6 — паколечник; 7 — сим лентаси; 8 — симни маҳкамлаш винти; 9 — ползунок.

каси булади. Кизилунгачнинг шиллиқ пардасидаги қон, йиринг ва карашлар шу пахта билан артиб олинади. Артиш учун ишлатиладиган суртмани тўгри тайёрлаш учун узунгина стерил пахта бўлаги олинади ва бир учидаги пахта тутгич нарезкасига зич қилиб тақаб, пахта тутгич соат стрелкаси йўналишига қараб айлантирилади. Пахта тутгични соат стрелкаси йўналишининг аксига қараб буралса, пахтани алиштириш учун олиб ташлаш осон.

Бионсия ва ёт жисмларни олиб ташлаш учун ишлатиладиган омбур (78-расм) ўнг қўлнинг бош бармогига мўлжалланган ҳалқа (2) га маҳкамланган най (1) ва шу қўлнинг II ва III бармоқлари орасига олинадиган сурилувчан ползунок (9) дан иборат. Най (1) ва ползунок (9) ичидан шаклан лентага үхшайдиган сим (7) ўтган. Унинг найдан ўтадиган учидаги ҳар хил учникларни бураб киритиш учун нарезкаси бор. Симни махсус винт (8) билан сурилувчан ползунокка маҳкамлаб қўйи-

лади. Най сурнливчан втулка (4) билан махкамланадиган узайтиргич (3) ни улаш йўли билан узайтирилиши мумкин.

Биопсия учун тўқима бўлакчаси олиш ва ёт жисмларин олиб ташлашдан олдин омбурлар учига тўпламдаги учликлардан тўғри келадиганини олиб, бураб қўйилади. Биопсияда думалоқ ўткир қошиқчалар кўриннишдаги учлик олиса, ёт жисмларни олиб ташлаш учун жаги овалсимон учлик, катта ёки кичик панжали ё бўлмаса катта ёки кичик дарчали учлик ёхуд ниҳоят, ичи ковак ва найсимон ёт жисмларга тутиладиган учлик олиниади. Юмалоқ ёт жисмларни чиқариб олиш учун ўткир ва ўтмас илмоқчалар ишлатилади.



79-расм. Сўргич.

1 — баллон; 2 — сўрувчи клапани; 3 — оливасимон наконечник; 4 — шиша колба; 5 — резина най; 6 — колбадан суюқлиқ қўйиб ташланадиган ўсик; 7 — клип; 8 — эзофагоскопдан киритиладиган най.

Эзофагоскопия вақтида суюқлиқларни тортиб олиш учун сургичлар ишлатилади (173-бетга қаралсин) ёки эзофагоскопик тўпламга қўшиб бериладиган кичкина сўргичдан фойдаланилади (79-расм). Бу сўргич сўрувчи клапани бор баллон (1) ва оливасимон учликдан иборат, шу учликка шарсимон шиша колба (4) ўсигидан келадиган резина цай кийгазиб қўйилади. Шиша колбанинг худди шундай иккинчи ўсигига тўпламдаги учта букилган узун-қисқа металл наидан бири (8) га туташтирилган резина най кийгазилади. Металл най, уни эзофагоскоп найига киритиб, суюқлиқни сўриб олиш

учун мұлжалланған. Шиша колбанинг сүриб олинған суюқлиқни тұқиб ташлашга хизмат қыладыған учинчи үсиги (6) резина тиқин билан беркитилганидан кейин сүрғич ишлатиши тайёр бұлады. Сиқылганидан кейин ростланадыған резина баллон шиша колба ичіда сийракланиш ҳосил қылады, шунға күра суюқлик қызил-йұнгачдан әгік най орқали шиша колбага оқиб үтады.

Эзофагоскопиядан олдин лампочка ва электр симларнинг бекам-құстлигін текшириб күриш зарур. Күпі билан 6 в кучланиш ва 350 ма ток кучи берадыған су-сайтирувчи трансформаторга аппаратни улаб күриб буни текширса бұлады. Ҳамма контактларни текшириб чиққандан кейин лампочкаси уланады; у ёнмайдыған бұлса уни чиқарыб олиб, лампочкани, электр шнурнинг бұтунлигини ва ҳамма контактларни алохыда-алохыда текшириб чикиш керак. Лампочка күпинча, хусусан, чироқ сурілганида лишиллаб ёнады, бу — дастадаги вилкада ёки электр симда контакт яхшимаслигига боғлиқ бұлады.

Дастасидаги уяға керакли най қўйилиб, у винт билан маҳкамланғандан кейин эзофагоскоп лампочкаси ёндирілады ва ёруғлик тутамининг най үқи бўйлаб йўналиши тўғриланады. Бунинг учун линза корпуси ўз үқи атрофида буралиб, кўзгу тегишлича қия қилиб қўйилади. Асбоб яхши ростланған бўлса, най уни олдига бир текис ёритилған тўғарак тушади. Керак бўлиб қолиши мумкин бўлган тегишли ички найнинг бемалол сурілиш-сурілмаслиги ҳам текшириб кўрилади. Тамион тутқичлар бураб киритилади. Омбурлар ишлатиш учун қўйнадигича тайёрланади. Винт (78-расм, 8) бураб чиқарилади ва шу тариқа ползунок бўшатилади, резьба билан қопланған яссц симнинг бир бўлаги чиқарыб олинади ва үнга керакли учлик тақалгунча бураб киритилади. Сурма втулка (9) ҳалқагача суріб қўйилади ва учликининг жаглари батамом юмилмагунча сим ползунок тортилади. Ползун шу ҳолида винт (8) билан маҳкамлаб қўйилади. Омбурлар шу ҳолида юмуқлигича киритилиши мумкин. Ползунокдаги сурма втулка (9) ҳалқа (2) дан нари суріладыған бўлса, учлик очилади, уни ҳалқага томон суріладыған бўлса, жағ ёки тищчалар юмилиб, биопсияда ёки ёт буюмни чиқарыб олишда тўқима ёки буюмни тишлаб олади.

Аппаратни ишлатишга тайёрлаш учун найчаларини, пакта тутгичларини; илмоқчаларини, омбурларини, уларга қўйиладиган учникларини стериллаш керак. Лампочкали дастасини спирт билан артиш мумкин. Эзофагоскопияда ёрдам берадиган ҳамшира худди операцияга тайёрлангандек қилиб, қўлларини ювади, дезинфекцияланган қўллари билан суртиш учун ишлатиладиган пакта бўлакларини тайёрлаб, асбобларни столга териб қўяди ва устидан стерил чойшаб ёпади. Омбурларнинг қандай ишлаши айниқса синчиклаб текшириб қўрилади. Ҳамширанинг эзофагоскопияда берадиган ёрдами текшириш вақтида керак бўлиб қоладиган ҳамма нарсани олиб бериб туриш, реостат ёрдами билан ёруғлик равшанлигини тўғрилаб беришдан иборат.

Эзофагоскопиядан олдин беморни тайёрлаш зарур. Текшириш одатда наҳорга утказилади ва ёт жисем тиқилиб қолган бўлсагина шошилинч чора қўриш зарурлиги муносабати билан меъда тўлиб турган ҳолларда ҳам эзофагоскопия қилинаверади. Текширишдан 20—30 минут олдин тери остига 1 мл 2% ли промедол, 0,8—



80-расм. Эзофагоскопия.

1 мл 0,1% ли атропин эритмаси юборилади. 3% ли дикайн эритмаси билан маҳаллӣ анестезия қилиб, оғриқсизлантирилади ва ютиш рефлекси бартараф этилади. Шу мақсадда юмшоқ танглай, ҳалқумнинг ўрта ва пастки бўлимлари, эпиглоттис, ҳиқилдоқ ва қизилўнгачнинг оғзи дикайн эритмасига ҳўлланган нахта тампон билан артилади. Дикайн эритмасини шприц ёрдами билан

пуркам ёки томчилаб юбориш ҳам мумкин. Болаларда эзофагоскопия наркоз остида қилинади.

Эзофагоскопия қилиш учун бемор ўтқазиб қўйилади (80-расм), баъзан чалқанчасига ётқизиб, бошини пастга эркин осилиб турадиган қилиб қўйиб, камдан-кам ҳолларда бир ёнбошига, қорин билан ётқизиб қўйиб ва тиззалари билан тирсакларига таяниб турадиган ҳолатда эзофагоскопия қилинади. Эзофагоскопия бошида касалга тилини дока салфетка билан учидан ушлаб иложи борича кўпроқ тортиб туриш, юқори жаг билан тишларининг учи қизилўнгач билан бир тўғри чизиқда турадиган қилиб бўйини ростлаш таклиф қилинади.

Эзофагоскопия қилаётган киши эзофагоскопни ўнг қўли билан дастасидан ушлаб, вазелин сурниб қўйилганинг учини ўрта чизиқ бўйлаб тил илдизига қўяди. Беморнинг юқори лаби сурниб турилади, шунда тишлар билан най орасига тушиб қолмайди. Тил илдизига аста босилади, устидан спрғанма ҳаракат қилиб эннеглогтиң олдинга сурилади ва ҳиқилдоқни қайнириб ўтиб, ноксимон чуқурчаларининг бирига тушилади. Бемор тилини қўйиб юбориб, эркин нафас ола бошлаганидан кейин оғзи иложи борича кенгроқ қилиб очилади. Қўз билан қараб қизилўнгачга кириш йўли тонилганидан кейин касалдан чуқур нафас олиш сўралади ва қизилўнгачга эзофагоскоп найни киритилади. Айни вақтда ёрдамчи киши касалниг бошини максимал даражада ёзилган ҳолда тутиб туради ва bemorning орқаси ростланган бўлишига қараб боради. Қизилўнгачнинг бирмунича ичкаридаги бўлимлари ва меъдага кириш қисмини кўздан кечириш учун най калталик қилиб қоладиган бўлса, ички най (трубка) қўйилади ва қўз билан текшириб борган ҳолда бу най керакли чуқурликка туширилади.

Эзофагоскопни чиқариб олинида аввал ички найни олиниади, сунгра қизилўнгачнинг деворларига қараб гуриб, ташқи найни оҳиста чиқариб олиниади. Кўздан кечириш учун шилимшиқ, йиринг, қон ҳалақит берадиган бўлса, кўзгуси қайтариб қўйилади, эзофагоскоп ва қизилўнгач девори пахта тутгич билан ушланганинг дока билан артиб олиниади ёки суюқлик сўргич билан сурниб олиниади. Ет жисмни олиб ташлаш учун эзофагоскопия қилаётган кишининг ўнг қулига олдиндан тайёрлаб қўйилгани омбур берилади (198-бетга қаралсин); омбур

күзгү қайтариб күйнлганидан кейин найга солинади ва күзгуси олдинги жойнга күйилиб, керакли мақсадда күз билан текшириб туриб ишлатилади.

Учрайдиган асоратлари — юқори жағ тишлари, қизилунгач шиллик пардаси деворлари ва бошқа қаваттарининг эзофагоскоп найи ва ёт буюм жисем чиқариб олинаётганда шу жисем билан шинкастланиши. Қамданкам ҳолларда бемор диканндан заҳарланиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда антидотлар (барбитуратлар) юборилади. Ҳеч бир асорат бұлмаса, эзофагоскопиядан кейин 1—2 соат үтказиб, яхшиси анестезиядан пайдо бўладиган ноҳуш сезгилар босилиб қолганидан сўнг bemорни уйнга жўнатса бўлади. Асоратлар бўлса, ёт жисем чиқариб олинидан кейин bemор касалхонада қолдирилади. Эзофагоскопия тамом бўлганидан кейин аппаратнинг ҳамма қисмлари ажратиб олиниб, оптик системали дастаси ва ёритиш системасидан ташқари ҳамма қисмлари ювилиши керак. Дастаси спирт билан артилади ва аппарат яшикининг тегишли уясига солиб кўйилади.

ТРАХЕОБРОНХОСКОПИЯ

Трахеобронхоскопия ҳиқилдоқ ва бронхларни уларда усмалар, торайған жойлар бор-йўқлигини текшириб кўриш учун, биопсия қилиш учун диагностик мақсадда қўлланилади. Трахеобронхоскопиянинг даво аҳамияти ёт жисмлар, кичикроқ усмаларни олиб ташлаш, йирингни сўриб олиш, обтурацион ателектазларни ростлаш ва дори моддаларини ишлатишга имкон бершидадир. Монеликлари, аппаратни текшириб кўриш ва bemорни тайёрлаш йўллари эзофагоскопияники билан бир хил (195-бетга қаралсин).

Эзофагоскопия учун қандай асбоблар набори (бронхозофагоскоп) ишлатиладиган бўлса, трахеобронхоскопия учун ҳам худди ўшаларнинг узи ишлатилади, аммо диаметри кичикроқ трубкалардан фойдаланилади; ички трубкасида уни бронхга солинганида нафас олишга имкон берадиган ён тешниклари бўлиши керак. Маҳаллий анестезия қиласа ҳам бўлади, лекин наркоз берган маъкул. 3% ли дикани эритмаси билан маҳаллий анестезия қилинадиган бўлса, йўтал рефлексини бартараф этиш

учун ноксимиң чуқурчаларни, ҳиқилдоқ ва трахея шиллиқ пардасини анестезиялаш керак бўлади.

Бронхоскопия қилиш учун касал ўтқазиб қўйилади ёки чалқанчасига ётқизилиб, елкалари стол чети дамига келтирилади ва боши осилтириб қўйилади ё бўлмаса бошини орқасига ташлаб чап ёнбоши билан ётқизилади. Ёрдамчиларниң вазифаси: бири — зарур асбобни олиб бериб туради, иккинчиси — касалнинг бошини имкони борича орқасига ташлаган ҳолда ушлаб туради. Трахеобронхоскоп трубкаси аввалига худди эзофагоскопиядагидек тил илдизига қараб сурилганидан кейин трубка ҳиқилдоқнинг орқа қисмидаги товуш бойламларини одам чуқур нафас олган пайтда кериб ўтиши керак. Трубка тумшугини шу пайтда товуш тирқишига наараллел қилиб қўйган маъқул. Трахея кўздан кечирилганида оқиш тогай ҳалқалари куриниб туради. Трахеядан трубка осон юради. Чап бронхни кўздан кечириши учун bemorninig боши ўнгга, ўнг бронхни кўздан кечириши учун эса — чапга бурилади. Трубка трахея ва бронх бўйлаб юргазилганда йўтал рефлексини босиш учун маҳаллий анестезия остида яна дикайн пуркалади.

Зарур бўлса, бронхдаги суюқлик сўриб олинади ва дори мсддалари юборилади. Асбобни чиқариб олинда аввал ички, кейин ташки трубкаси чиқариб олинади.

Аппаратга қараб туриш йўли 201-бетда тасвирланган.

Урайдиган асоратлари: дикайндан заҳарланиш, буни бартараф этиш учун барбитуратлар берилади. Реакция сустроқ булиши учун анестезиядан 20—30 минут олдин bemorga 0,1 г барбамил берилади, дикайн билан чайнш вақтида бу иш дам бериб-дам бериб аста-секин қилинади, bemorninig аҳволига қараб борилади. Заҳарланиш бошланиб келаётганини кўрсатадиган белгилар пайдо бўлиш билан шиллиқ пардалар олдиндан тайёрлаб қўйилган бикарбонат сода эритмаси ёки физиологик эритма билан ювилади. Тери остига 1 мл 20% ли кофени эритмаси юбориш ва келиб чиқсан ўзгаришларнинг табиатига қараб (нафас ва қон айланишининг нечоғлиқ бузилганлигига қараб) зарур чораларни кўриш ҳам керак бўлади.

Эзофагоскопияда қандай асоратлар учраса, трахеобронхоскопияда ҳам худди шундай асоратлар учрайди;

бундан ташқари товуш бойламлары шикастланиб, кейингі ҳиқилдоқ шишиб кетиши мүмкін. Трубка бронхга кири-тилгандан нафас қийинлашиб қолиши мүмкін. Текшириш тугаганидан кейин бемор касалхонада қолдирилади. Эзофагоскопиядан кейин аппарат қандай қилиб то-заларапидан бұлса, бунда ҳам худди шундай қилиб тозаларапади.

ГАСТРОСКОПИЯ


Меъда касаллигининг табиатини (гастритлар, полиплар, ракни) аниқлаш мақсадида уни күздан кечириш учун оғиз ва қизилұнгач орқали гастро-скоп (81-расм) киритилади. Гастроскопияниң құлланиш асосан ұсма борлығига шубҳа туғирилб, бошқа текшириш методлари билан диагнозни аниқлаб бұлмайдыган ҳолларда үрииlidir. Бир қанча ҳолларда — гастритларда меъда пардасини батафсыл текшириш учун гастро-скопиядан фойдаланилади.

Оғир юрак касаллуклари (декомпенсация), аорта аневризмаси, гипертония, касалнинг ҳарсиллаб турғани, анча семизлиги, умуман дармонсиз бўлиб қолганлиги ва гастроскоп киритишга ҳалал берадиган касаллуклари (қизилұнгачнинг торайиб қолганлиги ва умуртқа поғонасининг эгрилиги), шунингдек меъдасидан қон кетиб турганлиги ва яра процессининг құзинганлиги гастроскопия учун монелик қиласи.

Гастроскоп оптик системаси бор айрим ҳалқалардан ёки толалар, яъни фибриллалардан (фиброскоп) ташкил тоғдан әгилувчан пай. Электр шнурлы виключатель — даста, ҳаво бериладиган баллон ва ёритиш системасидан иборатdir. Ёритиш системасыда 6 в га мұлжалланған лампочкаси бор. Лампочка билан ёритилған меъда деворининг тасвири призма ва оптика орқали күз билан қараб туриладиган окулярга тушади. Окулярга үриатылған ҳалқа ёрдами билан призма буралса, меъданинг ҳамма томонини гир айланасига куриб чикиш мүмкін.

Гастроскоп стерилланмайды, балки ишлатини олди-дан синтетикалык артилади ва текшириш тамом бўлғанидан кейин қуруқ қилиб яна артиб қўйиллади. Гастро-скопия наҳорга ўтказилади, текширишдан 30 минут олдини беморга 1 мл 1% ли пантопон эритмаси ва 1 мл

0,1% ли атропин эритмаси инъекция қилинади, Оғриқ-сизлантириш ва ютиш рефлексини босиши мақсадида ҳиқилдоқ шиллиқ пардасынга сурыш учун 3% ли дикайн эритмаси тайёрланади.



81-расм. Меъданни гастроскоп ёрдами билан кўздан кечириш схемаси.

1 — қизилўнгачининг кардиал бўлими; 2 — меъданинг кичик эгрилиги; 3 — меъда пилоруси; 4 — ўн икки бармоқ ичак; 5 — меъда синуси; 6 — ҳалқум; 7 — қизилунга; 8 — меъда гумбази; 9 — меъда танаси; 10 — меъданинг катта эгрилиги; 11 — меъданинг каудал кутби.

Касал аксари чап ёнбоши билан ётқизиб қўйилади, меъда туви кўздан кечириладиган бўлса, ўтқазиб қўйилади. Чап ёнбоши билан ётган булса касал чап оёғини узатиб, ўнг оёғини тизза ва чаноқ-сон бўғимларидан букиб олади. Ўнг қўлинин гавдаси бўйлаб узатиб ётади, чап қўлинин эса тирсагидан букиб олиб, орқасини ростлайди ва бошини орқага ташлайди. Юмшоқ танглай,

лак-лук, таңглай равоқлари, ҳалқум, қизилүнгачга кириш йўли ва унинг бош қисмига дикани эритмаси сурилганидан кейин меъдадаги суюқликни чиқариб ташлаш учун унга зонд солинади.

Гастроскоп ҳалқумнинг орқа девори бўйлаб қизилүнгачга, кардия орқали ўтганини кўрсатадиган белгисигача киритилади. Баллон ёрдамида ҳаво берилиб, меъда девори ёзилади. Окуляр ёнида жойлашган ҳалқани бураш йўли билан меъданинг деярли бутуни юзаси гир айланасига кўрниб чиқилади. Гастроскопияда **асорат** юз бериши мумкин, қизилүнгач ва меъданинг шикастланиши шу жумладандир. Гастроскопия тугаганидан кейин гастроскопни ювиб, яшигига солиб қўйиш керак.


РЕКТОРОМАНОСКОПИЯ

Ичак шиллиқ пардасининг ҳолатини текшириш, хроник дизентерия, проктитлар, колитлар, яралар ва ўсмаларда яллиғланиш процесслари (полиплар, папилломалар, рак) борлигнин аниқлаш мақсадида тўгри ичак ва S-симон ичакнинг бош қисмини кўздан кечириш учун ректороманоскопия қилинади. Ректороманоскопия ёрдамида ичакни кўздан кечириш билан бир қаторда бактериологик текшириш учун материал олиш, шиллиқ пардани даво мақсадларида куйдириш ва полипларни термокаутер ёрдамида оёқчасида қирқиш ёки коагуляция қилиш йўли билан олиб ташлаш, текшириш учун ўсма бўлакчасини олиш (биопсия қилиш) ва бир қанча бошқа оператив манипуляцияларни бажариш мумкин. Геморроидал тугуллар тромбозида, орқа тешик соҳасида ўткир яллиғланиш процесслари ва ёриқлар борлигида (буларда трубка киритиш жуда қаттиқ оғриққа сабаб бўлади ва анестезиядан кейингина ректороманоскопия қилишга имкон туғилади) ректороманоскопия қилиб бўлмайди.

Бу текширишда медицина ҳамширасининг вазифаси касални тайёрлаш, ҳамма асбобларни таҳт қилиб, текшириб қўйиш ва ректороманоскоп киритилганидан кейин врачга қарашиб туришдан иборатdir. Ичакда қолиб кетган ювинди сув ёки суюқ ахлат ҳар ҷаҳон оқиб тушиши мумкин, шу сабабдан медицина ҳамширасин тайёрлаб қўйиши керак, обтураторни чиқариб олиш

пайтида шу тос ректороманоскоп трубкасининг ташқи учнга тутилади.

Ректоскоп (82-расм) түғри ичакка киритиладиган узун-қисқа қаттиқ металл трубкалар ва трубка тешигини бекитиб тураладиган обтураторлардан иборат.



82-расм. Ректоскоп («Красногвардеец» заводи ишлаб чиқарган Р-60 маркали модели).

1 — күріш нәйі; 2 — оливали мандрел; 3 — каллак түткіч; 4 — лампа түткіч; 5 — ҳимоя ойнаклы қопқоқ; 6 — катталаштириб күрсатадиган линза; 7 — алмаштырыб қўйиш дастаси; 8 — электр шнур вилкаси; 9 — электр шнур наконечниги; 10 — электр лампочка.

Катта ёшли одамларга тутиладиган най (1) ларнинг ташки диаметри 20 мм ва узунлиги 20, 25 ва 30 см бўлса, болаларга тутиладиган трубкаларнинг диаметри 12 мм ва узунлиги 20 см дир. Трубканинг нечогли ичкари кирганини билиш учун унда 5 см оралатиб қўйилган белгилари бор. Трубканинг бир учি кесик бўлиб, четлари ўтмаслаштирилган. Иккичи учидаги обтуратор қопқоғини ёки ҳимоя шишиасини маҳкамлаб қўйишга имкон берадиган нарезкалари бор.

Обтуратор (2) ректоскопни киритишни осонлаштиради. У трубканинг кириш тешингини бекитиб тураладиган оливасимон учликдан иборат бўлиб, трубка учига ўрнатилган лампочка учун кесиги бор. Узун ва қисқа трубкалар учун битта обтуратор бўлади, шунга кўра қопқоғини суриш ва кисқич втулкасини бураб, маҳкамлаб қўйиш ўли билан ўрнатилиши керак. Обтуратор трубкани

орқа чиқарув йўлидан киритиш учунгина хизмат қила-ди, шундан кейин у чиқариб олинади ва трубкага ҳи-моя шишали-каллак тутқич (3) ўрнатилади. Каллак ҳам, худди обтуратор сингари, нарезка ёрдамида рек-тат трубкага маҳкамлаб қўйилади. Каллакнинг махсус уясига трубка узунлигига лойиқ келадиган лампа тут-қич (4) ўрнатилади. Каллакнинг олдинги қисмига кал-лак штифтини кесигига киритиб қўйиш йўли билан ҳимоя шишали қопқоқ ўрнатилади. Каллакда жўмрак-ча ва оливасимон ўсимта бор, дам бериладиган баллон-нинг резина найи ва даста (7) бириктириладиган втул-каси шунда кийгазилади. Дастаси каллак втулкасига кийгазилади, иккинчи учига эса электр шнур вилкаси (8) киритилади. Дастасидаги ҳалқасимон виключател-ни юқори ва пастки суриш йўли билан реостатдан кела-ётган электр токини улаш ва узиш мумкин. Ректоскоп-нинг ёритиш системаси лампа тутқичлар, яъни ичиди изоляцияланган сими бор ингичка найчалардан иборат. Ректоскоп трубкаларига ҳар хил размерли трубкачалар тўғри келади. Улар резбали учи билан каллакка бураб киритилади, иккинчи учиди эса лампочкаларни бураб қўйиш учун нарезкаси бўлади. Ректоскоп наборида паҳтатутгичлар ҳам бўлади, булар паҳтани ўраш учун нарезкаси бўладиган ва бир-бирига бураб қўйиладиган нимталардан иборатdir (198-бетга қаралсин).

Дам бериб ҳаво киритиш учун Ричардсон бал-лонидан ёки бир учига сўрувчи клапан қўйилган ре-зина грушадан иборат махсус дам бергичдан фойдала-нилади. Баллон каллакнинг оливасимон ўсимтасига кийгизиладиган резина найча ёрдамида ректоскоп кал-лаги билан туташтирилади. Асбоб наборида лупа (6) бўлади, буни бошга тақиб олиш мумкин. Бундан таш-кари, ҳимоя қопқоқ бўлади, обтуратор чиқариб олинга-нидан кейин бу қопқоқ трубка учига бураб қўйилади ва ичакни кўздан кечиришга имкон беради.

Аппаратни ишлатишга тайёрлашда лампочкали лам-па тутқични каллагига ўрнатиб ва 2,5 в кучланишли ток берадиган пасайтирувчи трансформатордан келади-ган сим вилкасини дастасига улаб, электр симларининг бутунлиги текшириб курилади. Лампочканинг ёнмасли-ги унинг яроқсизлигига ёки уланиш жойларида контакт-ларнинг ёмонлигига боғлиқ бўлиши мумкин, шунинг учун уларни олдиндан текшириб кўриш лозим. Лампоч-

ка ёнадиган бўлса, дастасидаги ҳалқасини суриш йўли билан ўчирилади, каллакка узунлиги тўғри келадиган ректал трубка бураб киритилади, шу билан бирга лампочкаси трубканинг четига яқин турадиган бўлиши керак. Лампочка оливасимон учликнинг кесиғига тушадиган қилиб, обтуратор оҳиста киритилади.



83-расм. Ректоскопия вақтида bemor шундай вазиятда бўлади.

Ректоскопияга тайёрлашда фақат трубкалари, каллаги, обтураторлари ва пахтатутгичлари стерилланади. Ректоскопнинг қолган қисмлари спирт билан артилади. Беморни тайёрлаш унинг ичи қотиб юрган бўлса, текширишдан бир неча кун илгари бошланади (туз сургилар — 15% ли магний сульфат эритмасидан кунига З ош қошиқдан берилади ва ҳар куни клизма қилинади). Ректоскопияга тайёрлашнинг бошқа методи ҳам

қўлланилади: кечқурун икки марта клизма қилиб, газ ўтказувчи най қўйилади, енгил кечки овқат (печенье билан чой) берилади, эрталаб орадан 30 минут ўтказиб туриб, яна икки марта клизма қилинади ва газ ўтказувчи най киритиб қўйилади. Қўпинча икки марта: дастлаб — текшириладиган кундан бир кун олдин, кейин текширишга 4 соат қолганида клизма қилиш кифоя қилади. Ректоскопик трубка солини учун энг қулай вазият касалнинг тизза ва тирсакларини ёки тизза ва елкаларини тираб ётишидир. Бемор боғлов столининг четнга чўккалашиб ётиб, оёқ панжаларини стол четидан осилтириб қўяди ва тирсаклари ёки елкалари билан столга тиралиб олади (83-расм). Ректоскопия учун касални яна бошқача қилиб, яъни ўнг ёнбош билан ётқизиб, чанофини сал кўтариб қўйса ҳам бўлади.

Қаллаги, дастаси, баллони ва электр шнури билан туташтирилган ректоскоп трубкасининг ичига обтураторни киритиб, обтуратор билан трубкага вазелин мойи сурилганидан кейин анус соҳасидаги тери бурмаси қўл билан керилади ва трубкага зўр бермасдан оҳиста босиб, ректоскоп учи тўғри ичакка 6—8 см киритилади. Шундан кейин обтуратор чиқариб олинади, ҳимоя шишли қопқоги бураб киритилади ва грушани босиб ичакка бир оз миқдор ҳаво берилади. Ичак бурмаларининг ёзилиши лампочка ёқилганидан кейин асбони кўз билан кўриб туриб яна илгари суришга имкон беради. Ичак бурмалари трубкани илгари суришга тўскенилик киладиган бўлса, асбоб ўқининг йўналиши ичак бурмаларига яраша ўзгартирилади ёки баллон грушасидан яна дам бериб, ҳаво кўпайтирилади. Трубка одатда 25—30 см ичкарига осон киради, бу трубкани киритаётган ва оҳиста чиқариб олаётган пайтда тўғри ичак ва (S-симон ичак ҳийлагина қисмининг деворларини куздан кечириб чиқишига имкон беради. Шиллиқ парда қонаб турган бўлса, суюқ ахлат массалари кўздан кечиришга ҳалақит берадиган бўлса, окуляр чиқариб олинади ва шиллиқ пардани артиш учун зондга уралган пахта тампон киритилади. Тампон юмшоқ бўлиши, аммо зонд нарезкасида қаттиққина туриши керак.

Биопсия қилишда ҳам bemor худди шу тартибда тайёрланади, биопсиядан аввалги 2—3 кун мобайнинда сульфаниламид препаратлар ва антибиотиклардан фойдаланган маъқул. Шиллиқ пардада ўсмага шубҳа турған

дирадиган жой топилса, окуляр чиқарып олинади ва шу жой ректоскоп трубкасининг кўрув майдонида қоладиган бўлишига қараб борилади. Шундан кейин маҳсус асбоб (омбур) киритиб, шиллиқ парда соғ қисми билан ўсма орасидаги чегарасидан ўша асбоб билан ушланади. Бу асбоб яхши созланган, шиллиқ парданинг тегишли қисмини кесиш учун кесувчи жаглари зич юмиладиган ва етарлича ўткир бўлиши керак. Бир оз қон кетади, буни тўхтатиш учун зонд билан 20% ли кумуш нитрат эритмасига ҳулланган пахта тампон қўйилади. Қонаб турган жойни электр коагуляция қилиш йўли билан ҳам қон оқишини тўхтатса бўлади (175-бетга қаралсин). Чуқур кирган яралар бўлса биопсия қилиш хавфли, чунки бундай ҳолларда ичак тешилиши мумкин, қон томирларга бой ўスマлар борлигидан ҳам биопсия қилиш хатарлидир, чунки бунда бир талай қон кетиши мумкин.

Жуда ичкарида жойлашган полипларни олиб ташлаш учун кўпинча электр коагуляция қўлланилади. Пассив электродни бел ёки сон соҳасига жойлаштиргандан кейин металл стерженига резина най·кыйгазилган қовузлоқ ректоскоп орқали киртилади. Қовузлоқнинг металл қисмлари ҳеч бир жойда ректоскоп трубкасига тегмайдиган бўлиши керак. Электр пичноқнинг актив электроди асбобнинг металл қисмига текказилса, қовузлоқ солинган жойда полип оёқчалари электр коагуляцияга учраб, кесилиб кетади. Оёқчаси яхши билинмайдиган кичикроқ полипларда қовузлоқ ўрнига ўсманни қисиб оладиган қисқичлардан фойдаланса бўлади. Учрайдиган хато ва асоратлар беморнинг яхши тайёрланмаганлигига ва асбобни эҳтиётсизлик билан солинганлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Бемор етарли тайёрланмаган бўлса, текширишни қолдириш ва bemorni дурустроқ тайёрлаш керак.

Ректороманоскопиянинг асосий хавф-хатари қон кетиши ва ичак деворининг айниқса яра борлигидан юпқалашиб қолган бўлса, ёрилиб кетиши мумкинлигидир. Асбоб билан шикаст етказишнинг ўзигина эмас, балки ичакнинг анчагина шишиши ҳам хатарлидир. Текшириш вақтида ёки ундан кейин қоринда бирдан оғриқ туриши ва рентгенда текшириб кўрилганида қорин бушлигига (диафрагма остида) ҳаво топилиши ичак тешилганини курсатадиган белгидир. Текшириш тамом бўлганидан

кейин шнур ва дастасини олиш ва ректоскопнинг қолган қисмларини ажратиб, стерилланадиган қисмларини яхшилаб ювиш зарур.

ЛАПАРОСКОПИЯ

Лапароскопия (перитонеоскопия) методи қорин бүшлигига ҳаво юборилгандан (пневмоперитонеум) кейин қорин пардаси ва қорин бүшлигидаги органларни лапароскоп (перитонескоп) оптик системаси орқали кўздан кечиришга имкон беради. Органларни қорин пардаси томонидан суратга туширишга имкон берадиган фотолапароскоплар бор. Лапароскопия қорин пардаси, жигар, меъда ва ўт пуфаги касалликлари ни аниқлашда ҳаммадан катта аҳамиятга эга.

Аниқ диагноз қўйишга бошқа ҳамма методлар имкон бермаса ва қорин бүшлиги органларида турли ўсмалар бўлса, уларни операция қилиб бўлмаслиги аниқ бўлган ҳолларда лапароскопия қўлланилади. Шундай қилиб, жигар циррозлари, гепатитлар, спленомегалиялар, нотайнин этиологияли асцитлар ва сил перитонитлари лапароскопия қилишини тақозо қиласидиган касалликлар бўлиб ҳисобланади. Ўсма қорин пардаси бўйлаб тарқалиб кетганда ва жигарда метастазлар бўлганида лапароскопия қилиш айниқса ўринли бўлиб қолади. Бундай ҳолларда лапароскопия кўпинча эксплоратор лапаротомия ўрнини босиши мумкин.


Бемор умумий ахволининг оғир бўлиши, юрак-қон томирлар системасининг етишмовчилиги, коронар (юрак тож томирларида) қон айланишининг етишмаслиги, оғир ўпка касалликлари, қон ивувчанлигининг бузилганилиги, оғир ўпка касалликлари, қон ивувчалигининг бузилганилиги, диабет лапароскопияга монелик қиласидиган касалликлардир; қорин бүшлиги органларида ўткир яллигланиш процесслари бўлганида хусусан оператив ўйл билан даво қилинган касалларда катта-катта битишмалар бўлганида ҳам перитонеоскопия қилиб бўлмайди.

СССР да Бутуниттироқ медицина асбоб-ускуналари илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган лапароскоп ишлатилади, бу лапараскопни «Красногвардеец» заводи ишлаб чиқаради (84-расм).

Лапараскоп троакари учи ўткир ва дастаси бор цилиндр стержендан (3) иборат бўлади. Ичи бўш трубка-

си — гильзасида (2) қорин бүшлиғига юборилган ҳаво-нинг ундан чиқиб кетишига түсқинлик қиладиган автомат клапани бор. Гильза тешиги ён дастасига босилганда очилади.

Лапароскопнинг иккинчи йиғма қисми учидаги лампочкаси бор ёритиш трубкаси бўлади. Трубкага оптик система (1), зарур бўлгандай эса, асбоблар ҳам солиб қўйилади. Кўздан кечириш учун ишлатиладиган учинчи таркибий қисми — диагностик оптик трубкадир. Операция (биопсия) қилиш учун операция трубкаси бор.



84-расм. Лапароскопия учун ишлатиладиган асбоблар.

1 — оптик най; 2 — автоматик клапанли канюля-гильза; 3 — стилет; 4 — ҳаво киришини ростлаш жўмраги; 5 — Жане шприци; 6 — пневмоперитонеум солиш учун ишлатиладиган игна.

Лапароскопияда ишлатиладиган эгилувчан асбоблар тўплами биопсия олиш учун ишлатиладиган қайчи, симбурулардан иборат. Омбурининг эгилувчан стержени бор, унинг ичига тишлаб оладиган жағларга туташтирилган тяга жойлаштирилган. Дастанинг ҳалқалари яқинлаштирилганида асбобнинг жағлари юмлиб, орасига тушган тўқималарни биопсия учун тишлаб олади. Асбоблар жўмрак очиқ ҳолда турганида ён тешикдан солинади. Оптик трубка орқали кўз билан текшириб туриб, асбоб ишлатилади. Тўқималарни электрокоагуляция қилиш учун ҳам электрод операция трубкаси орқа-

ли үтказилади. Тұпламдаги аспирацион трубка асцит суюқлигини сүриб олиш учун хизмат қиласы.

Пневмоперитонеум гильзали маҳсус игна ва ҳаво берадиган баллон ёрдамида солинади, баллондан бериладиган ҳаво уни фильтрлайдиган стерил пахтали патрондан үтади.

Баллонда клапан бор, шүнинг учун баллон сиқилғанда ҳаво бир томонга, яғни қорин бүшлиғига үтади.

Лапароскопиядан аввал беморнинг үмумий аҳволи текширилади, меъда-ичак йўли рентгенда кўрилади, қонининг иувучанлиги камайганми-йўқми, текшириб кўрилади (қон оқиш вақти, қон иувучанлиги, протромбин индекси ва гемокоагулограмманинг бошқа кўрсатгичлари аниқланади). Лапароскопия эрталаб наҳорга қилинади, бир кун аввал кечқурун ични тозалайдиган клизма қилинади. Текшириш олдидан 1 мл 1% ли морфин ва 0,5 мл 0,1% ли атропин эритмаси юборилади.

Текшириш қорин девори билан қорин пардасини маҳаллий анестезия қилгандан кейин үтказилади. Жуда бесарамжон касалларда наркоз қўлланилади (яхшиси, релаксантлардан ҳам фойдаланиб, эндотрахеал наркоз берилади), бу — жигар, меъда ва диафрагмани яхшироқ қўздан кечириб чиқишига имкон беради.

Қорин бүшлиғининг юқори қаватини қўздан кечириш учун касал операция столига бош томонини юқори кўтариб ва оёқ томонини паст тушириб чалқанчасига ётқизилади, оёқ ва қўллари тасмалар билан боғлаб қўйилади. Лапароскопия қиладиган врач ва медицина ҳамшираси, худди операцияга тайёрлангандек, қўлларни ювади ва лапароскопия учун зарур нарсалариning ҳаммасини таҳт қилиб қўяди. Эндоскопик текширишнинг бошида хона қоронфилатиб қўйилади.

Маҳаллий анестезия остида, асептиканинг ҳамма қоидаларига риоя қилган ҳолда қориннинг олдинги девори йўғон ипак ип билан чатиб чиқилади, шу ипни тортиб, қорин пардаси кўтарилади. Қорин терисига йод настойкаси суртилиб, касалнинг устига стерил чойшаб ёпилади ва пневмоперитонеум солинадиган жойда кўпинча киндинг ўнг ва бир оз юқорисидан, тўғри мускул чети бўйлаб қорин пардаси новокайн эритмаси билан қатлам-қатлам маҳаллий анестезия қилинади (85-расм). Пневмоперитонеум солиш учун терининг кичикроқ қинлиб кесилган жойидан қорин юзасига нисбатан 45° бур-

чак остида қилиб игна ёки ингичка троакар киритилади.

Игна 10 граммли шприцни бириктириб, ҳаво бемалол үтиш-ұтmasлиги текшириб күрилади (қорин бүшлиғига кираётган ҳаво шовқинини фонендоскоп билан әшитса бұлади). Кейин баллон ёки Жане шприци билан ҳаво юборилади. Юбориладиган ҳавони фурацилин ёки

риванол эритмаси билан тұлдирилган идиш орқали үtkazган маъқул. Одатта беморнинг күтаришига қараб (қоринда босим сезилишига, қовурғалар остида пайдо бұладиган оғриққа чидашига қараб, 2500 мм дан 4500 мм тача ҳаво юборилади. Ҳаво бирор жойдан чиқиб кетадиган бұлса, яна дам беришга тұғри келади. Пневмоперитонеум солиши оғриқсиз үтадиган бұлиши керак.


Асоратлар (қайт қилиш, ҳушдан кетиш, коллапс) рўй беріб қолганда лапароскопия қолдирилади.

Асцит бұлса, аввал суюқлиқ чиқарып ташланади, шундан ңұнг троакардан асцит бұлмаганда бериладигандан құра анча күпроқ миқдорда ҳаво юборилади. Лапароскоп киритиладиган


85-расм. Пневмоперитонеум (1) ва лапароскоп (2) солиши учун қорин девори шу жойлардан тешилади. Қорин бүшлиғининг пастки қисми күздан кечирилганида лапароскоп шу жойлар (3) дан киритилади.

жойда ҳам қорин девори қатлам-қатлам анестезия қилиб чиқылади ва кичикроқ қилиб кесилганидан кейин лапароскоп троакары билан тешилади. Тешиши өткізу касал қорин деворини тараңг қилиб туриши керак. Троакар ҳаво билан тұлған қорин бүшлиғига тушиши билан «пүкіллек» овоз чиқади. Троакар стилетини чиқарып олиб, трубкага оптикалық система киритилади ва лапароскопия қилинади (86-расм).

Күздан кечириш билан бир вақтда троакар канюласы орқали тұгмасимон зонд солиб, қорин бүшлиғидаги ор-



ганларни күз билан текшириб борган ҳолда пальпация қилиб ҳам күрилади. Лапароскопия назорати остида жигарни қорин девори орқали ёки лапароскоп системаси орқали мұлжал билан пункция қилиш мүмкін. Лапароскоп билан текшириб туриб, холангіография ва спленопортография қилиш ҳам мүмкін.



86-расм. Лапароскопия схемаси.

Лапароскопия тамом бұлғанидан кейин қорин бұшлиғидан ҳаво чиқариб юборилади, беморнинг чуқур нафас олиши ва қорин бұшлиғига босиш буни енгиллаштиради. Тешилган жойлар тикилади, касал каталкага ётқызилған ҳолда палатага олиб борилиці, қорнига муз құйилади, ўриндан турмай ётиши таъкидләніби, З кун гача профилактика мақсадда антибиотиклар құлланылади. Жигар ёки талоқ пункция қилинганидан кейин 1 мл 1% ли викасол юборилади.


Оғир асоратлар рүй бериши мүмкін: қорин бұшлиғидаги органларнинг тешилиши, ичдан қон кетиши, ҳаво эмболияси шу жумладандыр. Күкс оралығы ва плеврага ҳаво үтса (пневмоторакс) юрак-қон томирлар системаси ва нафас органларига алоқадор асоратлар рүй бериши мүмкін.

ТОРАКОСКОПИЯ

Ёруғ тушиб турған плевра бұшлиғини оптик система орқали күздан кечириш торакоскопия

деб аталади. Плеврани күздан кечириш учун плевра бүшлигига олдин ҳаво киритиш (пневмоторакс) зарур бўлади. Бундан ташқари, торакоскопиядан плеврадаги битишмаларни куйдириб емириш (термокаустика) учун ҳам фойдаланса бўлади.

Торакоскопия ўпкада ўсма авж олиб, плевранинг қандай ҳолатда эканлиги номаълум бўлганида диссеминация бор-йўқлигини аниқлаш учун ва кўпинча сил билан оғриган касалларда тортмалар борлигидан қилинадиган пневмоторакслар шаф бермайдиган ҳолларда қилинади. Бемор умумий аҳволининг оғир булиши, юрак ва ўпка етишмовчилиги, плеврасида сероз ва йирингли экссудат борлиги торакоскопия учун монелик қилади. Торакоскопия учун ишлатиладиган асбоблар



87-расм. Торакоскопия учун ишлатиладиган асбоблар.

(87-расм) тўғри ва ёнлама оптикали 2 торакоскоп билан троакар, қовузлоқ ва ўтказгич найи бор термокаутер, интраплеврал анестезияга ишлатиладиган игналар, электр шнур ва электр лампалардан иборат.

Аппарат формалин буғларида стерилланади. Торакоскопия олдидан сунъий пневмоторакс қўйилади. Торакоскопия оч наҳорга қилинади. Бемор соғ ёнбоши билан

ётқизилади ёки құлнини бошига қилиб үтқазиб қўйилади. 0,25% новокайн эритмаси билан маҳаллий аnestезия қилинади (30—40 мл). Лампалар учун ишчи кучланиш 2,5—3 в. Кўкрак қафасининг аnestезия қилинадиган жойи, кўпинча чапдан олдинги қўлтиқ ости чизиги учинчи ёки туртинчи қовурғалар орасидан ё бўлмаса ўнгдан уша чизиқ бўйлаб туртинчи ёки бешинчи қовурғалар орасидан троакар билан тешилади.

Торакокаустика қилинадиган бўлса, бу иш кўкрак девори аnestезия қилингандан кейин куйдириладиган плевра тортмасига бориш ҳаммадан осон бўлган жойдан киритилган иккинчи троакар орқали қилинади. Йирик томирлари бўлмаган ва ҳамма тамонидан айланниб ўтса бўладиган узунлиги камида 2—2,5 см келадиган торсимон шнурсимон, лентасимон, конуссимон битишмалар куйдирилади. Уларни куйдириш учун қовузлоқ салгина чўглантирилади. Махсус игна орқали 0,25% новокайн эритмасини юбориб, торакоскооп назорати остида битишмаларни гидравлик йўл билан препаровка қилиш мумкин. Операциядан кейин bemорга 2—6 кун уриндан турмай ётиш буюрилади. Аппаратни яхшилаб ювиб, формалии бугларида қайта стериллаш керак.

Торакоскопия ва хусусан торакокаустиканинг **асоратлари** тариқасида шикастланган томирлардан қон кетиши мумкин, булар баъзан операция йўли билан даво қилишни талаб қиласи. Сероз экссудат ҳосил бўлиб, плевра бўшлиғида йигилиб қолиши, йирингли плеврит, шок зўрайиб борадиган пневмоторакс, медиастинал ва тери ости эмфиземаси авж олиши ҳам мумкин. Одам жуда ҳарсиллаб қоладиган бўлса, плевра бўшлиғидан ҳаво тортиб олинади, экссудат ҳосил бўлганида у-ҳам плеврадан чиқариб ташланади. Шокда шокка қарши терапия, жумладан бўйиндан vagосимпатик блокада қилинади. Яхиси, бўйин блокадасини профилактика мақсадида манипуляциядан олдин қилиш керак.

Цистоскопия 266-бетга қаралсин.

Х б о б

ҚҰКРАК ҚАФАСИ ОРГАНЛАРИ ҚАСАЛЛИҚЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ ТЕХНИК УСУЛЛАРИ

Кұкрак қафаси органлари касалликтарини хирургик йүл билан даволашда құлға киритилген талайгина муваффақиятлар диагностика ишининг равнақ топганига, қайси ҳолларда операция қилиш, қайси ҳолларда құлмаслик керак деган масаланинг батағсил ишлаб чиқылғанига операция ва анестезия учун ишлатыладиган техника воситаларининг мукаммаллаштирилғанлығига, операциядан кейинги даврда касалларни парвариши қилишнинг яхшиланғанлығига боғлиқдир. Бұ бобда биз нафас ва юрак томирлар системасининг функциясыга операциядан кейин баҳо беришнинг ҳаммадан кенг расм бұлған асосиي методлари, шунингдек бу системалар ҳаёт-фаолиятини тиклаш ва нормал ҳолда сақлаб туриш учун күриладиган әңг муҳим чора-тадбирлар устида тұхталиб үтамиз, холос.

СПИРОМЕТРИЯ

Маълумки, үпка функцияси, организм билан ташқи муҳит орасыда газлар алмашинувини нормал ҳолда сақлаб туришдан иборатдир. Үпка организмнинг ташқи нафасини таъминлаб беради, яъни нафаста олинадиган газларни үзидаги алъвеолаларга етказиб, уларнинг қон томирларга үтишини (диффузиясини) ва нафасдан ҳосил бўладиган газларни тескари томонга қараб юришини таъмин қилиб беради деб ҳисоблаш расм бўлган.

Ташқи нафас аҳволини билиш учун ҳозир үпканинг нафас ҳажмларини ўлчаш, яъни спирометрия кенг қўлланилади.

Спирометрия ёрдамида ўпканинг тириклик ҳажми (УТХ) ўлчанади (88-расм). Бу ҳажм эркакларда 3500—4500 см³, аёлларда 2500—3500 см³ га баравар.

Альвеолса ҳабоси

Қолдик ҳабо 1,5 л	Резерв ҳабо 1,5 л	Нафас ҳабоси 0,5 л	Қўшимча ҳабо 1,5 л
Қолдик ҳабо	Одатдагича нафас олинидан кеин үқориша- диган энг кўп ҳабо	Одатдагича нафас олиш ва үқориши диган энг кўп ҳабо	Одатдагича нафас үқориша- диган нейин олинадиган энг кўп ҳабо
<i>Ўпканинг тириклик сифими</i>			3,5 л

88-расм. Ташқи нафас диаграммаси.

Спирометрия соғлом одамларни, айниқса спортчиларни текширишда, дам олиш уйлари ва санаторияларда ҳамда нафас ва юрак-қон томирлар системасининг баъзи касалликларида қўлланилади. Ўпканинг тириклик сифими кўпроқ аниқланади, бу сифим одамнинг ёши, жинси, бўйи, жисмоний жиҳатдан нечоғлик ривожланганинига ва бир қанча бошқа омилларга қараб жуда кўп даражада ўзгариб туради. Ўпканинг тириклик ҳажми (УТХ) махсус жадвалларга қараб топиладиган керакли УТХ билан солиштириб кўрилиши мумкин. Компенсацияланган юрак-қон томир касалликларида ўпканинг тириклик сифими керакли УТХ нинг 82 процентини ташкил қилиши керак, декомпенсацияда эса, 40—50 процентгача камайиб кетади. Қон тупуриб юрадиган одамларда ва юрак фаолияти издан чиқиб, оғиз аҳволга тушиб қолган касалларда спирометрия қилиб бўлмайди.

Спирометрия учун Гетчинсон спирометрининг шаклан ўзгарган турли хилларидан фойдаланилади. Бу спирометр (89-расм) бир-бирига киритилган 6—7 литрли 2 цилиндрдан иборат. Ташқи цилинтри сув билан тўлдирилади, ичкиси (1) эса туби юқорига қилиб тўнкарилган бўлиб, чиғириқдан келувчи ипларга бойланган икки тош билан мувозанатланган. Ички цилиндрнинг бушлиғи най (2) бор, унинг ички учи сув дамидан юқори туради. Найнинг ташқи учига олиб, стерилласа бўладиган шиша ёки резина учликли резина шланг кийгазилади.

Үлканинг тириклик ҳажми (ҮТХ) ни аниқлашда текширилаётган кишига кучи борича чуқур нафас олиш, бурнини қисиш ва оғизга олинган шиша учлик орқали имкони борича аста-секин күпроқ нафас чиқариш таклиф қилинади. Нафасдан чиқадиган ҳаво асбобнинг ички цилиндрни кўтариади ва цилиндр юзаси ёки аппаратнинг ён қисмидаги шкалага қараб, нафасдан чиқарилган ҳаво ҳажмини аниқлаб олса бўлади. Спирометрия учун газ соатлари ва ротацион счетчиклардан фойдаланиш ҳам мумкин (Бутуниттифоқ медицина асбоб-ускуналари илмий текшириш институти ишлаб чиқарган вентилометрдан). Үлка ҳажмларини ўлчаш бирга график тарзда ҳам қайд қилиб бориладиган бўлса, текширишнинг бундай хили спирометрография деб аталади. Бу иш спирометрограф деган маҳсус аппаратда бажарилади. Спирометрография ёрдамида нафас частотаси, бир мартали нафас ҳажми, минутлик нафас ҳажми, үлканинг тириклик ҳажми, нафас резервлари сингари баъзи бошқа кўрсатгичларни аниқласа бўлади.

ЮРАҚ ВА ТОМИРЛАРГА ЗОНД СОЛИШ ВА АНГИОКАРДИОГРАФИЯ

Юрак ва йирик томирларга зонд солиш ва ангиокардиография методлари клиника амалийтига жорий қилинганидан кейин қон айланиш аппарати функциясини пухта текшириш, юрак ва катта томирларнинг касалликларидаги анатомик ўзгаришлар табиатини аниқлаш мумкин бўлиб қолди.


Юрак бушлиқларига солиш (зондлаш, яъни катетсизация қилиш) учун юмшоқ эластик зонд ишлатилади, бу зонд перифериядаги бирор вена орқали қон оқими бўйлаб юрак бушлиғига киритилади. Мана шу метод туфайли юрак ва томирлар ичидағи қон босимини ифода этадиган эгри чизиқлар қиммати билан шаклини аниқлаш, юракнинг турли бушлиқлари билан йирик томирларда қоннинг кислород билан тўйиниши тўғрисидаги объектив маълумотларни олиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, юрак бушлиқлари ичida зонднинг қай тариқа сурилишини рентгенда кўринадиган зондлар билан кузатиб бориш юракнинг ривожланишида пайдо бўлган туфма нуқсонларни аниқлаш диагностик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Одатда зонд солиши контраст модда юборилганидан кейин үтказиладиган рентгенологик текшириш, яъни юракнинг тузилишидаги анатомик хусусиятларни аниқлаш учун қўлланиладиган ангиография билан бирга қўшиб олиб борилади. Бу текшириш юрак ва катта томирларнинг ривожланишида рўй берган анатомик ўзгаришларни аниқлаш билангина қолмай балки қон айланishiдағи функционал ўзгаришларни билиб олишга ҳам имкон беради.

Юракни зондлаш ва контраст ангиография қилиш учун махсус ускуналанган ва алоҳида аппаратларга эга бўлган кабинет бўлиши керак, бу кабинет операция хоналарига қўйиладиган ҳамма талабларга жавоб берадиган бўлиши ҳам лозим. Бу текшириш учун юмшоқ тўқималарда қилинадиган операцияларга керак бўладиган ҳамма нарсани: игна ва шприцларни («аортография»га қаралсин, 224-бет), томирларга киритиладиган зондларни, маҳаллий анестезияга зарур нарсаларнинг ҳаммасини, гепарин, новокайн ва кардиотраст эритмаларни тайёрлаб қўйиш лозим. Кабинет 5—6 секундда камида 3—4 та сурат олишга имкон берадиган рентген аппаратларни билан жиҳозланади. Юрак ичи ва томир ичи босимини ўлчаш учун оқаётган қон босимининг механик энергиясини электр токи тебранишларига айлантириб берадиган ҳар хил манометрлардан фойдаланилади.

Катта ёшли беморни текширишга тайёрлаш бир кун олдин парҳез қилиш ва терисининг остига атропин 0,5—1 мл) билан промедол (0,5—1 мл) юборишдан иборат.

Периферик вена маҳаллий анестезия остида венесекция қилиш йўли билан очилади, ёш болаларда эса кўпинча наркоз остида очилади. Очилган вена орқали юрак томонига қараб зонд киритилади ва унинг сурни-



89-расм. Спирометр схемаси.
1 — ички цилиндр; 2 — най.

лиши экрандан кузатиб борилади. Юрак бүшликларида босим үлчаниб, ёзиб олинади. Шу билан бир вақтда газ таркибини аниқлаш учун намуналар олинади. Кардиотраст (сувдаги 70 процентли эритмаси) катта ёшли одамнинг 1 кг оғирлигига 1 мл ҳисобидан ва болаларнинг 1 кг оғирлигига 1,5 мл ҳисобидан юборилади. Юрак қоринчалари ёки периферик томирларни пункция қилиш йўли билан ҳам контраст модда юбориш мумкин. Контраст модда тез, 2 секунд ичida юборилади. Қейин 6—10 секунд мобайнида бир қанча (5—6 та) рентген сураг (рентгенограмма) олинади.

Йодни кўтара олмасликтан келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олиш учун текширишдан бир кун олдин касал венасига 1 мл кардиотраст юбориб кўрилади, Бадан қичишиб, тошма пайдо бўлса, одам қалтираб, температураси кўтарилса ва йодни кўтараолмаслигини кўрсатадиган бошқа симптомлар кўрилса, текширишни тұхтатиб туришга тұғри келади. Аллергик реакция рўй бериб қолгудек бўлса, унга қарши курашиш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини текширишдан олдин тайёрлаб қўйиш керак (55-бетга қаралсин).

АОРТОГРАФИЯ

Аортани, унинг тармоқлари ва бевосита аортанинг үзидан қон оладиган органларни (жигар, буйракларни) рентгенологик текшириш учун аортага контраст моддалар юбориш йўли билан ұтказилади. Йирик томирлар касалникларида, кўкс оралиғи, жигар ва буйраклар үсмасига гумон туғилганида диагнозни аниқлаш учун аортография қилиш ўринлиdir. Одам йодни кўтаролмайдиган бўлса (идиосинкразия), оғир юрак етишмовчилиги, жигар, буйрак, актив сил, тиреотоксикоз билан оғриган бўлса аортография қилиб бўлмайди.

Контраст моддани узунлиги 12 см ва диаметри 1,2 мм келадиган игна билан аорта равофини пункция қилиб ёки узунлиги 15 см ва диаметри 1,8 мм келадиган игна билан қорин аортасини пункция қилиб юбориш мумкин. Игнанинг учидаги тешигидан ташқари, тифидан 1 мм масофада яна 2 та тешиги бўлади. Текшириш наркоз ёки маҳаллий анестезия остида ұтказилади. Аорта равоғи пункция қилинадиган бўлса, игна санчиладиган

жой — тұш устидир. Қорин аортасы беморни қорни билан ётқизиб құйиб, чап томондагы XII қовурға остидан пункция қилинади. Игнадан отилиб-отилиб қон чиқиб туриши игнанинг түғри тушганлигини күрсатади.

Аортага контраст модда юборишнинг бошқа бир методи операция қилиб, периферик артериялар (билак, сочининг чуқур артерияси, сон артерияси, елка артерияси) яланғочланганидан кейин шу артериялардан кири-тиладиган зонд билан аортаны катетерлаштырып. Зонд рентгенде кузатып туриб сүриб борилади ва кераклы жойга келганида контраст модда юборилади. Буйрак ёки жигар артериялари дамида контраст юборилганидан кейин олинадиган рентген суратлари шу органлар томирларининг қон билан нечөгликті тұлишувини күрсатып берады ва улардагы патологик үзгаришларни аник-лаб олишга имкон очады. Зондга аввал 0,5% ли новокаин эритмасидан 3—5 мл, сүнгра 20—40 мл кардиотраст юборилады ва 2—3 секунд оралатып рентген суратлары олинады.

ПУНКЦИЯЛАР

Күкс оралиғи пункциялари. Стенокардияда новокаин эритмаларини юборыш учун күксті пункция қилиш усулидан фойдаланылады. В. И. Казанскийнинг эгилганса махсус игнаси маҳаллій анестезия остида тұшында киритилиб, тұш суягининг ички пластинкасына параллел равища киритилады ва шу игнадан новокаин эритмасы юборилады.

Юрак олди халтаси пункцияси. Перикардитларда экссудат борлигини ва уннег табиатини аниқлаш ҳамда суюқлиқни чиқариб ташлаш учун юрак олди халтаси пункция қилинади. Йириңгли перикардитларда йириңг сүриб олинганидан кейин антибиотиклар юборилады. Игна санчиладиган жой — чап томондан VII қовурға тогайшынг ханжарсимон үсімта асосынан бирикнишидан ҳосыл бұладиган бурчакдир. Бу жойға маҳаллій анестезия остида 8—10 см узунликдагы игна санчилады, шу билан биргә игна тери, тери ости клетчаткасы, түғри мускул қинининг олдинги варағы, чети ва қинининг орқа варағы орқали үтказылады. Шундан кейин игна канюляси настга туширилиб, игна тұш суяғига деярлы параллел ҳолда 2—3 см ичкариға киритилады, шу ерда у юрак олди хал-

тасининг ўзига тушади. Экссудат шприц билан сўрилиб, охиста чиқариб ташланади.

Юрак пункцияси 107-бетга қаралсин.

Түш суяги пункцияси 43-бетга қаралсин.

Плеврал пункция. Диагностика ва даво мақсадида қилинадиган бу процедура плевра бүшлиғида ҳаво борйўқлигини аниқлаш (жароҳатланиш, кўкрак қафасининг шикастланиши), суюқлик борлиги ва унинг табиатини билиш (қон, сероз экссудат, транссудат, йиринг) учун қўлланилади. Плеврал пункция ёрдамида плеврадаги суюқликни сўриб олиб ташлаш пневмотораксни барта-раф этиш учун ҳавони узоқ чиқариб туриш, плевра бүшлиғига дренаж қўйиш ҳам мумкин. Жуда оғир ахволда ётган ва ўпка эхинококкози ёки абсцесси бор деб гу-мон қилингандеморларда пункция қилиб бўлмайди.

Плевра пункция учун зарур асбоблар: поршени зич, яхши юрадиган 5—10—20 граммли шприцлар, маҳаллий аnestезия қилиш учун жуда бол келадиган ва бевосита пункцияга ишлатиладиган бирмуича йўғонроқ иғналар (диаметри 2 мм атрофида бўлади). Бундан ташқари, 0,25% ли новокани эритмаси, буйраксимон тосча ва стерил материал.

Беморни маҳсус усулда тайёрлашнинг ҳожати йўқ. Плевра бүшлиғини пункция қилишда игна санчиладиган жойни тўғри танлаш бу процедуранинг яхши натижа бериш-бермаслигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Плевра бүшлиғидаги суюқликни bemor олдинга сал энгашиб ўтирган ҳолида, суяқ-днафрагма синусидан, яъни суюқлик ўз оғирлигига кўра оқиб тушадиган энг пастки иуқтасидан сўриб олиб ташланган маъқул. Игна курак чизиги ёки орқа-қўлтиқ ости чизиги бўйлаб еттичинчи-саккизинчи қовургалар орасидан санчилади. Плевра бүшлиғига бир талай суюқлик йиғилган оғир касаллар ярим ўтирган ёки ётган ҳолда, орқа қўлтиқ ости чизиги бўйлаб саккизинчи қовурга орасидан пункция қилинади, bemornинг қўллари кўтарилиб, боши орқасига қўйиб қўйилади. Қовурға оралиғидаги томирларни шикастламаслик учун игна пастки қовурғанинг устки чеккаси бўйлаб киритилади.

Пункция асептиканинг ҳамма қоидаларига мувофиқ ҳолда қилинади ва унга худди операцияга тайёрланган-дек, ҳозирлик курилади. Асбоблар стерилланиб, қўллар ювилади, игна санчиладиган жой териси спирт билан

артилиб, унга йод сурлади. Пункция қилинадиган жой-
ни белгилаб олгандан кейин тери, тери ости клетчатка-
си ва қовурғалар оралиғи новокаин эритмаси билан
анестезия қилинади ва пункция учун ишлатиладіганды
игиани шприцга кийгазиб, шириц худди ёзув перосидек,
үнг құлға ушланади. Чап құл билан терини ушлаб ту-
риб, игна санчилади. Игна теридан бироз қийинлик бил-
лан үтади, тери ости клетчаткасидан бемалол юради
ва бир оз қаршилик билан қовурға орасидан үтади.
Күкрак девори нечоглик қалин бұлса, игна шунчалик
чуқурроқ киритилиши керак.

Игна плеврани бир оз қаршилик билан тешіб үтга-
нидан кейин әркин бұшлыққа тушгани сезилади. Шприц
поршени тортилиб, экссудат сүриб олинади ва микро-
биологик (йириングли процессса шубҳа түгилганида) ёки
цитологик текширишга (ұсмалар бұлса) юборилади.

Пункция вақтіда игнани қовурғаннинг қон томир
ва нервлар дастаси үтадиган настки четидан солиши,
қуюқ ва фибриноз йириңг бұлса, ингичка игна ишлатиш
(чунки буида йириңг йынага тиқилюп қолиб, шприцга
үтмайды) хатодир.


Йирилган экссудат тепасидан пункция қилиш, игна-
ни чуқур киритиб, ёки үпканинг плеврага ёпишиб қол-
ган жойидан пункция қилиб, үпка түқимасига шикаст
етказиш ҳам хато ҳисобланади. Йириңги ва лойқа
суюқлик олиб ташланғандан кейин плевра бұшлығига
антибиотиклар юборилади. Пункция қилинган жой те-
рисига йод настойкаси сурлади ва устидан ёпишириб
қүйилади.

ПЛЕВРА БҰШЛИҒИДАГИ СУЮҚЛИКНИ СҮРИБ ОЛИШ (АСПИРАЦИЯ)

Йиғилиб қолган талайгина суюқлик
ва ҳавони плевра бұшлығи пункция қилинганидан ке-
йин шприц ёрдами билан олиб ташласа бұлади. Айни
вақтда плевра бұшлығига ҳаво үтмаслиғи учун жуда
‘эхтиёт бўлиш зарур. Хусусан оғир беморларда талай
миқдордаги суюқликпен (500—600 мл дан күпроқ суюқ-
ликни) бирданига сүриб олиб ташлаш ярамайди, чун-
ки бу — кўкс оралигининг сўрилишига ва оғир рефлек-
тор ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлиши мумкин.

Пункция қилиш учун қандай асбоблар тайёрланади-

ган бұлса, плевра бүшлиғидан суюқликни сүриб олиб ташлаш учун ҳам худди шундай асбоблар тайёрланади. Булардан ташқари, узунлиги 6—7 см ва диаметри 2 мм келадиган игна олиб, унга бир бұлак резина ёки пластмасса най кийгазиш зарур, найнинг учида шприц билан герметик қилиб бириктиришга имкон берадиган канюля бұлади (90-расм). Яна қон тұхтатувчи қисқыч бұлиши ҳам зәрур, бу қисқычдан шприцни бүшатиш учун ажратиб олган пайтда резина найни қисиб құйиши учун фойдаланса бұлади. Найни қисиб құйиши плевра бүшлиғидан суюқлиқни сүриб олаётган пайтда унга ҳаво үтишига йұл құймайды. Пункция олдидан бутун системанинг герметиклигига ишонч ҳосил қилиш керак. Беморни ұтқазиб құйиб, оғир касалларни эса ётқизиб құйиб, пунктация қилишда игна санчиладиган жойнинг үзидан игна солиб, плевраини тешиш шұлы билан аспирация қилинади. Пункция қилиш учун плевра бүшлиғига ҳаво үтмасын деб қисқыч билан кесиб құйилған найли игна ишлатилади. Плевра тешилганидан кейин резина найнинг



90-расм. Плевра пулкцияси ва шприц әрдамы билан суюқлиқ тортиб олиш.


эркииң учига 20 граммли шприц кийгазилади. Найдан қисқычни олиб, плевра бүшлиғидаги суюқлик сүриб олина бошлайды. Шприц тұлғанидан кейин шприциин ажратиб олиш ва ичидагини тосчага бүшатиш учун най қисқыч билан қисиб құйилади. Олинған суюқлик миңдорини билүш учун экссудатни даражаларға бўлингган банкага йигиши ёки бўшатилған шприцларни ҳисоблаб бориш маъқул.

Плевра бүшлиғидаги суюқликни сүриб олиш учун

ишлатиладиган Потен аппарати (91-расм) даражаларга бўлинган шиша идишдан иборат булиб, бу идиш 2 та металл найлар ўтказилган резина тиқин билан бекитилгандир, металл найларини жўмраклар билан бекитиб қўйса бўлади. Найларининг бири (1) троакар ёки игна билан тугалланадиган шлангга боради ва идиш ичидаганинг тубигача етиб борадиган резина найи бўлади. Иккинчи, калта найи идишнинг устки қисмида тугалланади ва дренаж найи билан насоснинг ён канюласига туашади.

Потен ашарати йигилади ва мензуркадаги суюқликни тортиб олиб кўриш нўли билан текширилади. Шундан кейин бутун ашарат, насосидан ташқари қисмларга ажратилади. Ашарат йигилганидан кейин троакар ёки игасига борадиган най (1) даги жўмрак бекитиб қўйилади, иккинчи найи сўрғичнинг ён канюляси билан гуташтирилади ва поршенинни бир неча марта юргизиб, шиша идишдаги ҳаво сийраклаштирилади. Насосга борадиган найдаги жўмрак (2) ни бекитиб, троакарга борадиган найдаги жўмрак (1) очилади; бунда плевра бўшлиғидаги суюқлик шиша идишига оқиб тушадиган бўлади. Идиш суюқликка тўлмагунча бир неча марта шундай қилинаверади. Идиш тулиши билан плевра бўшлиғига ҳаво ўтмаслиги учун жўмрак (1) бекитилади, идишининг тиқини олиниб, ичидаги суюқлиги бўшатилади.

Ашаратни ишлатиб бўлгандан кейин насосидан ташқари ҳамма қисмларини яхшилаб ювиб, стериллаш ва қуритиш зарур. Найни насоснинг ён канюлясига уламай, унинг ўқи бўйлаб жойлашган канюлясига улаб қўйиш касалнинг хаётини ҳавф остида қолдирадиган



91-расм. Потен аппарати.

жуда күпөл хатодир, агар шундай қилинадиган бўлса, суюқлик сўрилиб чиқиши ўрнига плевра бўшлиғига дам бериб, ҳаво киритилади. Шиша идишни суюқлик билан тошириб юбориш ҳам хатодир, бунда суюқлик насосга ўтиб кетиши мумкин. Суюқликни ҳаддан ташқари тез олиш ёки бир йўла кўп миқдорда олиб ташлаш ҳушдан кетиш, коллапс ва ҳатто шокка сабаб бўлиши мумкин.

ПЛЕВРА БЎШЛИГИДАН ҲАВОНИ ЧИҚАРИШ

Клапанили (тиғиз) пневмотораксда плевра бўшлиғида йигилиб қолган ҳавони тез чиқарис ташлаш керак бўлади. Плевра бўшлигини пункция қилиш ва суюқлик билан тўлдирилган идишга резина най орқали ҳавони чиқариш ўйли билан бунга эришилади. Клапанили пневмотораксда жароҳатланган бронх, йиртилган ўпка тўқимаси ёки кўкрак қафасининг жароҳати орқали плевра бўшлиғига ҳаво кириб турадио, лекин нафас чиқариладиган пайтда ундан чиқиб кета олмайди. Ҳаво плевра бўшлиғида йигилиб боради ва ўпканни сиқиб, нафасда иштирок этмайдиган қилиб қўяди. Айни вақтда кўкс оралиги соғлом томонга қараб сурилиб қолади, нафас ва қон айланиши бузилиб, беморинг ҳаётини хавф остида қолади. Одам зўр бериб ҳансираиди, кўкраги кисаётганини сезади, ранги оқаради, кўкаради, пульси тезлашади. Эшишиб кўрилганида нафас шовқинлари ўтмайди, тукуллатиб кўрилса, тимпаник товуш чиқади. Юрак пневмотораксдан қарама-қарши томонга сурилган бўлади. Бундай ҳолларда шошилинч ёрдам бериш — плевра бўшлиғидан ҳавони чиқарис ташлаш зарур бўлиб қолади.

Пункцияга керакли ҳамма парса (226-бетга қаралсин): етарли узунликдаги резина дренаж най кийгазилган игна ва дезинфекцияловчи эритмали (фурацилин, риванол) идиш тайёрлаб қўйилади.

Пункция ўрта ўмров чизиги бўйлаб иккинчи қовурга оралиғидан маҳаллий анестезия остида, шошилинч ҳолларда эса анестезиясиз ҳам қилинади. Пункцияда ҳаво чиқа бошлаганидан кейин игна дренаж найи билан уланади ва чиқиб кетмаслиги учун айланасига лигатура солиб ёки ёпишқоқ пластир ёпишириб, маҳкамлаб қўйилади. Резина найнинг иккинчи учи плевра бўшлиғи

дамидан пастта қўйилиб, ичига дезинфекцияловчи эрит-
ма солинган идишга туширилади. Бунда нафас чиқа-
риш вақтида ҳаво най орқали суюқликни идишга туша-
ди ва суюқлиқ орқали ўтадиган пуфакчалар кўриниши-
да ташқарига чиқади. Нафас олинган вақтда суюқлик
най бўйлаб юқори кутарилади ва найдаги суюқлик ус-
туни, идиш етарлича паст турадиган бўлса, кўкрак бўш-
лиғидаги манфий босимни мувозанатга келтиради. Сис-
тема яхши ишлаб турса, бемор нафас чиқарган вақтда
суюқлик орқали талайгина ҳаво пуфакчалари чиқиб
туради. Идишдаги най уни ҳамиша суюқлик сатҳидан
паст туришини кузатиб бориш керак. Найдан ҳаво ўти-
ши андек бузилар экан, бунга дарров эътибор бериш
ва сабабини аниқлаш керак.


ПЛЕВРА БЎШЛИГИГА СУВ ЧИҚАРАДИГАН ДОИМИЙ ДРЕНАЖ ҚЎЙИШ

Асосан йирингли плевритларда плев-
ра бўшлиғидан экссудатни узоқ муддат муттасил чиқа-
риб қўйиш керак бўлади. Шу хилда дренаж қўйилганда
плевра бўшлиғи найлар системаси орқали кўкрак бўш-
лиги дамидан паст қилиб қўйилган идиш билан туташ-
тирилади. Кўкрак бўшлиғида йигилиб қолган суюқлиқ
паст қилиб жойлаштирилган идишга сифон принципига
мувофиқ тинмай оқиб тушиб туради. Экссудатни йигиш
учун орага ичидан иккита най ўтказилган резина, тиқин
билан герметик қилиб бекитиладиган яна бир идиш
қўйилади (92-расм). Операция қилиш талаб қилинади-
га ҳолларда дренаж қўйиб бўлмайди.

Сифон дренаж қилиш учун пункцияга керакли нар-
саларнинг ҳаммаси: кўкрак деворини тешиш учун троа-
кар, ичидан шиша найлар ўтказилган резина тиқинли
стерил идиш тайёрлаб қўйилади. Яна битта оғзи очиқ
шиша идиш ва резина тиқиндан ўтказилган шиша най-
ларга жуда лойиқ келадиган етарли узунликдаги резина
найлар ҳам булиши керак. Мана шу нарсаларнинг ҳам-
маси стерилланади. Плеврага дренаж қўйиш — асептика-
нинг ҳамма коидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказила-
диган операциядир.

Бемор операцияга тайёрланганидан кейин (кўкрак
деворининг тегишли жойидаги жунлар қириб, уша жой
спирт ёки эфир билан ювилгани, йод настойкаси билан

дезинфекция қилинганидан сүнг), хирург ва унга қарашадиган одамлар құлларини тайёрлаб, операция майдони стерил чойшаб билан чеклаб қўйилганидан кейин еттинчи қовурға ораси курак чизиги билан орқа қўлтиқ ости чизиги ўртасидан анестезия қилинади. Игна санчандан кейин экссудат борлигини текшириб кўриб, қовурға орасидаги кичикроқ кесилган жойдан троакар солинади. Троакар орқали резина ёки пластмасса найни ўтказиб олгандан кейин троакар чиқариб олинади ва



92-расм. Сифон дрепаж.

най терига маҳкамлаб қўйлади. Найга чок солиш ярамайди, чунки най тешиладиган бўлса, система герметикини бузилади. Резина найни маҳкамлаш учун унга резина ҳалқача кийгазиб, буни терига бевосита тақаб қўйиш ва орасидан ип ўтказиб, ипларни гавдага ўраб қўйиш қулайдир. Найнинг иккинчи учи суюқлик билан тўлдирилган идишга тушириб қўйилади (сифон дрепаж). Суюқликнинг идишдан қайтиб чиқмаслиги учун идишга туширилладиган резина найнинг учига резина

құлқоп бармогини кийгазиб, учидан чизиқсімон тешіб қүйилади (Н. Н. Петров усулы бүйича). Найга маҳкам қилиб бойлаб қүйилган ана шундай мослама бўлса, чуқур нафас олинган вақтда құлқоп бармогининг деворлари пучаяди ва суюқликка кўкрак бўшлигига кўтарилиб чиқиши учун имкон бермайди.

Сифон дренаж қўйилган касал танаасининг юқори қисми баланд қилиб ётқизилади, шунда плевра бўшлигининг энг пастки қисмидан суюқлик оқиб тушади. Бутун системанинг герметик бўлишига, резина найларнинг бирор ери қайрилиб қолмаслигига ёки уларга қон ё бўлмаса йиринг лаҳталари тиқилиб қолмаслигига диққат билан қараб бориш зарур. Системанинг яхши герметиклиги ва тиқилиб қолмаганлигини нафас олиш ва чиқариш вақтида идишдаги суюқлик сатхининг ўзгариб туриши ва айни вақтда герметик банкадаги суюқлик орқали ҳаво ўтиб туришидан кўрса бўлади. Герметик банкада экссудат йиғилиб бўлганидан кейин плеврага борадиган найни қисқич билан қисиб қўйиб, банка — йиринг йигиғич ичидагиси бўшатилади. Банкани тиқин билан яхшилаб бекитиб қўйгандан кейингина найдан қисқич олинади. Очиқ идишдаги най уни ҳамиша суюқлик сатхидан паст тушиши керак.

СУВ ОҚИМИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН НАСОС ЁРДАМИДА ПЛЕВРАДАН АСПИРАЦИЯ ҚИЛИШ

Торакотомиядан кейин ўпкани ёки лобэктомия, сегментар ва панасимон резекциялардан кейин қолган ўнка қисмларини ёзиб, тўғрилаш зарур бўлганида плевра бўшлигидан экссудат ва ҳаво сўриб олиб ташланади (аспирацион дренаж). Плевра бўшлиги оралик идишга уланган герметик туташ найлар системаси, сийракланиши ростлаб турадиган асбоб ва сув оқими билан ишлайдиган насос ёки электр сўргич билан туташибилади. Водопровод жўмрагига уланган ва сув оқими билан ишлайдиган насос сийракланиши идишга, ундан эса плевра бўшлигига узатади. Мана шундай аспирация ўпканинг ростланиб, операциядан кейин плеврада қолган бўшлиқларицинг йўқолиб кетишига ёрдам беради, плевра бўшлигига суюқлик йигилиб қолишига тўсқинлик қиласади.

Күкрак бўшлигини аспирацион дренаж қилиш учун сув оқими билан ишлайдиган ва водопровод жўмрагига уланидиган насос, беморнинг ўрнигача етиб борадиган резина най, сийракланишини ростлаб турадиган аппарат ичидан 2 та шиша най ўтказилган тиқин билан герметик бекитиладиган идиш бўлиши керак. Мана шу идиш ва ундан плеврага борадиган най стерилланади. Операция вақтида плеврага киритиб қўйилган най герметик бекитиладиган идишнинг иккйинчи найи сийракланишини ростлаб турадиган аппарат билан туташтирилади. Бу аппарат сув оқими билан ишлайдиган насосга уланиб, водопровод жўмраги очилади ва илевра бўшлиғига олиб борадиган найдан қисқич олинади.

Аспирацион дренаж одатда 2–3 суткага қўйилади. Системанинг герметик бўлишини ва белгиланган сийракланишдагина ишлашини тиимай кузатиб бориш зарур. Идиш тўлганидан кейин ичидагини бўшатиш учун плевра бўшлиғига олиб борадиган найини қисиб қўйгандан сўнггина тиқинини очиш мумкин. **Системанинг етарли герметик бўлмаслиги — асосий хатодир**, чунки система ҳаво кирадиган бўлса, аспирацион дренаж бўлмай қолади.

**ҚОРИН БУШЛИГИ ОРГАНЛАРИ
КАСАЛЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ
(ДИАГНОСТИКА) ВА
ДАВОЛАШНИНГ ТЕХНИК
УСУЛЛАРИ**

МЕЪДАГА ЗОНД СОЛИШ (ЗОНДЛАШ)


Меъданни ичидаги суюқликдан бушатиш, уша суюқликни текшириб кўриш ва одамни сунъий йўл билан озиқлантириш учун меъдага зонд солинади, яъни меъда зондланади. Йўғон ва ингичка зондлар ишлатилиши мумкин. Меъдага йўғон зонд солиниб, қорин девори таранг қилинганида меъда суюқлиги зонддан ташқи учи орқали оқиб чиқади. Ингичка зонд солинганда меъда суюқлигини сўриб олишга тўғри келади.

Текшириш учун меъда суюқлигини олиш, меъда суюқлигининг эвакуацияси тўхталиб қолганида меъданни бушатиш зарур бўлганида (пилорус соҳасининг стенозларида операциядан кейин меъда перистальтикаси қийнилашиб қолганида), одам заҳарланганида ва бошقا ҳолларда меъданни зондлаш керак бўлади. Купинча меъданни ювиш учун зонд солинади (235-бетга қаралсин). Меъда секретор функциясини динамик тарзда кузатиб бориш, меъда суюқлигини узоқ муддат сўриб олиб туриш, баъзан эса бемории озиқлантириш учун ингичка зонд солинади.

Керак бўладиган зарур нарса — узунлиги камида 75 см ва диаметри 10—12 мм келадиган йўғон резина зонддир, бунинг йўли камида 8 мм бўлиб, учи юмалоқланган ва берк учига яқин жойдаги ён деворларида иккита тешиги бор. Зонднинг берк учидан 40 см нарида белгиси бўлиши керак. Бундан ташқари, зонд солиш вақтida касал кусиб юборса, кийимини сақлаш учун клеёнка ёки клеёнкали фартук хамда чойшаб, тос ёки челак бўлиши керак. Зонд 15—20 минут давомида қайнатиш йўли билан стерилланади.

Касалларда олинадиган тиш протезлари бўлса, улар-

ни олиб қўйилади. Қасал бошини олдинга сал энгаштирган ҳолда стулга ўтқазилади ёки чалқанчасига ё бўлмаса чап ёнбоши билан ётқизилади. Қасалга чойшаб ва клеёнка тутилганидан кейин, зонд солинаётган пайтда одамнинг кўнгли айнаб, қусиб юбориши мумкин, лекин манипуляциянинг ўзи оғритмайди ва безараардир деб уни сгоҳлантириб қўйилади. Зондни ютиш ва бурундан чуқур нафас олиш йўли билан қусиш ҳаракатларини босишга ҳаракат қилиш керак, деб қасалга айтиб қўйини лозим. Қасал зондни тишлаб, йўлини бекитиб олмаслиги ва уни тортиб олишга ҳаракат қилмаслиги ҳам керак. Қасалга бир култум сув ичириб, зонд ҳам сув билан ҳулланади ва уни ўнг қўлга олиб, учини қасал оғзига тилининг илдизигача киритилади (93-расм). Қасалга оғзини юмиб, ютиш ҳаракатларини қилиш керак деб ўқтириб, зондни тезгина эпиглоттисдан нари сури-



93-расм. Меъдага зонд солиш.
I — биринчи момент; II — иккинчи момент.

лади. Зонд қизилўнгачга тушганидан кейин уни яна суриб, белгисигача, яъни учидан ҳисоблаганда 45—50 см масофага киритилади. Зонд чиқиб кетса ёки қайрилиб қолиб, оғиз бўшлигининг ўзидағина турган бўлса, уни чиқариб олинади ва қасални тинчлантириб, бир култум сув билан яна қайтадан киритилади.

Зондлаш вақтида зонд ҳиқилдоққа тушиб колиши мумкин. Бунда қасал йуталиб, нафаси қайтиб, юзи қўкариб кетади, овози чиқмайди. Бу ҳолда зонд чиқариб олинishi ва қайта солиниши керак. Жуда камдан-кам ҳоллардагина қасал ортиқ даражада қўзгалувчан бўлганлигидан ютиш рефлексини босиш учун ҳалқумни анестезия қилмасдан туриб, зонд киртиб бўлмайди. Зонд меъда-

га түшганидан кейин касалға бир неча марта оғиз билан чуқур нафас олиш ва қорин деворини таранглаш тақлиф қилинади, шунда меъда суюқлигининг зонд орқали юриши осонлашади. Зондни чиқариб олиш вақтида қизилұңғач мускуллари қисқа муддат спазм бұлып туриши мүмкін, бунинг үтиб кетишини кутиб туриш зарур.

Ұзунлиғи 75—80 см, диаметри 2—3 мм келадиган сливасиз ингичка зонд юборишнинг баъзи хусусиятлари бор. Бу зонд беморни үтқазиб қўйиб оғиз орқали ёки буруп бушлиги орқали юборилади. Зонд оғиз орқали киритиладиган бўлса, тил илдизига қўйилади ва беморга зоидни аста-секин ютқизиб, нари суриб борилади. Зонд бирмунча осонроқ сурилиб борадиган бўлиши учун беморга бир неча қултум илиқ сув ичириш мүмкін. Зондинг меъдага етиб борганини, учидан хисоблаганда 45—50 см масофага қўйилган белгисига қараб, билинади.

Зондни буруп бушлиги орқали киритишнинг афзалиги шуки бунда юмшоқ танглай камроқ таъсирланади, шунга кўра беморнинг кўнгли камроқ айнаб, қусгиси камроқ қистайлди. Ҳаво буруннинг қайсан томонидан яхши утадиган бўлса, буруннинг уша томондаги пастки бурун иули бўйлаб зонд юборилади. Бемор бошини сал орқага ташлаб, бурнининг учини юқори кўтаради (57-расмга қаралсун) ва вазелин мойи сурилган ингичка стерил зонд нафас олиш вақтида бурун орқали киритилади. Қусим ҳаракатларин пайдо бўлса, зондинг учи оғиз бўшлигига тушиб қолган-қолмаганини текшириб кўриш зарур. Зонд учи оғиз бўшлигига тушиб қолган бўлса бурун-ҳалқумга келмагунича зонд тортиб олиниади ва қизилұңғач ҳамда меъдага етиб боргунча ҳалқумнинг орқа девори бўйлаб қайтадан солинади.

ИУГОН ЗОНД ЕРДАМИДА МЕЪДА ШИРАСИНИ ТЕКШИРИШ

Меъда суюқлигини текшириш меъданинг секретор функциясига баҳо беришга ҳамда шу функциянинг қай тариқа бузилганига қараб касаллик табиатини аниқлаб олишга имкон беради. Йўғон зонд билан касалдан наҳорга олинидиган меъда ширасини текширишдан мақсад шу. Синов ионуштаси берилганин-

дан кейин меъда суюқлигини текшириш секреция түғрисида бирмунча тұлароқ тасаввур беради. Боас-Эвалд нонуштаси — суви қочған 50 г оқ нон ёки 35 г қоқи нон билан 400 мл қайнаган сув ёки қандсиз чойдир. Бу овқат яхши чайнаб, ютилиши керак. Синов нонуштаси ейилганидан кейин 45—60 минут үтгач, меъдага тишларнинг ташқи четидан ҳисоблаганда 50 см ичкарига йўғон зонд киритилади. Бу текширишни гастрит, меъда яраси ва ракига гумон туғилганида үтказиш ўринлидир. Меъдадан қон оқиб турганида, қизиллунгач торайгандан, меъда кардиал қисмида ўсмалар бўлганида, степокардия, мия томирларининг ростмана склерози, оғир гипертония бўлганида аорта аневризмаси ва оғир юрак касалликларида бундай текширишни үтказиб бўлмайди. Кайта-қайта қайнатилган, эластиклигини йўқотиб қўйган зондни киритиш кўпинча қийин бўлнишини эслада тутиш керак.

Зонд беморин үтқизиб қўйиб киритилади («Меъдага зонд солиши»га қаралсин, 235-бет). Зонд киритилганидан кейин беморга сал кучаниш, яъни қорий мускулларини таранг қилиш таклиф этилади. Зондининг ташқи тешигига шиша идиш туғилиб, ажралиб чиқадиган меъда шираси синов нонуштаси билан бирга йиғилади. Етарли миқдорда суюқлиқ олинганидан кейин (100—150 мл) зондни сиқиб-сиқиб ва тез чиқариб олинади. Меъдадан чиқариб олинган зонд ювилади ва қайнатиб, стерилланади.

Нонушта вактида ейилган оқ нон меъда шираси таъсирига учраб, кўринишдан жуда эзилиб пишган бүтқага үхшаб қолади, унда қаттиқ ва суюқ қисмларнинг нисбати 1:3 га teng бўлади. Меъда ширасининг ҳазм кучи сусайган бўлса (кислоталар камайган бўлса), меъда суюқлигида ҳазм бўлмай қолган нон ушоқлари топилаади. Гиперсекрецияда меъда суюқливидаги қаттиқ ва суюқ қисмларнинг иисбати 1:5 га ёки 1:6 га етиши мумкин.

Меъда суюқлиғига қон ивиқларининг аралашиб тушниши шиллиқ парданинг зонддан шикастланишига боғлиқдир, талайгина қон аралашиб тушадиган бўлса, зондлашни дархол тўхтатиш керак. Жигар циррозлари, меъда яралари, ўсмалари ва баъзан гастритларда қизилунгачининг кенгайган веналаридан зондлаш вақтида қон

кетиши мүмкин. Меъда суюқлиги гүшт чайиндисига ва кофе қуйқасига ўшаб тушиши мүмкин, бу — илгарироқ меъдадан қон кетиб, меъда шираси таъсирига учрагалигини кўрсатади. Баъзи ҳолларда меъда суюқлиғига ўт (сафро) аралашиб тушади. Нормал меъда суюқлиги нордон-ачимсиқ ҳидли бўлади, меъда суюқлиги туриб қолганида ачиған мой, спрка, палагда тухум ҳиди ёки қўланса ҳид келиши мүмкин.

Нормал меъда ширасида умумий кислоталар 40—60, эркин хлорид кислота 20—40, биринккан хлорид кислота 15—20 бўлади. Гиперацид гастритлар, меъда яраларида, баъзида эса соғлом одамларда ҳам кислоталар миндори ҳозир айтилгандан кўра кўпроқ бўлиб чиқади. Кислоталарнинг камайини гипацид гастритлар, авитаминозлар, холециститлар ва меъда ракига алоқадордир. Бироқ, кислоталарнинг етишмаслиги (гипацидитас) ва тўла ахилия баъзи одамларда учраб туради ва умр бўйи сақланиб қолади.

МЕЪДА ШИРАСИНИ ФРАКЦИЯЛАРГА БУЛИБ ТЕКШИРИШ

Меъда ширасини фракцияларга булиб, ингичка зонд билан текшириш камроқ озор етказади ва меъда шираси секрецияси тўғрисида анча аниқроқ тушунча беради. Ингичка меъда зонди оғиз ёки бурун бўшлиғи орқали киритилади. Беморга суюқ нонушта берилади (куйироққа қаралсин) ва меъда суюқлиги вақтбавақт олиб турйлади. Текшириш натижалари жадвал кўрининшида якунланади ёки эгри чизиқлар кўринишгіда тасвирланади. Йўгон зонд билан текшириш қайси ҳолларда ўринли бўлса, текширишнинг бу усули ҳам худди шундай ҳолларда ўринилдири. Ингичка зондни, хусусан бурун бўшлиғи орқали киритиладиган бўлса, bemорлар буни яхши кўтаради, шунга кўра бу усулдан йўгон зонд юборишга монелик бор ҳолларда ҳам фойдаланса бўлади.

Текшириш учун оливасиз ингичка резина зонд, тоза буш пробиркалар қўйилган штатив ва шприц керак. Текшириш оч-наҳорга, яъни овқат ва суюқлик истеъмол қилишдан илгари, эрталаб ўtkазилади. Бериладиган суюқ нонушталар: 400 мл илик бульон (Зимницкий нонуштаси) ёки 200 мл илтилган янги карам суви (Лепорский нонуштаси) ёки 300 мл сувда эритилган 0,2 г

кофеин (кофеинли нонушта) ҳаммадан объектив ҳисобланади; у асл ахилияни функционал ахилиядан ажратиб олишга имкон беради.

Росмана атеросклероз, гипертонияда, қон кетганидан кейин, ҳомиладорликда бу текширишни килиб бўлмайди. Одам бадани қизиб кетса, териси қизарадиган ва боши оғрийдиган бўлса димедрол ёки супрастин берилади. Инсулин синамаси ҳам қилинади, бунда инсулин беморнинг 10 кг оғирлигига 2 бирлик ҳисобидан тери остига юборилади ёки 4 бирлик инсулин венага юборилади. Диабет, стенокардия, атеросклероз ва бошқаларда бу синамани буюриб бўлмайди.

Меъдадан шира ажралишини радиотелеметрик йўл билан гекширишдан мақсад меъданинг айrim қисмларида шира ажралишини тұхтовсиз бевосита қайд қилиб боришидир. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган кичкинагина «Капсула» электрон асбоби меъданинг турли чуқурлигига юборилади. pH қайд қилинганда 1,7 билан 1,5 орасида бўлса, бу титрлаш йули билан топиладиган нормал 20—40 эркин хлорид кислота бирлигига тўгри келади; pH 3,0—3,5 дан юқорироқ бўлиб чиқса, бу хлорид кислота йўқлигини кўрсатади, шу кўрсаткичнинг 1,5 дан кам бўлиши кислоталикнинг кўплигидан дарак беради.

Баъзи ҳолларда базал (туиги) меъда шираси секрецияси текширилади (ширанинг микдори ва таркиби). Бурун бўшлиги орқали меъдага 12 соатга ингичка зонд киритилади ва ҳар 15—30 минутда ёки ҳар 2 соатда меъда суюқлиги сўриб олиниб, ҳар қайси порцияси текширилади. Олдиндан тери остига ёки венага инсулин юборилади (5—10 бирлик). Зондни ишлатиш олдидан унга учидан ҳисоблаганда 40 ва 60 см ли масофага белгилар қўйилади, шунда зонд учи қаерда турганлиги ҳақида тўғри фикрга келса бўлади. Зонд 20 минут давомида қайнатиб стерилланади. Меъданни зондлаш техникаси қандай бўлса, бу зондни юбориш техникаси ҳам худди шундай. Зонд 50—70 см ичкарига киритилганидан кейин ташки учи паст туширилади ва меъда суюқлиги шприц билан сўриб олинади. Шприц тулганидан кейин уни зонддан чиқариб олиш ва зонднинг ташки учини тосга тушириб қўйиш кифоя, шунда меъда, сифон принципига мувофиқ, аста-секин бўшалиб боради. Меъда суюқлиги тамомила чиқариб олинади ва суюқ нонушта юборилади. Кейинги

$1\frac{1}{2}$ —2 соат мобайнида меъда суюқлиги ҳар 10—15 минутда шприц билан олиниб, пробиркаларга бўшатиб борилади. Меъда суюқлиги солинган 8—12 пробирка қандай тартибда олинган бўлса, худди шу тартибда штативга қўйиб чиқилади. Текширишнинг соддалаштирилган усулида шира наҳорга, кейин эса суюқ нонуштадан сўнг 25 минут оралатиб ва сўнгра ҳар 15 минутда ҳаммаси бўлиб 4 марта олинади. Меъданинг секретор фаолияти нормал бўлса, хлорид кислота миқдори 40 минут давомида аста-секин кўпайиб боради, 20—30 минут давомида энг юқори рақамларда туради. Текшириш тамом бўлганидан сўнг зонд ювилади ва қайнатиб стерилланади.

МЕЪДАНИ ЮВИШ

Меъдани ичидагилардан бўшатиш учун, одам заҳарланиб қолганида заҳарли моддаларни, операциядан кейинги даврида газлар, қон ва меъда ширасини чиқариб ташлаш учун меъдани ювиш усули қўлланилади. Меъдани ювишда сифон принципидан фойдаланилади, бунда 2% идишни туташтириб турган суюқлиқ билан тўлган найдан суюқлиқ пастдаги идишга оқиб тушади. Идишларнинг бири — сувли воронка бўлса, иккинчиси тўла турган меъдадир (94-расм). Воронка кўтарилилганида суюқлиқ меъдага тушса, воронка паст туширилганида меъдадан воронкага қайтиб чиқади.

Меъдани ювиш учун стерилланган йўгон меъда зонди 0,5 литрли, зондга лойиқ келадиган воронка, сув ёки дори моддаси солинган кўза (2% ли-сода эритмаси, кучсиз кислота эритмаси ва бошқалар), меъдани ювадиган одам киядиган клеёнка фартук, беморга тутиб қўйиши учун клеёнка ва чойшаб керак. Ювинди сувларни тўкиш учун тос ва чепак ҳамда беморни артиш учун сочиқ ҳам зарур бўлади. Зондни қайси ҳолларда киритиб бўлмаслиги ва зонд солиш техникаси 219-бетда тасвирланган. Зондни киритиш пайтида воронка паст туширилади (А). Қорин пресси қисқариб, қорин ичидаги босим кўтарилилганида воронкага меъда суюқлиги чиқа бошлайди. Баъзан зонд сал киритилиши билан ёки сал орқага тортилиши билан суюқлиқ чиқади. Зонд ва воронка суюқлиқ билан тўла турган бўлса, меъда кейин сифон принципига мувофиқ яна бўшалаверади. Воронкага суюқлиқ чиқмай қўйгунча меъда суюқлиги шу



94-расм. Меъдани ювиш.

А — суюқлини воронкадан тўкиш; Б — меъдани тұлдыриш.

тариқа чиқарыллады. Меъда суюқлиғи воронкага чиқмай құйғаннан кейин воронка сувга тұлдирилиб, меъда дамидан баландроқ қилиб күтарилады. Бунда суюқлиқ тезда воронкадан меъдага тушады (Б).

Воронка аста-секин күтарилады ва меъдага сув тез үтәётганида ҳаво имкони борича камроқ сүриладынан бұлиши учун воронка бир оз нишаб қилиб ушланады. Шундан кейин воронка паст туширилиб ювинди сув билан тұлиши кутиб турилады. Тұлған воронка торайған қисміга қадар суюқлиқдан бұшатылады. Воронка яна тұлмасынан деб кутиб туриш керак, айни вақтда зондинг букилиб қолмаслигига ва уни касал тиши билан қисиб құймаслигига қараб туриш лозим. Воронкады суюқлиқ бұшатылаётганды чиққан суюқлиқ миқдорининг ісборилған суюқлиқ миқдоридан кам бұлмаслигига қараб бориш зарур. Бунинг учун воронка паст туширилаётганды воронка меъда суюқлиғи билан батамом тұлмагунча кенг қисмини юқори қилиб тутиш керак. Воронка тұлишдан тұхтаганидан кейин суюқлиқ тұқиб ташланады (94-расм, А га қаралсın), воронка яна сув билан тұлдирилады ва меъдани тұлдириш ҳамда суюқлигини чиқарып ташлаш иши қайта-қайта тақрорланады.

Меъдада овқат туриб қолған бұлса меъдани юниш чайнинди сув тоза бұлып түшгүнча давом эттириллады. Меъдани ювиб бұлғандан кейин зонд чиқарып олилады, бутун система ювилады ва стерилланады.

Зонд жуда юмшоқ бұлиб, қызылұнгачдан яхши үтавермаса (нече мартараб қайнатылған зонд), шунингдек бемор етарлича тайёрланмаган, яғни қилинадын манипуляциянынға зарурлигига яхши ишонтирилмаган бұлса зонд солиш муваффакиятсиз чиқиши мумкин. Меъда бүш бұлмаса, ингичка зонддан фойдаланиш ярамайды, чунки бу зонд меъда суюқлигидеги қаттық зарралар билан тиқилиб қолиши ва юнишни қийинлаштириб қўйиши мумкин. Бемор ётқизиб қўйилған бұлсаю, қайт қылса қусуқ массаларининг ҳиқилдоқ ва нафас йўлларига тушиб қолиши хавфи туғылады. Бемор қайт қилаңған бұлса бошини ён томонга буриш ва оғзига келган қусуқ массаларини олип ташлаш зарур.

ЦИТОЛОГИҚ ТЕҚШИРИШ УЧУН МЕ҃ДА СҮҮҚЛИГИ ОЛИШ

Меъданы ювиш усулидан ювинди сувларда хавфли ўсма (меъда раки) ҳужайраларини топиш мақсадида утказиладиган текшириш учун фойдаланса ҳам бўлади. Текширишнинг бу хилида меъданни наҳорга ювиш, меъдада овқат туриб қолган бўлса, уни кечқурун ҳам ювиб, текшириш учун эса эрталабки, иккинчи марта ювиш сувини олиш керак. Йўғон зонд киритилганида аввал меъда суюқлиги алоҳида идишга олинади. Зондни чиқариб олмай туриб ундан 300 мл илиқ сув юборилади, сўнгра уни меъдадан алоҳида идишга тушириб йиғиб олинади. Меъдага шу тариқа сув юбориш такрорланади ва алоҳида-алоҳида идишларга йиғилган учала порциянинг ҳаммаси текширишга жўнатилади. Цистологик текшириш учун 1—2 соатдан кейин чўкиб тушадиган чўкма олинади. Қасал балғамини туфлаб ташламасдан, ичига ютиб юборадиган бўлса, сил микобактерияларини аниқлаш учун ҳам меъда ювинди сувлари худди шу тариқа олинади.

МЕ҃ДАНИ ЧАЙИШ

Меъданы ювишга қараганда бирмунча мулойимроқ ҳисобланадиган процедура уни чайишdir. Ўткир ва хроник гастритларда, меъда фаолиятининг функционал ўзгаришлари ва дуоденитларда меъданни чайиш ўринлиdir. Меъданни чайиш учун сода (1—2%), калий перманганат (1 : 5000), новокайн, кумуш нитраг эритмалари ва минерал сув ишлатилади, уларнинг температураси 20° дан 40° гача бўлади. Меъда овқатдан 1—1½ соат илгари, стенозларда эса кечаси ётишдан олдин ҳам меъда чайлади. Душсимон оқим берадиган майдада тешиклари ва ювинди сувларни йиғиш учун оливаси бўладиган қўшалоқ юлдузча зонд зарур.

МЕ҃ДА СҮҮҚЛИГИНИ СҮРИБ МУТТАСИЛ ЧИҚАРИБ ҚУИШ

Зондни узоқ муддатга қолдириш зарур бўлганида суюқлик эвакуацияси учун ингичка зонд ишлатилади. Ингичка зондни меъдага қаттиқ овқат қолдиқлари ёки ўша зонд тешикларига тиқилиб қоладиган ва шу тариқа уни бефойда қилиб қўядиган қон лахталади.

ри бұлмаган ҳоллардагина ишлатса бұлади. Зонд кири-тилгандан кейин (237-беттә қаралсın), суюқлиқ келмай-диган бұлса шприц ёки воронка ёрдамида сув юбориш хамда уни чиқариб ташлаш йұлы билан меъдани юниш мүмкін. Зонд суюқлиқ билан тұлдирилганидан кейин меъдадаги суюқлиқни чиқариб ташлаш учун туташ идиш-лар принципидан фойдаланилади.


Баъзи ҳолларда (меъда парезлари, перитонитларда) меъдадаги суюқлиқни актив радиашда сүриб чиқариб туриш маңыздурылғанда бұлади. Меъдага киритилгандың ингичка зонд резина най ёрдамида герметик беркитилгандың идиш билан туташтириләди, бу идишни юқоридагиси (1) дан пасткиси (2) га суюқлиқ үтадиган иккінші идиш системасына улаш йұлы билан ичида бир оз сийракланиш ҳосил қилинади (95-расм). Шиша идиш (3) меъда суюқлиғи билан тұлғандан кейин меъда зондига борадиган найға қон тұхтатувчи қисқыч құйиб бұштылади, сұнгра эса бутун система яна тикланади. Пастки идиш суюқлиқ билан тұлғанидан кейин ғұласынни юқорига, бұшыни эса пастта қуйиб банкаларнинг вазиятын үзгартыриләди, сұнгра бутун система яна юқоридаги бұш (3) банкага ула-нади.

ЭЛЕКТРОГАСТРОГРАФИЯ

Бу метод меъда мускуллари қисқарғанда ҳосил бұлдиган электр потенциаллари фарқы (харакат токлари) ни тана юзасидан ёзиб олиш йұлы билан меъда мотор (харакат) функциясини текшириш учун құлланилади. Текширишнинг мақсадында қараб таъсирот тариқасида ҳар хил нонушта, масалан, Певзнер тақлиф этган № 1 стол нонуштаси, ширин нонушта ва бошқалар берилади. Электр потенциаллари фарқини ёзиб олиш учун электрогастрограф ЭГС-3 құлланилади. Овқат ейилганидан кейин электрогастрограмма (ЭГТ) нинг ҳамма күрсаткичлари оч-нақорға олинган ЭГТ күрсаткичларига қараганда ортиқроқ бўлиб чиқади.

Нормада нонуштадан кейинги электрогастрограмма тищчалари тахминан бир-бирига тенг келадиган эгри чизиқдан иборатдир. Меъда мотор фаолиятнинг хар хил тарзда үзгариши электрогастрограмманиң үзгаришига ҳам сабаб бұлади. Меъдадаги үзгаришларнинг табиатига қараб электрогастрограмма күпчилик ҳол-

ларда 40—180 минут давомида ёзиб борилади. Қасал чалқанчасига ётади, 2 электрод болдиrlари соҳасига боғланади, учинчиси (дифферент электрод) түш ости соҳасидаги меъдага тұғри келадынан қорин деворига құйилади. Аппарат ишга солингандан кейин тишчаларнинг



95-расм. Меъда суюқлигини тортиб олиш учун икки идиш (1, 2) системаси ва оралиқ башка (3).

амплитудалари етарлича булиб чиқадынан режимни танлаб олиш зарур. Текширишнинг охирі ёки үртасида контрол электропотенциал белгилаб олинади.

Электрогастрограмма күздан кечириб чиқылғанида потенциаллар фарқи, ҳаракат токларининг частотасы билан амплитудаси анализ қилинади. Мускул тонуси пасайганды потенциаллар фарқи құпаяды, тонус кучай-

ганида эса камаяди. Потенциаллар фарқи ҳар хил қасалликларда кенг доирада ўзгариб туради.

ЭГТ нинг умумий қонуниятлари белгилаб олинганидан кейин 5 минутлик оралиқлар ичидаги ўзгаришларни анализ қилишга ўтилади.

ҮН ИККИ БАРМОҚ ИЧАККА ЗОНД СОЛИШ (ДУОДЕНАЛ ЗОНДЛАШ)

Үт пуфаги, ўт йўлларининг аҳволини ҳамда меъда ости беzi функциясини аниқлаш учун ўн икки бармоқ ичакка оливали ингичка зонд солинади (дуоденал зондлаш).

Ўт пуфаги, ўт йўллари ва меъда ости безининг қасалликлари дуоденал зондлаш учун авж бўлади. Ўт пуфаги ва ўт йўлларидаги ўткир яллигланиш процесслари зонд солишга монелик қиласи, бунда зонд солиш процессининг зўриқишига сабаб бўлиши мумкин, оғир стенокардия, мия томирлари склерози ва юрак декомпенсациясида ҳам зонд солиб бўлмайди.

Текшириш учун узунлиги 1,5 м, йўғонлиги 3,5 мм келадиган ва бир неча тешиги бор металл оливаси (узунлиги 14 мм; айланаси 23 мм) бўладиган ингичка зонд ва пробиркалар қўйилган таглик зарур. Зондда 3 та белги бўлниши керак: белгилар оливасидан ҳисоблагандан 40-45 см (тишлардан кардиягача бўлган масофага тўғри келади), 70 см (меъданинг пилорус соҳасига тўғри келади) ва 90 см (зонднинг ўн икки бармоқ ичакда турганида тўғри келади) масофага қўйилади. Зонд ҳам худди пробиркалар сингари, қайнатиб стерилланади.

Текшириш оч қоринга ўтказилади. Зондни юборишидан олдин иссиқ сувга солиб олинади. Оғиз ёки пастки бурун йўлларининг бирортаси орқали киритилади. Аввалига касални ўтқазиб қўйиб олива тил илдизига қўйилади, касалга оғзини юмиб ютиш ҳаракати қилишни таклиф этилади, баъзан бир қултум сув ичирилади. Бемор зондни ютиши билан яна бир неча ютиш ҳаракатларини қиласи, олива қизилўнгач бўйлаб ўтади. Биринчи белгиси ўтганидан кейин касал ўнг ёнбоши билан күшетка-га ёстиқсиз ётқизилади, бели тагига юмшоқ нарса қўйилади.

Зонддан олинадиган суюқлиққа қараб унинг қаерда турганлиги тўғрисида фикр юритилади. Зонд меъдада

турган бўлса кислота реакциясига эга бўлган оч ранги тиниқ ёки сал лойқа меъда шираси чиқади (унга кўк лакмус қофоз текказилса қизаради). Зонд меъдада турган бўлса bemордан зондни тил билан юргизиб иккичи белгисига етиб келмагунча оз-оздан ютиб бориш суралади. Зондни тез итариб киритиш ўринсиздир, чунки бунда пилорус спазм бўлиб қолиши мумкин. Зонд иккичи белгисигача ўтганидан кейин bemор ағдарилиб чалқанчасига ётқизилади ва зондни учинчи белгисигача оҳиста сўриб борилади. Зонддан сарғиш тусли суюқлик кела бошлаганидан кейин олива ўн икки бармоқ ичакка ўтган деб ҳисобланади. Ажралиб чиқаётган суюқлик нинг ишқорий реакцияга кириб қолиши зонднинг ўн икки бармоқ ичакда турганини тасдиқлаб беради (қизил лакмус қофози кўкаради). Зонд қайрилиб қолиб, ўг чиқмаётган бўлса, зондни сал тортиб кўриб, bemорга бир неча қултум сув ичирилади. Шприц билан ҳаво юбориб зонднинг ўн икки бармоқ ичакка тушган-тушмаганини текшириб кўрса бўлади, зонд меъдада турган бўлса ҳаво юборилганини bemор сезади, ўн икки бармоқ ичакда турган бўлса буни сезмайди. Оливанинг турган жойини аниқлаш учун рентгенга солиб кўриш усулидан ҳам фойдаланилади.

Пробиркага биринчи ўт порцияси (А порция, бу тиниқ, сал ёпишқоқ, оч сариқ, тилла ранг суюқлик бўлади) йиғиб олинганидан кейин зонд орқали магнезий сульфатнинг 25% ли эритмасидан 40 мл ёки 30% ли эритмасидан 20—30 мл юборилади. Шу тариқа ўт пуфаги рефлекси ҳосил қилинади, яъни Одди сфинктери очилиб, ўт пуфаги қисқаришига эришилади. Магнезий сульфат юборишни bemорлар ҳамиша ҳам яхши кўтаравермайди. Унинг ўрнига зайдун мойи юбориладиган бўлса кейин ўтказиладиган микроскопик текшириш шароитлари ёмонлашиб қолади. Ўт пуфаги рефлексини қўзғатадиган яхши таъсирот 20—30 мл 10% ли пептон ёки аскорбат кислотали глюкоза эритмаси (сорбит) дир. Таъсирот юборилганидан кейин ҳар 15—20 минутда ўт алоҳида пробиркаларга йиғиб борилади. Бу — пуфакдан чиққан ўт (В порция) дир, у қорамтири-кўкиш рангда бўлади. Лойқа суюқлик (меъда шираси аралашган) келадиган бўлса, алоҳида пробиркага йиғилади. 30—40 мл ва ундан кўра кўпроқ пуфак ўти келганидан кейин яна оч тусли, сал ёпишқоқ жигар ўти кела бош-

лайди (С порция), бу ўт алоҳида пробиркаларга йифилади.

Дуоденал зондлашда зонд канюласининг қаерда турганлигини аниқлаш учун касалнинг бўйини ҳисобга олиш тавсия этилади (2-жадвал).

2 жадвал

Бўйи	Тишлардан меъдасининг кардиясигача бўлган масофа	Тишлардан пилорусгача бўлган масофа	Тишлардан ўн икки бармоқ ичаккача бўлган масофа
150—165	35	45	60
166—180	40	50	70
181 ва бундан кўп	45	60	85

Шунга яраша олдиндан белгилари қўйиб чиқилган учта зонд олинади. Мазкур касалга қайси зонд тўғри келадиган бўлса, ўшаниси ишлатилади.

Зондлаш иши етарлича пухта ўтказилмаган бўлса яхши чиқмаслиги мумкин, яъни ўт порцияларини олиб бўлмай қолади. Зонднинг юришини енгиллаштириш учун сдам чуқур нафас олиши, қорнини массаж қилиб чансенини кутариб қўйиш тавсия этилади. Зонднинг пилорусдан утиши қийинлашиб қоладиган бўлса (кислоталар кўп бўлганида аксари зонд яхши ўтмайди), зонд орқали 1% ли сода эритмаси юборилади, атропин инъекция қилинади, амилнитрит хидлатилади. Беморнинг кўнгли айнаб, қусгиси қистайдиган бўлса, чуқур-чуқур нафас олиш таклиф этилади. Зонд иккинчи белгисигача ютилганидан кейин bemorga 20—30 минут давомида айлануб юриб, зондни оз-оздан ютишга рухсат бериш мумкин. Шундан кейин касал чанофини юқорироқ қилиб ўнг ёнбош билан ётқизилади ва жигар соҳасига грелка қўйилади. Зондлаш одатда 50 минутдан 80 минутгача давом этади. А порциясини олишда ўн икки бармоқ ичакдаги суюқлиқнинг ҳаммаси сўриб олинади. Магнезий сульфат юборилганидан кейин магнезий аралашган 10—25 мл атрофида суюқлиқ олиб ташланади ва ундан ке-

йингина В порция йифила бошлайди. Ут ранги ўзгариб, бирмунча оч тусли ўт кела бошлаши билан С порция йифилади. В порциясининг чиқмаслиги зондлаш техникаси бузилганига боғлиқ бўлмасдаи, ўт пуфаги функциясига боғлиқ бўлиши мумкин.

Дуоденал зондлаш йўли билан меъда ости функционал ҳолатини текшириш бирмунча бошқачароқ бўлади. Зонднинг ўн икки бармоқ ичакда турганлигига ишонч ҳосил қилингандан кейин зонд орқали 30 мл 0,1—0,5% ли хлорид кислота эритмаси, эфир, секретин ёки зайдун мойи юборилади. Шундан кейин ўн икки бармоқ ичак суюқлиги бир соат мобайнида ҳар 15 минутда йифиб борилади ва шу суюқлиқда меъда ости бези ферментлари бор-йўқлигини текшириш учун жўнатилади. Ўн икки бармоқ ичакдан панкреатик ширани қайта-қайта олиш усулидан ҳам фойдаланилади, бунинг учун 2—3 соат мобайнида ҳар 20—30 минут сари 0,5% ли илик хлорид кислота эритмасидан 30 мл гача юбориб турилади.

Гипотония шароитларида дуоденографиядан, яъни мускуллар орасига 2 мл 0,1% ли метацин ёки 1 мл 0,1% ли атропин билан 5 мл 10% ли кальций глюконат инъекция қилгандан кейин зонд орқали барий сульфат юбориб, ўн икки бармоқ ичакни рентгенда текшириш усулидан ҳам фойдаланилади. Инъекциядан кейин 20 минут ўтгач зонд орқали 10 мл 2% ли новокайн эритмаси ва 150—200 мл барий сульфат эмульсияси юборилади.

ХОЛЕЦИСТОГРАФИЯ ВА ХОЛЕЦИСТОХОЛАНГИОГРАФИЯ

Холецистография. Ут пуфаги касалликларини аниқлаш учун, асосан ўт тошлари бор-йўқлигини билиш учун контраст моддалар ёрдамида ўт пуфагини рентгенологик йўл билан текшириш усулидан фойдаланилади, холецистография деб шуни айтилади. Текширишнинг бу усули жигарнинг ўт билан бирга бироз миқдор рентгеноконтраст моддаларни ўт билан бирга ажратса олиш хусусиятига асосланган. Текширишдан 12 соат илгари клизма қилишиб ичакнинг юқори қисмлари ҳам тозаланади ва беморнинг 30 кг оғирлигига 1 г ҳисобидан билитраст ичирилади. Билитрастни икки-

та бўлиб, иккинчиси биринчисидан 3 соат кейин берилади. Текшириш 12, 18 ва 24 соатдан кейин ўтказилади. Ўт пуфаги мотор функциясини аниқлаш учун 2 та тухум сариги ичирилади ва 15—20 минутдан кейин бир қанча рентгенограммалар олинади.

Холецистохолангография (холеграфия) — венага контраст модда юборилгандан кейин ўт пуфаги билан ўт йўлларнни рентгенологик текширишдир, бунда юборилган контраст модда жигардан ажралиб чиқади ва ўтга тушади. Ўт йўлларини контрастлаш учун йод препаратлари (билигност, билиграфин) ҳаммадан кўра кўпроқ ишлатилади. Бу текшириш жуда яхши натижаларни беради ва ўт пуфагининг аҳволидан ташқари ўт йўлларининг аҳволини ҳам билиб олишга имкон очади.

Беморни текширишга 2 кун мобайнида тайёрлаб борилади. Сут, қора нон, олма, карам берилмайди ва ичакни тозалаш учун клизма қилиб турилади. Текширишдан бир кун аввал касалнинг ўт препаратларига ортиқча сезгир-сезгирмаслигини аниқлаш мақсадида текширишдан бир кун аввал венасидан 1 мл билиграфин ёки 2 мл билигност юбориб кўрилади. Бадани қичишиб, тошма пайдо бўлса, эти увишиб ҳарорати кўтарилса, ёки ўндин кўтара олмасликни кўрсатадиган бошқа симптомлар пайдо бўлса йод препаратларини венадан юборишдан воз кечишига тўғри келади. Ҳозир айтилган симптомлар бўлмаса 20 мл билиграфин ёки 30 мл билигност тайёрланади ва улар рентген кабинетида венага юборилиб, муайян вақт оралатиб рентген суратлари олинади.

3—5 минутдан кейин рентген суратда контрастланган ўт йўллари кўрилади, шу йўллардаги ўт кейин ўт пуфагида йигилиб бориб, ўт пуфагининг концентрацион функцияси, катта-кичнклиги, шакли ва унда тошлар бор-йўқлиги тўғрисида тушунча беради. Ўн икки бармоқ ичакка ўт тез тушадиган бўлса терни остига 0,5 мл 1% ли морфин эритмаси, ўт йўли спазм сфинктерида эса 1—2 мл 0,1% ли атропин эритмаси терни остига инъекция қилинади. Ўт пуфаги қисқариши учун 2 та тухум сариги ичирилади.

Инфузион холеграфия усули ҳам қўлланилади, бунда 20% ли билигност эритмасидан касалнинг 1 кг оғирлигига 1 мл ҳисобидан 5% ли 150—200 мл глюкоза эритмаси қўшиб томчи усулида венага юборилади. 60—70—80 мл суюқлиқ 20—25 минут давомида юборилади.

Шундан кейин 15—20 минут үтказиб, $1\frac{1}{2}$ —2 соат мобайнида бир қанча сурат олинади. Холангография, яъни контраст моддани бевосита ўт пуфаги ёки ўт йўлларига юбориш йўли билан ўт йўлларини рентгенда текшириш усули ҳам қўлланилади. Тери орқали үтказила-диган холангография лапароскои назорати остида ўт пуфагини пункция қилиш йўли билан бажарилади (213-бетга қаралсин). Қўпинча ўт пуфагига ёки ўт йўлига ё бўлмаса умумий ўт йўлига контраст модда (кардио-траст) юбориш билан бир вақтда манометрия қилиш, яъни ўт йўлларидаги босимни ўлчаб бориш йўли билан операцион холангография ҳам қилинади.

ҚОРИННИ ПУНКЦИЯ ҚИЛИШ

Қорин бўшлигига экссудат ёки транс-судат (асцит) тўпланиб қолганида, шунингдек қорин бўшлиғига диагностика мақсадида ҳаво юбориш керак бўлганида қорин пункция қилинади. Пункция учун маҳаллий анестезия остида қилинадиган юмшоқ тўқималар операциясига зарур нарсаларнинг ҳаммаси тайёрлаб қўйилади. Игна ёки троакар билан маҳаллий анестезия остида тешик очилади, аввал қовуқ бўшатилган бўлиши керак. Бемор үтказиб қўйилади. Игна ёки троакар санчиладиган жой — урта чизиқ бўйлаб олганда, киндик билан қовуқ орасидаги масофанинг ярмисидан сал пастроги ёки чап ёнбош суюгининг олдинги қиррасидан киндикка томон борганда 4 см ичкаридадир. Асцитни чиқаришда суюқлиқ аста-секин олинади, қорин сочиқ билан тортиб боғланади. Пункция қилинган жой тикиб қўйилади.

Жигарнинг пункцион биопсияси. Цитологик, гистологик ва гистохимиявий текширишлар учун жигарни пункция қилиб тўқимасидан олиш мумкин. Қорин девори ёки қовурғалар ораси маҳаллий анестезия қилинганидан кейин текширишга жўнатиладиган айрим жигар ҳужайраларини ёки устунча ҳолидаги жигар тўқимасини олишга имкон берадиган махсус иғналар ёрдамида жигар пункция қилинади. Сабаби номаълум гепатомегалиялар, жигар пункциясининг издан чиққанлиги, сабаби номаълум сариқлик, жигар ўсмаси ва амилоидозига шубҳа туғилиши пункцион биопсия қилишни тақозо этади. Жигар циррозлари, хроник гепатитларда пункт-

ция қилиш процесснинг типини, даврини ва нечоғлик активлигини аниқлашга ёрдам беради. Қон ивувчанлигинг сусайғанлиги, кўпдан бери давом этиб келаётган сариқлик, жигарда йирингли процесслар борлиги ва бемор аҳволининг оғирлиги пункцияга монелик қиласди.

Пункция учун эфир билан ювилган қуруқ, стерил шприц, пункция учун алоҳида ва анестезия учун алоҳида игналар, 0,25—0,5% ли новокаин эритмаси, тупферни ушлаш (терини ювиш) учун асбоб, суртгичлар, спирт, йод настойкаси ва операция майдонини чеклаб қўйиш учун оқ сурп, эфир билан ювилган буюм ойналари ва 10% ли формалин эритмаси солинган пробирканни тайёрлаб қўйиш зарур. Жигар иккала бўлагининг олдинги бўлимлари ва устки юзаси пункция қилишга боп. Лапароскоп ёрдамида кўз билан кўриб туриб пункция қилиш ҳам мумкин (218-бетга қаралсин).

Жигар пункция қилинганида учрайдиган асоратлар: қон кетиши, ўтдан пайдо бўладиган перитонит, қорин бўшлиги органларининг тешишлиши, плевра ҳам тешилиб қолганида эса плеврал шок, пневмоторакс. Жигар пункция қилинганидан кейин касал ётган ҳолича палатага олиб келинади. У бир кеча-кундуз уриндан турмай ётиши керак. жигари соҳасига муз қўйиш буюрилади ва викасол берилади.

Пневмоперитонеум. Қорин бўшлиғига газ (кислород) юбориш қорин ичида ёки қорин пардасидан ташқарида жой олган ўスマларни, шунингдек жигарнинг пастки ёки устки юзасидаги ўзгаришларни аниқлаб олишга имкон беради. Қоринни пункция қилиш учун пневмоторакс учун ишлатиладиган аппаратдан ёки тери остига кислород юбориладиган асбоблардан фойдаланилади (97-бетга қаралсин). Киндик соҳасидаги тери маҳаллий анестезия остида йўғон лигатурага олиб, тортилади. Шундан кейин киндикдан 2 см четлаб қорин маҳаллий анестезия остида пункция қилинади ва қорин бўшлиғига игна орқали 600—700 см³ ҳаво юборилиб, рентгенологик текшириш ўтказилади.

Радиоизотоплар билан скенирлаш. Ҳар хил радиоактив препаратлардан фойдаланиб, бир қанча органлар: қалқонсимон без, ўпка, буйрак, жигар скенирланади. Радиоактив йод (I^{131}) билан нишонланган бенгал роза бўёғи юборилганида (200 мкг) у жигар ҳужайраларига ютилади, радиоактив олтин (Au^{198}) ва хром (Cr^{51}) эса

жигарнинг ретикуло-эндотелиал ҳужайраларига ўтади.

Йодни қалқонсимон без ютиб олишига йўл қўймаслик учун текширишдан олдинги 2—3 кун давомида беморга 3% ли калий йодид эритмасидан кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичиш буюрилади. Радиоактив бенгал rosa эритмаси bemornining 1 кг оғирлигига 0,3 мккори хисобидан, ҳаммаси бўлиб 4—5 мккори активликда юборилади. Бундай текширишини жигар функциясини аниқлаш ва унда локал ўзгаришлар (ўсмалар, эхинокоз, ўсма метастазлари) бор-йўқлигини билиш учун утказиш ўринлидир.

Текшириш наҳорга ўтказилади. Радиоактив моддаларнинг жигарда тақсимланиши скеннер деган маҳсус радиометрик аппарат ёрдамида текширилади, скеннер модданинг органда тақсимланиши ва импульсларини штрих чизиқлар кўринишида қайд қилиб боради, яъни органнинг тасвирини беради. Бенгал rosa ишлатилганида 10—30—60 минутдан кейин скеннограмма олинади. Жигар диффуз равишида шикастланган бўлса штрих чизиқчалар сони бир текис камайган ҳолда тушади. Локал ўзгаришлар бўлса, штрих чизиқлар кам бўлиб қолган жойлар кўринади.

СПЛЕНОМАНОМЕТРИЯ

Дарвоза венаси системасидаги босим даражасини ўлчаш учун спленоманометрия қўлланилади. Бунинг учун талоқни пункция килиб, игна сув манометри билан уланган игна талоқ бўғиқ товуш чиқарадиган циррозлари ва меъда-ичакдан номаълум сабаб билан қон кетаётганда бу текшириш ўринлидир. Қон иувучалиги сусайганда, талоқда йирингли процесслар ва эхинококз бўлганида спленоманометрия қилиб бўлмайди.

Операция учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси (стерил чойшаб ва асбоблар, 0,5% ли новокайн эритмаси, шприцлар, игналар) ва сув манометри, яъни игнага лойиқ келадиган канюласи бор резина найчага уланган, даражаларга бўлинган капилляр найда тайёрлаб қўйилади. Тери спирт билан артилиб, унга йод настойкаси сурилганидан кейин операция майдони салфеткалар ёки чойшаб билан чеклаб қўйилади. Физиологик эритма ёки 0,5% ли новокайн эритмасига тўлдирилган сув манометри билан уланган игна талоқ бўғиқ товуш чиқарадиган

зонага ўрта құлтиқ ости чизиги бүйлаб санчилади. Талоқ пункция қилинганида манометр (манометрнинг нолинчы даражаси талоқ дамида туриши керак) нормада сув устуны ҳисоби билан 120—180 мм ни күрсатиб туради. Спленоманометрия одатда талоқ орқали дарвоза системасига контраст модда киритишнинг дастлабки босқичи бўлиб ҳисобланади («спленопортография»га қаралсин). Операция вақтида дарвоза венаси системасидаги босимни аниқлаш зарур бўлиб қолса, чарви, меъда венаси ёки қорин бўшлиғидаги бошқа веналарни бевосита пункция қилиш йўли билан ўша манометрнинг ўзидан фойдаланилади.

СПЛЕНОПОРТОГРАФИЯ

Пункцион игнадан талоққа юборилган контраст модда талоқ ва дарвоза венаси орқали жигарга келади. Сўнгра рентгенологик текшириш ўтказиладиган бўлса дарвоза венаси системаси томирларининг нечоғлик тўлишганлиги маълум бўлади. Портографияни операция қилиб, киндик венасини очиш ва шу венадан контраст модда юбориш йўли билан Г. Е. Островерхов усулига мувофиқ қилиш мумкин. Контраст эритма юборилгандан кейин олинганд рентген суратлари талоқ ва дарвоза веналарининг ўтказувчанилигини аниқлашга ва жигардаги дарвоза венаси тармоқларининг нечоғлик тўлишувига қараб жигар тўқимасидаги ўзгаришларни билиб олишга имкон беради.

Портал гипертензияда, яъни турли жигар касаллуклари (циррозлар, үсмалар, дарвоза ва талоқ веналарининг тромбозлари ҳамда бошқа гепато-лиенал ўзгаришлари) муносабати билан дарвоза венаси системасида босим кўтарилиб кетиши сплен опортография қилишни тақоза этади. Қорин бўшлиғи органларида, хусусан талоқда яллигланиш процесслари бор деб гумон қилинганида, эхинококкозда, қон извучанлиги бузилганида талоқни пункция қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан спленопортографиядан олдин гемокоагулограмма текшириб кўрилади (қон извучанлиги, қон кетиш вақти, протромбин ва бошқалар). Пункция учун маҳаллий анестезия остида қилинадиган операцияга керакли пар-

саларнинг ҳаммаси тайёрлаб қўйилади (235-бетга қаралсин).

Морфин ёки промедол инъекция қилингандан кейин маҳаллий анестезия остида талоқ ўрта қўлтиқ ости чизиги бўйлаб етгинчи-саккизинчи қовурғалар орасидан пункция қилинади ва талоққа 25—30 мл 70% ли кардиотраст, триотраст, диодон илитилган ҳолда юборилади ҳамда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11 секунддан кейин рентген суратлари олинади ёки контраст модда юборилгандан кейин 2 секунд ўтказиб, битта сурат олинади. Контраст модда юборилганидан бошлаб 45 секунд ва 1 минуту 30 секунддан кейин олинадиган суратларда жигарнинг қуюқ сояси кўриниб туради, шу соя фонида тўлишув нуқсонлари (ўスマлар, кисталар) кўзга ташланиб туриши мумкин. **Учрайдиган асоратлари** — қон кетиши, йодни кўтаролмаслик.

РЕТРОПНЕВМОПЕРИТОНЕУМ

Қорин пардаси орқасидаги бўшлиқقا газ (кислород) юборилганидан кейин ўтказиладиган рентгенологик текшириш қорин пардаси ортидаги органдар шаклини кўрсатиб беради (ретропневмоперитонеум). Кокс оралиғига газ ўтадиган бўлса, пневмомедиастинум келиб чиқади. Қорин пардаси орқасидаги бўшлиқда буйракдан, буйрак ости бези, меъда ости безидан чиқсан ўスマлар борлиги ва бу ўスマларни қорин ичидаги ўスマлардан акратиб олишга зарурат туғиши кўпинча шу текширишни тақоза қилиб қўяди. Қорин бўшлиғи органларида яллигланиш процесслари бўлганида ҳамда юрак фаолияти издан чиқсан ва дармондан кетган касалларда бу текширишни ўтказиб бўлмайди.

Текшириш учун игна, шприцлар ва кислород юбориладиган аппарат тайёрлаб қўйилади (253-бетга қаралсин). Ичакни обдон тайёрлаш зарур. Касал тиззалири билан тирсакларини тираган ҳолида боғлов столининг четига ётқизиб қўйилади. Маҳаллий анестезия остида ўрта чизиқ бўйлаб думгаза учидан пункция қилинади ва игна думғазанинг ички юзасига 4—5 см киритилганидан кейин 0,25% ли новокайн эритмасидан 60—80 мл юборилади, кейин эса 750 мл дан 2 л гача кислород юборишга киришилади. Кислород рентген кабинетида

юборилади ёки касални ётган ҳолида рентген кабинетига олиб келинади. **Учрайдиган асоратлари:** нафаснинг қийинлашиб қолиши ва ўмров усти соҳаларининг тери ости клетчаткасида шиш ҳамда крепитация пайдо булиши, булар одатда давосиз йўқолиб кетади.

КЛИЗМАЛАР

Томчилаб қилинадиган клизмалар.

Томчи клизмалар орқа тешиги ва тӯғри ичак орқали ичакка суюқлиқлар юбориш учун қилинади. Суюқлиқларни оғиз орқали киритиш мумкин бўлмаганда, венадан юбориш қийинлашиб қолганида ва оғритадиган бўлгани учун, тери остига юбориш номақбул бўлганида шундай клизмалар қилиш ўринилди. Касал организми анча сувензланиб қолганида уидаги суюқлик ўрнини тўлдириш учун шу методдан фойдаланиш мумкин. Ичак қовузлоқлари қисқариб, касал клизмани тутиб туролмайдиган бўлиб қолмаслиги учун тӯғри ичакка юбориладиган суюқлик илиқ (40°) бўлиши ва аста-секин томчилаб-томчилаб кириб туриши керак. Ичак касалликлари билан оғриган беморларга томчи клизма қилиб бўлмайди.

Томчи клизмалар учун штативга осиб қўйиладиган оддий Эсмарх кружкасидан фойдаланса бўлади, унга винтсимон қисқичли резина най кийгазилади. Қисқич ичакка минутига атиги 40—50 томчи суюқлик ўтиб турадиган қилиб бураб қўйилади. Резина най учига кийгизилган иаконечник (учлик) резинали, юмшок, диаметри кичик бўлиши керак, яхшиси катетерни ишлатган маъқул. Суюқлик ўтиб туришини яхшироқ текшириб бориш учун системага томизгич улаш мумкин (74-бетга қаралсин). Эритмаси совиб қолмаслиги учун эритмали кружка ва найни грелка билан иситиб турилади.


Касал томчи клизмага тайёрланган бўлиши, яъни тӯғри ичаги ахлат массалари ва газдан бўшалган бўлиши керак, бунга эришмоқ учун, яхшиси, олдиндан тозаловчи клизма қилиш керак. Томчи клизмани юбориш учун одатда физиологик эритма ишлатилади. Тӯғри ичак таъсиранмайдиган бўлиши учун такрорий томчи клизмаларни эҳтиёт бўлиб қилиш лозим. Тӯғри ичак орқали бир кеча-кундузда 2 л гача суюқлик юборса бўлади.

Сифон клизмалар. Сифон клизмалардан мақсад ичак-

ни газ ва ахлатдан бүшатишдир. Одатдаги клизмалар кор құлмай құйса ёки уларни қилиш мүмкін бүлмаса ана шундай ҳолларда сифон клизмалар қилинади. Сифон клизмада туташ идишлар принципидан фойдалаплади (96-расм), бунда ичак шу идишларнинг бири бүлса, иккинчиси — тұғри ичакка киритилган резина найнинг ташқи учидаги воронкадир.

Газлар тутилиб қолганида ва ичак парезида, операциядан кейинги даврда, йұғон ичак үсмаларида, ичак чала буралганида, битишмалар туфайли ичак тутилиб қолганида ва метеоризмининг ұлт хил турларидан сифон клизмалар құйиши керак бүләди. Йұғон ичакда операция қилинганидан кейин биринчи күнларда, үткір аппендицитда ва ичакдан қоңкетаётган ҳолларда бүндай клизмаларни қилиб бүлмайды.

Сифон клизма учун фақат шу мақсадға ишлатиладиган ва узунлиғи 75 см ҳамда диаметри 1,5 см бўлиб, ташқи учига 0,5 л атрофида суюқлиқ сифадиган воронка



96-расм. Сифон клизма.
А — сув юбориш; Б — ичакдаги суюқликни чиқарып ташлаш.

күйгазилган стерил меъда зонди тайёрлаб қўйиш зарур. Сувли кўза, тос, сувга тутиладиган челяк ва тосдаги чайинди қўйиладиган яна бир челяк, клеёнка ҳамда бемор тагига қўйиладиган судно ҳам зарур бўлади. Касал чап ёнбошига ёки чалқанчасига ётқизилади. Зондининг тұғри ичакка киритиладиган учига мўл қилиб ва-

зелни суралади ва зонд воронкадан илиқ (40°) сув билан тұлдирилади. Зонддан ҳавони сиқиб чиқариш учун воронканинг қаршиисида турган учи аввал юқори күтарилади, сұнгра эса воронкадаги суюқлиқ дамигача паст туширилади. Беморнинг тагига клеёнка ёзилиб, резина судно құйилади. Зонддан сув оқиб тушмаслиги учун уни сиқиб туриб учи орқа тешікдан тұғри ичак ампуласынга киритилади. Шундан кейин воронкадан ичакка суюқлиқ ұта бошлайдын қилиб воронка күтарилади (96-расм, А). Зонд тұғри ичакка түшганидан кейин яна камидә 30—40 см нари суралади. Зонднинг тұғри ичак ампуласында қайрилиб қолмаслигига қараб бориш ва зарур бұлса, унинг ҳолатини бармоқ билан текшириб күриш керак.

Воронкадан сув ичакка үтганидан кейин туташ воронкага суюқлиқ идишлар принципиға мұвоғиқ қайтиб оқиб чиқадын қилиб воронка паст туширилади (96-расм, Б). Айни вақтда суюқлиқ оқими билан бирга ичакдан пуфакчалар күринишида газлар, шунингдек ахлат бұлаклари ва суюқ ахлат массалары тушади. Ичакдан чиқадын суюқлиқ юборилганиңа нисбатан кам бұлмаслигини кузатыб борилади, суюқлиқ құйиб олинади ва яна худди шуича миқдор сув құшылади. Воронкани дам күтариб, дам паст тушириб, газлар чиқиб бұлмагунча ҳамда воронкага тоза сув келмагунча ичак юнилаверади. Сифон клизма учун 1 беләк ва баъзан бундан күра күпроқ сув ишлатылади. Юборилған сув билан чиқарылған суюқлиқ миқдори баравар булишини ҳамиша кузатыб борып ва касалда ичакнинг тұлғоқсымон қисқарышларын пайдо бўлишиңга қараб воронкани тушириш керак.

Хатолар: Ичакда күп миқдор сув қолдириш, зондиннинг тұғри ичак ампуласында қайрилиб қолиши (бунда ичакнинг бұшалиши қийинлашади) ва суюқлиқ тез юборилганиңа системага, ундан эса ичакка ҳаво ұтиши ва воронкадаги суюқлиқнинг тұқишли кетиши.

Озиқли клизмалар (151-бетта қаралсун).

Ичак души. Ичак души учун ишлатыладын асбоб-ны М. Г. Каминский таклиф этган бўлиб, у тұғри ичакка киритиладын, узунлығы 16 см ва тешигининг диаметри 1 см келадын йўғон металл найдан иборатдир. Найнинг ректал қисмида чайнинди сувларни тушириш учун $1,5 \times 1$ см катталиктаги овал тешик бор. Найнинг ташқи учида

45° бурчак остида чиққан 5 см узунликдаги патрубок бұлади, бу патрубок канализацияга туташтирилған. Тұгри ичакка ювадиган суюқлиқ юбориш учун йүғон ичак на-йиннинг патрубоги орқали киритилдіганды 1,5 м узунлик-даги ингичка резина зонддан фойдаланылады. Ингичка резина зондпинг ректал учида бир талай майдың тө-шуклары бор.

Ичиға ингичка резина зонд солишиб вазелини суралған наконечник (учлик) тозаловчи клизмадан кейин тұгри ичакка киритилады. Оқиста ҳаракаттар билан ингичка зонд 60—80 см ичкаригача суріб борилады. Юувучи эрит-ма шу зонддан юборилады, шунда бу эритма шиллиқ парданы ювади ва йүғон ректал наий орқали канализация-та тушиб кетады. Юувучи эритмалар үрнида минерал сувлар, сода эритмаси ва бошқа доришли суюқлиқтар иш-латылады.

СИЙДИК ОРГАНЛАРИ
ҚАСАЛЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ
(ДИАГНОСТИКА) ВА
ДАВОЛАШНИНГ ТЕХНИК
УСУЛЛАРИ

КАТЕТЕРЛАШ

Қовуқдан сийдикни чиқариб ташлаш ва қовуқни чайиш учун катетерлаш усули қўлланилади. Сийдик бирдан тўхталиб қолганида, простата бези аденомалари (гипертрофияси) ракида, қовуқ ва уретра травмаларида, қовуқ ва уретрага тош келганида, уретра структурасида, марказий нерв системаси қасалликларидан (бош ва орқа мия ўсмалари, орқа мия травмалари хамда кўндаланг миелитлари ва бошқаларда) ва турли бўшлиқ операцияларидан кейинги даврда (қовуқ сфинктери спазм бўлиб қолганида) тезлик билан катетерлаш керак бўлади. Қовуқни ювиш ва диагностик текширишларда эритмалар билан тўлдириш зарур бўлганида ҳам катетерлаш керак бўлади («Цистоскопия» га қаралсни, 266-бет). Катетерлашга монелик қиладиган ҳоллар: қовуқ соғлом бўлгани билан уретрада яллигланиш борлиги. Уретра ва қовуқ траъмаси бор деб гумон туғилганида қаттиқ катетерларни ишлатиб бўлмайди. Простата бези гипертрофиясида уретранинг шикастланмаслиги ва сохта йўл ҳосил бўлмаслиги учун тўғри эластик катетерлардан (тумшуқсиз катетерлардан) ва ингичка металл катетерлардан фойдаланиб бўлмайди.

Катетерлаш иши одатда юмшоқ резина катетер билан қилинади, иложи бўлмаган тақдирдагина эластик ёки металл катетерлардан фойдаланишга ўтилади. Резина (юмшоқ) катетерлар (энг кўп ишлатиладиган № 14—18), ишак газлама ёки пластмассадан ясалган ярим қаттиқ, эластик, қайриувчан катетерлар, ҳар хил эгриликдаги эркак катетерлари ва аёл катетерлари ишлатилади.


Катетерлаш вақтида асептикаға доим қаттық риоя қилиш керак, чунки хусусан сийдик тұхталиб қолганида ва такрор-такрор катетерлашда инфекция тушиб қоладиган бўлса жуда оғир асоратларга сабаб бўлади. Шу муносабат билан резина катетерлар сувда 15 минут давомида қайнатиш йўли билан стерилланганидан кейин, металл катетерлар эса 1% ли сода эритмасида қайнатилгандан кейингина ишлатилади. Эластик ипак катетерлар қайнатиш йўли билан стерилланмасдан, балки махсус цилиндрсимон идишларда формалин буғларида 5—6 соат мобайнида дезинфекция қилинади. Идиш тубига формалин таблеткалари ёки 40 процентли формалин эритмасига ҳулланган пахта солиб қўйилади. Идишнинг оғзи ишқалаб бекитиладиган шиша тиқин билан ёпилади.

Эркакларда катетерлашдан олдин уретранинг кириш тешиги 1 : 5000 нисбатдаги фурацилии эритмаси, 1 : 1000 нисбатдаги симоб оксицаниид эритмаси ва дезинфекцияловчи бошқа эритмалар билан ювилиб, дезинфекция қилинади. Катетерни киритиш осонроқ бўлсин деб унга глицерин ёки стерил вазелин мойи сурилади (вазелин мойи унча бол эмас). Катетерлаш вақтида касал чалқанчасига ётқизиб қўйилади. Оёқларининг орасига сийдик тушадиган лоток қўйилади. Катетер уретра ва қовуққа кирадиган қисмларига қўл тегизмасдан, киритилади. Юмшоқ катетерни анатомик пинцет ёрдами билан киритиш зарур. Катетер тумшуғи уретранинг ташқи тешигига киритилганидан кейин катетер пинцет билан ушланиб, қовуққа ётиб боргунча оҳиста ичкарига итарилади, катетер ташқи тешигидан сийдик оқиб чиқиши унинг қовуққа тушганлигини кўрсатади. Катетернинг боришига тўсқнилик пайдо бўлса, бир оз кутиб туриш ва катетерни яна киритиш керак, бундай тўсқнилик кўпинча қовуқ бўйнидаги мускулларнинг тортишиб туришига bogлиқ бўлади.

Аёлларда юмшоқ катетер билан катетерлаш анча осон. Касал аёл сонларини кериб, чалқанчасига ётади. Катта жинсий лабларни ювилганидан кейин керилиб, уретранинг ташқи тешиги дезинфекцияловчи эритма билан тозаланади. Вазелин сурилган катетер пинцет билан киритилади ва ташқи тешигидан сийдик оқиб чиқмагунча ичкарига киритиб борилади.

Эркакларда ярим юмшоқ ипак катетерни киритиш


анча қийин. Сийдикнинг нима сабабдан тұхталиб қолганини назарга олиб, катетерни тұғри танлаш керак. Простата аденомалари туфайлы сийдик тұтилиб қолғап пайтларда ана шундай катетерлар ишлатилади. Бундай ҳолларда түмшүқсім он катетер олинаади ва формалып буглары билан дезинфекция қилиніб, стерил физиологик әрітма билан ювилганидан ҳамда устига глицерин суралғанидан кейин уретра ташқи тешигіга кири-тилади. Катетерни ичкарига суріб бориб, қовуқ бўйни олдига келганда тұхталади ва катетер түмшүғини тикка юқорига қилиб, қисқарыб турган сфинктер қаршилиги енгіб үтілади.




97-расм. Эркакка металл катетер солиш — I фаза.

Эркакларга металл катетер киритиш шу иш методикасини билишни, яхши малакани ва сийдик тутылиши патологияси тұғрисінде аниқ фикрга эга бўлишни талаб қиласы. Уретранинг ташқи тешиги худди юқорида айтилғандек қилиб тозаланиб, стерил катетерга глицерин суралғанидан кейин катетер үнг қўлга қалам сингари ушланади ва олатнинг бошини чап қўл билан ушлаб туриб, асбоб олат бошига киритилади (97-расм, I фаза). Катетерни түмшүғини юқорига қилиб буриб, ташқи учини қориннинг ўрта чизигига оҳиста тақаб борилади ва катетер олатга киритилади (98-расм, II фаза), бунда сийдик канали йўли ростланади. Катетер уретранинг

пардасымон бұлымиға тақалиб, сурилишиң қийинлашиб
қолганида жинсий олат билан асбоб тик қилиб ушлана-




98-расм. Эркакка металл катетер со-
лиш — II фаза.



99-расм. Эркакка металл катетер солиш —
III фаза.

ди (99-расм, III фаза). Катетерни зүр бермасдан, охис-
та киритиб ҳамда ташки қысмини қорин юзасидан узоқ-

лаштириб бориб, тумшуғи қовуққа туширилады 100-расм, IV фаза). Катетернинг ташқи тешигидан сийдик оқиб чиқиши унинг қовуққа тушганлигини күрсатади. Катетер киритишнинг охирги пайтида ҳам қовуқ сфинктери тортишиб туриши мүмкин (спазм), катетерга охпста босищ йўли билан уни енгигб ўтилади. Сийдикни чиқариб бўлгандан кейин қаттиқ катетер чиқариб олинади, бунинг учун уни киритишда қилинган ҳамма ҳаралатлар тескари тартибда бажарилади. Лёлларда уретра



100-расм. Эркакка металл катетер солиш — IV фаза.

унча узун бўлмасдан, деярли тик йўналишда ўтадиган бўлгани учун металл катетерни аёлларга киритиш қиин эмас. Резина ва металл катетерларни ишлатиб бўлгандан кейин ташқи ва ички томони совунлаб ювилади.

Хато. Сийдикни резина катетер билан чиқариб ташлаш мүмкин бўлган пайтда металл катетер ишлатиш. Хусусан простата аденоиди туфайли сийдик тутилиб қолганида ва уретра жароҳатланганида металл катетерларни ишлатиш оғир асоратга, соҳта йўл ҳосил бўлишига олиб келиши мүмкин. Бунда сийдик чиқмасдан уретрадан қон келади. Ана шундай асорат рўй бергудек бўлса, касални алоҳида даволаш учун тез жўнатиш зарур (қовуқни пункция қилиш, уни тешиш учун).


Касалда уретранинг яллиғланиши ёки жароҳатланишидан кейин сийдик чиқариш йўли торайиб қолган бўл-

са (стриктура) ингичка резина катетерлар ёки махсус эластик катетерлар ишлатилади, ё бўлмаса аввал стриктура бужланади, лекин бу махсус малакани талаб қиласди.

ЦИСТОСКОПИЯ ВА ХРОМОЦИСТОСКОПИЯ

Цистоскопиядан мақсад қовуқ бўшлигини унга киритилган махсус асбоб — цистоскоп ёрдамида кўздан кечиришdir.

Цистоскопда ёртиш системаси ва оптика бўлади, оптикаси қовуққа юборилган тиниқ суюқлиқ орқали қовуқ бўшлиги ва шиллиқ пардасини бир оз жатталашибтирилган ҳолда кўздан кечириб чиқишга имкон беради. Сийдик системасининг турли қасалликлари, гематурияда, қовуқ ва буйрак усмасига гумон туғилганида, простата бези катталашиб кетганида, пиурнида цистоскопия қилиш керак булади. Пиурнида ҳам, худди



101-расм. Ювиш учун ишлатиладиган
кранли ирригацион цистоскоп.

1 — автоматик клапан; 2 — суюқлик икки томонга оқадиган ювиш системаси жўмраги.

гематурияда қилинганидек, қовуқ обдон ювилганидан кейин цистоскопия қилиш мумкин. Сийдикда қон булиши цистоскопияга монелик қилмаса ҳам, қовуқ деворларини кўздан кечиришга қон ҳалақит берадиган бўлгани учун қон борлигига ҳеч қачон цистоскопия қилиб бўлмайди. Узоқ қасаллик оқибатида жуда дармони қуриб кетганди ва кекса беморларда, ўтқир эпидидимитда, йирингли простатитда ва қовуқ деворларининг ўтқир

йирингли касалларыда цистоскопия қилиб бўлмайди.

Цистоскопияни туйнукли ирригацион цистоскоп ёрдами билан бажарса бўлади (101-расм), бундай цистоскопнинг оптикаси чиқариб олинади ва икки томонга оқадиган юувчи система билан алиштирилади.

Цистоскоплар стериллашга чидамайди, шу сабабдан уларни оптиканин чиқариб олиб (ирригацион цистоскопларда) алоҳида идишлардаги формалин буғларда сақлайди. Цистоскопни ишлатиш олдидан формалиннинг ачиши радиаган таъсири йўколсан деб стерил сув билан ювиб ташланади, вино спирти билан артилиб, устига глицерин сурилади. Цистоскоп такрор ишлатилганида 1:1000 нисбатдаги симоб оксицианид эритмасида 15—20 минут давомида дезинфекция қилинади. Ирригацион цистоскопнинг оптик системаси вино спиртига ҳўлланган дока билан артилади. Цистоскопнядан олдин лампочкасининг куйган-куймаганлиги, ток ўтказадиган системасининг беками-кустлигини текшириб, цистоскоп синаб кўрилади. Бунинг учун контакт вилкани пасайтирувчи трансформатор орқали шнур билан ток манбаига уланади. Трансформатордан токни узуб қўйиб, цистоскоп корпуси ҳалқасига вилка кийгазилади ва лампочкаси етарлича равшан ёруғлик бериб ёнгунча ток астасекин кучайтириб борилади. Лампочкаси ёнмайдиган бўлса ҳамма контактлари текшириб кўрилади ёки лампочкаси алиштирилади.

Цистоскопиядан олдин одатда bemornинг жаги тозаланади ва унга таъсир доираси кенг хисобланган антибиотиклар берилади (бномицин, террамицин ва бошқалар). Хромоцистоскопия (қуйироққа қаралсан) қилинадиган бўлса 1—1½ соат олдин касалга 1 стакан сув ёки чой берилади. Касал оёқ тутқичли столга ёки урологик креслога жойлаштирилади. Цистоскопия одатда анестезиясиз қилинади, жуда сезгири касалларгагина 5—10 минут илгари уретрасига 2—3% ли новокаин эритмаси ёки 3:1000 нисбатдаги дикани эритмаси (15 мл) юборилади. Жуда безиллаб турадиган процесслар бўлса, катетердан қовуққа оғриқсизлантирувчи моддалар юборилади.

Ирригацион цистоскоп ишлатиладиган бўлса ювиш системасидан фойдаланиб, қовуқ цистоскоп киритилганидан кейин ювилади. Металл катетер қандай киритин-

ладиган бұлса, цистоскоп ҳам глицерин сурилганидан-кейин худди үшандай киритилади («Катетерлаш»га қаралсın, 261-бет), қовуқ бүшлиғи 1:5000 нисбатдаги симб оксицианиднинг илиқ эритмаси, 1:3000 нисбатдаги риванол ёки 2% ли борат кислота эритмаси билан ювилади. Қовуқ тахминан 200 мл миқдордагы худди үша эритма билан тұлдирилади. Шундан кейин әлектр токи улазында, ёруғлик зарур даражагача аста-секин кучайтириб борилади ва қовуқ күздан кечирилади.

Хромоцистоскопия. Буйраклардан ҳар бири шарттың функциясини аниқлаш үчүн хромоцистоскопия құлланилади. Текширишиңгін бу хилида цистоскоп киритилиб, қовуқ күздан кечириб чиқылганидан кейин венага 0,2—0,4% ли индигокармин эритмасидан 5 мл юборилады да эритма юборилған вақт аниқ белгилаб қойылади. Эритма юборилганидан кейинги 3—5-минутда соғлом буйракдан синка ажралиб чиқа бошлайды. Сийдикнин чап ва үнг буйракдан бұяла бошлаган вақтың қайд қилилади.


Цистоскопни чиқариб олишдан аввал трансформатордан ток узилади, кейин эса цистоскоп чиқариб олилади. Цистоскопни ишлатыб бұлғандан кейин ҳалқасынан вилкапи чиқариб олиб, цистоскоп қовуқ сув жұмрагы тағига тутилиб, ювилади. Ирригацион цистоскопнинг оптикалық системаси чиқариб олинади ва бу ҳам ювилади. Цистоскопи ва оптикалық системаси артилиб, формалин буғлары бор банкага жойланади. Цистоскопиядан кейин касалларға антибиотиклар берилади.

Хато: чироги ёнмайдыган, текширилмаган цистоскопни ишлатыш, цистоскопияда асептикани бузыш, гематурия ва пиурияда қовуқны чала ювиш. Цистоскопия вақтида асептика бузиладыган бұлса, йириңгли простатитлар, эпидицимитлар ва орхитлар авж олиши мүмкін (асоратлари).

СИЙДИК ИҮЛЛАРИНИ КАТЕТЕРЛАШ ВА РЕТРОГРАД ПИЕЛОУРЕТЕРОГРАФИЯ

Сийдик йүлларини катетерлаш ва ретроград пиелография қылыш үчүн катетеризацияон цистоскоплар ишлатылады (102-расм). Буларнинг ёрдамида сийдик йүлларига күз билан текшириб турғыбы, уретер катетерларини киритиш ва ҳар бир буйракдан сийдикни

алоҳида олиб, сийдик йўлларининг ўтказувчалигини текшириш ҳамда буйрак жомчалари ва сийдик йўлларини рентгенда текшириш учун буйрак жомчаларига контраст суюқлик юбориш мумкин. Буйраклардан биринда ўсма, сийдик йули ёки буйрак жомида тошлар борлигига гумон туғилғанида, гематурияда қайси буйракдан қон келаётганини аниқлаш учун сийдик йўлларини катетерлаш керак бўлади. Цистоскопияда қандай сабаблар монелик қиладиган бўлса, сийдик йўлларини катетерлашга ҳам худди шуларнинг ўзи, шунингдек қовуқда ўткир яллигланиш ҳодисалари борлиги монелик қиласди.




102-расм. Катетерлаш цистоскопи.

1 — лампочкаси; 2 — Альбаран ричагчаси; 3 — цистоскоп корпуси; 4 — ювиш системасининг жўмраги; 5 — уретер катетерини киритиш канали; 6 — Альбаран ричагчасининг кремальвераси.

Катетеризацион цистоскопининг хусусияти шуки, унда битта ёки иккита уретер катетерини ўтказиши учун каналлар бўлади. Бундан ташқари, катетеризацион цистоскопининг кремальвера билан туташган ричагчаси (Альбаран ричагчаси) бор, кремальвераси буралганида қовуқдаги уретер катетерининг учини тегишли томонга йўналтиришга имкон беради. Цистоскопия асбоблари қандай қилиб тайёрланадиган бўлса, бу атират ҳам шундай қилиб тайёрланади. Уретер катетерлари стериллашга чидамайди, булар 1 : 1000 нисбатдаги симоб оксицианид эритмаси билан дезинфекцияланиб, шу эритма билан ювилади ва цистоскоп киритилиб, қовуқ кўздан кечириб чиқилганидан кейин асептика қоидаларига риоя қилинган ҳолда узатилади. Сийдик йўлларини катетерлаш ва ретроград пиелография қилишда кўпинча маҳаллий анестезия қўлланилади. Туйнукли цистоскоп қандай киритиладиган бўлса, катетеризацион цистоскопни киритиш техникаси ҳам худди шундай-ю, лекин

бу цистоскооп, одатда йүгонроқ бўлгани учун анча қийин-роқ. Текширишдан 1 кун аввал касалга ични тозалай-диган клизма қилинади ва 2—3 та карболен таблеткаси берилади.

Пиелография қилишда ингичка уретер катетерлари сийдик йўлларидан буйрак жомчаларигача киритилганидан кейин цистоскооп чиқариб олинади, катетерлар эса тушиб кетмаслиги учун соннинг ички юзасига лейкопластир билан ёпиштириб қўйилади. Бемор каталкада рентген кабинетига олиб келинади. Контраст суюклиқ (10—40% ли сергозин эритмаси, 25—70% ли кардио-траст эритмаси) тана температурасигача истилади ва уретер катетерининг ташки тешшигига киритилган игна орқали шприц ёрдамида ҳар бир жомчага 7—10 мл миқдорида оҳиста юборилади. Шундан кейин буйрак жомчалари ва сийдик йўлларининг рентген суратлари олинади (пиелоуретерография).



103-расм. Операцион цистоскоп.

Буйрак жомчасига контраст юборилиши буйрак сан-чиғига сабаб бўлиши мумкин, бу уни юборишдан тўх-ташга мажбур қиласи. Суратни олиб бўлгандан кейин жомчалардаги суюқлиқ катетерлар орқали шприц билан сўриб олинади. Қовуқ ачишадиган бўлса, катетер киритилиб, ичидагиси чиқариб ташланади ва қовуқ ювилади.

Операцион цистоскопия и шлатиши.
Операцион цистоскоплар (103-расм) қовуқдаги кичикроқ ұсмаларни олиб ташлашга, қовуқ ұсмалари (папилломалари)ны биопсия ва электрокоагуляция қилинің имкон беради. Операцион цистоскопдан, түйнукли цистоскопдан фарқ қилиб, асбобларни (биоптсия қилиш ва ёт жисмларни чиқариб олиш учун солинадиган омбурни, электрокоагуляция учун киритиладиган электродларни) үтказишга имкон берадиган каттароқ диаметрдати канал бўлади. Асбобларга кремальера ёрдамида керакли йўналиш берилади. Асбобларни ишлатишдан олдин стерилланади ва текшириб кўрилади. Цистоскоп оптик системасиз ҳолда формалин буглари билан обработка қилинади, оптик системаси спирт билан артилади. Операцион цистоскопия одатда маҳаллий анестезия остида қилинади. Асбобни ишлатиб бўлгандан кейин қисмларга ажратилади ва сувда совунлаб ювилиб, қуруқ қилиб артилади, каналларни нуфлаб ташланади.

ЭКСКРЕТОР (АЖРАТИШНИ ТЕКШИРИШ УЧУН ҚИЛИНАДИГАН) ПИЕЛОУРОГРАФИЯ

Оғиз, тўғри ичак орқали, мускуллар орасига ва венага юборилган бир қанча контраст моддалар сийдик билан бирга ажралиб чиқади; буйрак жомлари ва сийдик йўллари рентгенографияси шуларнинг шаклини, нечоғлик тўлишувини аниқлашга ва бир қанча касалликларни бишлиб олишга (диагноз қўйишга) имкон беради. Буйрак, буйрак жомлари, сийдик йўлларни ва қовуқ касалланган деб гумон қилинганда (тошлар, ұсмалар, сил, буйракларнинг пастга тушиши ва бошқалар) экскретор пиелография қилиб кўриши керак бўлади. Бундай текшириш буйракларнинг функционал ҳолати ва буйрак жомларининг мотор функцияси тўғрисида ҳам тушунча беради. Беморнинг йод препаратларига жуда сезгир бўлиши экскретор пиелографияга монелик қиласиди, касалнинг йод препаратларига нечоғлик сезгирлиги текширишдан 1 кун олдин үтказиладиган синама йўли билан текшириб кўрилади (251-бетга қаралсин).

Текширишдан 1 кун олдин касалга ични тозалайди-

тан қлизма қилинади ва 2—3 та карболөн таблеткаси берилади.

Текширишни үтказиш учун 40% ли сергозин эритмаси тайёрланиб, илитилади ва тирсак венасига охиста юборилади. 20 мл 50% ли диодон эритмаси ёки 20 мл 65% ли гипак эритмаси ишлатиладиган бұлса, натижалар ҳаммадан яхши чиқади. 7—8, 15—20 ва 24—45 минут үтказиб, рентген суратлари олинади.

Пневморен «Ретроперитонеум»га қаралсин, 256-бет.

Зимницкий синамаси 38-бетга қаралсин.

АДАБИЁТЛАР

- Великорецкий А. Н., Кружков В. А. Хирургия. М., 1958.
Великорецкий А. Н. Неотложная хирургическая помощь. М., 1964.
Гагунова Е. Я Общий уход за больными. М., 1970.
Григорян А. В. Практикум по общей хирургии. М., 1970.
Дехтярь Е. Г., Титова А. К. Что должна знать и уметь палатная сестра хирургического отделения. М., 1968.
Маят В. С. Диагностическая и терапевтическая техника. М., 1969.
Предтеченский В. Е. Руководство по клиническим лабораторным исследованиям. Под ред. Л. Г. Смирновой и Е. А. Кост. М., 1960.
Червинский А. А., Бокарева Ю. Н., Малышева Ю. И. Основы практической реаниматологии. М., 1968.

МУНДАРИЖА

Сүз боши	3
I б о б. Касал умумий ахволини текшириб боришнинг асосий методлари	5
Термометрия	5
Электротермометрия Н. А. Анохина	8
Артериал ва веноз босимни ўлчаш	10
Л. А. Забрянская	14
Операция хонасида ва шошилинч ёрдам курсатиша қулланиладиган электрокардиография	14
II б о б. Текширишга баъзи биологик материалларни олиш	29
Текширишга қон олиш. Венадан қон олиш	29
Текшириш учун балғам олиш	36
Текшириш учун сийдик олиш	37
Текшириш учун ахлат массаларини олиш	39
Диагностик пункциялар	40
III б о б. Дори моддалари ва эритмаларни организмга юбориш техникаси	50
Инъекциялар	50
Аллергия	55
Тери остига инъекция қилиш	56
Мускуллар орасига инъекция қилиш	59
Веналарга инъекция қилиш	62
Суюқликларни қўйиш	64
IV б о б. Кислород билан даволаш (кислородтерапия)	88
Кислород юборишнинг ингаляцион усуллари	89
Тери остига кислород юбориш	97
Меъда ва ичакка кислород юбориш	99

V б о б. Терминал ҳолатларда курсатиладиган техник ёрдам чораларн	101
Терминал ҳолатлар ҳақида түшүнчә	101
Көп айланиши функциясими тиклаш	102
Нафас функциясими тиклаш	109
Үпкани аппаратлар ёрдамида вентиляция қилиш Л. Я. Вахрамеев	116
Бошқа патологик ҳолатларда күрнелидиган реанимациян чора-тадбирлар	141
VI б о б. Сунъий йүл билан овқатлантириш	148
VII б о б. Стерилизация ва операция хонасидаги аппаратлар	157
Асбобларни стериллаш	157
Бактерицид лампалар	169
Операция столи	171
Электр сүргич (аспиратор)	173
Диатермокоагуляция.	175
VIII б о б. Механик чок солиши учун ишлатиладиган аппаратлар	179
IX б о б. Эндоскопиялар	191
Эзофагоскопия	195
Трахеобронхоскопия	203
Гастроскопия	205
Ректороманоскопия	207
Лапароскопия	213
Торакоскопия	217
X б о б. Құқрак қафаси органлари касаллilikларини аниқлаш ва даволашнинг асосий техник усуллари А. Н. Великорецкий ва Д. А. Великорецкий	220
Спирометрия	220
Юрак ва томирларга зонд солиши ва ашынокардиография	222
Аерография	224
Пункциялар	225
Плèвра бүшлигидаги суюқлиқни сүриб олиш (аспирация)	227
Плевра бүшлигидаги ҳавони чиқарынш	230
Плевра бүшлигига сув чиқарадиган доимий дренаж қўйиш	231
Сув оқими билан ишлайдиган пасос ёрдамида плеврадан аспирация қилиш	233
XI б о б. Қорин бүшлиги органлари касаллilikларини аниқлаш (диагностика) ва даволашнинг техник усуллари	235

Меъдага зонд солиш (зондлаш)	285
Пўгои зонд ёрдамида меъда ширасини текшириши	237
Меъда ширасини фракцияларга бўлиб текшириши	239
Меъдани ювиш	241
Цитологик текшириш учун меъда суюқлиги олини	244
Меъдани чайиш	244
Меъда суюқлинини сўриб, муттасил чиқарив қўйини	244
Электрогастрография	245
Ун икки бармоқ ичакка зонд солиш (дуоденал зондлаш)	247
Холецистография ва холецистохолангиграфия	250
Корини пункция қилиш	252
Сиденоманометрия	254
Сплениортография	255
Ретропневмоперитонеум	256
Клизмалар	257
XII б о б. Сийдик органлари касалликларини аниқлаш (диагностика) ва даволашнинг техник усуллари А. Н. Велкорецкий ва Е. М. Бобарикина	261
Катетерлаш	261
Цистоскопия ва хромоцистоскония	266
Сийдик йўлларини катетерлаш ва ретроград инслоуретерография	268
Экскретор (ажратишни текшириш учун қилинадиган) пиелоурография	271

На узбекском языке
ВЕЛИКОРЕЦКИЙ Абрам Николаевич
МЕДИЦИНСКАЯ ТЕХНИКА
(Библиотека среднего медперсонала)

Перевод с издания издательства «Медицина», Москва, 1971 г.

Издательство «Медицина» УзССР—1975—Ташкент, Навої, 30.

Москва «Медицина» нашриётининг 1971 йилги русча
наширидан таржима

Мұхарріп Н. И соқ ова
Бадний мұхарріп К. Башаров
Тех. мұхарріп А. Бахтиёр ов
Корректор М. Ҳайдарова

Теришга берилди 16/VIII-74 й. Босишга рухсат этилди
14/III-75 й. Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. № 3. Қоғоз л. 8,625.
Шартлы босма л. 14,39. Нашриёт ҳисоб л. 13,79. Нашриёт № 19.
Тиражи 5000. Баҳоси 47 т.

УзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб
савдоси ишлари бўйича Давлат Комитети З-босмахонасининг
I-цехи. Тошкент, Радиал пр., 10. Заказ № 1780.

Баҳоси 47 т.

16

